



Сайпулла ТУРСУНОВ
Тошкентбой ПАРДАЕВ
Олтибой БЕГИМҚУЛОВ



**ЎЗБЕК
миллий кураши:
тарихи
ва
анъаналари**

С. ТУРСУНОВ
Т. ПАРДАЕВ
О. БЕГИМҚУЛОВ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУРАШИ ТАРИХИ ВА АНЪАНАЛАРИ

Монография

“Сурхон-Нашр”
нашриёти
2015

УЎК: 796.81(09)(575.1)

КБК: 75.715(5Ў)

Т 91

С.Турсунов, Т.Пардаев, О.Бегимкулов
“Ўзбек миллий кураши тарихи ва анъаналари”
Термиз: “SURXON NASHR” нашриёти, 2015. 204 б.

Масъул муҳаррир:

педагогика фанлари номзоди,
профессор Ж. Тошпўлатов

Такризчилар:

тарих фанлари номзоди,
доцент Э. Қобилов,
педагогика фанлари номзоди,
доцент Р. Тўлаганов

Ушбу китобда ўзбек миллий курашининг тарихи ва тараққиёти ҳақида мухтасар ҳикоя қилинади. Унда ўзбек миллий курашининг тарихий илдиэлари, анъаналари, фидойилари, номдор полвонлар ҳақида маълумотлар жамланган. Шунингдек, ўзбек миллий курашида муҳим ўрин тутган Сурхон воҳасидаги кураш тарихи ва анъаналари билан боғлиқ жиҳатлар ҳам таҳлил этилган.

Китоб илмий, оммабоп тарзда ёзилган бўлиб, кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Китоб Термиз давлат университети кенгашининг 2015 йил 29 январдаги 6 - сонли қарори асосида нашрга тавсия этилган.

© С. Турсунов, Т. Пардаев, О. Бегимкулов

© «Сурхон-Нашр» нашриёти, 2015 йил

ISBN: 978-9943-4580-0-0

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУРАШИ ТАРИХИ ВА АНЪАНАЛАРИ



Бугун буюк аجدодларимиз руҳини шод этиб, азал-азалдан халқимиз ғурурига айланиб қолган Ўзбек курашининг жаҳон майдониغا чиқиши, унинг тан олиниши барчамизни бағоят қувонтирди.

**Ислон КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

КИРИШ

Ўзбек курашида халқимизнинг руҳиятига, асл хислатларига азал-азалдан хос бўлган фазилатлар, мардлик ва жасурлик, бағрикенглик, рақибига нисбатан олийжаноблик, инсонпарварлик фалсафаси мужассамлашган.

И. КАРИМОВ

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши халқимизнинг азалий орзуларини рўёбга чиқарди, озодлик, эркинлик, ўз меҳнатининг натижаларига ўзи эгаллик қилиш, ўз она тилида сўзлаш, ватан тушунчасини англаш, миллий ифтихор, миллий гурур туйғуларини қалбдан ҳис қилиш, халқимизнинг ажойиб анъаналари, бебаҳо қадриятларини янада равнақ топтириш имконини берди. Хусусан, ана шундай улуғ қадриятларимиздан бири ўзбек миллий кураши саналади. Ўзбек миллий кураши мустақиллик туфайли янгитдан туғилди десак хато бўлмайди. Чунки ўзбек миллий кураши миллий истиқлолимиз йилларида нафақат равнақ топди, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларига тарқалиб, минглаб шинавандаларнинг сеvimли спорт мусобақасига айланди. Ўзбекистон мустақиллик туфайли дунёда паҳлавонлар ватани деб тан олинди. Ўзбек миллий курашининг тикланиши, унинг равнақи дунё бўйлаб кенг ёйилишида Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг алоҳида фидойилиги ва жонкуярлиги ҳамда ғамхўрлиги муҳим ўрин тутди. Чунки миллий курашимизнинг ҳақиқий жонкуяри саналган Муҳтарам Президентимиз юртимизнинг қайси гўшасига бормасин, элнинг полвонларини доимо ҳурмат билан тилга олади. Мамлакатимизда спортнинг барча турларининг кенг равнақ топишига хусусан миллий курашимизнинг дунё бўйлаб ёйилишига катта ғамхўрлик кўрсатиб келмоқда.

Бугунги кунда бутун дунёда ўзбек миллий курашининг шинавандалари ва ишқибозлари Президентимизни ҳақли равишда ўзбек миллий курашининг ҳақиқий жонкуяри ва фидойиси деб биладилар. Ўзбек миллий курашининг ташкилий ва услубий асосларини ишлаб чиқишда халқаро кураш ассоциацияси президенти К. Юсуповнинг ҳам хизматлари ниҳоятда улуғдир. Миллий курашда тобланган полвонларимиз халқимизнинг ор-номуси, миллий ғурури, анъаналарига содиқ қолиб, устоз-

шоғирдлик анъаналарига амал қилиб, асрлар оша Ўзбек миллий курашини жаҳонга танитди. Кураш мусобақалари туфайли халқимиз фарзандларини ёшлигидан бошлаб соғлом, бақувват, жуссали, меҳнатга чидамли қилиб тарбиялаб, уларни ақлий жиҳатдан камол топтириш, жисмоний чиниқтиришга мунтазам эътибор берганлар. Чунки ўзбек халқининг ўғлонлари азалдан илиги тўқ, орияти баланд, қадди алп келбатли бўлиб келган. Халқимиз доимо жисмоний баркамоллик билан маънавий комилликни уйғун тарзда юксалтирган, ҳалолликка, покликка, орият ва мардликка бел боғлаган танти халқ саналади. Чунки халқимиз фарзандларини ёшлигидан юксак фазилатлар руҳида тарбиялаб келган.

Халқимизнинг ушбу фазилатлари кўплаб хорижий муаррихлар, саёҳатчилар ва элчиларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлган. Жумладан, антик давр тарихчиси Арриан “Бақтрияликлар анча зийрак ва жанговар халқ” деб эътироф этган бўлса, милодий II—III асрларда яшаган юнон ёзувчиси Клавдий Элиан сакларнинг жасорати, кураш мусобақалари ҳақида ёзиб қолдирган. Ўрта аср араб сайёҳларидан бири Ибн Баттута “Мовароуннаҳр аҳолиси ўктам қоматли, қарашларида ўзига хос виқори бор халқ” деб бежиз эътироф этмаган. Шунингдек, 1819 йилда Хива хонлигига келган рус элчиси Н. Муравёв ўзининг Исдаликларида ўзбеклар ҳақида шундай сатрларни битган: “Ақлидрокли, суҳбати ёқимли ва ўткир қатъиятли, матонатли, урфодати оддий, ёлғон ва алдовдан нафратланувчи, ҳарбий ишда ҳормай-толмайдиган мард ва жасур кишилар”. Ҳақиқатдан ҳам мардлик, жасурлик, шижоат, метин ирода, эл корига камарбасталик, лафзи ҳалоллик, орияти баландлик, ор-номусни юксак фазилатга айлантириб тантилик ва бағрикенгликни ўзига дастурул-амал қилиб олган улуг миллат бу — ўзбек халқдир.

Халқимиз ҳамиша фарзандларини жисмонан бақувват, ақлан теран, орияти баланд қилиб тарбиялаган, ҳаромдан ҳазар қилган, меҳнатдан қочмаган, фирромликни виждони суймаган, ор-номусли халқ саналади. Шу боисдан ҳам халқ оғзаки ижодининг бетимсол намуналари саналган “Алпомиш”, “Гўруғли”, “Кунтуғмиш” каби дostonларда, эртақ ва ривоятларда доимо мардлик ва шижоат, севги ва вафо, ор-номус, меҳр-оқибат каби бебаҳо фазилатлар тараннум этилган. Халқимизда ажойиб нақл ва мақоллар борки, ушбу ҳикматли сўзларда ҳам мардлик,

баҳодирлик, тантилик, ҳалоллик, эпчиллик, огоҳлик, ватанпарварлик каби фазилатлар улуғланган. Жумладан: “Мард майдонда синалар”, “Мол талашма — ор талаш”, “Йигитнинг қуввати — элнинг қуввати”, “Отанг билан мақтанма, отинг билан мақтан”, “Лафз — пулдан қиммат”, “Йигитни ор ўлдира”, “Йигитнинг моли бўлгунча, ори бўлсин” каби мақоллар бекорга айтилмаган.

Кишиларнинг иродасини мустаҳкамлайдиган, уларда сабрматонатни бақувват қиладиган тадбирларнинг энг муҳими жисмоний тарбия ва спортдир. Ўзбек халқи қадимдан фарзандларини норғул, алп келбатли, арслон билакли, шижоатли, ўктам, ўткир нигоҳли қилиб тарбиялашга бел боғлаган халқ. Шу боисдан ҳам бу халқдан элнинг корига яраган баҳодирлар, юртнинг эрки учун кўкси қалқон бўлган мард ўғлонлар, элнинг орини кўтарган танти паҳлавонлар кўплаб етишиб чиққан. Бу халқнинг тўй-маъракаси, йиғин ва сайили курашсиз, кўпкарисиз ўтмаган. Бу халқ полвонларни алоҳида ҳурмат билан тилга оладиган, полвонларнинг мардлигини, шижоатини, ҳалоллигини севадиган халқ. Бу юртнинг полвонлари ҳам мол учун эмас, балки ор учун даврага тушадиган, ҳалол, ориятли, шижоатли, содда ва дўлвор полвонлар саналади. Ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланиб келган анъанавий ўйинлари ҳам ёш авлодни жисмонан етук, маънан баркамол қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этган. Халқимизнинг орасидан кўплаб баҳодирлар, полвонлар, чавандозлар етишиб чиқишида халқ ўйинларининг ўрни ва роли беқиёсдир. Жумладан, улар орасида “оқ суяк”, “зув-зув, “бобол така”, “чиркаш”, “чиллик” “дўл”, “ганош”, “пойга” каби ўйинлар алоҳида ўрин тутати.

Халқимизнинг анъанавий ўйинларидан бири кураш саналади. Албатта, ҳар бир халқ ўзининг босиб ўтган тарихи давомида кўплаб мусобақа ва беллашувларни шакллантирган. Кишилардаги эпчиллик, чаққонлик, куч ва иродани синайдиган кўплаб спорт мусобақалари ўйлаб топилган ва бу беллашувлар тарихи инсоният тарихи каби қадим ва узлуксиздир. Масалан, кураш қадимги Олимпия ўйинларининг бир йўналиши сифатида қадим Юнонистонда ҳам ўтказилган ёйинки курашнинг самбо, дзюдо, юнон-рум каби турларининг ҳам тарихи жуда узоқ. Бироқ ўзбек кураши ўзининг оммабоплиги, тезкор-

лиги, содда ва самимийлиги билан ажралиб турадиган ҳамда одамлар қалбидан тез ўрин оладиган, уларда алоҳида кизиқиш ва шинавандалик кайфиятини уйғотадиган бетакрор спорт мусобақаси саналади. Кураш спорт тури бўлиб белгиланган қоидага мувофиқ, икки полвоннинг яккама-якка олишувидир. Шу боисдан ҳам Сурхон воҳасида кураш мусобақалари “Олиш” ҳам деб аталиши бежиз эмас. Кураш инсонни эпчил, кучли, чидамли ва иродали қилиб тарбиялаш воситаларидан бири саналади. Кураш азалдан ўзбек халқи турмуш тарзининг узвий бўлаги сифатида шаклланган. Бироқ мустабид тузум халқимизнинг кўплаб қадриятлари сингари курашнинг ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Советлар даврида ўзбек миллий курашини халқ турмуш тарзидан сунъий равишда сиқиб чиқаришга ҳаракат қилинди. Бироқ азалдан мардликни, жасурликни қадрлаган, эпчиллик, сабр-матонат ва чидамни ўзининг ажралмас менталитетига айлантирган, курашни “Алининг майдони” деб билган, лафзи ҳалол, танти полвонларни Алп деб атаган, уларни полвон деб сийлаган, кураш мусобақаларига бутун вужуди билан шинаванда бўлган, ҳалолликни улуғ фазилат деб билган, ҳаромдан ҳазар қиладиган, фирромни ёқтирмайдиган халқнинг қалбидан курашни чиқариб ташлашнинг имкони бўлмади. Шу боисдан бўлса керак, зўравон тузум шароитида ҳам халқ полвонларини унутмади, тўю томошаси, байрам ва сайллари кураш билан файз олди. Юрт бешиқларида баҳодирлар, алплар, паҳлавонлар, полвонлар улғайди. Зероки, илиги тўқ халқни, имони бут халқни, диёнати мустаҳкам халқни, иродаси бақувват халқни, зуваласи пишиқ халқни, лафзи ҳалол халқни, ўтмиши уйғоқ халқни, қадди баланд халқни, ор-номуси улуғ халқни, орияти юксак халқни ҳеч қандай ёт ғоя, ёт мафкура, жабр ва ситам енга олмас экан. Ўзбек кураши ана шундай курашларда тобланган, замон синовларидан ўтган, не-не мардларни, кураги ерга тегмаган полвонларни етиштириб берган улуғ қадрият саналади.

Ушбу китобни тайёрлашда ўзбек курашининг фаол тарғиботчиси, элимизнинг машҳур полвони, жонкуяр устоз, ажойиб инсон Жума ҳожи Тошпўлатовнинг “Ўзбек кураши”, (Тошкент, 2000.), Жума Тошпўлатов ва Абдурасул Жумақулнинг “Сурхон полвонлари”, (Термиз, “Жайхун”, 1995), Жума Тошпўлатов ва Рўзиқул Мустафақуловнинг “Алпомишлар афсона эмас” (Тош-

кент, “Янги аср авлоди”, 2007) китобларидан, шунингдек, Сурхон полвонларининг ҳассос тарғиботчиси ҳамда “Ҳақберди ҳожи Норбой ўғли” кураш клубининг президенти, ўзбек миллий курашининг жонкуяри марҳум Ҳақберди ҳожи Норбоевнинг “Сурхон полвонлари” (Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2010) асарларидан ва бошқа манба ҳамда матбуот материаллардан унумли фойдаланилди, кези келган жойларда эса юқорида номлари зикр этилган асарлардан тўғридан-тўғри иқтибослар олинди.

Муаллифлар мазкур китобнинг юзага келишида муҳим ўрин тутган ва юқорида номлари зикр этилган асарларнинг муаллифларига сидқидилдан миннатдорчилик билдиради.

Улуғ ифтихор шуки, мустақиллик барча жабҳаларда бўлгани сингари, ўзбек кураши тараққиётида, юксалишида ва дунё юзини кўришида алоҳида янги бир даврни бошлаб берди. Истиқлол туфайли бугун ўзбек кураши жаҳон бўйлаб бўй чўзди.



Ҳаким Термизий мажмуаси.

АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН КУРАШ БЎЙИЧА

Халқаро мусобақа қатнашчиларига!

Азиз Халқаро мусобақа қатнашчилари!

Сиз иштирок этаётган беллашув ўзбек халқининг буюк фарзанди Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланганлиги бежиз эмас. Зеро, аллома халқимиз саломатлиги ва равнақи йўлида фаолият кўрсатиб, бу соҳада катта аҳамиятга молик рисоалар қолдирган.

Ўтказилаётган мусобақа келажакда Ўзбекистон диёрида халқ соғлигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшади. Уйлайманки, бу беллашув жисмоний тарбия ва спортнинг турмушдаги аҳамиятини янада юқори даражага кўтаришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Сизларни кураш бўйича халқаро мусобақанинг очилиши муносабати билан қизғин қутлайман. Беллашувда бугун қатнашаётганларнинг кўпчилигини келгусида жаҳон, олимпиада ва Осиё ўйинларининг шохсупасида кўрамиз, деб умид қиламан.

Мусобақада бир-бирингиз билан ҳалол, мардона ва соф инсоний муносабатларда бўлишингизни истайман. Ҳар бирингизга омад ёр бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом КАРИМОВ

1993 йил, апрель

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҚИСКАЧА ТАРИХИЙ ТАСНИФИ

Сурхондарёнинг мард, меҳнаткаш, ақл-заковатли халқи бор, бағри кенг, айни замонда орияти баланд бу эл фарзандларини ҳурмат қилмаслик мумкин эмас.

И. КАРИМОВ

Сурхондарё вилояти 1941 йил 6 мартда ташкил этилган. Майдони 20,1 кв.км. Аҳолиси 2552000 киши. Вилоят аҳолиси Республика аҳолисининг 7,3 фоизини ташкил этади. Аҳолисининг миллий таркиби ўзбеклар, тожиклар, руслар, туркманлар, татарлар, қozoқлар, украинлар ва корейслардан иборат. Вилоятда 13 та туман (Ангор, Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Музработ, Олтинсой, Сариосиё, Термиз, Узун, Шеробод, Шўрчи, Қизириқ, Қумқўрғон), 8 та шаҳар (Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Термиз, Шарғун, Шеробод, Шўрчи, Қумқўрғон), 7 та шаҳарча (Ангор, Дўстлик, Какайди, Сариосиё, Сарик, Элбаён бекати, Ҳуррият), 712 та маҳалла, 115 та қишлоқ ва 5 та шаҳарча фаолият кўрсатмоқда.

Вилоят маркази Термиз шаҳри, маъмурий, иқтисодий ва маданий марказ (1929 йил). Шаҳар ҳудуди 0,03 минг кв.км. аҳолиси 138200 киши, Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган.

Табиати. Вилоятнинг маркази ва жанубий қисми текислик бўлиб, шимоли Ҳисор тоғ тизмаларининг давоми бўлган Бойсун тоғ, Қўхитанг тоғ, Боботоғлар билан ўралган. Текислик қисмининг иқлими қишининг илиқ, ёзининг иссиқ ва узoқлиги билан фарқ қилади. Январнинг ўртача температураси 28° — 36°, июлники 28°, 32°.

Энг йирик дарёлари: Тўпаланг, Сангардак, Мачайдарё, Шерободдарё, Сурхондарё.

Ҳайвонот дунёси: жайрон, тоғ эчкиси, ёввойи чўчқа, силовсин, йўлбарс, тулки, бўри, шақол, кўнғир айиқ, жайра каби ҳайвонлар, ёввойи паррандалардан эса бургут, калхат, қирғовул, каклик, тўрғай, бедана ва бошқа кўплаб қушлар учрайди. Дарёлари усач, оқ амур, зоғора, сазан каби балиқларга бой.

Ўсимликлари: воҳада ўсимликларнинг 1646 та тури учрайди. Шу далилнинг ўзи ҳам Сурхондарё вилоятининг флораси

бой ва турли-туман эканлигини билдиради. Ушбу ўсимликлардан 126 тури “Қизил китоб” га киритилган ўсимликлардир.

Фойдали қазилмалари: вилоятда 40 турдаги фойдали қазилмаларнинг 300 дан ортиқ конлари аниқланган, 40 дан зиёд қурилиш материалларининг бой захирасига эга. Вилоятда нефть ва газ (Ҳавдак, Какайди, Лалмикор), кўмир (Шарғун, Бойсун), рангли металллар, полиметал (Сангардак), ош тузи (Хўжайкон), гипс, гранит, аргилит конлари мавжуд.

Саноати: ҳозирги кунда вилоятда 1692 та саноат корхонаси фаолият кўрсатаётган бўлса, шулардан 21 таси йирик корхоналар сирасига киради. Пахта тозалаш, пахтани қайта ишлаш, Хонжиза полиметалл комбинати, Жарқўрғон нефть, Денов ёғ-экстракция, Сариосиё тош саралаш, Шўрчи ун комбинати, Жарқўрғон йигирув-тўқув, Жарқўрғон “Чароғон” текстил фабрикаси, Термиз шаҳрида “Шиндонг” ип йигирув кўшма корхонаси, “Умида” ҳиссадорлик жамияти, Термиз-Силк ипакчилик фабрикаси, Сурхон Термиз чинни масъулияти чекланган жамияти, Термиз музқаймоқ заводи, Шеробод керамика бадий буюмлар корхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Қишлоқ хўжалиги: асосан пахтачилик, дончилик, полизсабзавотчилик, боғдорчилик, токчилик, лимончилик, пиллачиликка асосланган. Чорвачилик соҳасида эса қорамол, қўй (қоракўл ва ҳисори зотли думбали қўйлар), эчки, йилқи, парранда, қуён боқилади. Вилоятда 5325 та фермер хўжалиги мавжуд. Бугунги кунда вилоятда кичик бизнес субъектларининг сони 14673 тага етди.

Транспорти: вилоят ҳудудида Тошкент-Термиз автомобил тракти, Тошкент-Термиз темир йўли тармоғи, Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли, Термиз-Тошкент, Термиз-Москва ҳаво йўллари мавжуд. 2013 йилда “Термиз” аэропорти “Термиз” халқаро аэропорти мақомига эга бўлди.

Маданият, маориф, спорт ва соғлиқни сақлаш: Сурхондарё вилоятида Термиз давлат университети, 5 та академик лицей, 116 та ўрта махсус касб-хунар коллежи, 858 та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда 289 та мактабгача таълим муассасалари, 15 та “Баркамол авлод” маркази, 17 та “Болалар мусиқа ва санъат мактаби”, 16 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 1 та меҳрибонлик уйи, 1 та педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш инсти-

тути мавжуд. Термизда ҳайвонот боғи ҳам мавжуд. Вилоятда 222 та ахборот-ресурс маркази, 233 та клуб муассасаси, 2 та музей, жумладан Вилоят ўлкашунослик музейи ва Сурхондарё Археология музейи, 82 та маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, 3 та маданият ва истироҳат боғлари, 2 та театр мавжуд. Вилоятда 16,8 минг ўринли 66 та шифохона, 244 та қишлоқ врачлик пунктлари, 406 та амбулатория ва поликлиника муассалари фаолият юритмоқда. Вилоят ҳудудида 4 та санатория, яъни “Хонжиза” дам олиш уйи, “Жайронхона” физотерапия, Н.А. Семашко номидаги саломатликни тиклаш ва тиббий даволаш илмий-тадқиқот институтининг “Учқизил” филиали ва “Сурхон” санаторияси фаолият кўрсатмоқда. Вилоятда “Сурхон тонги” (1935 йилдан), “Заря Сурхана” (1941 йилдан), “Термиз оқшоми”, “Аёл ва замон”, “Тиббиёт ва ҳаёт”, “Халқ йўли” (1994), “Давр мезони” (1997), “Халқ посбони” (1998), “Маънавият гулшани”, “Жануб вақти” (1999), “Халқ йўли”, “Тақдим”, “Сурхон ёшлари”, “Илм чашмаси” газеталари нашр этилади.

Мустақиллик шарофати билан Сурхондарё вилоятида ҳам кўплаб халқаро ва республика тадбирлари ўтказилди. Жумладан ЮНЕСКО ҳамкорлигида 1999 йилда “Алпомиш” достони яратилганлигининг 1000 йиллиги, 2002 йилда Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги кенг нишонланди. Шунингдек 2011 йилда касбхунар коллежлари ўқувчиларининг “Баркамол авлод” спорт мусобақаси ўтказилди.

Мустақиллик йилларида болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 16 та болалар спорт мажмуаси, 1 та ёпиқ сузиш ҳавзаси, умумтаълим мактаблари учун эса 83 та янги спорт заллари қурилди. 19 та мавжуд спорт иншоотлари реконструкция қилинди ва 5 та сузиш ҳавзалари капитал таъмирланди. Мустақиллик йилларида маданият ва спорт соҳасида хизмат қилаётган ходимлардан 1 нафари Ўзбекистон халқ артисти, 5 нафари Ўзбекистон халқ бахшиси, 1 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, 10 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 1 нафари “Дўстлик” ордени, 3 нафари “Меҳнат шухрати” ордени, 1 нафари “Фидокорона хизматлари учун” ордени ва 8 нафари “Шухрат” медали, 3 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий унвонларига сазовор бўлишди.

Ҳамюртимиз Абдулла Тангриев ҳар тўрт йилда бир марта

Ўтказилиб келинаётган Ёзги Олимпия ўйинларида спортнинг Дзю-до тури бўйича 2000, 2004 ва 2008 йилларда қатнашиб, кумуш медални қўлга киритди. Яна бир юртдошимиз Яхё Имомов 2012 йилда Лондонда ўтказилган Ёзги Олимпия ўйинларида спортнинг Дзю-до кураши бўйича муваффақиятли иштирок этди. Термиз давлат университети талабаларининг спорт жамоаси 2007 йилдаги “Универсиада” мусобақаларида спортнинг 15 тури бўйича қатнашиб, жами 26 та медални қўлга киритди. 2013 йилдаги “Универсиада” мусобақаларида эса университет жамоаси 4 та олтин, 4 та кумуш, 23 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобидан 6-ўринни эгаллади.

“Универсиада 2013” спорт ўйинларининг шахмат тури бўйича чемпиони Райҳона Дониёрова Марказий Осиё чемпиони бўлганлигини мамнуният билан эътироф этиш лозим. 2014 йилда университет талабаларидан 7 нафари Осиё чемпиони, 1 нафар талаба Параосиё ўйинлари ғолиби, 10 нафар талаба Республика чемпиони бўлган. 2014 йилнинг 17 июнидан 1 июлига қадар Таиландда ўтказилган кураш бўйича ўқув-йиғин машғулотларида университет талабаси Алламуродова Роҳатой 11 та мамлакатдан қатнашган спортчилар орасида ўтказилган иккинчи мусобақада 1-ўринни олишга муваффақ бўлди. 2015 йилда эса 3 нафар талаба Осиё чемпиони, 1 нафар талаба Жаҳон чемпиони, 6 нафар талаба Республика чемпиони бўлди.

СУРХОН ВОҲАСИНИНГ МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Сурхон воҳасининг бетакрор табиати, Боботог, Бойсун, Вилхшивор сингари баланд тоғлари, Олтинсой, Сангардак, Слйроб, Хонжиза каби гўзал гўшаларини бир бор кўрган одам беихтиёр бу юртга мафтун бўлиб қолади.

И. КАРИМОВ

Сурхондарё вилояти республикамизнинг тарихий ва маданий ёдгорликларга бой ўлкаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда вилоят ҳудудида 800 га яқин моддий маданий ва археология мероси объекти аниқланган бўлиб, улардан 364 таси рўйхатдан ўтган. Уларнинг 293 тасини археологик, 27 тасини меъморчилик ва архитектура, 39 тасини монументал санъат

ёдгорликлари ва 5 тасини диққатга сазовор жойлар ташкил этади. Мустақиллик шарофати туфайли янгича ҳаёт, янгича кўрк кўшилди. Жумладан Ҳаким Термизий мақбараси, Султон-Саодат мажмуаси, Қирққиз, Кокилдор ота, Сўфи Оллоёр, Хўжа-ипок ота ёдгорликлари қайта таъмирланди ва халқимизнинг сўлим зиёратгоҳ ва қадамжоларига айланди.

Термизшоҳлар саройи – XI–XII аср — меъморчилигининг диққатга сазовор намунаси. Саройнинг бош фасадида пештоқ бўлиб, кенг ҳовли ўртасида ҳовуз, меҳмонхона, зал олдида 4 устунли айвони бор. 1220 йилда Термизни Чингизхон кўшинлари босиб олиб, шаҳар вайрон қилинган.

Ҳаким Термизий мақбараси Термиздаги қадимий меъморий мажмуотидир. Унда ислом динининг қомусий олими, аллома Ҳаким Термизий қабри жойлашган. Мазкур мақбара дастлаб XI аср охирида бошланиб, яъни 1091–1095 йилларда қорахонийлар султони Аҳмад ибн Хизрнинг кўрсатмасига мувофиқ қурилиши бошланган. Хонақоҳ қисми эса XV асрда Амир Темурнинг невараси Ҳалил Султон буйруғига кўра қурилган. Мажмуа мустақиллик йилларида мухтарам Президентимиз кўрсатмалари асосида 2009 — 2011 йилларда мукаммал қайта таъмирланди.

Зул-Кифл мақбараси X–XII асрга оид бўлиб, “Пайғамбар ороли” номи билан тарихда машҳур.

Султон Саодат мажмуаси Термиз саййидлари дафн этилган мақбаралардандир. Дастлабки мақбаралар X асрда, қолганларининг қурилиши XV–XVII асрларгача давом этган мажмуадир.

Хўжа Исо Термизий мақбараси ва масжиди Шеробод туманида IX асрда қурилган. Тўғри тўртбурчак шаклидаги меъморий ёдгорлик. Жануб томондаги бино мақбара бўлиб, бошқалари масжид вазифасини бажарган.

Жаркўргон минораси Хуросон ҳокими Султон Санжар буйруғи билан сарахслик уста Али ибн Муҳаммад томонидан 1108–1109 йилларда қурилган. Ушбу минора 8 қиррали пойдевор устига 16 қирра қилиб бунёд этилган. Баландлиги 50 метр бўлган, ҳозирги қисми 21,6 метрни ташкил этади.

Қирққиз қалъаси Термиз туманидаги IX–XIV асрларга оид тўртбурчак шаклидаги 50 га яқин умумий хоналарни бирлаштирган мақбара. Айвон ва йўлақлар бинони тенг тўрт қисмга ажратади. Хоналарнинг тепаси асосан равоқлар, баъзи хона

дирнинг тепалари куббалар билан бекитилган.

Зулкифл мақбараси — Термиз яқинидаги меъморий ёдгорлик IX—XII асрларга оид. Ривоятга кўра, пайғамбар Зулкифл дафн этилган. Манбаларда аббосийлар саркардаси Исҳоқ Ибн Кундаж дафн этилганлиги қайд этилган.

Саййид оталиқ мадрасаси — Деновда жойлашган, 1612—1628 йилларда Жўйборий Хожа Тожиддин Ҳасан томонидан барпо этилган.

Хўжа Алоуддин Аттори валий мақбараси — Деновда жойлашган XV асрга оид. Бу ерга Баҳоуддин Нақшбандийнинг ҳам кўёви, ҳам шогирди саналган Хожа Алоуддин Аттор ва унинг шиллодлари дафн этилган.

Сўфи Оллоёр мақбара-масжиди — Олтинсой туманининг Катта Вахшивор қишлоғида жойлашган, XVII—XVIII асрларда машхур мутасаввиф Сўфи Оллоёр қабри ёнида қурилган.

Искандар кўприги — Қумкўрғон туманида Бандихонсой ўстига қурилган, XVI асрга оид.

Мурчбобо мақбараси — XIX аср охири XX аср бошларида маҳаллий бойлардан Имом Алибой томонидан қурилган.

СУРХОНДАРЁ ЙИЛНОМАСИДАН ЛАВҲАЛАР

Бу қутлуг диёрга қадам қўйган ҳар қандай одам ҳам Сурхон воҳасининг бепоён кенглиklarини, дашту дала-ларини кўрганда қалбида қандайдир меҳр, енгиллик ва эркинлик туйғуларини ҳис этгандек бўлади.

И. КАРИМОВ

Вилоятнинг Бойсун туманидаги Тешиктош ғоридан 1938 йилда қадимшунос олимлар томонидан 8 - 9 ёшли неандертал боланинг суяк қолдиқлари топилган. Шунингдек, Мачай ғори, Амир Темур ғори, Тўпаланг дарёси ҳавзасидаги 5 та Полеолит даврига оид манзилоҳлар мавжуд.

Зараутсойдан топилган қоятош суратлари мезолит даврига оид, ушбу суратлар 200 дан ортиқ бўлиб, ибтидоий одамлар дунёқарашининг маҳсули саналади.

Воҳанинг милoddан аввалги III минг йиллик охири - II минг йиллик бошлари, яъни жез даврига оид ҳудудлари, Сополлитепа,

Муллали, Жаркўтон, Кўзали даврий манбалари минтақадаги илк деҳқончилик марказлари, милоддан аввалги XVIII—XI асрларга оидлигидан далолат беради. Жаркўтон археологик ёдгорлиги илк шаҳар, қабила, уруф оқсоқоллигига, шунингдек, давлатчиликка тааллуқли муҳр ва тамғалар топилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Воҳада қадимий динлар саналган Зардуштийлик, Буддавийлик, Ислом динларининг ривожига муносиб ҳисса қўшилган.

Воҳада дастлабки давлатчилик бирлашмалари саналган Кучуктепа, Таллашқон, Жондавлаттепа, Қизилтепа, Ҳайитободтепа, Фозимулла, Бандихонтепа каби истехкомли қўрғонларга милоддан аввалги I минг йилликларда асос солинган.

Сурхон воҳаси қадимги дунё тарихчиларининг ҳам эътиборидан четда қолмаган. Жумладан, Геродот, Квинт Курций Руф, Помпей Трог ва Ктесийлар воҳанинг тарихига, аҳолисига, табиатига, бойликларига ўзларининг муносиб баҳоларини беришган.

Сурхон воҳаси жаҳоннинг энг таниқли қадимшунос олимлари И.В.Пьянков, Р.Фрайн, В.Григорьев, В.Томашек, Г.Ф.Дебец, М.Н.Герасимов, М.Д.Гремяцкий, О.П.Окладников, И. Марквартни, Кюдзо Като, Карловский, Пиьер Лериш, Детрих Хуф, Я. Хармата ўз нигоҳини қаратган муқаддас заминдир.

Сурхон воҳаси Ўзбекистон тарих илмига муносиб ҳисса қўшган академиклар Л.Альбаум, А.Асқаров, Г.Пугаченкова, Э.Ртвеладзе, У.Сулаймонов, шунингдек тарихчи олимлар А.Сагдуллаев, Ш.Пидаев, Б. Тургунов, С.Турсунов, Т. Аннаев, Ш.Шайдуллаев, З.Холиқов, Э.Қобилов, Т.Пардаев каби олимларни дунёга танитган.

Воҳанинг афсонавий баҳодирлари: Катан, Авастан, Алпомишлар саналади.

Сурхон воҳаси меъморчилик ва шаҳарсозлиги тарихида Термиз, Айритом, Холчаён, Далварзин, Будрач, Денов, Шеробод каби шаҳарлар шаклланган ҳудуддир.

Сурхондарё ҳудудида қадимги дунёнинг салтанатларидан бири Кушонлар империяси шаклланган. Воҳанинг маркази Термиз шаҳрининг қадимий номлари: Тарамастха, Тарамита (бақтрча “нариги соҳилдаги манзил”), Тарамата, Тарамат, Тами, Тармит, Демитра, Тармиз, Термиз, IV—VI асрлардаги арман манбаларида Драмат, Дармат, VII аср хитой манбаларида “Тами”, XIV аср хитой манбасида Тармиз, Тирмиз.

Сурхондарёнинг қадимий археологик манзилгоҳлари:

Сополлитепа, Жарқўтон, Тиллабулоқ, Товқақўрғон, Болаликтепа, Куёвқўрғон, Айритом, Қоратепа, Дунётепа, Чингизтепа, Кампиртепа, Зартепа, Ҳайитободтепа, Далварзинтепа, Будрач, Холчаён, Шўртепа, Оққўрғон, Зўрмўла ва бошқалар.

Воҳанинг тарихий манбалардаги эътирофи: хитой сайёҳи Сюан Цзян 639—645 йилларда “Дами (Термиз) шаҳрининг мудофаа деворларининг узунлигини 10 километр (20 ли), Чағониён мудофаа деворларининг узунлиги 5 километр (10 ли)” деб изоҳлаган.

Араб тарихчиси Ибн Хурдодбеҳ (820—813 йй) “Термиз дарё оёқларида жойлашиб, деворларини Амударё суви ювиб турадиган қоя устида қурилган” деб эътироф этади.

Тарихчи Абу Жаъфар Муҳаммад Ибн Жарир ат-Табарий “Тарих ар-расул вал-мулк” (Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи), IX асрнинг иккинчи ярми ва X асрнинг биринчи ярмида яшган Ал-Истаҳрий “Масолик ал-мамолик” (Мамлакатларга олиб бориладиган йўллар ҳақида), Абу Бакр ал-Муқаддасий “Аҳсан ли-тақосим фи маърифат ал-ақолим” (“Иқлимларни ўрганиш учун яхши қўлланма”), сайёҳ-географ Ибн Хавқал “Китоб ул-масолик”, “Китоб суръат ал-арз” (“Ернинг сурати”) китобларида Термиз ва Чағониённинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақида маълумот берган.

Ҳасан ал-Амир 865 йилда Термиз шаҳрига келиб, ҳозирги Султон Саодат саййидлар сулоласига асос солди. Термиз Жаъфар ал-Муссавий, Зиё ул-Мулк, Аъло ул-Мулк, Саййид Бурхониддин, Саййид Барака каби саййидлар қадами етган юрт.

Термиз ва Чағониён X—XII асрларда сомонийлар, ғазнавийлар, қорахонийлар, салжуқийлар сиёсий таъсирида бўлган.

X—XII асрларда Термиз шаҳрининг умумий майдони 500 гектар, Чағониён шаҳрининг маркази 6 кв.км.га тенг бўлган.

Термизлик буюк аллома Ҳаким Термизий IX—X асрларда яшаб ўтган. Аллома 205 ҳижрий йилда (820 мелодий йил) туғилган. “Асрор ас-салот” (“Номоз сирлари”), “Асрор ас-савм” (“Рўза сирлари”), “Асрор ал-ҳаж” (“Ҳаж сирлари”), “Наврўзнома”, “Солнома” асарлари билан танилган, 400 дан ортиқ асарлар муаллифи.

Варроқ Термизий (вафот йили сифатида 907 йил (ҳижрий 294 йил, (Варроқ сўзи арабча “вароқ” сўзидан олинган). “Китоб ал-ихлос”, “Китоб ал-Ҳуруф”, “Китоб ал-ажаб” каби асар-

лари билан танилган.

Абу Исо Термизий ҳижрий 209 йил (милодий 824 йил) Шеробод туманидаги Буғ қишлоғида туғилган. Ҳадис илмининг таълиқли вакили, “Ал жомеъ ас-саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”), “Аш-Шамойили ан-набавия” (“Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари”), “Асмо ас-саҳоба” (Пайғамбар суҳбатдошларининг исмлари) каби китоблари мавжуд.

IX—XIII асрларда ҳукм сурган Чағониён амирлари; Тоҳир Чағоний, Мухтож Чағоний, Фахр уд-Давла, Ал Чағоний, Наср Чағоний, Абу Мансур Чағоний, Абул Хорис Чағоний, Музаффар Чағоний.

Чағониённинг адабий муҳити намояндалари; Абу Бакр ас-Сағоний, Муҳаммад ас-Сағоний, Устурлобий ас-Сағоний, Аҳмад ас-Саломий, Муҳаммад ал-Искофий, Тоҳарий, Маъруфий, Дақиқий, Лабибий, Фаррухий.

Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” китобида Термиз Чингизхонга қаттиқ қаршилик кўрсатгани туфайли “Мадинат ар-рижол” (“Мардлар шаҳри”) номини олгани қайд этилган.

Сайёҳ ва элчи Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” китобида “Термиз шаҳри чиройли иморатлар ва бозорлари кўп бўлган йирик шаҳар, гўшт-сут жуда сероб” деб баҳоланган. Термиз ва Чағониён Амир Темурни маънавий ва сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган шаҳар бўлиб, 1370 йилда Амир Темур Термиз яқинидаги Биё қишлоғида давлат рамзи саналган табл (ноғора) ва ялов (байроқ)ни Пири Саййид Баракадан қабул қилиб олган.

Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо Самарқандга Амир Темур ҳузурига бораётганда 1404 йил Термиз шаҳрида бўлиб, “Термиз жуда катта ва аҳолиси зич, унда ташқи девор мудофаа истехкомлари йўқ, боғлар ва анҳорлари кўп шаҳар” деб таърифлаган.

Сурхон воҳаси XVI асрда шайбоний Саид Муҳаммад Султоннинг сиёсий таъсирида бўлган. XVII асрда йирик тарихчи Маҳмуд ибн Вали “Баҳр ул-асрор фи манокиб ал-аҳёр” асарига Термизни тўртинчи иқлимга киритиб, Солиҳобод қишлоғи ҳақида тарихий маълумот ёзиб қолдирган.

Сурхон воҳаси XVIII аср ўрталарида, яъни 1757 йил Бухоро амири Муҳаммад Раҳимхон томонидан истило этилди. Оқибатда Сурхон воҳаси Бухоро амирлигига бўйсундирилди. Воҳада 1758 йилда Шеробод ва Денов, 1868 йилда Бойсун бекликла-

ри ташкил топди.

1885—1886 йилларда Бухоро амирлигининг солиқ сиёсатига қарши Денов ва Шеробод бекликларида халқ кўзғолони кўтарилди.

XVI—XIX асрларда Сурхон воҳаси адабий муҳитида Хожа Саъидандар ибн Бақо Термизий, Абдуллоҳ Термизий, Тақий Термизий, Сўфи Оллоёр, Мунтаҳойи Бойсуний ўзларининг ижоди билан танилди.

Термиз шаҳри 1893 йил 15 январдаги Россия-Бухоро шартномаси асосида Россия подшосига “совға сифатида инъом” этилди. 1894 йил 24 июлда Термизда Божхона тизими ташкил этилди. 1894 йил 12 декабрда Термизга Россиянинг 31-Амударё ҳарбий чегара кўшинлари жойлаштирилди.

1900 йил Чор Россиясининг таҳдиди туфайли Термиз ҳудудидан 10,514 десятинадан иборат ер майдони Бухоро амирининг розилиги билан бепул тарзда рус ҳарбийларига фойдаланишга берилди.

Чор Россиясининг иқтисодий-сиёсий ва ҳарбий мақсадлари учун 1916 йил 14 июлда Когон-Термиз темир йўли қуриб ишга туширилди. Сурхондарёда биринчи касалхона 1924 йили Термиз шаҳрида қурилди, 1925 йилдан эса туманларда касалхоналар иш бошлади. 1926 йил 29 сентябрда Сурхондарё округида Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Паттакесар, Сариосиё, Шеробод туманлари ташкил топди. 1926 йил Шеробод пахта тозалаш заводи ишга туширилди. 1925 йил Термиз-Душанбе темир йўли қуриб ишга туширилди. 1927 йили Термиз шаҳрида электростанция қуриб ишга туширилди. Сурхон воҳаси учун муҳим аҳамиятга эга Самарқанд-Китоб-Шаҳрисабз, Қарши-Дарбанд-Бойсун-Сариосиё, Термиз-Денов-Душанбе почта алоқа йўллари қуриб ишга туширилди.

Ўзбекистон ҳукуматининг 1927 йил 23 июлдаги қарори билан Сурхондарё округининг маъмурий маркази Шеробод шаҳридан Термиз шаҳрига кўчирилди. Ўзбекистон ҳукуматининг қарори билан 1933 йил 8 январда Паттакесар тумани Термиз тумани деб ўзгартирилди.

Сурхондарё вилояти 1941 йил 6 мартда ташкил топган.

Вилоят аҳолиси Иккинчи жаҳон уруши даврида мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатиб, ҳаёт-мамонт жангларида Сурхон воҳасининг 50365 нафар ўғлонлари фашизмга қарши уруш-

ларда иштирок этди.

Ўзбекистон ҳукуматининг 1968 йил 25 декабрь қарори билан Музработ тумани тузилди. 1975 йил Қизириқ, 1977 йил 5 мартда Қумқўрғон туманлари ташкил топди.

Сурхондарёда 1966—1968 йилларда Термиз-Қўрғонтепа-Душанбе темир йўли қуриб ишга туширилди. 1969 йили Тошкент-Термиз-Душанбе автомобиль йўли қайта қурилди. 1969 йили Термиз-Тошкент, Термиз-Душанбе, Термиз-Самарқанд, Термиз-Қарши ҳаво йўллари очилди. 1978 йилда Шўрчи ун комбинати ишга тушди. 1957 йил 165 минг кубометрли Учқизил сув омбори қуриб ишга туширилди. Урта Осиёда энг йирик сув омборларидан бири ҳисобланган Жанубий Сурхон сув омбори ишга тушурилди. 1966—1973 йилларда икки босқичли Шеробод сув магистрал канали ишга туширилди.

Сурхондарё вилояти мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳада улкан ютуқларга эришиб, аҳолининг турмуш тарзи ва маданияти ҳар томонлама юксалди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 25 августда Термиз давлат университетига ташрифи чоғида воҳа этнографиясига алоҳида эътибор бериб, “Сурхондарё – этнографик макон” деб эътироф этди. Ушбу эътироф воҳа аҳолисининг ўзига хос турмуш тарзи, урф-одатлари ва маросимларини илмий-амалий ўрганишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигининг исботидир. Кейинги йилларда Термиз шаҳрида 2 - академик лицей, Термиз давлат университети ва “Педагогика” касб-ҳунар коллежининг янги бинолари, “Бахт уйи”, “Меҳрибонлик уйи”, янги замонавий ўй-жойлар каби кўркам бинолар қуриб ишга туширилди. Шунингдек, Ҳаким Термизий мажмуаси, Сўфи Оллоёр ҳазратларининг мақбаралари қайта таъмирланди.

2007 йил “XXI аср мўъжизаси” ҳисобланган 223 км. ли Тошғуззор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли ишга туширилиши натижасида Сурхон воҳасини янада кенг қамровли тарзда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш имкониятлари яратилди.

2010 йилда “Хонжиза” қонида полиметалл рудаларини қайта ишлаш комбинати, “Жарқўрғоннефть” нефтни қайта ишлаш комбинати қурилди.

Вилоятда мустақиллик йилларида тадбиркорлик ва бизнес ривожланиб, қўшма корхоналар қурилишига алоҳида эътибор берилди. Жумладан, “Шингдонг-Спининг-Термиз”, “Ўзтекст-

Термиз”, “Сурхонтекс”, “Сурхон-Термиз-Силк”, Деновда Ўзбекистон Қаҳрамони тadbиркор А.Нарзуллаевнинг “Лочин”, тadbиркор Тоҳир Қуллиевнинг “Сурхон агрохизмат”, тadbиркор Пулат Алпомишовнинг “Турон”, “Алп Пулат”, тadbиркор Р.Тоғиевнинг “Рамз”, шунингдек, “Намаф”, “Афрўз”, Шерободда “Умид”, “Орзу”, Сариосиёда “Мукамал”, Қизирикда “Баранат”, Деновда “Эрк”, Бойсунда “Ибн Сино” каби кўшма корхоналар фаолият олиб бормоқда. 1997 йил ноябрда Ҳовдак нефть қонида йод олиш йўлга қўйилди.

И. Файзуллаев, Р. Мухаммадиев, А. Нарзуллаев, Ҳ. Маҳкамов, И.Баҳромов, Ю. Зиёев каби Ўзбекистон Қаҳрамонлари Сурхон воҳаси фарзандлари саналади.

Вилоятнинг илм-фан фидойилари ва олимларидан Н.Й.Тўраев, А.Х.Бобохўжаев, Қ.Шодмонов, М.Эркаев, М.Ҳайдаров, А.Рўзиев, Х.Раҳмонқулов, Х.Холиёров, Ю.Валиқулов, Ш.Қаландаров, Ш. Саматов, Ж.Омонтурдиев, Ж.Эсонов, Б.Қодиров, Ш.Хуррамов, З.Мирзаев, Ч.Жумаев, С.Турсунов, М.Мирсобиоров, И.Аллаков, Э.Тўраев, Ж.Тошпўлатов, П.Бакиров, А.Қулмаматов, Ў.И.Иброҳимов, М.Саидов, Ҳ.Эгамбердиев, М.Алиқулов, Ҳ.Кичкилов, Қ.Авлиёқулов, Б.Тиловов, Б.Исмоилов, Д.Қобилов, Т.Пардаев, Т.Аннаев, Ш.Шайдуллаев, Ш.Жўраев, А.Абдуллаев, О.Ҳайитов, О.Ҳотамов, Р.Мустафақулов, Р.Алимардонов, Ф.Арсланова, Х.Тўраев, Д.Қулмаматов, Б.Муртозаев, З.Холиқов, Ч.Нормуродов, Ҳ.Иброҳимов, Ҳ.Эсанов, Э.Авалов, Р.Норлиев, А.Олтиев, А.Омонтурдиев, А.Қурбонов, М.Раҳимов, Қ.Алимов, Р.Тўлаганов, Ш.Ёқубов, С.Раҳимов, Б.Ёриев, Б.Раҳимовларнинг илмий ишлари кўпчиликка маълум ва машҳур.

Аҳоли соғлигини сақлашга муносиб ҳисса қўшиб, эл-юрт олдида обрў-эътибор топган фидойи инсонлардан Ю.Саломова, С.Сариева, Қ.Мамедов, К.Ҳасанов, Е.Землянова, В.Рўзиева, Ш.Шокиржонов, Ш.Раупов, Т.Бердиев, Х.Зокиров, М.Холматов, Р.Пинаев, З.Усмонов, Н.Кудинова, И.Фуломов, Т.Ярьеско, Э.Маҳмудов, Х.Раҳмонов, Б.Сатторов, М.Чубарова, А.Қурбонгелдиев, Г.Чориева, О.Тўлакова, Қ.Икромов, А.Дўсбоев, Қ.Мадартов, Б.Қурбонов, Ч.Жўраев, Р.Мардонов, Б.Бўронов, Б.Сатторов, С.Аҳмедов, У.Мисиров, Н.Бердиёров, П.Омонов, А.Соатов, Б.Беккамолар номларини келтириш мумкин. Миллий ва маънавий қадриятларни янада юксалтириш ва ёш авлод

онггига сингдириш мақсадида 1999 йил 6 ноябрда “Алпомиш” достонининг 1000 йиллиги ўтказилди. Республика Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан 2000 йилда “Халқ бахшиси” ун-вони таъсис этилиб, унга биринчи бўлиб Шоберди бахши Болтаев сазовор бўлди.

2001 йилда Бойсун тумани ЮНЕСКО томонидан “Инсоният оғзаки ва маънавий мероси дурдонаси” деб эътироф этилди. 2002 йилнинг 2 апрелида Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи ЮНЕСКО ҳамкорлигида нишонланди.

Сурхон воҳаси Алпомиш, алплар ватани, ўзбек миллий курашининг дунёга танилишига ҳисса қўшган воҳа ҳисобланади. 1993 йил апрелдан буён “Ал-ҳаким ат-Термизий” соврини учун Халқаро кураш мусобақалари ўтказилиб келинмоқда.

Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театри 1957 йили қайта ташкил этилган. Театр сахналарида “Гулсара”, “Нурхон”, “Майсаранинг иши”, “Алпомиш”, “Ўлим халқаси”, “Олтин девор”, “Осмонсиз уй” ва бошқа кўплаб асарлар сахналаштирилган.

Сурхондарё бахшилар ва шоир-ёзувчилар юрти бўлиб, Шерна Бердиназар ўғли, Мардонақул Авлиёқул ўғли, Умир Сафар ўғли, Холиёр юзбоши, Шоберди Болтаев, Чорша бахши Раҳматуллаев, Бобараҳим Маматмуродов, Равшан Маматмуродов, Хушбоқ Мардонақулов, Абдуназар Поёнов, Илҳом Норов каби бахшилари, Раъно Узоқова, Теша Сайдалиев, Арбоб Чош, Норқул Ҳайитқулов, Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод, Менгзиё Сафаров, Исомиддин Отақул, Х. Хурсандов, Усмон Азим, Сирожиддин Сайидов, Туроб Эшбоев, Эркин Аъзам, Эшқобил Шукур, Тоштемир Турдиев, Шафоат Раҳматуллаев, Низомжон Парда, Болтажон Содиков, Болта Ёриев, Юсуф Валиқулов, Нарзулло Орифий, Муҳаммади Азимов, Жамила Эргашева, Гелдимурод Саидмаликов, Маҳмуд Абулфайзов, Чори Жумақулов, Шодмонқул Саломов каби шоир ва адиблари билан фахрланади.

Сурхон воҳасининг ажойиб санъаткорлари Х. Бобохонова, М.Равшанов, Г.Равшанова, Марям Маҳмудова, Маҳмуд Намозов, Равшан Намозов, Сайёра Қосимова, Ҳосила Раҳимова, Сайёра Қозиева, Лола Аҳмедова, Абдураим Турсунов, Н.Алланазоров, Шоира Қурбонова, Х.Тўлаевлар ҳамда “Шалола”, “Райхон”, “Жайхун”, “Кумуш тола”, “Қуралай” болалар фольклор-этнографик ансамбли, “Лола”, “Навнихол”, “Шодиёна”, “Рай-

хон”, “Роҳат” каби ашула ва рақс ансамбллари элимиз ардоғига сазовордир.

Мўйқалам соҳиблари Р.Чориев, Т.Қўзиёв, С.Аҳмедова, А.Амонтурдиев, Х.Ҳасанов, Т.Ўроқов, Х.Турсунов, О.Югай, Д.Йўлдошев, Ш.Йўлдошевлар ҳам ана шу бетакрор замин фарзандлари саналади.

Бахшилар тилида турфа оҳангларда куйланган Сурхондарё замини бугун ўзгача чирой очиб бормоқда. Минг йиллар қаъридан садо бергувчи қадим обидалари кўҳна тарих ҳақиқатларидан сўзласа, шаҳар ва туманларда қад ростлаётган замонавий иншоотлар янги тараққиёт даври бошланганидан дарак беради. Бойсун тоғларидек қаддию қадри баланд, Шеробод сойликларидек феълию кўнгли кенг, жануб кўёшидек юзи иссиқ, меҳри қайноқ сурхонликлар замон билан ҳамқадам тарзда меҳнат қилишдан, шу юрт тараққиётига хисса қўшишдан чарчамайди.



Термизий алломалар Мерос музейи.

I БОБ. ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУРАШИНING ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

1.1. ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУРАШИ ТАРИХИ

Кураш спорт тури сифатида жуда кўплаб халқларда қадим замонлардан буён маълум бўлиб, инсоният тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Бундан беш минг йил илгариги даврга мансуб қадимги Месопотамиядан топилган ҳайкалчаларда кураш тўшаётган полвонлар сиймоси тасвирланган. Кураш мусобақаси Қадимги Юнонистонда олимпия ўйинлари орасидан жой олган бешта беллашувнинг бири саналади.

Курашнинг хилма-хил кўринишлари Юнонистон, Италия, Япония, Туркия, Эрон, Афғонистон, Ўзбекистон, Россия, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларда мавжуд. Масалан, қадимдан юнон-рум кураши, японларда “дзюдо”, “карате”, корейсларда “таэквандо”, хитойда “у-шу” каби кураш турлари ривожланиб келган. Ҳозирги кунда эса курашнинг 400 дан ортиқ усули бор. Замонавий спорт курашнинг асосий қоидалари XVIII аср охири ва XIX аср бошларида Европанинг бир неча мамлакатларида ишлаб чиқилди. 1912 йилда Халқаро ҳаваскорлар кураш федерацияси (FILA) тузилди. Ҳозирги кунда унга 144 мамлакат аъзо, жумладан, 1993 йилда Ўзбекистон ҳам ушбу федерацияга аъзо бўлди. Халқаро майдонда спорт курашининг юнон-рум кураши, эркин кураш, дзюдо, самбо турлари кенг тарқалган. Мустақиллик туфайли ўзбек миллий кураши ҳам алоҳида спорт тури сифатида дунёда тан олинди.

Ўзбек миллий курашининг пайдо бўлиши, айрим манбаларга кўра, уч ярим минг йиллик тарихга эга. Бунга мисол қилиб Қадимги Бақтрия, яъни Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари, айнан Сурхон воҳасидан топилган жез даврига оид цилиндрсимон сопол идишда икки полвон ва улардан бири иккинчисини кураш усулида чалаётгани тасвирланган. Шу даврга оид бошқа бир археологик манбада эса полвонларнинг кураш усулларини намоиш этаётгани ифодаланган. Шунингдек, милoddан аввалги III асрга оид ҳайкалчада икки курашчи бир-бирининг белбоғидан ушлаб тургани акс эттирилган. Юнон муаррихи Клавдий Элианнинг маълумотига кўра, юртимизда яшаган қадимги сак қабилаларининг қизлари ўзларининг бўлажак куёвлари билан кураш тушиб,

турмушга чиққанлар. Хитойнинг “Тан-шу” қўлёзмасида Довон (Фарғона) да тўйлар ва сайллар кураш мусобақасисиз ўтмаганлиги баён этилган. Тарихи минг йилликлар билан беллаша оладиган қадимий эпосимиз “Алпомиш” достонида Барчиннинг шартларида кураш мусобақасининг ўтказилиши ҳам миллий курашимизнинг халқимиз турмуш тарзининг ажралмас узвий бўлагига айланганлигини кўрсатади.

Қадимда ва ўрта асрларда яшаб ижод этган қатор олимлар курашга алоҳида эътибор қаратганлари бежиз эмас. Милоднинг IX асрига келиб миллий курашимиз янги босқичга кўтарилди. Шу даврдан минтақанинг сиёсий майдонига чиққан сомонийлар, ғазнавийлар, қорахонийлар ва салжуқийлар каби сулолаларнинг ҳукмдорлари базм ва сайилларни ўтказиш чоғида тантаналарни моҳир полвонларнинг кураш мусобақалари билан бошлаб бериши одат тусига айланди. Туркий халқларда азалдан кучли, эпчил, чаққон, баҳодир кишиларга нисбатан “алп” сўзи ишлатилган. Жумладан, Фарбий Турк ҳоқонларидан бири Қора Чўриннинг ўғли Шери Кишвар Алп Арслон лақабини олган ёки Турк ҳоқонларидан бири Билга ҳоқоннинг укасининг исми ҳам Алп Эртунга бўлган ёки ғазнавийлар сулоласининг асосчиси Алп Тегин, Хоразмшоҳлар сулоласида Алп (Эл) Арслон исми ҳукмдорларнинг ўтгани ҳам бежиз эмас. Қолаверса, халқимизнинг севимли достони “Алпомиш” достонининг бош қаҳрамони Алпомишнинг асл исми Ҳақимбий бўлиб, Ҳақимбий Довонбий бобосидан қолган 14 ботмонлак ёйни кўтаргач, Алпомиш номини олган. Ёхуд Алпомиш Қалмоқ юртига бориб, 90 алпни енггани ҳақидаги сюжетларда ҳам алп сўзи паҳлавонларга нисбатан ишлатилган. Дастлаб кураш аҳолининг анъанавий байрамлари, тўй ва ҳашамларида йирик жамоатчилик тадбирларида кўнгил очиш ва дам олиш томошаси сифатида намойиш этилган бўлса, даврлар ўтиши билан мустақил спорт тури ва чиниқиш воситаси усулига айланди. Шарқнинг буюк мутафаккирлари Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит-турк”, Алишер Навоийнинг “Ҳамса”, “Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”, Хусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний”, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарларида миллий курашимиз тўғрисида қимматли маълумотлар берилган.

Ибн Сино бобомиз ёзадиларки, кураш ҳар хил турлардан

иборат бўлган. Шулардан биттаси икки эркак бир-бирларининг белбоғларини ушлаб ўзига тортади ва ҳар бири ўз рақибидан қутилишга ҳаракат қилади. Лекин бири бошқасини кучоқлайди. Бунда полвон ўнг қўлини рақибнинг елка устидан, чап қўлини пастдан ўтказади. Кейин рақибини ўзига тортади. Курашнинг яна бир тури бир-бирига оёқ чалиш усули билан рақибни йиқитиши эканлиги айтилади. Машҳур тилшунос олим Маҳмуд Қошгарий ўзининг “Девони луғатит- турк” асаридида 150 га яқин ўйин турларини тилга олиб, шундан 20 га яқин ўйинга батафсил тўхталиб таъриф беради. Олим ўйин турлари, ўйинларнинг ёшга нисбатан тақсимооти, мусобақа шартлари ҳақида маълумот бериб, бундай мусобақаларни “баҳс” деб атайтиди. Жумладан, кураш баҳсларидан “боғдоди”, “чалиш”, “енг силкиш”, “бўйин қайириш” турларини санаб ўтади.

XII асрнинг донғи кетган паҳлавонларидан бири Паҳлавон Маҳмудни халқимиз ҳозиргача алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади. Паҳлавон Маҳмуд асли хоразмлик бўлиб, пўстиндўзлик касби билан шуғулланган. Бу зотга яратган эгам улкан салоҳият ва куч-қудрат ато қилган. Шу боисдан ҳам бу кишининг номи нафақат Туронзаминда, балки Эрон, Ҳиндистон ва Шарқнинг кўпгина мамлакатларида ҳам маълуму машҳур бўлган. Паҳлавон Маҳмуд тасаввуфнинг жувонмардлик тариқати етакчиларидан бири саналган ва “Пурёлвалий” номи билан ҳам машҳур бўлган. Ҳатто ҳинд рожаси Рай Попай Чунни ўлимдан олиб қолиб, бунинг эвазига Ҳиндистондаги ўн минг хоразмликни асирликдан озод этган. Ўзбек давлатчилиги тарихида шавкатли ўрин эгаллаган Соҳибқирон Амир Темур ҳам мардлик ва шижоат бобида беназир бўлган. Соҳибқирон мард, жасур, ҳалол инсонларни қадрлаган. Соҳибқирон ўз аскарларининг жисмоний чиниқишида кураш мусобақаларига жиддий эътибор қаратганлиги ҳақида кўплаб муаррихлар ўз асарларида маълумот бериб ўтишган. Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий ҳазратлари ҳам кураш мусобақаларига, ўз даврининг паҳлавонларига катта эътибор билан ёндашган. Илгарилари душман қўшинлари жангдан олдин рақиб паҳлавонлари яккама-якка олишардилар ва аксари ҳолларда жанг оқибати ана шу олишувларнинг натижаларига боғлиқ бўларди. Ҳазрат Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонида ана шу олишувларга ҳам таъриф бериб шундай дейди:

Юруб хасм хайлининг ўтрусига,
Муниг ул ҳам андоқки қаршисига,
Бир-бирига майдонда чирмаштилар,
Басе бир-биридан оштилар.
Бу янглиғ тўкуз паҳлавони далер,
Ки ҳар бири эди иш чоғи нарра шер,
Бори Барбарийга асир ўлдилар,
Синон заҳмиддин дастгир ўлдилар.

Ҳазрат Навоий билан замондош сифатида ҳиротлик машҳур паҳлавон Муҳаммад Кўштигир деган шоир ва полвон яшаган. Қирқ йил курашларда кураги ерга тегмаган бу паҳлавоннинг чапдастлик ва эпчилликда тенги бўлмаган. Ҳиротлик машҳур полвон Паҳлавон Муҳаммад билан Навоий яқин дўст эди, унинг вафотидан кейин “Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад” номли рисо-ласини айнан ана шу кишининг хотирасига бағишлади.

Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам ўзига хос услубга эга паҳлавонлардан бири бўлган. Жумладан, манбаларда айтилишича, Бобур Мирзо икки қўлтигида икки кишини даст кўтариб, шаҳар девори устида бемалол юра олар экан. XIX аср инглиз олими Эдуард Холдин Бобурга баҳо бериб: “Бобур инсонлар орасида энг ботиридир” дейди. Шунингдек, Петербург университети профессори Н.И.Веселовский (XIX аср) Бобур ҳақида шундай ёзади: “Айтиш мумкинки, Бобур ботирлигининг чеки бўлмаган; унинг бутун ҳаёти жасорат намуналари билан тўлиб-тошиб ётибди”.

XV асрнинг машҳур воизи Ҳусайн Воиз Кошифий ўзининг “Футувватномаи султоний” асарида томоша кўрсатувчи паҳлавонларни саккиз тоифага ажратади: жумладан, кураш тушувчилар, тош ўйновчилар, лой (ишловчилар), ташувчилар (“новандозлар”), замбил кўтарувчилар, дорбозлар, гурзи кўтарувчилар ва зўрлар. “Билгилки, дейди муаллиф, кураш одамлар кўп қизиқадиган ҳамда султонлар, шоҳларга мақбул хунар. Бу иш билан шуғулланувчи кишилар ҳар қандай вазиятда тўғрилиқ ва поклик қонунияти билан яшайдилар. Агар курашнинг маъноси нима, деб сўрасалар, жавоб бериб айтгилки, бунинг маъноси одамзод хилқатидан келиб чиқади, чунки одамзод ўз ахлоқини ўзгартириб боради, яъни хулқ-атвор яхшилик томон ўзгариши керак ва бу сўзнинг ҳақиқати шундаки, одамда мақ-

бул ва номақбул ахлоқий сифатлар орасида доимий кураш бо-ради, яъни ҳар бир сифат ўзига қарши сифатни дафъ қилиш пайида бўлади. Демак, кураш инсон хилқатидаги шу хусусият-ни ифодалайди...

Агар куч-қувват қанақа нарсадир, деб сўрасалар, айтгилки, куч-қувватнинг эътибори йўқ, зеро, ҳайвонларда куч жуда кўп, аммо уларда илму дониш (инсоний фазилат) йўқ, шунинг учун улар ҳурматга лойиқ эмаслар.

Агар илм билан қўшилган куч қанақа нарса, деб сўрасалар, бу ғоят эътиборли ва таҳсинга сазовор нарса, деб айтгал. Зеро, улуғлар дебдурларки, “Билимсиз куч адли йўқ шоҳдир, қуввати йўқ илм эса, адолатли, лекин лашкари йўқ шоҳ кабидир”. Ва агар билим билан куч ўзаро мувофиқ келса, муваффақиятга эришиш йўли очиқдир.

Агар кураш тушиш илмми ёки амалми, деб сўрасалар, жа-воб бериб айтгилки, амал билан зич боғлиқ илмдир. Ҳар ким ҳаётда ниманидир ўрганеди, бироқ унга амал қилмаслиги мум-кин. Аммо кураш санъатида илмга амал қилмасликнинг иложи йўқ, бас, шундай экан, бунда билим ва амал бир-бирини бе-зайди, тўлдиради, бир-бирига мадад беради.

Агар кураш усталарининг одоби (қоидалари) нечта, деб сўра-салар, ўн иккита деб айтгил: 1) устознинг ўзи пок зийнат ва нуқсон-иллатсиз одам бўлсин; 2) шогирдларини покликка даъ-ват этсин; 3) бахил бўлмасин, шогирдларидан ҳеч нарсани қиз-ғанмасин; 4) шогирдларига меҳрибон бўлсин, 5) шогирдлар мол-мулкига таъмагир бўлмасин; 6) ҳар бир одамнинг қобили-ятига қараб таълим берсин; 7) фириб-найранг, риё билан шу-ғулланмасин; 8) ўз шогирдларига ёмонликни раво кўрмасин; 9) шогирдларидан бирортаси ёмон кураш тушса, жеркиб таш-ламасин, балки мулоимлик билан тушунтирсин; 10) шогирди-га маъракада таълим бермоқчи бўлса, буни яширин ҳолатда қилсин, токи душман хабардор бўлмасин; 11) дастур бўлади-ган кураш илмининг барча нозикликларини муфассал билиши керак; 12) ҳеч бир маъракада пири ва устозларини дуо билан хотирга олишни эсдан чиқармасин.

Агар шогирдлар одоби нечта, деб сўрасалар, бу ҳам ўн ик-кита деб айтгил: биринчидан, тўғри сўз ва тўғри фикрли бўлиш; иккинчидан, тақволи ва яхши муомалали бўлиш; учинчидан, сийрат ва сурати ораста, яхши ахлоқли бўлиш; тўртинчидан,

нок ниятли бўлиш; бешинчидан, устозларининг айтганини сидиқидилдан бажариш; еттинчидан, ҳеч бир одамга ҳасад қилмаслик; саккизинчидан, бахил бўлмаслик ва пирга борини бағиш-баш; тўққизинчидан, бошқа шогирдлар билан тилда ва дилда дўст, иттифоқ тутиниш; ўнинчидан, одамлар кўнглини топиш, кўнгли гадоси бўлиш; ўн биринчидан, ўз кучига мағрур бўлмаслик; ўн иккинчидан, рақибнинг мағлубиятидан қувонмаслик.

Агар комил устоз қайсидир, деб сўрасалар, қуйидаги олти илмдан тўла воқиф одам, деб жавоб бергил: биринчидан, тиб илмиким, бу орқали шогирд учун нима зиён, нима фойдали эканини аниқлайди. Иккинчидан, мунажжимлик илмиким, бу орқали кураш тушишнинг мувофиқ хайрли вақт-соатини аниқлай олади. Учинчидан, (рамал) илмики, бунинг воситасида голиб ва мағлубни танийди, қайси шогирди кимни устидан галаба қилишини сезиб туради. Тўртинчиси, даъват (дуо) илмики, шогирдлардан сеҳр-жодуни узоқлаштиришга кўмаклашади. Бешинчидан, фаросат илмики, у шогирднинг қиёфасига қараб, унинг қўлидан нима келиши мумкинлигини аниқлашга ёрдам беради. Олтинчиси, кураш тушиш санъатининг илмики, бу илмнинг машҳур усуллари жуда кўп, улар уч юз тугун ва бандлар, усул ва тадбирлардан иборатдир ва уларнинг ҳар бири тағин бир неча усулга таралади. Яна ушбу усулларни дафъ этиш (яъни қарши усуллар) йўллари ҳам бор. Агар буларнинг барчаси йиғилса, бирининг саккиз юз усул келиб чиқади. Мазкур илм ва унинг барча насалаларини мукамал билмаган устоз комил устоз эмас.

Агар кимни паҳлавон дейиш мумкин, деб сўрасалар, жавоб бериб айтки, биринчидан, бақувват, жусса-гавдали; иккинчидан, ширин тилли; учинчидан, кўркмас юракли; тўртинчидан, етук ақлли; бешинчидан, сабрли; олтинчидан, баркамол илмчи; еттинчидан, доимий жидду-жаҳд қилувчи, яъни ҳаракатчан, кушахлоқ, ҳаромдан ҳазар қилувчи, сахий, ноз-неъмат дастурхони очиқ одам паҳлавонлик номига сазовор кишидир.

Агар курашнинг қандай турлари бор, деб сўрасалар, икки илм тури бор, деб айтгил: биринчиси—қабз, яъни қўл билан ушлаш, иккинчиси—изтирор, яъни ихтиёрсиз ҳолда олишиш. Агар буларнинг ҳар бири қайси юртларда қўлланилади, деб сўрасалар, айтгил: қўл ушлаб кураш тушиш (қабз усули) Хуросон ва Ироқ аҳолисига хос, уни шаҳривар ҳам, деб айтадилар. Изтирор усулида кураш тушиш (эркин кураш) Гилон, Ширвон

ва Озарбайжоннинг баъзи жойларида тарқалган ва уни дайла-мор ҳам дейдилар.

Агар курашчиларнинг тили нима, деб сўрасалар, қўл деб жавоб бергил. Яъни қўлни пастга тушуриб, қарсак чалмагунча курашга тушмайдилар. Агар қўлни тушуриб қарсак чалишнинг турлари нечта, деб сўрасалар, иккита деб айтгил: биринчиси, кураш тушишдан олдин қарсак чалиш ва буни жанг ноғораси, дейдилар, қарши томон, яъни рақиб қарсак чалмагунча курашни бошлаш қоидадан эмас. Иккинчиси, кураш ўртасида қарсак чалиш. Бу таслим нишонаси бўлиб, енгилган томон сулҳ ва омонлик тилайди. Яъни, агар рақиб кураш ўртасида қарсак чалса, ғалабангни тан олдим, курашни тўхтатаман, сен ҳам қарсак чалиб, курашни тўхтатишинг мумкин, деган маънони билдиради.

Агар курашчиларнинг охири мақсади нима, деб сўрасалар, рақиб орқасини ерга тегизиш, деб айт.

Агар курашнинг онаси қайси, деб сўрасалар, қўлнинг орқасини ушлаш, деб айтгил. Чунки қўлнинг орқасини ушлаган киши ҳамма аъзоларга қўл текиза олади (бошга ҳам, оёққа ҳам, белга ҳам).

Агар йиқилишга сабаб нима, деб сўрасалар, жавоб бериб айтки, бунинг сабаби, ё кучнинг етмаслиги, ёки кураш санъатини билмаслик, яъни кучдан фойдалана олмасликдир”.

XVI—XIX асрлар давомидаги ўзаро талатўп ва бош-бошдоқликлар замонида ҳам халқ ўз сайл ва йиғинларини кураш мусобақаларисиз ўтказмаган. Шу даврда ҳам элнинг орини оладиган паҳлавонлар кўплаб етишиб чиққан. Жумладан, аштархонийлар даврида Самарқанд ҳокими бўлган Ялангтўшбий Баҳодир жангларга ҳеч қандай зирҳли кийим киймасдан кирган ва курашда ҳам абжир паҳлавон бўлиб, бунёдкорлик бобида ҳам ўзидан муносиб из қолдириб, Регистон майдонидаги Шердор ва Тиллакори мадрасаларини бунёд эттирган.

XIX асрда Хива хонлигида Ниёз юзбоши, Меҳрон Полвон, Бойчиқан Полвон Абдусаттор ўғли каби паҳлавонларнинг номи хон девонхонасидаги ҳужжатларда қайд этилган. Рус тадқиқотчиси Д.И.Логофет ўзининг кундаликларида “Бухорода сайил ва йиғинлар кураш мусобақасисиз ўтмаслиги” ҳақида ёзади. Кўкон хонлигида ҳам курашнинг белбоғли кураш усули кенг тарқалган бўлиб, бу усул халқ орасида “фарғонача кураш” деб ҳам юритилади. Фарғонача курашда полвонлар тўн кийиб, бел-

боғ боғлаб, бир-бирларининг белларидан иккала қўли билан ўшлашиб курашадилар. Кураш мусобақалари ўтказиладиган майдон доира шаклида бўлиб, унга тўшак ташланади. Фарғонача кураш усули классик усул бўлиб, куч билан енгилуш усули саналади. Унда рақиблар бир-бирларини куч ишлатиб, иккала бегини тўшакдан узиб, сўнг хоҳлаган томонга йиқитиши мумкин. Бу кураш турида чалиш, қайириш, ёнбошга олиб кўтариш, елкадан ошириш каби усуллар тақиқланади. Рақиблар олишув пайтларида қўлларини қўйиб юбориши ҳам мумкин эмас. Бухороча курашда полвонлар калта тўн кийиб, белбоғ боғлаб курашадилар. Бу усул эркин курашни эслатади, унда чалиш, қайириш, елкадан қайириб ташлаш, бошдан ошириб отиш сингари усулларга рухсат этилади. Бухороча курашда рақиблар бир-бирларининг белбоғларидан ушлаб курашишлари шарт эмас. Бунда рақибнинг куракларини ерга бир зум текизиб турган полвон қолиб саналади.

Узоқ йиллар давомида халқимизнинг сайл ва байрамлари, тўй ва хашамлари полвонлари иштироксиз ўтмаган. 1928 йилда Ўзбекистонда илк бор белбоғли кураш бўйича мамлакат чемпионати ўтказилиб, ушбу кураш усулига спорт тури мақоми берилди. Натижада белбоғли курашнинг спорт тури сифатида қонун-қоидалари ишлаб чиқилиб, улар йилдан-йилга такомиллашиб борди.

Юртимиз полвонлари биринчи бор 1933 йилда СССР миқёсида ўтказилган IV— юнон-рум мусобақасида қатнашиб яхши натижаларга эришдилар. 1934—1938 йилларда ўтказилган спорт мусобақаларида ўзбек полвонлари кучли ўнликдан жой олди. 1936—йилда Тошкент шаҳрида миллий кураш секцияси (шўъба) очилди. Ушбу секцияга машхур полвон Асқар Отаев раҳбарлик қилди. 1936 йилда Ўзбекистон полвонлари Татаристон полвонлари устидан ғалабага эришди. 1937 йилда Тошкентда кураш бўйича илк бора республика биринчилиги ўтказилди. Ушбу курашда 120 дан ортиқ полвон куч синашди. 1939 йилдан бошлаб “Динамо”, “Спартак”, “Ўқитувчи” жамиятлари ҳузурида кураш секциялари ташкил этилди. 1938 йилда Ўзбекистонда самбо кураши жорий этилди. 1939 йилда фарғонача курашнинг мусобақа қоидалари ишлаб чиқилди. Бироқ мустабид тўзум даврида ўзбек кураши спартакиада ёки олимпиада спорт турига кирмайди деган ваз билан кескин камситилиши ва эъти-

борсизлик ҳоллари устуворлик қилди. Бироқ халқимизнинг курашга бўлган қизиқиши ва шинавандалиги туфайли байрамлар, сайиллар, тўйлар курашсиз ўтмас эди. Ҳатто халқимизнинг курашга бўлган бундай иштиёқини мустабид тузум зуғумлари ҳам сўндира олмади. Буни қуйидаги фикрдан ҳам билиб олиш мумкин, яъни 1939 йил 21 апрелда “Ўзбекистон физкультурачиси” газетаси шундай ёзади: “Халқ орасида ўзбекча кураш кенг тарқалган бўлиб, кураш мусобақаларини ёшу қари, каттаю кичик, ҳатто хотин-қизлар томоша қилишга йиғилишадилар. Тошкент вилоятида ўтказилган вилоят биринчилигини томоша қилишга ўн минглаб одамлар тўпланди. Мусобақа қатнашчилари курашни бошлаши билан улардан ташқари яна 81 полвон кураш истагини билдириб ёзилдилар. Уларнинг сони мусобақа қатнашчилари сонидан уч баробар кўп эди, беллашувлар эртадан кечгача давом этди”.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида полвонларимиз фашизм билан мардоновар курашдилар, жумладан, К.Пўлатов, Т.Эрйигитов, М.Абдуллаев, Ш.Умаров, У.Суюнов, Т.Эшбоев каби юзлаб полвонларимиз Иккинчи жаҳон урушида мардоновар жанг қилдилар.

1947 йилдан бошлаб кураш умумўзбек спартакиадаси дастурига киритилди. 1949 йилдан бошлаб эса миллий кураш бўйича вилоят, республика биринчиликлари, умуман ўзбек спартакиадаси, кишлоқ спортчилари спартакиадаси дастури доирасида полвонлар беллашуви ўтказила бошлади. 1956 йилдан бошлаб, ҳар бир хўжалик, туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказиладиган байрамларга ҳам кураш мусобақалари алоҳида зеб бериб турди. XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари полвонлари мунтазам тарзда ўртоқлик учрашувларини ўтказиб келдилар. 1970 йилдан бошлаб Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида белбоғли кураш бўйича мутахассислар тайёрлана бошлади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, курашнинг белбоғли кураш усули Фарғона водийси, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятларида оммалашган. 1970 йилдан эътиборан кураш бўйича спорт устаси ва усталикка номзод унвонларини бериш таъсис этилди. Курашнинг бухороча усули Зарафшон воҳаси, Қашқадарё, Сурхон воҳаси, Жанубий Туркменистон, Жануби-Фарбий Тожикистон, Шимолий Афғонистон ҳудудларида кенг тарқалган усул саналади.

Полвонлар ҳар бир даврнинг номус ва ори саналган. Полвон даврада тобланган, полвонни эл суйган, эл сийлаган, полвон элнинг ори учун даврага кирган. Шу боис ҳам бу юрт курашга ошуфталар юрти, бу юртнинг қайси бир хонадониди ўғил фарзанд туғилдими, албатта, улғайса кураш тушади, бу юрт полвонларга ишқибозлар юрти, кураги ерга тегмаган паҳлавонлар юрти. Мустабид тузум шароитида ўзбек миллий кураши иккинчи даражали спорт мусобақасига айлантирилди, аниқроқ айтганда, миллий кураш турини иложи борича халқ ҳаётидан сийиб чиқаришга ҳаракат қилинди. Советларнинг етмиш йилдан эрттик ҳукмронлиги даврида ўзбек кураши бўйича бирорта нуфузли мусобақа ўтказилмади ёхуд асрлар давомида сайқал топиб келган ўзбек кураши тарғиб этилмади. Шу боисдан ҳам кураш мусобақалари фақат тўйларда, ҳосил байрамларида ўтказилиб турилди. Бироқ шунга қарамасдан, халқ курашнинг бу турини унутмади, кун тартибидан чиқариб ҳам ташламади, тўйқилишам борки, курашсиз ўтмади. Халқимизда улуғ бир нақл бор: "Оққан дарё оқмай қолмас". Дарҳақиқат, бу эл шижоатли, алп қоматли, арслон билакли, шер юракли, тоза қалбли, соф виждонли, ориятли, имон-эътиқодли, мард, жасур, танти, лафзи қалол халқ. Шу боисдан бу халқ орасидан мустабид тузум шароитида ҳам эл орини оладиган полвонлар етишиб чиқди. Жумладан, Али полвон Мирзакаримов, Муллаўсар Ботиров, Каримжон Маллабоев, Матёқуб Мирзаев, Шокиржон Қурбонов, Аҳмаджон полвон, Сотиболди полвон, Тўйчи Раҳимбоев, Асқар Отабоев, Карим полвон, Абса полвон, Тохир полвон, Жўра полвон, Шодмон полвон, Алман полвон Валиев, Лўкча полвон, Чори қорейс полвон, Йўлдош полвон, Девман полвон, Ғўччи полвон, Ёгамберди полвон каби полвонлар етишиб чиқди. Бу полвонлар ўзининг элчиллиги, довураклиги, мардлиги, шижоати, қалоллиги, ориятининг баландлиги билан эл назарига тушди, элнинг ори учун курашиб, эл дуосини олди, давраларда полвон деб сийланди, обрў-эътибор топди. Ҳақиқатан ҳам бу халқ миллий курашга шинаванда, полвонликка, паҳлавонликка ошуфта халқ. Айтиш жоизки, мустабид тузумнинг миллий курашимизга муносабат юзасидан найранглари ҳам элнинг эътиқоди олдида пучга айланди. Полвонини суйган эл курашга ва полвонларга бефарқ бўлмади, балки уларни ҳаминша ардоқлаб, ғазозлаб келди.

1.2. СУРХОН ВОҲАСИДА МИЛЛИЙ КУРАШ ТАРИХИ

Сурхон халқининг ўзлиги, иймон-эътиқоди, ирода ва матонати, энг муҳими, ўз юртига садоқати асло ўзгармайди.

И. КАРИМОВ

Сурхон воҳаси азалдан курашга, яъни олишга шинаванда халқ. Воҳада туғилган ўғил бола борки, курашга тушмасдан қолмайди. Бу ернинг аҳолиси тўй-ҳашамларини, сайил ва йи-гинларини олишсиз, кўпкарисиз ўтказмайди. Полвонлик, курашга ошуфталик бу ер аҳолисининг қон-қонига сингиб кетган. Бу ернинг полвонлари ҳам содда, ҳам дўлвор, бироқ ҳалол, полвон келбатига яраша, полвон сифати, полвон сийрати ҳам бор. Шу боисдан ҳам эл доим полвонлари билан фахрланади, полвонларини сийлайди, уларни давранинг тепасига ўтирғизади. Полвонларни элнинг ори деб билади. Полвонлари ҳам мард, танти, бир сўзли, фирромликни билмайди, соврунга талашмайди, лекин орға талашади, даврага тушса ор учун тушади. Бу ернинг полвонлари анчайин камгап, оғир карвон сифатли, полвонлигини пеша қилмайди, уни йиқитдим, буни йиқитдим деб мақтанмайди, йиқилса, ўзидан зўрга тан беради, бироқ машқни тўхтатмайди, руҳи чўкмайди ва ор учун яна бир даврада ўша полвон билан куч синашиб, ҳисобни тенглаштиради. Бу ер аҳолисининг суҳбатларида, гап-гаштакларида ҳам полвонлар тўғрисида хўп ва кўп гапирилади, қачонлардир, кимнинг тўйида, қайси даврада кимни ким курашда енггани, яъни йиқитгани ҳақида узундан-узоқ хотиралар эсланади. Бу халқ кураш деса, кўпқари деса, бутун вужуди билан майдонга шошади, қайсидир полвонга шинавандалиқ қиладди ёки ўзи даврага тушиб ор талашади.

Хуллас, бу халқ олишмаса, кўпқари чопмаса ҳовури босилмайдиган халқ, ҳатто тўй-ҳашам бўлмаган пайтларда ҳам ўзаро йиғилишиб, нимадир ўртага қўйиб кураш тушади, кўпқари уюштиради, ана шундан завқ олади, ана шундан ғурурланади. Бу ерликлар Алпомишнинг ҳақиқий авлоди. Шунинг учун ҳам бўлса керакки, “Алпомиш” достони шу элда яратилган. Бойсун қўнғирот эли бекорга дostonда таъриф ва тавсиф этилмаган. Бу ер аҳолисининг ўзига хос содда ва тўпори феъл-атвори узоқ

даврлик тарихнинг ҳосиласи, яъни сурхондарёликлар меҳр берса сидқидилдан беради, дашном берса шартта бетга айтади, лекин гина сақламайди, зимдан иш қилмайди, бировга ёмонлик қилмайди. Шунинг учун ҳам воҳа аҳлига нисбатан қадимдан илиқ фикрлар билдирилган, уларнинг ўзига хос характер ва феъл-атвор эгалари эканлиги эътироф этилган. Жумладан, милодий II асрда яшаган юнон тарихчиси Арриан ўзининг “Искандар юришлари тарихи” номли асарида бақтрияликларга шундай таъриф беради: “Бу қабилаларнинг ичида бақтрияликлар энг уддабурон, феъл-атворлари ўзига хос, улар форсларнинг дабдаба ва назокатли ҳаётидан нафратланади, лекин жанговар халқ”.

Бу таъриф қадимги давр муаллифига тегишли. Ўрта аср манбаларида воҳанинг бош кенти саналган Термиз “мадинат ар риждол”, яъни “мардлар шаҳри” деб таърифланишида ҳам бир олам маъно, бир талай мазмун бор. Яратилиш генезиси мингчиларга бориб тақаладиган “Алпомиш” достонида ҳам жанговарлик, қахрамонлик, мардлик, ҳалоллик каби хислатлар бахшилар томонидан кўтаринки руҳда ифода этилади. Яқин-яқинларгача воҳа аҳолиси тўйларда кундузи кураш ва кўпқари берган, кечга бориб эса бахшилар “Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Тўрўғли” ҳақидаги достонларни куйлаб, то тонггача баҳодирлик каби туйғуларни тараннум этган, халқ бахши-шоирларни ён дилдан тинглашган. Достон қахрамонларининг мардлигидан завқ олишган, оғир сюжетларда уларга сидқидилдан ачинишган. Шунинг учун ҳам халқ орасида “Бахшилар элнинг бийрон тилидир”, “Бахшили эл ботир эл” каби нақллар тарқалган.

Бахши-шоирлар ёшларни Алпомишдек мард, садоқатли, кўркмас, ориятли, ҳалол қилиб тарбиялашга ҳаракат қилишган ва ушбу туйғуларни уларнинг онгига сингдириб боришган. Жумладан, “Алпомиш” достонида Барчиннинг алплар ва Алпомишга қўйган шартларини бажариш жараёни алоҳида баён қилинган. Достонда алпларнинг кураш тушиш манзараси энг қизиқарли саҳифалардандир. Бу ерда жисмоний бақувватлик, кураш тушиш ва рақибни енгиш санъати, полвонлик маҳорати ўзига хос кўтаринки оҳангларда тараннум этилади. Достонда полвонларнинг кўриниши ҳайбатли тарзда муболағали ўхшатишларда берилган. Масалан, қалмоқ полвонларидан Кўшқулоқ полвон куйидагича таърифланади:

Шомурти шохалаб ҳар ёққа кетган,
Ичида сичқонлар болалаб ётган.
Изидан тушган пишак олтойда етган...

Бошқа бир қалмоқ полвонининг кўриниши шундай:
Бу қалмоқдир қалмоқларнинг равиши,
Оҳ урса оламини бузар довуши...

Яна бирининг тасвири:

Қаҳрланса тошни ёрар қаҳари,
Тўқсан норнинг гўшти бўлмас наҳори...

Яна бирининг тасвири:

Олтмиш қорич олачадан қалпоғи,
Тўқсон қўйнинг терисидан телпағи...

Яна бири ҳақида:

Тўрт юз тўқсон қулоч қўлда ҳассаси,
Сорҳовуздан катта эди косаси...

Достонда Кўкалдош полвоннинг келбати эса минорага ўхшатилади. Шунингдек, достонда полвонларнинг кураш манзаралари тасвирида ўзбекона кураш усуллари ва уларни қўллаш маҳоратларига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, “ётиб отар қилиш”, “чил солиш”, “кўтариб отиш”, “қоқиб ташлаш”, “елкадан ошириш” каби бир қатор усуллар тилга олинади. Полвонлар олишар экан, тўзон кўтарилиши, ернинг шудгордай бўлиб қолиши, курашчиларнинг шердай ташланишлари алоҳида завқ билан баён қилинган. Полвонлик ҳам ўзига хос машқни талаб этади. Агар машқ бўлмаса, курашда рақибни енгиб бўлмайди. Достонда бунга алоҳида урғу берилган.

Шуни ҳам айтиш керакки, достонда нафақат йигитлар, балки қиз-жувонларнинг ҳам жисмоний бақувват, ҳунарли бўлиши ижобий баҳоланган. Жумладан, Барчин тилидан шундай дейилади: “Мардлар олишмайди, силтаб отади”. Достонда ифодаланган кураш усуллари, уларнинг таъриф ва тавсифлари халқимизнинг кураш тушиши, пойга чопиш, от чопиш, мерганлик мусобақалари билан боғлиқ анъаналари қадимий эканлигидан далолат беради.

Воҳада туғилган ҳар бир йигит қайсидир маънода майдонга тушиб олишади. Лекин полвон бўлиб етишиш осон эмас. Чунки полвонлик ҳам насл суради, ҳам машқ, ҳам тарбиянинг маҳсули. Воҳада курағи ерга тегмаган, давраларда мардона кура-

шиб, рақиб устидан бир неча бор ғалаба қозонганларгина полвон деб аталган.

Воҳа аҳолиси орасида юрадиган нақлларга кўра, полвонлар ҳам уч тоифага бўлинади. Жумладан: зоти полвон ўтган, худо полвонлик хислатларини юқтирган полвонлар, суяги полвон, шунни келбати полвонсифат полвонлар, машқ ва меҳнат орқали полвон бўлганлар каби тоифаларга бўлинади.

Айтиш жоиз бўлса, полвонлик ҳам санъат. Полвон ушбу санъатнинг ҳадисини олиши, рақибнинг руҳият, шикоят ва камчиликларини тўғри баҳолай олиши, ўз устида тинимсиз ишлаши талаб этилади. Ҳар бир ер полвонининг ўзига хос кураш усули мавжуд. Сурхон полвонлари ҳам курашда жуда моҳир бўлиб, оёқда чалиб йиқитиш энг кўп ишлатиладиган усуллардан биридир. Воҳа полвонлари оёқ билан чалиб йиқитишда “ёнбош”, “тўғаноқ”, “қоқма”, “ўрама”, “норпўш”, “қўшша” усулларини ишлатишади. Бундан ташқари, оёққа чалмасдан “учадан”, “кифтдан”, “қайтарма”, “бурама”, “кўтариб буриб ташлаш”, “ийиндан ошириб ташлаш”, “силтаб отиш” каби усулларни ҳам ишлатишади. Шунингдек, курашда ҳимояланиш, кези келганда, фириб ишлатиш усуллари ҳам борки, бу усуллар самараси ҳар бир полвоннинг ушбу усулларни қўллай билиш санъатига боғлиқ.

Элимизнинг ардоқли полвони, миллий курашимизнинг етук билимдони ва тарғиботчиси профессор Жума Тошпўлатов воҳа полвонларининг кураш усулларини қўллаш санъатини қуйидагича таърифлайди: “Ўзбек миллий курашининг ўзига хос усуллари мавжуд бўлиб, уларни полвонлар турлича вазиятларда қўллайдилар. Шулардан бири “тўғаноқ” деган кураш усули. Бунда рақибни худди елкага оладигандек судраб кетаверади. Пайт пойлаб бораверилади ва банагоҳ оёғига чил бериб, орқага итарилади. Шу тариқа ғалабага эришилади. Агар билсангиз, бу усулни Баҳром Авазов пухта эгаллаган. Чори полвон Бобониёзов вақти замонида “ёнбош”, “уча”, “қоқма”ни роса жойига қўйиб кураш тушарди. Шафоат полвон Шомуродов раҳматли 100—120 кило вазндаги полвонларни ҳам икки енгидан маҳкам ўшлаб елкасидан ошириб улоқтириб юборар ва ғолиб чиқарди. Ражаб полвон Худойкулов рақибини югуртириб (тескари) “қоқма”га оларди. Бобоҳон полвон “ўрама” ёки “бойпечак” деган усули билан рақибини осон мағлубиятга учратарди. Термизлик Жўра полвон Сафаровнинг елкадан ошириб отишлари

зўр-зўр рақибларини, доврўгли полвонларни ҳам доғда қолдирди. Алман полвон Валиев “елка”, “уча” усулига уста бўлиб, елкадан ошириб отишга келганда тенги йўқ полвон сифатида тилга тушди. Кекса полвонларимиздан бири Жўра Пирнаев “қайтарма” усулини шу қадар маҳорат билан ишлатдики, ўзбек курашида бу усулни бошқа бирор-бир полвон кейинчалик ҳам такрорлай олмади. Бу усулни “Жўра Пирнанинг ўроғи” ҳам дейишади.

Олтинсойлик Исмат полвон Давлатовнинг “ўрама”, “туячил” усуллари энг зўр усуллардан эди”.

Воҳа полвонлари нафақат кураш усулларида, балки куч-ғайрат бобида ҳам Алпомиш сифат бўлишган. Чунончи, Тангидевонлик Эрдона VIII асрда Шеробод беклигининг кўзга кўринган полвони бўлиб, Тангидевон қалъасининг сўнги кўмондони Абдалбекнинг ўғли эди. Эрдона полвон Фузор бегининг тўйида бекнинг кураги саккиз қаричлик полвонини бир эмас, икки марта йиқитади ва бек катта совринга эгалик қилиш учун яна бир шарт қўяди, яъни бўталоқнинг жағини айириш кераклигини айтади. Эрдона полвон тиззасигача тупроққа беланиб, бўталоқнинг оғзини иккига айириб ташлайди. Шерободнинг Фоз қишлоғида яшаб ўтган Давман полвон каттагина полвонтошни елкадан ошириб машқ қилган. Шерободнинг Кампиртепа қишлоғилик Абсамат полвон Жабборов, яъни Абса полвон бутун бошли ўтовни барча жиҳозларини бир жойга тўплаб, маълум масофага кўтариб бора олган. Хўжамулкида туғилиб, ўсган Давла газар номи билан афсонавий паҳлавон сифатида элга танилган Давла полвон нафақат курашда моҳир бўлган, балки пойга бобида ҳам ўзига хос нодир қобилиятга эга бўлиб, пиёда ҳолда отлиқлардан ўтиб кетган, ҳатто Вахш дарёсидан ҳам сакраб ўтганлиги тўғрисида ҳали-ҳануз ҳайратланарли ҳикоятлар эл оғзидан тушмайди. Боғлидаралик полвон Турсуннозим Қурбонёр ўғли кўтарадиган полвонтош оз эмас, кўп эмас, нақ сандиқдек келган. Бу тошни Нозим полвондан бошқа ҳеч ким кўтара олмаган. Кўриниб турибдики, полвонлик тинимсиз машқлар ва машаққатлар эвазига шаклланадиган ноёб қобилият саналади. Ҳақиқатан ҳам Сурхон воҳасида кураги ерга тегмаган полвонлар кўпки, уларнинг ададига етишнинг ўзи амримаҳол, ҳатто айрим қишлоқларнинг ўзида ҳам ўнлаб полвонлар бор. Бекорга Сурхон воҳаси Алпомишлар юрти деб эътироф этилмайди.

Кўйида биз эл орасида дoston бўлган айрим полвонларнинггина фаолиятига тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Сурхон воҳаси азалдан кураги ерга тегмаган полвонлар модир чавандозлар юрти саналади. Шулардан бири Давла газар саналади. XIX аср охири — XX аср бошларида яшаб ўтган Давла газар асли хўжамулкилик отаси Бўронбой, онаси эса Ойсулув номли кишилар бўлишган. У момасининг кўлида тарбияланган, ёшлиқдан зуваласи пишиқ, полвон келбат бўлиб етишган. Давла полвон Бойсун беклигида қишлоқларда бўладиган тўй ва сайилларда кураш тушиб юрган. Шунингдек, пойгада ҳам устун бўлиб, баъзан пиёда ҳолда отлиқ пойгачилардан ҳам ўзган. Ҳатто бирида кўпкарида пиёда ҳолда отлар орасига кириб зот айириб чиққанлиги, шунингдек, Хўжамулкида бир одам билан баҳслашиб, от билан пойга кўйиб, Бойсунга отлиқдан олдин пиёда етиб борганлиги, яна бирида Вахш дарёсидан таёғини отиб, таёқдан олдин ўзи сакраб ўтганлиги ҳақидаги ривоятлар ҳали-ҳануз эл орасида юради. “Газар” сўзи ўғрига нисбатан ишлатилса-да, Давла газарга ижобий маънода қўлланилган. Давла газар ўз давридаги ноҳақликларни кўриб, халқнинг аянчли аҳволига ачиниб, инсофсиз мулкдорларнинг мулкини ўғирлаб, етим-есирларга, ночорларга бўлиб берган, ўзини халқ ҳимоячиси деб билган. Ҳатто Совет тузумига қарши курашда ҳам истиқлолчилик ҳаракатида бевосита қатнашмаса-да, уларга хайрихоҳ бўлган. Бир неча марта Иброҳимбек лақай, Хайит кал каби кўрбошилар ҳузурда бўлган, Афғонистон томонларга ҳам бир неча бор ўтган. Курашларда кураги ерга тегмаган, пиёда пойгада унга ҳеч ким ега олмаган афсонавий полвон бўлган.

Юқорида қайта-қайта таъкидлаганимиздек, воҳанинг сайиллари, тўй ва ҳашамлари кўпкари ва олишсиз ўтмаган. Шу боисдан ҳам Бойсун, Ҳисор, Денов, Шеробод бекликларида ном чиқарган полвонлар кўпчиликни ташкил этган. Шунинг билан бир қаторда, бирор марта ҳам кураги ерга тегмаган, куч-қувватда тенгсиз, абжир, эпчил ва чаққон полвонлар бўлганки, бу полвонлар бекликнинг полвони деган ном билан аталган, бу полвонлар бекликлар ўртасида ўтказиладиган мусобақаларда бекликнинг ори учун курашган ва доимо бекликлар назарида турган. Масалан, Шерободнинг Боғлидара қишлоғида XIX асрнинг иккинчи ярми — XX асрнинг биринчи ярмида яшаган Турсуннозим полвон Қурбонёр ўғли ҳам Шеробод бегининг моҳир

полвонларидан бири бўлиб, тўй ва сайилларда ўтказилган кураш мусобақаларида доимо мутлоқ ғолиб бўлиб келган. Бу полвоннинг бўйи икки метрдан ортиқ бўлган. Шеробод беклигидаги бир тўйда мутлоқ ғолиб бўлиб, бекнинг совринини олган Турсуннозим полвон халқ орасида “Элни оғалаган полвон” номини олган. Бундай номга фақат кураш мусобақаларида эл орини ҳимоя қилиб, бошқа юрт полвонларини енга олган полвонлар эришган. Шунингдек, Шерободнинг Хатак қишлоғида яшаб ўтган Чори полвон Эшпўлат ўғли (1880—1941) ҳам кураги ерга тегмаган паҳлавон бўлган. Бойсун ва Шеробод бекликларида бўлиб ўтган кураш мусобақалари Чори полвонсиз ўтмаган. Чори полвон ёш полвонларни тайёрлаш учун Боғлидарага кириш жойида катта-кичик бир неча тош қўйдирган. Бу тошлар полвонтош деб аталган, қайси полвон Боғлидарага кирса, шу тошлардан бирини кўтариб токчага қўйиши шарт бўлган. Энг катта тош Чори полвон тоши деб аталган ва бу тошни Чори полвондан ташқари, фақат Турсуннозим полвон кўтара олган.

Шерободнинг яна бир доврўкли полвони Давлат Бердиали ўғлидир (1890—1962). Давлат полвон Шерободнинг Ғоз қишлоғида туғилган, касби чўпонлик бўлган. Давлат полвон эл орасида Давман (Девман) полвон номи билан машҳур бўлган. Давман полвон 15, 16 ёшидан кураш тушган, умри давомида кураги ерга тегмаган полвон саналган. Давман полвон XX асрнинг 10-йилларида бекликда машҳур полвон даражасига эришган. Шу даврда у Шеробод, Бойсун, Ғузор, Шаҳрисабз бекликларида ўтказилган курашларда мутлоқ ғолиб бўлган. 1916 йилда Балхда Бухоро, Ҳиндистон, Эрон ва Афғонистон полвонларининг беллашуви бўлиб ўтган. Ушбу беллашувда афғонларнинг “енгилмас” деб ном чиқарган полвонини мағлуб қилган. Шунда афғон полвони жанжал чиқарган, лекин халойиқ Давман полвонни ҳимоя қилиб, уни кечаси Амударёдан ўтказиб юборишган. Давман полвоннинг устози Бухоро амирлигида анчайин номдор бўлган Нодир полвон бўлган. Бойсун беклигининг номдор полвонларидан даштиғозлик Йўлдошали полвон, унинг шогирдлари Саманчи (Ҳакимали) полвон, Умир полвон, Қосим полвон, Хидир полвон, Хўжамқули полвон, Ашур полвон, Исмаи полвон, Тўра полвонлар бўлган.

Воҳанинг аҳолиси қадимдан тоғ оралиғи ҳамда тоғ ён бағридаги жойларга кўчиб чиқиб, макон тутиб, қишлоқлар ҳосил

қилиб яшаб келишган. Сурхон воҳаси аҳолиси дашт-чўлларда, адир-қирларда, тоғ оралиғи қишлоқларида истиқомат қилиб, Бойсун, Шеробод, Денов, Термиз ҳудудларида ўзларининг машҳур полвонлари билан донг таратган, ўз ор-номуси, мардлиги, ватанпарварлиги, урф-одатлари, анъаналари, тўй-томошалари билан машҳур бўлиб яшаб келмоқда. Жумладан, воҳанинг машҳур полвонлари Бешэркак, Боғлидара, Сайроб, Дарбанд, Пошхурд, Фоз, Тиллакамар, Хўжонқо, Хўжаулкан, Боботепа, Калламозор, Миршоди, Сангардак, Сина, Хўжасоат, Бешқўтон, Дуғобо, Чуқуркул, Бедак, Калапўшқия, Чилонли, Чорбоғ, Хатак ва бошқа қишлоқлардан етишиб чиқиб машҳур бўлганлар. Шунингдек, Хомконга олиб борувчи узун тоғ дараси Тангидара қишлоғида яшовчи аҳоли орасидан ҳам полвонлар кўп етишиб чиққан. Ана шундай полвонлардан бири Турсуннозим полвон Қурбонёр ўғлидир. Турсуннозим полвоннинг машқ қиладиган полвон тоши оз эмас, кўп эмас, нақ сандиқдек келган. Бу тошни Турсуннозим полвондан бошқа ҳеч ким кўтара олмаган. Турсуннозим полвоннинг бўйи 2 метрдан ҳам сал ошиқроқ бўлган.

Турсуннозим полвон Шеробод беклигида элни оғалаган полвон номини олган.

“Боғлидара”га кириб боравериш йўлида иккинчи тоғ бурумнинг жануби-ғарбий қисмида тоғ этагидаги тоғ такчасида иккинчи полвонтош ҳозир ҳам турибди. Кўринишдан унчалик катта кўринмаган бу тошни кўтариш барчанинг ҳам кўлидан келавермайди. Учинчи тош ҳам яна бир тоғ такчасида эди, уни ким қаерга олиб кетганини билишмайди. Хуллас, Боғлидарада учта полвонтош бўлган. Шу сабабдан ҳам “Боғлидара” қишлоғидан кўплаб полвонлар етишиб чиққан. Улар Шоҳмуҳаммад полвон, Отакул полвон, Чори полвон, Муҳаммади полвон, Ҳамрокул полвон, Сопа полвон, Абдимурод полвон, Пиримкул полвон, Сахи полвон, Абдусалом полвон қабилар. Уларнинг рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин.

Миллий ўзбек кураши билан боғлиқ атамалар ва урф-одатлар асрлар оша ривожланиб, халқимизнинг турмуш тарзида ўз аксини топиб келмоқда. Сурхон воҳаси қишлоқларида яшовчи аҳолининг кураш билан боғлиқ ўзига хос атамалари мавжуд бўлиб, атамада миллий курашни “олиш” деб аташади. Миллий Ўзбек кураши ўтказиладиган тўйни эса “Олишли тўй”, “Ким ку-

рашга тушади?” гапине эса “Ким олишади?” деб айтишади. Бу атама ҳамон халқ тилида мавжуд. Ахоли кўпкари ва миллий курашга ўта қизиқувчан бўлганлиги учун биринчи ўғил фарзанд кўрганида, биринчи набира кўрганида ҳам тўй бошламаса-да, кўпкари ёки кураш мусобақасини ташкил қилиб, совринини ўз ҳисобидан чавандоз ёки полвонларга бериб келган. Улар бу ниятни хали фарзанд кўрмаган пайтидаёқ бобоси ёки бўлажак ота ўз кўнглига тугиб қўйиб: “Набира кўрсам, элга бир кўпкари бераман” ёки “Ўғил кўрсам, элга бир олиш ташкил қилиб бераман, деб ният қилгандим”, дея мусобақаларни ташкил қилишган. Халқ сайиллари ва тўйлари кўпкарисиз, курашсиз ўтмайди, ҳатто узоқ вақт фарзанд кўрмаганлар, қиз фарзанд кўрса ҳам, унинг шукронасига олиш ёки кўпкари ташкил қилиб беришади. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Икки ўзбек йигити бир бўлса, ўзаро кураш тушиб кетаверишган. Ўзбек миллий кураши алоҳида спорт майдонини талаб этмайди...”

Халқ кураш тушиш жойини “Алининг майдони” деб аташади. Кўни-қўшни, овулдошлар ҳам кундалик ҳаётда бир-бирларининг фарзандларини ўзаро олиштириб туришган. “Ўғил боламисан, чиқ Алининг майдонига, қани, кучингни кўрсат!” деб болаларнинг иштиёқини кучайтиришган. “Йиқилганни ер кўтаради” каби халқ мақолини ўз ўрнида қўллаб, йиқилган болани яна олишишга ундашган. “Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил”, дея ёш полвонларни босикроқ бўлишга ундашган.

Миллий кураш мусобақаси учун ўтмишда тўй эгаси ўз соврини, қариндош-уруғлари, ҳамқишлоқлари қўшган совринларни кураш баковули ва соврин тарқатувчиларга топшириб, кимга қандай соврин беришни уларнинг ихтиёрига қўйиб беришган.

Совринлар, асосан, гилам, наMAT, от хуржун, дигил, кийимлик матолар, қўй, хўкиз, бузоқ, эчки, сарка, қўчқор, кўзи, улоқ, той, пул, танга кабилардан иборат бўлган. Тикув машинаси чиққан пайтларда тикув машинаси ҳам совринга қўйилган.

Баковул (давра боши, яъни ҳакам) кекса полвонлардан қўйилган. Кураш дастлаб ёш болаларни ўзаро кураштириш билан бошланиб, ундан сўнг улардан каттароқ болалар, кейин ўсмирлар, йигитлар, охирида таниқли полвонларни ўзаро курашга туширишган. Ҳазил тариқасида кекса, нуроний полвонларни ҳам майдонга туширишиб, улардан дуо олишган, уларга махсус совринлар беришган.

Баковул кураги ерга тўлиқ тегиб йиқилган кишининг рақиби бўлган полвон шарафига: “ҳалол!”, “ҳалол йиқитди!” – деган. Аҳли томоша ҳам қийқиришиб жўр бўлишган. Бир-бирини енга олмаган полвонларни: “Енгиша олишмади”, “Кучлари тенг экан”, дея ўзаро келиштириб, совринини иккига бўлиб беришган. Агар улар ўртасида совринга мол қўйилган бўлса, танга ёки пул ҳамда тенг миқдордаги ўша мол нархига келиштириб соврин бўлиб берилган.

Боғлидаралик ижодкор ўқитувчи Ҳалима Нозимова ўзбек миллий курашимизга, она – Ватан тарихига чексиз муҳаббат асосида Боғлидара полвонтошлари, полвонлари хотирасига бағишлаб ўзининг “Полвонтош” шеърини ёзган:

Сенинг тарихингда нима сирлар бор?
Алплар кўтаргандир сени минг-минг бор.
Юрагим қатида сенга меҳрим бор,
Отамнинг қўллари теккан Полвонтош.

Сени даст кўтариб кифтдан ошириб,
Жисмида полвонлик кучин тошириб.
Алплар кўтаргандир шавқ-завқ шошириб,
Отамнинг қўллари теккан Полвонтош.

Музейларда жонсиз ашё бўлмагин,
Алплар кўтарсинлар, асло толмасин.
Алининг майдони алпсиз қолмасин,
Аждодларим қўли теккан Полвонтош.

Боғлидара тоғин тоқчасида бир,
Тарихдан бағрингда яшириб кўп сир.
Авлодлар қалбига этгайсан таъсир,
Савлат тўкиб турган азиз Полвонтош.

Ўзбек курашида бир тарих – Сенсан!
Билмадим, балки, минг йилларга тенгсан.
Миллий қадриятда шарафсан, шонсан,
Аждодлар қалб қўри – азиз Полвонтош.

Сени кўтаришиб бугунги ёшлар,
Вужудида алплик кучлари тошар.

Аждодлар кучига тан бериб яшар,
Авлодларга энг зўр ибрат Полвонтош.

Кўпкари, курашсиз тўйи ўтмаган,
Машқ қилган полвонлар ори кетмаган.
Отамнинг кураги ерга тегмаган,
Элимга келтирган шуҳрат Полвонтош.

Ўзбекнинг курашин бугун Юртбошим,
Жаҳонга танитди, мағрурдир бошим.
Ҳар тилда жаранглар: “Ҳалол”, “Ёнбош”им,
Миллий курашимга ота Полвонтош.

Элим унутмади ўз полвон ўғлин,
Отам – Зоир полвон – юраги чўғлин,
Нозим полвоннинг ул кенжа ўғлин,
Маҳаллага номин қўйди, Полвонтош.

Алпомиш афсона бўлиб ўтмаган,
Алпомишлар тирик, ўтиб кетмаган.
Ўзбекнинг улуси алпсиз ўтмаган,
Ёшларга ато эт ғайрат, Полвонтош!

Ўзбек миллий кураши тарихи аждодлармизнинг ҳаёт тарзини ўзига мужассам этиб, ҳалоллик, мардлик, ботирлик, жасурлик, эпчиллик, чаққонлик, жисмоний бақувватлик, ор-номусни ўзида намоён этган кураш минг йилар давомида такомиллашиб, ўз таъсир доирасини дунё миқёсига олиб чиқди. Ҳар бир кишлоқ, овул, хонадон ана шу миллий кураш таъсирида улғайиб, ўз фарзандларининг полвон бўлиб етишишини Яратгандан сўраганлар. Сурхон воҳасида ҳам ўз ор-номусини полвонлик билан танитган мард, жасур йигитлар улғайиб вояга етганлар. Сурхон воҳаси халқининг кураш тарихида ўзаро тўй ва сайилларда қўшни кишлоқлардан — Панжобдан тожиклар, Хўжаи Фил (шевада Хўжаипил) номли кишлоқдан туркманлар, Хомкон ва Фуржакдан қўнғиротлар, Бойсун, Сайроб, Калламосор полвонлари, Қайроқ, Кентала қатағонлари полвонлари ўзаро борди-келди бўлишиб, миллий кураш мусобақасини ўтказиб туришган. Кўпкари кундуз кун, миллий кураш мусобақаси эса тунда, олов ёқиб,

унинг ёруғида ўтказилган. Айрим ҳолларда куннинг иккинчи ярмида ҳам ўтказилган.

Ана шундай ўзаро борди-келдилар, катта тўй ва сайилларда ушадан катта полвонлар учун катта совринли полвонтовоқлар ўртага қўйилган. Тўйда катта полвонлар учун махсус полвонтовоқ кўтарувчи ҳамқишлоқ, ёр-жўралари бўлишган. Улар даврага чиқиб кўтарган полвонтовоқни ўзлари ёқлаб даврага тушишини таклиф қилаётган полвоннинг номига кўтариб: “Бу товоқни (масалан) Чори полвон учун кўтардим!”, деб айтгач, таниқли полвонга рақиб чиқмаса, кураш тушмаса-да, соврин унга “Тенги чиқмади”, деб ҳадя қилинган. Одат бўйича полвон совринни бориб ўзи олиши урф бўлмаган. Унинг ёр-жўралари, совринини олувчи маслақдошлари бўлган, улар эса совринни олиб полвонга тегишли қўшхонага олиб боришган.

Миллий ўзбек куриши билан боғлиқ суннат тўйларни, сайилларни қариялар завқ билан эслаб гапиришади. “Бир томонда тўй ҳовлисида аёллар 40 – 50 дап (дафназара)да бадам (оҳанг)ни бир хил чалиб базм қилишса, иккинчи бир томонда, узоқроқда, аржаклар оҳангларга мос қўл ҳаракатларини қилиб, ўзаро полвонлар рақиб билан кўришиб, даврани айланишиб кураш бошлашарди...” – дейдилар Абдуғофир бобо.

Миллий ўзбек кураши кенг ривож топиб, миллий анъанага айланган Бойсун беклигининг Пошхурд, Зарабоғ, Қизилолма, Хомкон, Хатак, Лайлагон, Эгарчи, Калламозор, хуллас, Даҳнадан юқори қисми Беш фарагант дейилиб, унга жами оқсоқоллар номидан хомконлик, гапдон Жума оқсоқол бош бўлиб иш олиб борган. Икки тарафлама кураш сайилнинг асосий томошаларидан бирига айланади, Полвонлар учун борғилар бекликлар номидан, еб-ичар овқатлар бойлар, оқсоқоллар номидан тайинланади. Икки кунлик курашнинг биринчи куни, асосан, ёшлар курашади, кечалари бахшилар томонидан дoston, термалар тингланади. Мардонақул бахши, Шотўра бахшилар хизмат қилишади. Ҳар икки томондан кўп ёш полвонлар борғи олишади. Сайилнинг ҳал қилувчи кунидан катта, донғи кетган полвонлар курашади, ҳар икки томондан зўрлар кураша бошлайди.

Ҳал қилувчи вақтлар яқинлаша бошлайди, “32 ариқ” томонидан курашган полвонлар кўпроқ борғи олишади. Билимли, гапдон Шоди Амин давра айланиб, Жума оқсоқол томонини, яъни “Беш фарагант” полвонларини мот қилиш мақсадида дейди:

—Хў, Жума оқсоқол, яна полвонларинг борми? Айронхўр (та гап халқи кўпроқ қатиқ-сут билан овқатлангани учун) ларинг дан яна қолдимми?

Шунда Жума оқсоқол гап тополмай, Беш фарагантлик бойлар, оқсоқоллар олдига келади. “Энди нима қиламиз?” “Енгилдик деб кетамизми?” — дейди. Алихон бобо ўрнидан туриб, “Хомкондан мулло Болта келдимми? Қани, у?” — деб сўрайди. Шунда бири “мулло Болта қўшхонада китоб ўқиб ётибди” дейди. “Боринг, мулло Болтани кўндириб олиб келинглар, бўлма-са енгиламиз”, дейди Жума оқсоқол. Бойлардан 3—4 таси бориб мулло Болтани олиб келади ва чакмон кийдириб, даврага чиқаради. “32 ариқ”нинг донғи кетган полвони билан мулло Болта сайилнинг ҳал килувчи кураш баҳсига тушади. Ҳамма-нинг диққати икки зўрда. Икки оқсоқол: Шоди Амин билан Жума оқсоқол ҳам жим, “Худо кимга бераркан”, дейишиб дав-ра айланади.

Биринчи ушлашда, мулло Болта рақибининг янги чакмонидан ушлаб, бир енгини юлиб отади. Кураш яна қизийди. Рақиб-и мулло Болтани силкиб ўрнидан қимирлата олмайди. Учинчи ушлашганида мулло Болта рақиб полвонни тизза чўктириб, ёнбош қилади. Сўнгра айланишади. ... Полвон давра ўртасига келиб, мулло Болтага кураш қури ўртасида таслим бўлганини айтади ва даврадан чиқиб кетади. Мулло Болта қайта саралашда ғолиб бўлади. Шунда Жума оқсоқол ўртага чиқиб: “—Хў, Шоди Амин, яна ошколихўрларингдан борми?” —деб Шоди Аминни мот қилган экан.

Мулло Болта асли хомконлик бўлиб, ҳам полвон, ҳам чавандоз ўтган, йигит даврида кўпқарига деб боққан отини отаси сотиб, яна 4 ёшли от олиб берган. Ўғли бундан норози бўлиб, эртаси тўйга бормай, уйда ўтирса, дўстлари келишади ва кўпқарига юр дейишади. У бормаслигини, чунки оти сотилганини айтади. Отаси: “Ана, 4 ёшар от олиб бердим, уни мин” деса, “У мени кўтара олмайди, мен уни кўтараман” деб эгарланган отни икки узангисидан ушлаб кўтарган ва кўтонни бир айлантирган экан, от эса улоқ сингари типирчилаб, қочолмай келган экан, дейишади 90, 95 ёшли кексалар. 1930 йилларда мулло Болта Афғонистонга кўчиб кетган.

Сурхон воҳаси полвонларининг доврўгини кенг ёйишда ва ўзбек миллий курашининг воҳа ёшлари орасида янада кенг

тарғиб қилишда жарқўрғонлик полвон мархум Ҳақберди Ҳожи Норбоевнинг хизматлари ниҳоятда катта.

Ҳақберди полвон кураш бўйича фахрийлар ўртасида жаҳон чемпиони. Навқирон йигитлик йиллари вилоят ижтимоий таъминот раҳбари, мактаб директори, ўқув ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи лавозимларида ишлаган Ҳақберди ота нафақатга чиққач, кураш оламига қайтди, кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатларининг барчасида иштирок этди. Хатто 2001 йил Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган 3-жаҳон чемпионатида фахрийлар ўртасида ғолибликни қўлга киритди.

2002 йил февраль ойида Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида Ҳақберди отанинг ташаббуси билан туман ҳокимлиги хайрихоҳлигида “Ҳақберди Норбой ўғли” кураш клубига асос солинди. Дастлаб клубга 25—30 нафар болалар шуғулланишга кела бошлади. Аста-секин клуб эл оғзига тушди. Халқ ичида “Эшитдинларми, Ҳақберди бобо кураш клуби очибди, шароитлари яхши эмиш, у ерда шуғулланган болалар давранинг олди экан, деган гаплар тарқалди. Тез орада клуб аъзолари сони оша бориб, 193 нафарга етди. Жами 12 та гуруҳ 4 та тайёрлов, 2 та ўқув спорт малакасини ошириш гуруҳи, 2 та қизлар гуруҳи ва қўшимча 3 та бадий гимнастика гуруҳида машғулотлар олиб борилди.

Клуб аъзолари ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш билан бир қаторда, мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаш учун ҳам астойдил ҳаракат қилдилар. Албатта, бунинг учун кўп меҳнат талаб қилинади, икки-уч йил сабот ва чидам билан олға интилиш керак. Айтиш жоизки, катта-кичик давраларда суюғи қота борган ёш курашчилар илк йирик мусобақа гаштини пойтахтда татиб кўришди. 2005 йил Тошкент давлат цирки биносида Ҳиндистоннинг мархум Бош вазири Лал Баҳодир Шастри хотирасига бағишлаб ўтказилган турнирда “Ҳақберди Норбой ўғли” кураш клубининг 5 нафар аъзоси орасидан Нуриддин Ортиқов, Улуғбек Норбоев каби қобилиятли ёш полвонлар совриндорлар сафидан жой олишди. 2006 йилда ҳам клуб аъзолари қатор мусобақаларда иштирок этишди. Хусусан, Гулистон шаҳрида Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон хотирасига бағишланган турнирда ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди, Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманида бўлиб ўтган республика биринчилигида ҳам 2, 3-ўринларни забт этишди. Ҳа,

тинимсиз изланишлар, машғулотлар ўз самарасини бера бошлади. Шундан сўнг Ҳақберди ота шогирдлари энг нуфузли мусобақа Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун VIII Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнир ва аёллар ўртасида 1-жаҳон чемпионатида иштирок этиш бахтига муяссар бўлдилар. Фахриддин Худоёров, Илҳом Холмирозоев, Соат Бердиалиев, Рўзихон Баротова, Манзура Турсунова сингари ўғил-қизлар дунёнинг энг сара курашчилари билан бир қаторда гиламга чиқиб, маҳоратларини намоиш этди.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси аъзоси бўлган “Ҳақберди Норбой ўғли” кураш клуби ўз лойиҳалари билан Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фондининг танловларида иштирок этиб, дастлабки турда “Куч — билим ва тафаккурда” деб номланган лойиҳани, иккинчи турда эса “Қизларимиз жамиятимиз келажаги” лойиҳаларини тақдим этди. Лекин ҳар иккала лойиҳа устида ҳали жиддий ишлаш лозим эди. Ҳақберди отанинг кўнгли чўкмади, аксинча, шогирдлари билан машғулотларга астойдил берилди. Ниҳоят, Фонднинг 3-тур танловида “Эркин ва онгли меҳнат – ақл-идрок тантанасидир” лойиҳаси 4 млн. 600 минг сўмлик грантга сазовор бўлди.

Узоқ йиллар кураш тушиб, мағлубият нималигини билмаган полвон бобо шогирдларини нафақат моҳир спортчи, балки Ватанга содиқ фарзанд, эл-юрт корига ярайдиган ориятли, баркамол инсонлар бўлиб етишишига муносиб ҳисса қўшди.

Сурхондарё — азалдан кураги ерга тегмайдиган полвонлар юрти. Бугунги кунда ҳам Сурхон ёшлари спортнинг миллий кураш тури бўйича аждодларига муносиб авлод бўлиб етишмоқда. Анъанавий “Маҳалламиз полвонлари” республика спорт мусобақаларининг вилоят босқичида эса ана шундай серғайрат полвонлар яна бир бор сараланди.

Мусобақада 2000—2001 йилларда туғилган 46, 50, 55 кг вазндаги ўғил болалар ҳамда 44, 48, 52 кг вазндаги қизлар куч синашди. Мurosасиз баҳслар натижасига кўра, 48 кг вазн бўйича Термиз тумани “Халқобод” маҳалласидан А. Хўжаров, 50 кг вазн бўйича Шўрчи тумани “Конобод” маҳалласидан Ж. Жўраев, 55 кг вазн бўйича Ангор тумани “Каттақум” маҳалласидан Д. Эшдавлатов ғолиб деб топилди.



Термиз шаҳридаги Сурхон спорт мажмуаси



Термиз шаҳридаги Алпомиш кураш мажмуаси



Термиз шаҳридаги “Бахт уйи”.



Термиз шаҳридаги 2 -сонли Академик лицей



Термиз олимпия заҳиралари коллежи.



***Термиз шаҳридаги замонавий
уй-жойларнинг қурилиши***



Алпомиш ҳайкали



Полвонларнинг кийимлари.



ЎМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши томонидан Ўзбек миллий курашига бағишланган анжуманнинг очилиши.



Сурхон спорт мажмуасида ўзбек миллий кураши турнирининг очилиш маросими.

**Ўзбек миллий
курашининг
қадимий
анъаналари
намойиши.**



**Миллий кураш мусобақаларини
доимо оқсоқоллар бошлаб беради.**

1.3. БАРЧИНОЙ АВЛОДЛАРИ

Барчиной душманларига қарата ғурур билан: “Менинг брим билсанг Бойсун Султони”, деб айтади.

И. КАРИМОВ

Ўзбек халқи қадимдан полвонликни ор-номус, кадр-қиммат, ол улуснинг фахри-ғурури, шон-шавкати деб қабул қилганлар. Ўтмиш авлодларимиз ўз тинчлигини, мазмунли ҳаёт кечириш-ни уйлаб ҳамиша хушёр, огоҳ яшаганлар, чунки тинимсиз уруш-лар, талончилик, босқинчилик, ўзаро келишмовчилик, рақобат-лар ҳар бир оилани ўзини ҳимоя қилишга ундаган. Оила тар-биясида одоб-ахлоқ, маънавий тарбияси билан бирга, жисмо-ний бақувватлик, чаққонлик, мардлик, жасурлик тарбияси ҳам сингдирилган. Ана шу тарбияда ўғиллар билан бирга, қизлар ҳам тўлиқ шуғулланганлар. Ушбу тарбия минг йиллар давоми-да оилада қизларни ўғиллар билан бирга жисмоний машғулот-ларда шуғулланишга имконият яратиб борган. Шу кураш усул-ларини ўрганиш жараёнида қизлар ҳам йигитлар билан тенг-ма-тенг иштирок этганлар натижада бу ҳол Тўмарис, Барчи-ной, Ойсулув, Гулойим, Хулкарпари, Гулпари каби полвон Ўзбек қизларининг дунёга танилишга олиб келган. Мустақиллик йил-ларида Ўзбек миллий курашида қизларнинг иштироки, ўтмиш номоларимизнинг кураш анъаналарининг қайта тикланишига имконият берди. Бу соҳада Сурхон воҳаси қизларининг мил-лий кураш усулларига бугун жаҳон қойил қолмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида спортнинг деярли барча турлари қатори кураш соҳасида ҳам ўзбек хотин-қизлари шунта муваффақиятларга эришмоқда, 1986, 1987, 1988, 1990, 1991 йилларда туғилган ўсмир қизлар биринчилиги ўтказилди. Ана шу биринчиликларда фаол қатнашган сурхондарёлик полвон қиз-лардан Н.Рустамова, С.Тўрамуродова, Г. Ражабова, А.Шопўла-това, М.Ортиқова, А.Қодирова, З.Шобировалар ўз вазн тоифа-ларида биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни олишга муваффақ бўлдилар. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида юртдошимиз С.Холиқулова 80 килограмм вазн тоифасида учинчи ўринни эгаллади. Эркаклар ва аёллар ўрта-сида Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида 83 килограмм вазн тоифасида М. Бўриева биринчи, 83 килограмм вазн тоифасида С. Холиқова иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Хотин-қизлар курашини ривожлантириш бўйича Сурхондарё вилоятида катта амалий ишлар бажарилмоқда. 2006 йилнинг 14—16 апрель кунлари Термиз шаҳрида биринчи маротаба хотин-қизлар ўртасида миллий кураш бўйича республика чемпионати ўтказилди. Унда Сурхондарё вилояти терма жамоаси фахрли биринчи ўринни эгаллади. Ўз вазн тоифалари бўйича Сайгул Тўрамуродова 48 кг вазнда (Сурхондарё вилояти), Мафтуна Ортиқова 52 кг вазнда (Сурхондарё вилояти), Илмира Ихлосова 57 кг вазнда (Қорақалпоғистон Республикаси), Насиба Бўриева 63 кг вазнда (Сурхондарё вилояти), Гулмира Исматова 70 кг вазнда (Самарқанд вилояти), Соҳиба Эштемирова 78 кг вазнда (Қашқадарё вилояти), Машҳура Мавлонова 83 кг вазнда (Тошкент шаҳри) Дилноза Қамбарова 87 кг вазнда (Тошкент шаҳри) республика чемпионати олтин медаллари соҳибалари бўлишди.

Шуни қувонч билан айтиш жоизки, Сурхон воҳаси нафақат Алпомишдек алп йигитлари билан, балки Барчинойдек қатъиятли, ориятли ва сулув қизлари билан ҳам фахрлана олади. Чунки воҳанинг қизлари ҳам ўзбек кураши майдонларида бемалол кураш тушиб, ғолиб бўлиб, ўзининг Барчинойнинг авлодлари эканлигини амалда исботламоқдалар. Миллий эпосимиз “Алпомиш” достонида Барчиной томонидан айтилган “Мардлар олишмайди, силтаб отади” сўзлари бугунги Барчинойларимизнинг юрагига олов, билагига куч қалбига гурур солаётган бўлса не ажаб.

С. Холиқулова ўзбек хотин-қизлари ўртасида биринчи бўлиб жаҳон чемпиони, спорт устаси деган номга сазовор бўлди. Интилувчан, камтар, ҳаққоний курашадиган Барчинойлардан бири.

Гулойим Норбоева 1991 йилда туғилган, вазни — 44 кг, 2005 йилда кураш бўйича ўтказилган “Маҳалламиз паҳлавонлари” вилоят турнирида биринчи ўринни эгаллаган. Бир қанча йирик мусобақалар совриндори, кўплаб кураш мусобақаларида диплом ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотланган. Ўз вазни бўйича шоир Тўра Сулаймон хотирасига бағишланган турнир ғолиби.

Холида Маманова 1988 йилда туғилган, вазни — 63 кг. Вилоят тоифасидаги ҳакам. Миллий ва дзю-до кураши бўйича вилоят чемпиони. Кўплаб мусобақалар ғолиби ва совриндори. Ўз вазни бўйича шоир Тўра Сулаймон хотирасига бағишланган турнир ғолиби.

Подира Жонқувватова 1994 йилда туғилган. Жарқўрғон тумани “Дўстлик” маҳалласида яшайди. Вазни — 44 кг. Кураш бўйича 2005, 2006, 2007 йилларда ўтказилган мусобақаларнинг ғолиби. Кўплаб мусобақаларда қимматбаҳо совғалар ва дипломлар билан мукофотланган.

Каромат Йўлдошева 1992 йилда туғилган. Вазни — 52 кг. “Хакберди хожи Норбой ўғли” кураш клубининг энг иқтидорли шогирдларидан бири. 2005 йили Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллиги муносабати билан ўтказилган “Барчиний” соврини очиқ гилам мусобақаси ғолиби. Шунингдек, кўпгина нуфузли мусобақалар совриндори ҳамдир.

Одина Абдурахмонова 1993 йилда туғилган. Вазни — 63 кг. “Ша — 2005” спорт мусобақаси ғолиби. Шунингдек, 2006—2008 йилларда ўтказилган кўплаб мусобақаларнинг ғолиби, совриндори. 2010 йил 30 январда миллий кураш бўйича Президентининг Ислон Каримов таваллуд топган кунга бағишлаб ўтказилган мусобақа совриндори.

Саломатхон Муҳаммадиева 2009 йилда Термиз олимпиада мажиралари спорт коллежини битирди. 1990 йилда туғилган. Вазни — 52 кг. Миллий ва дзю-до курашлари бўйича вилоят чемпиони, вилоят микёсидаги ҳакам, спорт усталигига номзод.

Манзура Турсунова 1994 йилда туғилган. Республика чемпиони. Республика тоифасидаги ҳакам. Тошкент жисмоний тарбия институтида таҳсил олади.

Термиз давлат университетининг ўқтам келбатли, қатъиятли, орияти баланд полвон қизлардан бири Чориева Хуршида саналади. Хуршида Чориева Холмўмин қизи 1992 йилда Денов туманида туғилган. 2008 йил Наманган шаҳрида миллий кураш бўйича 48 кг вазн тоифасида олтин медал соҳиби, самбо спорт тури бўйича Тошкент шаҳрида 48 кг вазн тоифасида олтин медал соҳиби бўлди.

2010 йил 7—9 апрель кунлари Тошкент шаҳрида кураш бўйича 63 кг вазн тоифасида олтин медал соҳиби, ўша йилнинг 16—19 декабрь кунлари Ҳиндистон пойтахти Дехлида VI жаҳон чемпионатида 2-ўрин соҳиби, август ойида миллий кураш бўйича Самарқанд шаҳрида 57 кг вазнда 3-ўрин соҳиби бўлди.

2011 йил июнь ойида самбо бўйича Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида 3-ўрин соҳиби, 2012 йил самбо бўйича Тошкент шаҳрида бўлган Ўзбекистон чемпионатида 57 кг вазн-

да 3-ўрин соҳиби, Қарши шаҳрида дзю-до бўйича 57 кг вазн тоифасида 2-ўрин соҳиби, 2013 йил кураш бўйича вилоят чемпионатида 57 кг вазн тоифасида олтин медал соҳиби, 2014 йил 21—22 сентябрь кунлари вилоят очиқ кубогида 57 кг вазн тоифасида дзю-до бўйича олтин медал соҳиби бўлган.

Университетнинг яна бир умидли спортчи қизларидан бири Роҳатой Алмуродовадир. Роҳатой Мусурмон қизи 1994 йил 14 мартда Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Қишлоқбозор маҳалласида туғилган. Шеробод туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабини тамомлаб, синф раҳбари Жасур Пўлатов берган таълим ва тарбияси билан Термиз ижтимоий-иқтисодий колледжига ўқишга қабул қилинди. Ўқиши давомида спортнинг дзю-до ва миллий кураш турларига қатнашиб келди. Дастлаб туман, сўнгра вилоят чемпиони бўлди. Республикада, Осиёда чемпион деган номга сазовор бўлди. 2014 йил Таиланднинг Бангкок шаҳрида ўтказилган бутундунё ўқув йиғини машғулотиغا қатнашиб, Таиланд очиқ чемпионатида иштирок этиб 1-ўринни эгаллади ва шу йили спорт устаси унвонига сазовор бўлди. 2010 йилдан буён республика мусобақаларида нуфузли совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. 2012 йил Тошкент “Тафаккур” нашриётида “Қўнгил навоси” номли шеърий китоби чоп этилди. 2013—2014 ўқув йилида Термиз давлат университетига шартнома асосида ўқишга кириш бахтига муяссар бўлди.

Университетнинг яна бир Барчинойи Сайёра Мухаммадиева саналади. Сайёра миллий курашимиз бўйича вилоят, республика ва халқаро турнир ғолиби. 2011 йилда Францияда кураш бўйича ўтказилган халқаро мусобақада 2-ўринни эгаллади. Термиз шаҳрида кураш мусобақаси бўйича ўтказилган VIII жаҳон чемпионатида эса 3-ўринни эгаллади. Сайёра Мухаммадиева халқаро тоифадаги спорт устаси ҳамдир.

Университетнинг лобар қизларидан яна бири Юлдузхон Мухаммадиевадир. Юлдуз кураш мусобақаларида 78 килограмм вазнда вилоят ва республика чемпиони, дзю-до кураш тури бўйича вилоят чемпиони бўлган шижоатли қизларимиздан саналади.

Ҳақиқатан ҳам юртимизда Алпомишдек паҳлавонлар, Барчинойдек ўктам табиатли жасур қизлар кўпчиликни ташкил этади. Таъбир жоиз бўлса, Сурхон воҳаси полвонлар юрти, Алпомишлар ўсиб-улғаядиган табаррук маскан саналади.

II БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ВА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУРАШИ АНЪНАЛАРИНИНГ РАВНАҚИ

2.1. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУРАШИ ТАРАҚҚИЁТИ

Мустақиллик шарофати ва Президентимиз И. Каримовнинг жонкуярлиги туфайли ўзбек кураши оламшумул мавқега эга бўлди. “Бугун буюк аждодларимиз руҳини шод этиб, азал - азалдан халқимиз ғурурига айланиб қолган ўзбек курашининг жаҳон майдонига чиқиши, унинг тан олиниши барчамизни бағоят қувонтирди”, деб таъкидлади Президент И.А.Каримов.

1992 йилда бу жараённи амалга оширадиган ишчи кучи — Миллий Кураш Федерацияси ташкил этилди. Федерациянинг меъёрий ҳужжатлари тасдиқланиб, кураш жонкуярларининг ташаббускор йиғилиши ўтказилди. Умуман олганда, ўзбек курашининг ривожланиш жараёни бир неча босқичдан иборат.

Биринчи босқич 1992—1998 йилларни ўз ичига олиб, унинг мақсади курашни спорт тури сифатида шакллантириш ва уни халқаро доирага олиб чиқиш учун асос яратишдан иборат эди. Бунинг учун биринчи навбатда курашнинг янги қоидаларини татиб қилиш, уларни жаҳон мамлакатларида тарғиб қилишдан иборат эди.

Кураш қоидалари аждодларимизнинг урф-одатлари, удумлари, ишлатган атамалари асосида содда ва оддий қилиб ишлаб чиқилди. Полвонларнинг ижобий ҳаракати “халол”, “ёнбош”, “чала” атамаларини ишлатиш билан баҳоланиб, томошабинлар томонидан тез ва осон ўзлаштириб олинади. Энг асосийси, спорт тарихида биринчи марта кураш қоидасида 36 ёшдан 65 ёшгача ва ундан катта ёшдаги тоифалари киритилиши курашнинг обрў-эътиборини кўтариб юборди, чунки кўплаб ёши улуғ полвонлар мусобақаларда қатнашишдан умидини узган эдилар.

Ана шу қоидалар асосида 1992 йилдан миллий курашимиз бўйича ўтмишда яшаб ўтган паҳлавонлар, улуғ алломалар хотирасига бағишлаб нуфузли халқаро мусобақалар бошланиб кетди. Қоракўлда Турсун ота, Шаҳрисабзда Амир Темур, Сурхондарёда Ҳаким Термизий, Бухорода Баҳовуддин Нақшбанд, Андижонда Бобур Мирзо, Хоразмда Паҳлавон Маҳмуд номли

Президент соврини учун ўтказилган халқаро турнирлар ўзбек курашининг юксак даражага кўтарилишига, жаҳон спорти оламига янги спорт тури бўлиб киришига катта ҳисса қўшди. Ашбатта, курашимизни жаҳон майдонига олиб чиқиш, уни дунёга танитиш учун бу етарли эмас эди. Шу сабабли кураш мутахассислари ва жонкуярлари Жанубий Корея (1992), Канада ва Литва (1993), Япония (1994), Ирландия ва Ҳиндистон (1995), Атланта (1996), Россия ва Монако (1998) каби давлатларда ўтказилган йирик спорт анжуманларида тўпланган мухлисларга ўзбек кураши ҳақида атрофлича маълумотлар бериб, кўрганлари мали чиқишлар намойиш этди.

Иккинчи босқич 1998 — 2005 йилларни ўз ичига олиб, милли сади жаҳон чемпионатлари, халқаро мусобақалар ташкил этиш жаҳонда кураш бўйича ўз тизимини яратиш эди.

Тинимсиз меҳнат ва изланишлар бекор кетмади. 1998 йилнинг 6 сентябри миллий курашимиз тарихига шонли сана сифатида кирди. Лотин Америкаси, Европа ва Осиё қитъасининг 28 давлатидан келган вакиллар иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган таъсис конгрессида Кураш Халқаро Ассоциацияси (ХКА) тузилганлиги, халқимизнинг миллий қадрияти “Кураш” номи билан халқаро спорт майдонига чиққанлиги эътироф этилди.

1999 йил 1 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро Кураш Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш ҳақида”ги фармони имзоланди. Ўз вақтида қабул қилинган бу фармон Ўзбек миллий курашининг бутун жаҳонда кенг қулоч ёйишига хизмат қилмоқда. Шу йил Ўзбекистон тарихида илк бор “Юнусобод” спорт мажмуида кураш бўйича 1-жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Бу даврда ХКА аъзолари бўлган 6 та давлат Япония, Венгрия, Ҳиндистон, Польша, Россия, Болгария Миллий федерациялари президентлари таъсисчилигида Жаҳон курашнинг ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Жамғарманинг асосий мақсад ва вазифаларига жаҳонда курашнинг ривожланишига молиявий томондан кўмаклашиш, ХКАнинг тақвимиий режасидаги жаҳон, қитъа чемпионатлари, халқаро турнирларни ташкил этиш ва ўтказишда асосий молиявий-ташқикий таъминотчи вазифасини бажаради.

2000 йил спорт оламида ўзбек кураши доврuginинг ортиши ва ривожланишида муҳим бурилиш нуқтаси бўлди, чунки бу вақт-

ни келиб, у ҳар томонлама такомиллашиб, халқаро спорт ўйинлари қаторидан муносиб ўрин эгаллади ва мутахассислар томонидан “XXI аср спорти” деб эътироф этилди. Шу даврда ХКА Исроия кўмитасининг йиғилишида 13 мамлакатнинг кўзга кўринган сиёсат ва спорт арбоблари иштирок этди ва “Бутун дунёда курашни ривожлантириш Дастури” қабул қилинди.

Курашни жаҳонга янада кенгроқ ёйиш, нуфузини ошириш ва Олимпия ўйинлари қаторига киритиш кўп жиҳатдан шу соҳанинг етук, малакали мутахассисларини тайёрлашга боғлиқ, ХКА ва унинг таркибидаги 10 мамлакат президентларининг таъсисчилиги асосида 2001 йилда Халқаро Кураш Институтини (ХКИ) тўзилди. Институтнинг асосий мақсади ўзбек курашини ривожлантириш ва бутун жаҳонда оммалаштиришга кўмаклашадиган малакали мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашдир.

2002 йил 23 февралда юртимиз курашчиларининг Берлинда ўтказилган Германия чемпионатида иштирок этиши икки мамлакат ўртасидаги халқаро спорт алоқаларининг янада мустаҳкамланишига асос бўлди. Шу йили Германия Олимпия институтида “Ўзбекистон мамлакати ўзининг спортини намоёништириш” мавзусида семинар ўтказилди.

2003 йилда ХКА Осиё Олимпия Кенгаши Низомига ўзгартириш киритиб, ўзбек кураши Осиё спорти сифатида эътироф этилди ва Осиё ўйинлари дастурига киритилишига муваффақ бўлинди. Шарқ мамлакатлари билан халқаро спорт алоқалари икки ўрнатилганлиги сабабли, Миср, Бирлашган Араб Амирлиги, Қувайт ва бошқа мамлакатларда ўзбек миллий кураши федерациялари ташкил этилди.

Учинчи босқич ўз ичига 2005—2015 йилларни олиб, асосий мақсади ХКАнинг халқаро ва қитъавий спорт ташкилотлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, курашни спорт тури сифатида Олимпия ва Осиё ўйинлари дастурига киритишдан иборат.

Ўзининг энг олий мақсади йўлидан аниқ қадам босаётган ХКА раҳбарлари Халқаро Олимпия кўмитаси раҳбарлари билан мунокараларни бошлади. 2005 йилнинг май ва июль ойлари ХОҚ штаб-квартираси жойлашган Лозанна шаҳрида ХКА президенти К. Юсупов ХОҚ президенти Жак Рогге билан учрашди. Шу кунларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Миллий Олимпия Кўмитаси билан ХОҚнинг Олимпия музейида курашга ва унинг

тарихига бағишланган бир йиллик кўргазма иш бошлади.

Халқаро Олимпия Хартиясига кўра, янги спорт турини Олимпия ўйинлари дастурига киритиш учун ХОҚ амалдаги 114 нафар аъзосидан 50 фоизи шу спорт турини ёқлаши зарур. Шу сабабли ХКА курашни халқаро майдонда кўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш мақсадида, ХОҚнинг 30 дан ортиқ амалдаги аъзолари ва раҳбарлари билан музокаралар ўтказилди.

Шу кунгача дунёнинг бир нечта мамлакатларида ўзбек миллий кураши бўйича 1000 дан ортиқ турли даражадаги халқаро турнирлар ташкил этилди. Жаҳон ва Осиё чемпионатларидан ташқари, Буюк Британия, Греция ва Францияда “Ислом Каримов”, Туркияда “Босфорс” ва Эронда “Пуриёлвалий” халқаро турнирлари ўтказилди.

Бугунги кунда ХКАнинг жаҳоннинг барча қитъаларида 117 та кураш федерациялари ташкил этилган ва уларнинг сафи кундан-кунга кўпаймоқда. Бу ўринда Осиё, Европа, Африка ва Жанубий Америка қитъаси давлатлари билан бўлаётган ҳамкорликни алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, ХКА ЮНЕСКО қошидаги “Жисмоний тарбия ва спорт фани халқаро кенгаши” аъзосидир. Курашнинг жаҳондаги нуфузини янада ошириш мақсадида Ассоциациянинг олий нишони — “ХКА Олтин ордени” таъсис этилган. Унинг биринчи соҳиби Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, сўнгра Ҳиндистон Миллий конгресси партияси етакчиси Соня Ганди, ХОҚ президенти Жак Рогге, ООҚ президенти Шайх Аҳмад Ал-Фаҳд ас-Сабаҳ ва бошқа кўзга кўринган инсонлар сазовор бўлди.

1992 йилда миллий курашимиз фидойиси Комил Юсупов Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов қабулида бўлди. Бўлиб ўтган суҳбат чоғида ўзбек курашини нафақат она диёримизда, балки чет элларда ҳам ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Курашни ҳақиқий халқаро спорт турига айлантириш, кейинчалик эса олимпиада ўйинлари дастурига киритиш масалалари муҳокама қилинди. Ўша учрашувдан сўнг, Комил Юсупов бошчилигидаги фаоллар гуруҳи ўзбек курашини халқаро миқёсда ривожлантиришга қаратилган фаолиятни бошлаб юбордилар. Улар томонидан Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида уюштирилган қатор йирик мусобақалар муваффақияти ҳақиқатан ҳам барчани ҳайратга солди.

Мамлакатнинг турли чеккаларидан келган минглаб кураш-

чилар мусобақаларда иштирок этиш истагини билдирган бўлса, миллионлаб кураш ишқибозлари ушбу жозибали мусобақалардан баҳра олиш иштиёкида республика бўйлаб стадионларни тўлдирдилар.

Кураш фаолларининг саъй-ҳаракатлари Ўзбекистон билан чегараланиб қолмади. Улар 1992 йилдан бошлаб Жанубий Корея, Канада, Япония, Ҳиндистон, АҚШ, Монако ва Россияда ўтказилган қатор нуфузли спорт анжуманларида ўзбек курашини танитишга қаратилган тадбирларга бош-қош бўлдилар.

Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистон пойтахти Тошкентда бўлиб ўтган кураш бўйича биринчи халқаро мусобақаларда дунёнинг 30 га яқин мамлакати вакиллари иштирок этдилар. Тошкент марказида 30 минг кишига мўлжалланган стадион томошабинларга тўлиб кетди. Ўзбекистон ва унинг ташқарисидаги миллионлаб телетомошабинлар телевизорда бағфсил олиб кўрсатилган мусобақаларни яқиндан кузатиб бордилар. Ўзбекистон Президенти соврини тикилган биринчи халқаро мусобақа муваффақиятли ўтди. Турк спортчиси Салим Татароглу мусобақа ғолиби бўлди.

Биринчи халқаро мусобақа билан бир пайтда мамлакат яна бир муҳим тарихий воқеанинг гувоҳи бўлди. 1998 йилнинг 6 сентябрида Европа, Осиё ва Американинг 28 мамлакати вакиллари Халқаро Кураш Уюшмасига асос солдилар. ХКУ халқаро миқёсда ўзбек курашини намоён этувчи расмий ташкилотга айланди. Дастанбаки таъсис конгресси давомида янги халқаро спорт ташкилотининг низоми тасдиқланди, Курашнинг халқаро қоидалари қабул қилинди ҳамда ХКУнинг бошқаруви органи Ижроия кўмитаси сайланди. Курашни халқаро миқёсда ривожлантириш ғоясининг дастлабки ташаббускори. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ХКУнинг Фахрий Президенти лавозимига сайланди. Кураш халқаро қоидалари муаллифи Комил Юсупов эса ХКУ Президенти этиб сайланди. Ташкилот ижроия кўмитаси 15 кишидан иборат бўлиб, кўмита аъзолари ХКУ конгресси томонидан кўпчилик овоз асосида тўрт йил муддатга сайланадилар. Улар, шунингдек, қайта сайланиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

1999 йилда Тошкент яна бир оламшумул воқеанинг гувоҳига айланди шу йили бўлиб ўтган кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатида Европа, Осиё, Африка, Шимолий ва Жанубий Амери-

ка қитъаларининг 48 мамлақати вакиллари иштирок этди. Янги спорт тури бўйича биринчи марта ўтказилаётган жаҳон чемпионатида шунча давлат вакилларининг иштирок этиши спорт оламида оламшумул воқеа бўлди. Чемпионатнинг очилиш маросимида Ўзбекистон давлат раҳбари, ХКУ фахрий Президенти Ислон Каримов ўзбек кураши ушбу азим ўлка халқи табиатига хос бўлган мардлик, жасурлик, ўз рақибига бўлган меҳр-оқибат, адолат, ҳаққонийлик ва инсонпарварлик каби хислатларни ўзида мужассам этганини қайд этди. Ушбу хислатларни ўзида мужассам этган спорт тури эса жаҳон миқёсида хайрихоҳлик ила кутиб олиниши ва қўллаб-қувватланиши муқаррардир.

Ўзбекистоннинг томошабинлар билан тўлиб-тошган стадионлари ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлдилар. 50 дан ортиқ мамлакатлардан ташриф буюрган юзлаб курашчилар ушбу беллашув тури бўйича жаҳонда тенги йўқ эканликларини исботлаш учун гиламга тушдилар.

Мусобақалар уч вазн тоифасида ўтказилди 73, 90 килограмм ва мутлоқ вазн. Беллашувлар жуда ҳам завқли, шу билан бирга, қизғин руҳда ўтди. Мусобақа натижаларига кўра учала вазн тоифасида ҳам ўзбекистонлик курашчиларнинг ғолиблик шохсупасига кўтарилганлигида алоҳида маъно бор. Ўшандан буён ХКУ йиллик асосда катталар орасида жаҳон чемпионати беллашувларини мунтазам ўтказиб келмоқда. Кураш бўйича жаҳон биринчилиги Тошкентда, иккинчиси Анталияда, учинчиси Будапештда, тўртинчиси Ереванда, бешинчиси яна Тошкентда, олтинчиси Улан-Баторда, еттинчиси Алушта шаҳрида бўлиб ўтди. Бундай йирик мусобақаларда ўзбекистонлик полвонлардан Ақобир Қурбонов, Камол Муродов, Тоштемир Муҳаммадиев, Махтумқули Маҳмудов, Баҳром Авазов, Исоқ Аҳмедов, Фурқат Маматов, Рамзиддин Саидов, Абдулла Тангриевлар жаҳон биринчиликларининг олтин медалини қўлга киритдилар.

Ўзбек курашининг жаҳон бўйлаб парвози бошланган кундан хотин-қизлар кураши ҳам шиддат билан ривожлана бошлади. 1999 йил 7 июнда Россиянинг Брянск шаҳрида ўтказилган аёллар ўртасидаги халқаро турнир, 2000 йил 6—7 май кунлари Россиянинг Тверь шаҳрида ўғил-қиз ўсимиралар ўртасида биринчи жаҳон чемпионати, 2000 йил 13—17 июль кунлари Туркиянинг Анталия шаҳрида кураш бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида иккинчи жаҳон чемпионати ўтказилди. 2000 йил 13 октябрда Буюк

Британиянинг Бедферд шаҳрида Ислон Каримов халқаро турнири эркаклар, аёллар ва фахрийлар ўртасида ўтказилди. 2001 йил 28—29 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган кураш бўйича Осиё чемпионатида қизлар ҳам қатнашди. 2007 йил 13—14 апрель кунлари Термиз шаҳрида Президент соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган VIII халқаро турнир билан бирга, аёллар ўртасида ҳам биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. 2006 йил 14—16 апрель кунлари Термиз шаҳрида хотин-қизлар ўртасида биринчи марта Ўзбекистон Республикаси чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақада Сурхондарё вилояти герма жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, Бирлашган Араб Амирликларида ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланма олишди. Мусобақанинг хотин-қизлар баҳсида ҳамюртларимиз Муқаддас Кубеева, Ўғилой Нуралиева, Севара Деҳқоновалар биринчи, Шоҳида Назарова иккинчи ўринни эгаллади.

2000 йилнинг июль ойида Туркиянинг Ўртаер денгизи қирғоқларида жойлашган Анталия курорт шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи жаҳон чемпионатида аёллар ҳам иштирок этдилар. Жаҳон биринчилиги 2001 йилнинг август ойида Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида бўлиб ўтди.

ХКУ катталар ўртасидаги биринчиликлар билан бир қаторда ёшлар ўртасида ҳам жаҳон чемпионати ўтказиб келмоқда. Ушбу тоифадаги биринчи икки чемпионат, жаҳон биринчилиги 2001 йилнинг май ойида Россиянинг Твер шаҳрида бўлиб ўтди.

ХКУ 1999 йилнинг июнида аёллар ўртасида халқаро беллашувни ўтказди. Беллашув маскани этиб Россиянинг Брянск шаҳри танланди. Унда 9 мамлакатдан келган 25 жамоа иштирок этди. Германиялик Гретта Муллер мусобақа ғолиби бўлди. Икки нафар Россия ва мусобақа ғолибининг яна бир ватандоши иккинчи ва учинчи ўринларни баҳам кўрдилар.

Кураш бўйича қитъа чемпионати 1999 йилнинг декабрида бўлиб ўтди. Белоруссия пойтахти Минск шаҳри кураш бўйича Европа чемпионатига мезбонлик қилди. Аёллар ҳамда эркаклар иштирок этган кураш бўйича биринчи Осиё чемпионати 2001 йилнинг апрель ойида беллашувнинг ватани Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. 2001 йилнинг июль ойида Жанубий Африканинг Хартенбос шаҳрида Африка қитъасининг биринчи қитъа чемпионати бўлиб ўтди. Биринчи Пан Америка чемпионати эса 2002 йилнинг март ойида Боливия пойтахти Ла-Пас

шаҳрида бўлиб ўтди.

ХКУ доирасида уюшмага аъзо давлатларда турли халқаро турнирлар ҳам мунтазам равишда ўтказилади. Шу каби нуфузли беллашувлар сирасига 2000 йилдан буён Британия кураш уюшмаси томонидан ўтказиб келинаётган Ислон Каримов халқаро беллашувини келтириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ХКУ фахрий Президенти шарафига ташкил этилган мана шундай мусобақалар даставвал 2000 йилнинг октябрь ойида Буюк Британиянинг Бедфорд шаҳрида бўлиб ўтди.

Иккинчи турнир 2001 йилнинг ноябрь ойида Буюк Британиянинг Дартфорд шаҳрида ўтказилди. 2001 йилдан буён ХКУ “Энг яхши курашчи”, “Энг яхши ҳакам”, “Энг яхши федерация” каби 12 турли номинацияда йилнинг энг яхши воқеасини ва полвонларини аниқлашни йўлга қўйди. Кураш тарихида биринчи мартаба “2001 йилнинг энг яхши курашчиси” номинациясида Ўзбекистонда бўлиб ўтган беллашувда ажойиб ўйин кўрсатиб қолиб чиққан бразилиялик курашчи Александр Катсураги олий мукофот сазовори бўлди. Будапештда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида қолиб чиққан польшалик Дорота Сикора “Йилнинг энг яхши курашчи аёли” деб топилган. “Энг яхши техника” номинациясида 2001 йилда Ўзбекистонда бўлиб ўтган икки халқаро халқаро турнирнинг мутлақ қолиби, ўзбек курашининг навқирон юлдузи, оғир вазли спортчи Абдулла Тангриев мукофотни қўлга киритди.

Бугунги кунга келиб ўзбек кураши бутун жаҳонда эътироф этилди. Боливия, Канада, АҚШ, ЖАРдан бошлаб, Голландия, Туркия, Россия ва Япония каби мамлакатларда кураш маълуму машхур. Ҳозирда ХКУ Осиё, Европа, Америка ва Африка давлатларида жойлашган 4 қитъа ва 40 дан ортиқ миллий кураш федерацияларини бирлаштиради. ХКУнинг халқаро спорт ташкилоти сифатидаги нуфузи кундан-кунга ортиб бормоқда. Албатта, ХКУ Президенти ва ташкилот ижроия қўмитаси аъзоларининг турли халқаро спорт уюшмалари ва ташкилотлари раҳбарлари билан олиб бораётган музокара ва учрашувлари кўп жиҳатдан бунга туртки бўлди.

Дунёда миллий спорт турлари кўп. Аммо уларнинг оммалашishi учун бир неча ўн йил керак бўлган. Мустақиллик шарофати билан юртимизда азалий қадриятларимизни тиклаш ва уларни кенг ёйишдек эзгу мақсад ҳам бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда. Хусусан, миллий спорт тури — ку-

рашни кенг оммалаштириш мақсадида истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Шаҳрисабзда Амир Темура, Термиз шаҳрида Ал-Ҳаким ат-Термизий хоти-расига бағишлаб халқаро турнирлар ташкил этилди. Шундан кейин Жанубий Корея, Канада, Япония, Ҳиндистон, АҚШ, Россия каби мамлакатларда бўлиб ўтган йирик спорт анжуманларида ўзбек кураши кенг намоиш қилинди.

Ҳозирда Халқаро Кураш Ассоциациясига 100 дан ортиқ давлатлар аъзо, 120 дан ортиқ давлатлар ХКАни тан олди ва ҳамкорликда иш олиб борилаёпти. Голландиялик Франц Ху Гендеук ўз мактубида шундай ёзади: “Шахсан мен курашни ХХI аср спорти дея баралла айта оламан”.

1999 йил пойтахтимизда кураш бўйича ўтказилган 1-жаҳон чемпионатида сайёрамизнинг элликка яқин давлатидан келган полвонлар голиблик учун беллашишди. Уч вазн тоифасида ўтган баҳсларда ҳамюртларимиздан Ақобир Қурбонов, Камол Муродов ва Тоштемир Муҳаммадиев жаҳон чемпиони деган юксак шарафга сазовор бўлишди. Шундан сўнг ўзбек миллий кураши бўйича жаҳон чемпионатларига Анталия, Будапешт, Ереван, Улан-Батор ва Алушта шаҳарлари мезбонлик қилди. Шунингдек, Буюк Британия, Грецияда кураш бўйича Ислам Каримов соврини учун халқаро турнирлар ўтказиб келинмоқда.

Бу ўзбек курашининг жаҳон миқёсида жадал суръатлар билан оммалашиб бораётганидан далолатдир. Шу билан бирга, “Кураш” халқаро ассоциацияси томонидан ушбу спорт турини жаҳоннинг беш қитъасида кенг оммалаштириш, шу орқали миллий қадрият ва урф-одатларимизни тарғиб қилишга алоҳида аҳамият берилди.

Бугун сайёрамизнинг беш қитъасида кураш конфедерациялари фаолият олиб бормоқда, 130 дан ортиқ мамлакатда кураш федерациялари ишлаб турибди. Ҳозир дунёнинг исталган мамлакатига борсангиз, спорт залларида эгнига ўзбек миллий кураши кийимини кийган полвонлар кўлини кўксига қўйган ҳолда таъзим билан гиламга чиқаётганига ёки жаҳон ареналарида “ҳалол”, “чала”, “ёнбош”, “фирром”, “дакки” каби соф ўзбекча сўзлар жаранглаётганига гувоҳ бўласиз. Айниқса, Халқаро олимпия қўмитаси президенти Жак Роггенинг “Халқаро олимпия қўмитаси эшиклари кураш каби ажойиб спорт тури учун ҳар доим очиқ” дегани ушбу миллий спорт турига берилган энг

муносиб баҳодир. Шубҳасиз, бу Мустақил Ўзбекистонимизнинг тарихий ютуғи ҳамдир.

Миллатимиз номи билан жаҳон спортига айланган куриш бугун дунёнинг 100 дан зиёд мамлакатларида жадал ривожлангани Ватанимизнинг шону шавкатига дахлдорман деган нишларни гурурлантирмакда. Хўш, ўзбек спорти курашида қандай сир - синоат борки, бугун жаҳон спорти оиласининг ташхуққли аъзосига айланди?

Албатта, азалий қадриятимиз бўлган курашнинг халқаро майдонда обрў-эътибор қозониши, Осиё, Африка, Панамерика спорт ўйинлари доирасига кўтарилиши, Олимпиада спорт оиласига кўшилиши борасида амалга оширилган ишлар, қўлга киритилган натижаларнинг бош омили — Ватанимизнинг мустақилликка эришишидир. Бирон-бир спорт турини халқаро майдонда ривожлантириш, уни Осиё ва Олимпия ўйинлари сафидан жой эгаллашида амалга оширилаётган ишларнинг қўламага назар ташлаб, фахр туясан киши.

Бугун ифтихор билан айтиш мумкинки, ота-боболаримизнинг асрий орзуси рўёбга чиқди, азалий қадриятларимиз бутун бунбастини дунёга намойиш этмокда. Хусусан, кураш ўз ҳалоллиги ва инсонпарварлик тамойиллари билан умумбашариятнинг нодир мулкига айланди. 2007 йил Франциянинг Хендай шаҳрида бўлиб ўтган “Ўзбекистон Президенти Гран-при” 1-халқаро турнири курашнинг халқаро майдонда обрўси ортиб бораётганлигидан далолатдир.

Айни пайтда Буюк Британия, Афғонистон, Греция, Туркия, Эрон, Украина, Россия, Франция, Жанубий Африка Республикаси, Боливия каби дунёнинг бир неча мамлакатларида 300 дан зиёд турли даражадаги халқаро турнирлар ташкил этилди. 2001 йилдан Тошкентда “Кураш” халқаро институти ҳамда академияси фаолият олиб бормокда. Бу ерда мураббий ва ҳакамлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, курашнинг илмий-назарий асосларини яратиш бўйича ишлар қилинаяпти.

2011 йилнинг 14 июли. Бу сана ўзбек спорти — курашнинг Олимпия ўйинлари дастурига кириши йўлда ташлаган яна бир дадил қадами сифатида тарих саҳифасидан ўрин эгаллади. Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтган Осиё Олимпия кенгашининг юбилей XXX Бош Ассамблеясида “Кураш” халқаро ассоциацияси раҳбарияти ҳам иштирок этди ва миллий

спорт тури 2013 йили Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида олинган спорт иншоотларида ва жанговар санъат турлари бўйича ташкил этилган IV Осиё ўйинлари дастуридан ўрин эгаллагани расман эълон қилинди.

2.2. ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУРАШИ БИЛАН БОЁЛИҚ ТУРНИРЛАР

1992 йилдан бошлаб вилоятларда кураш мусобақалари ва турнирларини оммавий тарзда ўтказиш кенг йўлга қўйилди. Масалан. Хоразмда Пахлавон Маҳмуд, Бухорода Турсун ата Юсупов, улуғ аллома Баҳоуддин Нақшбанд, Шаҳрисабзда Буюк саркарда Амир Темур, Термизда Ал-Ҳаким ат-Термизий турнирлари ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётир. 1999 йилда Ал-Ҳаким ат-Термизий хотираси учун ўтказилган IV кураш мусобақаси, Халқаро Кураш ассоциацияси ташаббуси билан очиқ Осиё чемпионати деб эълон қилинди. Унда жаҳоннинг 21 давлатидан кураш мутахассислари, 19 мамлакатдан полвонлар иштирок этди.

Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб, Термиз шаҳрида 1993, 1995, 1997, 1999, 2001, 2003, 2005, 2007, 2009, 2011, 2013 йилларда кураш турнирлари ўтказилиб, уларда 50 дан зиёд мамлакатлардан доврўкли полвонлар қатнашишди. Ушбу беллашувларда ватанимиз полвонларидан Бобоҳон Худойбердиев, Жўра Тошматов, Ўрол Тўраев, Рустам Эргашев, Тўра Эшнаев, Бахтиёр Арзиев, Тоштемир Муҳаммадиев, Яхшибой Қаршиев, Камол Муродов, Баҳром Авазов, Махтумкули Маҳмудовлар ғолиблик шохсупаларига кўтарилишди. Кураш бўйича 2009 йил апрель ойида Термиз шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро турнир ғолиблари Абдулла Тангриев, Абдулла Холиёров, Бобомурод Рустамов, 2009 сентябрь ойида Эронда бўлиб ўтган кураш бўйича Осиё чемпионатида Арслонбек Маҳмудов ғолиб бўлди. 2010 йилда Грецияда ўтказилган Президент кубоги мусобақасида Шариф Холмаматов ғолиб, Давлат Чориев ва Шерали Жўраевлар совриндор бўлишди.

Ўзбек делегациясининг таклифига кўра, кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати 1999 йил апрель - май ойида Тошкентда ўтказилиши келишиб олинди. Таъсис мажлисида Халқаро кураш ассоциацияси Президенти этиб бир овоздан сайланган Ўзбекис-

тоннинг таниқли полвони Комил Юсупов қадимий манбаларда келтирилган маълумотларни жамлаб дунё андозаларига мос кураш қоидаларини ишлаб чиқди. Уларнинг умумий мезони курашнинг у ёки бу усулини қўллаш, иштирокчиларни вазнига қарай туркумга ажратиш, бир хилда кийинишга эришиш ҳозирги мусобақалар қоидаларига асос бўлиб кирди. Бу курашга жўшқин турибериб, уни томошабоп спорт турига айлантирди, Ўзбекистондаги мутахассислар ва мураббийлар тарафидан турли даражадаги мусобақаларнинг, шу жумладан, халқаро турнирларни ўтказишнинг бутун бир тизими яратилди.

Халқаро дзю-до федерацияси биринчи вице-президенти Франц Хокендайка кураш бўйича Ўзбекистон миллий федерацияси тақлифига кўра, Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасини бағишланган халқаро турнир чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъсис этган соврин учун кураш мусобақасига борган эди. Жаноб Хокендайка мусобақанинг ташкил этилишига катта баҳо берди ва ўша чоғдаёқ Европа мамлакатларининг кураш бўйича бўладиган турнирларда иштирок этиши масалаларини муҳокама қилди. Республика Президенти тоншириғига кўра, ўзбек кураши шарафига ўшанда кураш бўйича Халқаро Ассоциацияни ташкил этиш ҳақидаги фикр ўртага ташланди. Бу тақлиф 1998 йилнинг мартида Дублинда (Ирландия) муҳокама қилинди. Бу ерда Европа дзю-до иттифоқи тафтиш комиссияси мажлиси бўлиб ўтиб, унда Ирландия МОКи президенти, Европа Олимпия қўмиталари иттифоқи вице-президенти ХОКИ ижроия қўмитаси аъзоси, Олимпия ўйинларини ўтказишга номзод шаҳарларга ижозат берувчи комиссия раҳбарларидан бири Партик Хики ҳамда Халқаро дзю-до федерациясининг биринчи вице-президенти Франц Хокейдайка иштирок этди. Шунини қайд этиб ўтишни истардикки, ўзбек делегациясини қатор мамлакатлар қўллаб-қувватлади. Курашни ташвиқот қилувчи матбуот нашрларини, видео материалларини Дублинда Литва дзю-до федерацияси Президенти Гинтаутас Вилейта тақдим этди.

Ташаббус қўллаб-қувватланди ва Европа дзю-до иттифоқи раҳбарияти Иттифоқнинг Монакода май ойида бўлиб ўтадиган 50-конгрессига Ўзбекистон Республикаси давлат спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситовни ва Ўзбекистон миллий кураш федерацияси раҳбари Комил Юсуповни курашни жаҳон миқёсида ривожлантириш масалаларини муҳокама этишга тақлиф қилди.

Айни чоғда Тошкентда кураш бўйича Халқаро ассоциация (ХКА)-ни таъсис этишга ҳамда шу муддатда Европа, Осиё ва Америка паҳлавонлари иштирокида халқаро турнир ўтказишга келишиб олинди.

Биринчи халқаро турнирнинг “Жар” спорт мажмуида ўтказилиши бунинг ёрқин далили бўлди. Ўзбекистон Президенти томонидан ажратилган 21 минг доллар миқдордаги совриннинг кимга насиб этишини кўришни истаган миллий кураш иштиробозлари мажмуани лик тўлдирдилар.

Турнирда туркиялик Селим тотар ўгли голиб чиқди. Бу паҳлавон финалда Барселона Олимпиадаси чемпиони грузиялик паҳлавон Давид Хакалейтвилини ютди. Учинчи ўрин Эстониядан келган Индрек Пернилсон ва грузиялик спортчи Рамаз Чопашвилига насиб этди. Таллинлик курашчи дзю-до бўйича Европа мутлоқ чемпиони бўлса, Рамаз қитъанинг бронза медали совриндоридир.

1999 йил 1—2 май кунлари ўзбек кураши тарихида олтин қарфлар билан ёзилиб қоладиган воқеа юз берди. Тошкент шаҳридаги “Юнусобод” теннис саройида муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов иштирокида кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати очилди. Биринчи жаҳон чемпионатида дунёнинг бирча қитъаларидаги элликдан ортиқ мамлакат спортчилари ва кузатувчи вакиллар етиб келдилар.

Мусобақа “Юнусобод” теннис саройидан “Жар” спорт комплексига кўчирилди ва минглаб томошабинлар иштирокида уч вазн категорияси бўйича кескин беллашув бўлиб ўтди. Бу чемпионатда ХАК раҳбарияти ва аъзолари, жуда кўплаб мамлакатлардан миллий кураш федерация раҳбарлари, мутахассислар ва оммавий матбуот ходимлари қатнашиб, унга катта баҳо бердилар.

Барча учта вазнда ҳам юртимиз полвонлари Ақобир Қурбонов (73 кг), Камол Муродов (90 кг) ва мутлоқ биринчиликда Тоштемир Муҳаммадиевлар биринчи жаҳон чемпионлари деб эълон қилинди.

1999 йил 22 октябрь куни Термизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича II халқаро турнир бўлиб ўтди. Дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатидан келган полвон ва вакиллар мусобақага ҳақиқий спорт байрами тусини берди. Термиздаги “Алпомиш” ўйингоҳига йиғилган ўн минг-

дан зиёд томошабин полвонларни қарсақлар билан кутиб олдилар. Ўзбек миллий кураши қисқа муддатда жаҳон бўйича тан олинмишида анъанавий Президент соврини мусобақаларининг ўрни алоҳида эътиборга лойиқ.

Сурхон замини азалдан чапани ва мард, самимий инсонлар, елкаси ер кўрмаган полвонлар юрти бўлиб келган. Давлатимиз раҳбари Термиз шаҳрига Амир Темур орденини топширишда бағишланган тантанали маросимда таъкидлаганидек, "... нафақат юртимизда, балки бутун минтақамизда маълуму машҳур бўлган "Алпомиш" дек қаҳрамонлик достонининг айнан Сурхон заминидан яратилгани асло тасодиф эмас. Агар мендан, энг кучли, энг бақувват полвонлар қаерда яшайди, деб сўраса, ҳеч иккиланмасдан аввало Сурхондарёда, деб айтган бўлардим. Ўзбек курашининг ватани, макони ҳам аслида Сурхон воҳасидир. Ҳаммамиз яхши биламизки, мана шу кураш беллашувларида "ҳалол" деган сўз энг олий баҳо сифатида янграйди. Шахсан менга буюбора бамисоли бутун халқимизга, жумладан, Сурхон элига мансуб энг улуғ фазилатни ифода этаётгандек бўлиб туюлади."

Дарҳақиқат, ҳалоллигу покликни юксак қадрият сифатида юрагида сақлайдиган сурхонликлар спорт соҳасида ҳам доимо бори чини сафда бўлиб келмоқда.

Миллий кураш сурхонликларнинг қон-қонига сингиб кетган қадрият сифатида аجدодлардан авлодларга ўтиб келмоқда. Чунки унда халқимизнинг ҳалоллиги, мардлиги, ўзига ҳос орияти, керак бўлса, ватанпарварлиги ўз аксини топади. Ҳарикки йилда бир марта Сурхондарёда Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказиб келинаётган халқаро турнирнинг нуфузи жаҳон миқёсида йилдан-йилга ортиб, иштирокчилар сафи кенгайиб бораётгани қувонарлидир. Чунки шу орқали кўплаб ёш полвонлар кашф этилиб, миллий спортимиз довуғи жаҳон узра кенг ёйилмоқда. Ушбу турнирни ташкил этишда воҳанинг ажойиб фарзандлари ва миллий курашимиз минглаб шинавандаларининг ўрни ниҳоятда каттадир.

Айниқса Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган миллий кураш бўйича дастлабки турнирларнинг ташкил этилишида элимизнинг ажойиб фарзанди, кўп йиллар Сурхон воҳасида сидқидилдан хизмат қилган ва ўша пайтларда вилоят ҳокими бўлган Ҳаким Бердиевнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Миллий курашимизнинг чинак-

сам жонкуяри, тарғиботчиси, вилоятимиздан етишиб чиққан кўплаб полвонларнинг устози, суҳбати дилкаш, самимий инсон Жума Тошпўлатовнинг миллий курашимизни кенг китобхонлар оммаси ўртасида тарғиб этишда ва миллий курашимизнинг амалий жиҳатларини ишлаб чиқишдаги хизматлари ҳам каттадир. Чунки Жума Тошпўлатов ўзининг кўплаб илмий ва илмий-оммабоп ишларида айнан миллий курашимиз билан боғлиқ жиҳатларини тарғиб қилганлиги кенг китобхонлар оммасига маълум.

Ал-Ҳаким ат-Термизий хотира турнирини ташкил этишда Кўчқор Аҳмедовнинг хизматлари катта эканлигини таъкидлаш керак. Сурхон воҳасини сеvimли фарзанди, ташкилотчи, ташаббускор, таниқли раҳбар Аҳмедов Кўчқор Ҳасанович 1944 йил 7 январда Шеробод тумани Рабат қишлоғида туғилган. У 1964 йилда Тошкент Политехника институтига ўқишга кирди. 1972 йилда институтни тугатиб, Сурхондарё вилояти автотранспорт бошқармасида меҳнат фаолиятини бошлади. Кўчқор Аҳмедов 1985—1990 йилларда вилоятнинг бир қанча масъул лавозимларида ишлади. 1990—1992 йилларда эса Сурхондарё вилояти иттироия кўмитаси раисининг ўринбосари лавозимида фаолият юритди. 1992—1993 йилларда Термиз шаҳар ҳокими, 1993—2001 йилларда Сурхондарё вилоят ҳокимининг ўринбосари вазифаларида ишлади. Кўчқор Аҳмедов 2001—2009 йилларда Сурхондарё вилояти Синов-сертификат маркази директори сифатида фаолият олиб борди. Унинг ватанга, халқимизга бўлган чексиз ҳурмати, ўзбек ва туркман халқларининг ўзаро ҳамдўстлиги, миллий урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни тиклаш, уларни имоनावий руҳда юксалтириш соҳасидаги жонкуярлиги туфайли халқимиз ўртасида катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлди. Кўчқор Аҳмедов Термиз шаҳар ҳокими бўлган кундан эътиборан мустақиллик берган имкониятлар таъсирида ёшларни спортга жалб этиб, миллий кураш бўйича ҳакамларни тўплаб, таниқли спорт устаси, миллий курашнинг жонкуяри, тажрибали инсон, Сурхондарё вилояти спортининг ривожига муносиб ҳисса қўшган Жума Тошпўлатов билан ҳамкорликда миллий кураш бўйича дастлабки шаҳар мусобақаларини бошлаб юборди. 1992 йилдан Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўзбек миллий кураши бўйича дастлабки мусобақага тайёргарлик бошланиб кетди. Ушбу мусобақани ўтказиш билан боғлиқ жами моддий жаъобгарлик масъулияти Кўчқор Аҳмедов зиммасига юклатилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Муҳтарам Президентимиз И.Каримовнинг бевосита ташаббуси, раҳбарлиги ва моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлаши билан Термизда Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган Ўзбек Миллий кураш турнири ўтказилиши йўлга қўйилди.

Сурхондарё вилояти ҳокими Ҳаким Эшбоевич Бердиев ушбу хотира турнирини ҳар томонлама намунали ўтказиш учун бутун имкониятларини ишга солди ва турнирга Қўчқор Аҳмедовни масъул этиб тайинлади. Қўчқор Аҳмедов Термиз пахта заводи боғида Сурхондарёдаги жами полвонларни йиғиб, маслаҳатлашиб иш бошлади. Шу юксак ишончини амалга оширишда Қўчқор Аҳмедовга яқиндан ёрдам берган Абдужаббор Ҳасанов, Ҳамро Эрмагов, Жума Тошпўлатов кабиларнинг меҳнати туфайли 1992—1993 йилларда миллий кураш бўйича каттагина амалий ишлар бажарилди. Полвонларни саралаш, танлаш, ҳақиқий миллий кураш усулларини тиклаш, ҳакамлар ҳайъатини шакллантириш, спорт анжомларини топиш, миллий ўзбек кураши кийимларини яратиш, полвонларга хос мулойимлик, одоб-ахлоқ қоидаларини жорий қилиш каби мураккаб вазифаларни бажаришда Сурхондарё вилояти спорт бошқармаси бошлиғи воҳид спортининг таниқли фидойиси Жума Тошпўлатовнинг хизматлари катта бўлди. Жума Тошпўлатов яқин дўсти Жўрақул Турсунов билан биргаликда ушбу улкан масъулиятни ниҳоятда қўйилмақом қилиб уддалади. Миллий кураш мусобақасини ўтказиш бўйича тузилган ҳайъатнинг тинимсиз меҳнати ва изланишлари туфайли турнир билан боғлиқ жами тайёргарлик ишлари муваффақиятли бажарилди. Ниҳоят 1993 йил апрель ойида Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган биринчи турнир ўтказилди. Ўзбек Миллий кураши турнирининг Термизда муваффақиятли ўтказилиши ва унинг жаҳонга юз тутиши натижасида Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг 1995 йилдаги фармони билан миллий кураш бўйича хотира турнири ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши белгиланди. Қўчқор Аҳмедов миллий курашни ташкил қилиш ва ўтказиш даврида инсонпарвар, ватанпарвар, меҳнатсевар, ўзбек халқи миллий урф-одатларини, анъаналарини қадрлайдиган раҳбар сифатида кўпчиликнинг қалбида илиқ таассурот уйғотди. Қўчқор Аҳмедов 1995, 1997, 1999 йиллардаги турнирларни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг раиси бўлиб, ўзбек миллий курашининг

жаҳонга ёйилишига муносиб ҳисса қўшди. Қўчқор Аҳмедов Сурхон воҳаси бугуни, келажаги учун фидокорона хизмат қилиб келаётган, чуқур мулоҳазали раҳбарлардан биридир. У ўзининг гинимсиз меҳнати, самимияти ва фидойилиги туфайли халқимизнинг сеvimли фарзандига айланди. Бир сўз билан айтганда, Қўчқор Аҳмедов ўзбек миллий курашининг фаол тарғиботчиси, унинг янада кенг раvнақ топишига сидқидилдан ҳисса қўшган камтарин инсондир.

БИРИНЧИ ТУРНИР

1993 йил апрель ойи бошида Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб миллий кураш бўйича дастлабки халқаро турнир бошланди. Шунинг таъкидлаш жоизки, илк турнирда мутлоқ ғолиблик фақат сурхондарёликларгагина насиб этди. Қумқўрғонлик доvруқли полвон Ўрол Тўраев, термизлик Камол Бойтўраев билан ҳал қилувчи курашга тушдилар. Икки полвон шиддат билан кураш тушдилар. Пировардида Ўрол полвон ғолиб чиқиб, Президентимиз мукофотини олишга мушарраф бўлди.

Биринчи турнир курашларида Бобоҳон Худойбердиев, Тўра Тошматов, Жўра Тўраев, Рустам Эргашев, Тўра Эшнаев, Бахтиёр Арзиев, Тоштемир Муҳаммадиев, Яхшибой Қаршиев, Жабборқули Маҳмудов, Хусан Худойбердиевлар ўз вазнларига кўра ғолиб бўлишди.

ИККИНЧИ ТУРНИР

1995 йилнинг 8—9 апрель кунлари миллий кураш бўйича аънавий II Халқаро турнир Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. Турнирнинг мутлоқ ғолиблиги учун курашларда сурхондарёлик Рустам Эргашев биринчи, қашқадарёлик Баҳром Авазов иккинчи, термизлик Баҳодир Ҳасанов эса учинчи ўринларни қўлга киригишди. Айниқса, финалда забардаст икки полвон — Рустам Эргашев ва Баҳром Авазовларнинг кураш тушишлари турнирнинг унутилмас онларидан бўлди дейиш мумкин. Икки катта полвоннинг кураш тушишини бутун ўйингоҳдаги томошабинлар диққат билан кузатиб турдилар. Ғолиблик жарқўрғонлик Рустам полвон Эргашевга насиб этди. У Президент соврини соҳиби бўлди. Иккинчи ўринни эгаллаган Баҳром Авазов эса вилоят ҳокими соврини билан мукофотланди. Баҳодир Ҳасанов учинчи ўринни олишга муваффақ бўлди.

УЧИНЧИ ТУРНИР

1997 йилнинг 5—6 апрель кунлари III Халқаро турнир юқори савияда ташкил этилди. Кураш мусобақасида 275 нафар полвон иштирок қилди. Турнир мусобақаларида Туркменистон, Тожикистон, Гуржистон, Жанубий Корея давлатларидан, шунингдек, мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларидан полвонлар қатнашдилар. Деновлик полвон Эрали Маҳмарасулов Президент совринига эга бўлди. Иккинчи ўринни олган бойсунлик полвон Тоштемир Муҳаммадиев вилоят ҳокими совринини олди, учинчи ўринни олган қашқадарёлик полвон Муҳаммаддўст Тошевга вилоят “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати соврини тақдим этилди.

ТЎРТИНЧИ ТУРНИР

1999 йил 3—4 апрель кунлари Термиз шаҳрида IV турнир бўлиб ўтиб, биринчи ўринни эгаллаган Махтумқули Маҳмудов вилоят “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг соврини, Баҳром Авазов эса вилоят ҳокимлигининг соврини билан ва, ниҳоят, 90 килограммдан юқори вазнда майдонга тушиб, зафар топган Тоштемир Муҳаммадиев Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини билан тақдирландилар. Шунингдек, ҳар учала голиб полвонга турнирнинг дипломлари ҳам топширилди.

БЕШИНЧИ ТУРНИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган V Халқаро кураш турнири 2001 йилнинг 2—4 апрель кунлари Термиз шаҳрида бўлиб ўтди.

V Халқаро турнирға мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ҳамда Тожикистон, Қозоғистон, Арманистон, Туркменистон республикаларидан, шунингдек, Бразилиядан ҳам катта полвонлар келишди. Бойсунлик машҳур полвон Абдулла Тангриевга Президент соврини насиб қилди.

ОЛТИНЧИ ТУРНИР

2003 йилнинг 4—5 апрель кунлари Термиз шаҳрида VI турнир бўлиб ўтди. Халқаро турнирда жаҳоннинг 21 давлатидан кураш мутахассислари, 19 мамлакатдан полвонларнинг иштирок этишди. Ушбу турнирда Бойсунлик Абдулла Тангриев мут-

лоқ ғолиб бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринига эга бўлди.

ЕТТИНЧИ ТУРНИР

Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий VII Халқаро кураш турнири 2005 йилнинг 22—24 апрель кунлари Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. Айтиш пайтда кураш ва белбоғли кураш бўйича фахрийлар ўртасида I Жаҳон чемпионати ҳам ўтказилдики, бу нарса турнирнинг яна бир эсда сақланиб қоладиган жиҳати ёки ёрқин қирраси эди. Бу сафарги турнир мусобақаларига ҳам дунёнинг чор тарафидан мутахассислар, сара полвонлар йиғилдилар. Эронлик Муҳаммад Ризо Носирӣ турнирнинг бош ҳаками бўлди. Айтиш лозимки, ҳакамлар таркибида эронлик Ҳасан Рошшаний, ҳиндистонлик Муҳаммад Ризо Минокадеш, Жанубий Кореялик Ким Эл Жунг, туркиялик Метин Озкан, исроиллик Питр Бен Розен, арманистонлик Сероб Андресянлар бор эди.

Турнир беллашувлари шиддатли ва муросасиз, айтиш чоғда ҳалоллик билан ўтди. Бу гал ҳам бойсунлик машҳур полвон Абдулла Тангриев турнирнинг мутлоқ ғолиби сифатида довруқ таратди.

САККИЗИНЧИ ТУРНИР

Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий VIII Халқаро турнир ва қизлар ўртасида Жаҳон чемпионати 2007 йил 13—14 апрель Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. Ушбу турнирда ҳам таниқли ўзбек полвони Абдулла Тангриев турнирнинг мутлоқ ғолиби бўлди.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ТУРНИР

Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти совруни учун анъанавий IX халқаро турнир Термиз шаҳрида 2009 йил 11—12 апрель кунлари бўлиб ўтди. Ушбу халқаро турнирда 24 та хорижий давлат ҳамда Республикамизнинг барча вилоятларидан жами 151 нафар полвон иштирок этди, шундан 61 нафари хорижлик полвонларни ташкил этди. Ўзбек миллий кураши анъаналарини жаҳонга кенг танитишда муносиб ҳисса қўшиб келаётган Аб-

дулла Тангриев турнирнинг мутлоқ ғолиби бўлиб, эл хурмати га сазовар бўлди.

ЎНИНЧИ ТУРНИР

Катталар ўртасида VIII Жаҳон чемпионати ҳамда Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича анъанавий X халқаро турнир Термиз шаҳрида 2011 йил 21—23 октябрь кунлари бўлиб ўтди. Мутлоқ ғолиблик учун курашган Абдулла Тангриев япониялик полвон Южи Ониши билан курашга тушди. Қизгин келган баҳсда Абдулла устун келди ва олтинчи марта Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнирнинг мутлоқ ғолиби деб топилди. Мамлакатимизнинг яна бир полвони Бахтиёр Мелиқулов ва эронлик Хожан Раҳномажон бронза медаллари билан тақдирланди.

Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича анъанавий X халқаро турнирнинг мутлоқ ғолиблари: 1-ўрин Тангриев Абдулла (Ўзбекистон), 2-ўрин Ониши Южи (Япония), 3-ўрин Хожат Раҳнамо (Эрон), 3-ўрин Менглиқулов Бахтиёр (Ўзбекистон).

ЎН БИРИНЧИ ТУРНИР

Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий XI халқаро турнири 2013 йил 16—21 май Термиз шаҳрида бўлиб ўтди.

Анъанавий XI халқаро турнирда полвонлар уч вазн тоифасида гиламга тушди. Қизгин баҳслар давомида Жанубий Корея, Эрон, Конго, Ҳиндистон, Вьетнам, Исроил, Россия, Таиланд, Жанубий Африка Республикаси каби мамлакатлардан келган полвонлар маҳорати яққол намоён бўлди. Якуний натижага кўра, 66 килограмм вазн тоифасида биринчи ўринни ўзбекистонлик Шарофиддин Лутфуллаев, 81 килограмм вазн тоифасида ҳамюртимиз Бекзод Тўрабоев эгаллади.

Халқаро турнирнинг мутлақ вазн тоифаси финалида ўзбек полвони Самижон Убайдуллаев тожикистонлик Парвиз Собировни мағлубиятга учратиб, турнирнинг мутлақ ғолиби бўлди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти совринини қўлга киритди.

Шундай қилиб мутлоқ вазн тоифасида : 1-ўрин Убайдуллаев

Самижон (Ўзбекистон, Сурхондарё), 2-ўрин Собиров Парвез (Тожикистон), 3-ўрин Трусов Владимир (Россия), 3-ўрин Незд Хусрави (Эрон), 4-ўрин Юн Лон Ли (Вьетнам), 4-ўрин Дю-тин Ким (Корея), 4-ўрин Питер Палчик (Исроил), 4-ўрин Аман-дер Синх (Ҳиндистон)га насиб этди.

Мустақиллик йилларида кураш халқаро спорт турига айланди. Ўтган йиллар давомида 121 давлат Кураш халқаро ассоциациясига аъзо бўлгани, ҳар йили турли қитъа ва мамлакатларда жаҳон чемпионати, халқаро турнирлар ташкил этилаётгани бунинг далилидир.

2013 йилда Франциянинг Париж шаҳрида катталар ўртасида кураш бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди.

2.3. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МИЛЛИЙ КУРАШНИНГ ЖАҲОН СПОРТ ТУРИГА АЙЛАНИШИ

Сурхон воҳасида яшаган одамларнинг қандай буюқ, улуғ тарихни бошидан кечиргани, керак бўлса, қандай бетакрор маданиятга эга бўлганини катта ғурур ва ифтихор билан таъкидлаймиз.

И. КАРИМОВ

Ўзбекистон мустақиллик йилларида ижтимоий- иқтисодий ва маданий соҳада улкан ютуқларга эришиб, халқимизнинг турмуш тарзи ҳар томонлама ўсиб, катта ижобий натижаларга эга бўлди. Ўтмиш аждодларимизнинг урф-одатлари, анъаналарини тиклаш, ўрганиш ва қайта тиклаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов раҳбарлигида жаҳон миқёсида улкан ибратли ишлар қилинди. Халқ маънавий меросини ўрганиш, оғзаки ва ёзма манбаларга асосланиб, илмий тафаккур намояндаларининг ижодий фаолиятини, улар томонидан яратилган бебаҳо илмий ҳикматлар дурдонасини ўрганиш ҳамда хотирасини мангу қадрлаш масаласида жаҳон ва мамлакат миқёсида амалий тадбирлар ташкил этилди.

Ўзбекистонда кураш тўйларда, халқ байрамларида ва кўпчилик тўпланадиган жойларда оммавий тарзда ўтказилган. Миллий курашнинг Фарғона ва Бухоро услуби кенг тарқалган бўлиб, унда асосан эркаклар иштирок этиб, қатнашувчиларнинг ёши чеклан-

маган. Миллий кураш бошланишидан аввал ҳакамлар ҳайъати тузилган, ҳайъат таркибига қишлоқ оқсоқоли, ёши улуглар, ёш бўлса-да, кураш сирларини яхши биладиганлар киритилган. Бу кишилар ҳар бир мусобақа бошланишидан олдин кураш тушиши шайланган рақибларга унинг қоидаларини: оёқ билан чалмаслик, ердан даст кўтариб йиқитиш, йиқилганнинг иккала елкасини ерга теккизиш, қўпол ҳаракатлар қилмаслик ва ҳоказоларни тушунтиришган. Миллий курашни ҳали белида қуввати бор тажрибали кексалар бошлаб беришган. Кураш ғолибга рақиб топилмагунча давом этган. Курашда ютиб чиққан полвонларга ҳар хил мукофотлар, тўн, жонлиқ ва бошқалар берилган.

Мустақиллик туфайли ўзбек миллий кураши қайта тикланиб, жаҳон миқёсидаги мусобақага айланиб, жаҳоннинг энг кучли полвонларини ўзига жалб этиб, халқаро мусобақага айланди. Асрлар оша миллий менталитет асосида миллат ғурурига, орномусига, виждонига, мардлик, жасурлик, ҳушёрлик, чаққонлик, тимсолига айланган ўзбек миллий кураши ҳозирги вақтда дунёни ўзига ишқибоз айлади.

Халқимизнинг маънавиятида муҳим ўрин тутиб, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳалолик туйғуларини қадрлаб келган “Ал-помиш”, “Қирққиз”, “Авазхон”, “Гўрўғли”, “Рустамхон”, “Равшан”, “Кунтуғмиш”, “Ёдгор”, “Тошбосар” каби ўнлаб дostonларда, қурқмас, мард Тўмарис, севгига, оилага вафодор Барчиной каби жасур ўзбек аёллари ботирларни паҳлавонлар синовидан ўтказиб, йигитларни курашга чорлаб ватанни, халқни, улусни ҳимоя қилишга чорлаганлар. Сурхондарёликлар кураш ва спортга ошуфта халқ эмасми, полвон зоти борки, барини бирма-бир санаб боришади. Айниқса, 1950 йилларда воҳанинг Бўрон полвон, Холмурод полвон, Юнус полвон каби машҳур курашчилари тенгма-тенг олишган. Кураги ерга тегмаган Ҳақберди отани нафақат полвон, балки элнинг 240 нафар полвонлари ҳақида маълумот тўплаган ижодкор сифатида ҳам ҳурмат қилишади.

Маънавий ҳаётимизда ибратли бўлган алломалар, олимлар ҳамда ватан озодлиги йўлида шаҳид кетганларнинг хотирасини тиклаш борасида дастлабки фикрлар мустақилликнинг илк даврларидан бошланди. 1992 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг улуг алламо Ҳаким Термизий хотирасини абадийлаштириш мақсадида Термиз шаҳрида миллий курашга бағишлаб Халқаро кураш мусо-

Ҳақасини ўтказиш таклифи халқимиз томонидан чексиз қувонч билан қабул қилинди. 1993 йил 3—4 апрелда Ҳақим Термизий хотирасига бағишлаб миллий кураш бўйича дастлабки халқаро турнир бўлиб ўтди. I-турнир бош ҳақами таниқли спортчи, Ўзбекистон чемпиони Жума Тошпўлатов раҳбарлигида ўтди. Халқаро турнир ғолиби қумқўрғонлик Ўрол полвон Тўраев бўлди. Ал-Ҳақим ат-Термизий хотирасига бағишлаб миллий кураш бўйича 1995 йил 8-9 апрелда ўтказилаган II халқаро турнирнинг ғолиби Рустам Эргашев, 1997 йил 5-6 апрелда ўтказилган III халқаро турнирнинг ғолиби Эрали Маҳмарасулов, 1999 йил 3-4 апрелда ўтказилган IV халқаро турнирнинг ғолиби Тоштемир Муҳаммадиев, 2001 йил 2-4 апрелда ўтказилган V халқаро турнирнинг ғолиби Абдулла Тангриев, 2003 йил 4-5 апрелда-2012 йилгача ўтказилган барча халқаро VI, IIV, VIII, IX турнирларининг ғолиби Абдулла Тангриев бўлди.

Сурхон воҳасида ташкил этилган миллий кураш бўйича халқаро кураш мусобақалари халқимизнинг маънавий дунёқарашини тубдан ўзгартириб, миллий кураш бўйича жасур, жисмоний бақувват, ор-номусли паҳлавонларнинг етишиб чиқишига, шунинг авлодларнинг орзу-умидлари юзага чиқишига имоният яратди. Бу эса Сурхон воҳасининг ватанпарвар, инсонпарвар, миллий кураш орқали аждодлар руҳини шод этиш учун ўз хизматларини фидойилик нуқтаи назаридан баҳшида этган ташкилотчи раҳбарлар ва миллий курашни фахр-ифтихор деб билган инсонларнинг беқиёс хизматлари туфайли амалга оширилди. Аждодлар маънавиятини ўзида мужассам этган, Яратганнинг қудрати билан Сурхон воҳасини дунёга танитган, илмий тафаккурда табиат ва жамият уйғунлигини асослаб берган, илмнинг туб моҳиятини, ички мазмун-моҳиятини ёритиб берган аллома Ҳақим Термизий руҳи Сурхон воҳасининг метиндек иродали полвонларини руҳан тарбиялади ва маънавий қўллаб-қувватлади. Миллий кураш тартиб қоидаларига ҳуқуқий мақом сифатида киритилган “таъзим”, “кураш”, “тўхта”, “ҳалол”, “ёнбош”, “ғирром”, “дакки”, “чала”, “танбех”, “бекор”, “тенг”, “вақт” каби ўзбекча ибора ва сўзларнинг жаҳон миқёсида таржимасиз айтилиши Ҳақим Термизий руҳини шод қилди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида халқимизнинг жисмоний тарбия ва спорт билан боғлиқ анъаналари қайта тикланиши ва Ҳақим Термизий хотирасига бағишлаган халқаро кураш

туфайли, Ўзбекистон бутун жаҳонга спорт соҳасида танилди Ал-Ҳаким ат-Термизий руҳи эса ўзбек курашчиларига мададкор бўлди.

Руҳлар исён қилар аслим қайда деб,
Ўзлим қайда деб, наслим қайда деб.
Келажагим, баҳор фаслим қайда деб,
Ўғлим, билармисан, боболаринг ким?!

Баркамол авлод тарбиясида ўтган аجدодлармиз тарихини ўрганиш, қайта тиклаш бугунги даврнинг долзарб масаласидир. Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, Ҳаким Термизий хотирасининг тикланиши ҳамда миллий кураш бўйича халқаро кураш мусобақасининг ўтказилиши Ўзбекистонда миллий курашнинг жадал ривожланишига имоният яратди. Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда миллий курашнинг қайта тикланишида Сурхон воҳасининг алоҳида ўрни бор. Ал-Ҳаким ат-Термизий каби алломалар руҳи мададкор бўлган Сурхон воҳасининг машҳур полвонлари қадим-қадимдан ўз халқи, юрти, овули учун кураш майдонларига чиқиб, ҳалоллик, мардлик, жасурлик, вафодорлик, севги-муҳаббат учун ўз кучларини намоён қилганлар ва бу йўлда ўзига хос жасорат намуналарини кўрсатганлар.



Соғлом авлод — баркамол юрт келажаги.



***Ал-Ҳаким ат-Термизий хотира турнирининг
асосчиларидан бири Ҳаким Бердиев.***



III - турнирнинг очилиши.



3 - турнир ташкилий кўмитаси.



IV турнир ғолиблари ва ташкилотчилари.



Халқаро кураш ассоциацияси президенти Комилжон Юсупов турнирнинг мутлоқ ғолиблари даврасида.



Халқаро кураш ассоциацияси ҳакамлар коллегиясининг раиси жанубий африкалик Сузет хоним мусобақа қатнашчиларини табрикломқда.



Ҳакамлар финал учрашувини зийраклик билан кузатмоқдалар.



Ҳакамлар ҳайъати.



**Кураш бўйича жаҳон чемпиони Абдулла Тангриевни
устози Жума Тошпўлатов кутламоқда.**



***Таниқли полвон Жума Тошпўлатов
кураш голиблари даврасида.***



***Элимизнинг доврўқли полвонлари
Жума Тошпўлатов, Эргаш Худоёров ва Рўзи Ўтаевлар***



Термиз темир йўл вокзалида Ўзбек миллий курашига бағишланган турнирда меҳмонларни кутиб олиш.



Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган миллий кураш бўйича халқаро турнир иштирокчиларини кутиб олиш жараёни.



Халқаро турнир иштирокчиларини воҳа меъморий ёдғорликлари билан таништириш жараёни.



Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган миллий кураш бўйича халқаро турнирнинг очилиш тантаналари.



Кекса полвонлар куч синашмоқда.



**Ал-Ҳаким ат-Термизий хотира турнирига
ташриф буюрган хорижлик меҳмон.**



Абдулла Тангриев халқимизнинг фахри ва ифтихори.



Курашга рухсат берилди.



**Ўзбек миллий
кураши чаққонлик
ва эпчилликни
талаб қилади.**

**Барчинойлар
беллашуви.**





Миллий ўзбек кураши хушёрликни талаб этади.



Курашга шай полвонлар.



Халқаро кураш ассоциацияси вакиллари.



Ўзбек миллий кураши халқаро спорт турига айланди.



Хорижлик полвонлар ўзбек миллий кураши бўйича куч синашмоқда.



Ўзбек миллий кураши халқларни бирлаштирувчи риштага айланди.



Мардлар майдонда синалади.



Полвонлар элимизнинг ифтихори.



Мардлар олишмайди силтаб отади.



Ўзбек миллий кураши чапдастликни талаб этади.

**Полвонликни
ақл ва билак
кучи бир-
лаштиради.**



Чаққонлик ва эпчиллик полвонга омад келтиради.



Курашнинг ҳал қилувчи палласи.



Ҳаяжонли дақиқалар.



Полвонлик ор-номус ва гурур тимсоли.



Галаба кимга насиб этаркан?



**Алининг майдони
мрдни синайди.**



**Ғалабага оз
қолди.**



III БОБ. ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУРАШНИ МАДҲ ЭТГАН ДОСТОНЛАР

3.1. “АЛПОМИШ” ДОСТОНИДА АКС ЭТГАН ПОЛВОНЛИК ХИСЛАТЛАРИ

*Бу довюрак ва ўктам халқнинг – Сурхон аҳлининг юра-
гида Алпомиш каби паҳлавонлардан мерос қолган ши-
жоат яшайди.*

И. КАРИМОВ

Ўзбек халқ оғзаки ижодиёти дурдоналари жуда қадим замон-ларда яшаган аждодларимизнинг мифологик тасаввурларидан тортиб, зукко халқимизнинг бетакрор ижодий салоҳияти ва заковати туфайли яратилган бебаҳо дostonлар ранг-баранг сюжет силсиласини ўз ичига олган мароқли эртақлар, беғубор осмон остидаги обод ва озод юртимиз узра таралаётган ҳаётбахш кўшиқлар ва бошқа турфа жанрларга мансуб боқий қадриятларни ўз ичига олган ғоят бой бадиий тизимдир. Асрлар давомида яратилиб, ҳар бир авлод бадиий даҳоси туфайли бойитилиб, сайқалланиб келган улкан маънавий қадриятларда халқимиз бадиий тафаккурининг бир неча минг йиллик тарихий-тадрижий ривожини ўз аксини топган. Миллий маънавиятимизни шакллантирувчи асосий манбалардан бири сифатида ёш авлод дунёқарашини камол топтириш ва инсон руҳий оламини бойитишга хизмат қилиб келган ана шу бадиий қадриятлар силсиласида “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Кунтуғмиш”, “Орзигул”, “Тоҳир ва Зухра” сингари ажойиб дostonлар муҳим ўрин тутлади.

Чечанликда тенги йўқ зукко бахшилар томонидан маҳорат билан ижро этилган “Алпомиш” сингари қаҳрамонлик, полвонлик, миллий кураш, ҳалол олишув ғояларини ўзида акс эттирган дostonларда юксак ватанпарварлик, мардлик, жасорат, оила кўрғони ва она юртни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, ватан тупроғининг муқаддаслиги, элу юртнинг ҳамжиҳатлигини улуглаш сингари эзгу ғоялар ўз ифодасини топган бўлса, “Орзигул”, “Тоҳир ва Зухра”, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” каби дostonлар ўз моҳиятига кўра, “халқ муҳаббатнома”си бўлиб, полвонлик хислатларини, ҳалол, пок кураш усулларини, полвонларга хос соф севгининг боқийлиги, садоқат ва вафодорликни бадиий тараннум этганлиги учун ҳам халқимиз қалбида ўчмас из қолдирган.

Шу боис, бу каби дostonлар асосида яратилган сахна асарлари ва кинофильмлар ҳам миллий қадриятларимизга оид миллий курашни тараннум этувчи кўзгуга айланган. Мамлакатимиз Президентини И.Каримов ўзбек кино санъати соҳасида ўзига хос ижодий мактаб яратилганини қайд этар экан, “Шахсан мен ҳар сафар “Тоҳир ва Зухра”, “Ўтган кунлар”, “Сен етим эмассан”, “Маҳаллада дув-дув гап” каби мумтоз фильмларимизни кўрганда бу ҳақиқатга ишонч ҳосил қиламан. Мана шундай том маънодаги миллий асарлар нафақат халқимиз маънавиятини юксалтиришга, балки унинг гўзал қадриятларини бутун дунёга танитишга ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда”, деб ёзган эди.

“Алпомиш” достони ўзбек миллий курашининг маънавий ва жисмоний камол топишида, ёшларни миллий эътиқодлар руҳида тарбиялашда, мардлик, жасурлик ғояларининг тараннум этилишида, полвонлик, жисмоний бақувват бўлиш орзу-умидларининг амалга оширишида муҳим эътиқод рамзи бўлиб ҳисобланади. Алпомиш гўё остида учар тулпори Бойчибор, ёнида севиқли ёри – Ойбарчин. Тоғ-тошларни, қоронғу дараларни гумбирлатиб, Алпомиш юртга қайтди!

Аслида... Ўзбек миллий курашининг асосий ғоясини ўз ичига олган Алпомиш достонини 1950 йилларда ўқиш, ёзиш маъни этиб қўйилганди. Асар қаҳрамони Ҳакимбек катта давлат эгаси, феодал ахлоқий қарашларининг ҳимоячиси сифатида камситилганди. Достоннинг ўзи совет мафкурасида феодал урушларни мадҳ этувчи, “миллатчилик ғоялари”ни тарғиб қилувчи асар сифатида қаттиқ қораланганди. Ҳар бир яхши инсон, ҳар бир эзгулик бошига қора булут соя солганидек, ушбу эпос ва унинг қаҳрамонлари ҳам қора кунларга қолган эди.

Ўзбек миллий курашидаги ғояларда инсон табиат мавжудотлари ичида энг сараси, ноёби бўлгани ҳолда ақл ва яратувчилик кучига эгаллиги полвонлар қўлга киритган ютуқлари билан фахрланиши, кураш жараёнидаги нуқсонлари билан ташвишланиши уларнинг олийжаноб хислатлари тарғиб қилинган. Шу маънода ўзбек полвонларига хос мардликни, ор-номусни, севиқига садоқатни, ўз она-ватанига фидойилик, халқ орзу-ниятларининг амалга оширишида бахши термалари полвонга қадим-қадимдан йўлдош. Миллий курашни, мардликни, ор-номусни, жасоратни тараннум этувчи, халқ бахшиларининг ижоди орқали ўзбек миллий курашига оид ўтмишимиз-аждодларимизнинг

расм-русумлари, орзу-армонлари бизгача етиб келган. Халқ бахшилари томонидан куйланган “Тўмарис”, “Широқ”, “Зарина ва Стриангия”, “Зариандр ва Одатида”, “Рустам”, “Тоҳир ва Зухра”, “Сиёвуш” афсоналари, “Уч оға-ини ботирлар”, “Эгри ва Гўгри” эртаклари, яқин-яқинда ҳам эшитиб турганларимиз — “Хирмон қўшиғи”, “Майда” ва бошқа меҳнат, маросим термалари, марсиялар ҳалол, мағрур ўзбек курашини асрлардан-асрларга олиб ўтиб, ёшлар онгида ватанпарварлик ғояларини, полвонликка хос хислатларни тарбиялаб келмоқда.

Таниқли аллома Маҳмуд Кошғарий X асрлардаёқ ўзидан олдинги халқ қўшиқларида қайд этилган миллий курашга ҳамда полвонларга оид асарларни бир неча жилдда тўплаб, бизга мерос қолдирган. Бунга биргина мисол кечаю-кундуз изланишда бўлган полвонларга хос сўзларни келтириш кифоя.

Кеча туруб юрир эрдим,
Қора-қизил бўри кўрдим.
Қатиг ёни қўра кўрдим,
Қоя кўруб баку оғди.

Ўзи бориб укуш эвдим,
Таълим юруб кучи гавдим.
Отим бирла тагу авдим,
Мани кўриб эси оғди.

Итим тутиб кўзи чолди,
Онинг тусин кира юлди.
Бошин олиб кўзи солди,
Бўғоз олиб тугал бўғди.

Мазмуни:

Кечаси туриб (кезиб) юрардим,
Қора-қизил бўри кўрдим.
Бақувват ёйни (отишга) ҳозирладим,
(У) кўрқиб қоянинг орқасига яширинди.

Шошилинч (бўрининг) кетидан тушдим,
Кўп қувлаб бориб, кучидан толиқтирдим.
Отим билан теварагида айланиб турдим,
Мени кўриб эси оғди.

Итим тутиб бўғиб ётқизди.

Унинг жунини юлди (терисини шилиб олди),
Бошидан тишлаб, куйига судради,
Бўғзидан тишлаб бутунлай бўғди (ўлдирди),

Кўриниб турибдики, бунда ўша замон полвонлигига тегишли ёрқин бир манзара берилади.

“Ўзбек миллий курашининг асосий манбаларидан бўлган” Алпомиш достонида фарзанд туғилишга оид воқеалардан бири, фарзанднинг борлигидан шодланиш ҳис-туйғуси куйидагича баён қилинади: “Эй, Бойбўри билан Бойсари! Бу тўй уллининг улдан, қизлининг қизидан қайтади. Сенларнинг нимангдан қайтади? Ўлсаларинг, молларингга ҳар меросхўр чиқадики, оғзи одам кириб кетади. Сенинг бундан бу ёқдаги ейдиганинг ошининг кети-бети бўлади. Биз сенларнинг давлатингдан бўлиб оламизми?” Улар хафа бўлиб, чупурронларга саксон тилладан ташлаб, тўйдан чиқиб кетадилар. Фарзанд хусусида Шоҳимардон Али мазорига бориб сиғинадилар. Қирқ кечаю қирқ кундуз мазорни зиёрат қилганларидан сўнг гўрдан овоз чиқади: “Бойбўри, худо сенга ул билан қиз юборди, бирданига эгизак юборди Бойсари, сенга ҳам худо фарзанд ато қилди. Лекин эгизак эмас, битта қиз ато қилади. Энди уйингизга кетинглар, болалар туғилганда халққа катта тўй беринглар. Тўйга қаландар бўлиб ўзим бораман. Болаларнинг ҳар бирига исм қўяман”.

Фозил Йўлдош вариантыда полвонлик хислатларини ўзида мужассам этган қаҳрамон Шоҳимардон Али кудрати билан туғилади ва Али полвоннинг ўзи қаландар қиёфасида келиб, қаҳрамон полвон икки курагининг ўртасига панжа уради, қаҳрамоннинг “ўтда куймаслиги, сувда чўкмаслиги, қилич чопмаслиги” шу билан изоҳланади ва етти ёшида бобосидан қолган 14 ботмон парли ёйни отиб, Асқар тоғининг чўққисини учиради.

Ўзбек миллий курашида халқ полвонига айланган, афсонавий қаҳрамон Алпомиш ўзидан олдинги дostonларнинг урвоқ хамиртуруши қадим халқ оғзаки ижоди (фольклор) намуналари—термалар, кўшиқлар, афсона ва ривоятлар, “Авесто”, “Девону луғотит-турк”, ҳинд эпоси “Панжа тантра” (“Беш китоб” ёки “Калила ва Димна”), Энасой дарёси ҳавзаси руник ёзуви ёдгорликларига бориб туташади. Энди гапни тўғридан-тўғри Хўшбоқ бахши куйлаган “Алпомиш”дан, унинг миллий ўзликни англатган полвонлик, мардлик хислатларидан бошлайверамиз: “Хов-ва-ва! Азиз-

лар, айтмоқ биздан, эшитмоқ сиздан. Ўн минг уйли Қўнғирот элидан, қавмларнинг тоза, хешу-хилидан. Асли ўзбек полвонларини тарбиялаб етиштирган халқнинг маънавий эътиқодларини ўзида намлаган, шу ватан, шу макон, шу муқаддас киндик қони тўкилган гупроқ бизники, уни авайлаб-асраш, мард, жасур, ватанпарвар, инсонпарвар, меҳнатсевар, ота-онага, ака-укага, ёрга садоқат руҳида, душманга, ғанимга, хоинга, ватанпуришларга нафрат тўйғусида бўлиш каби хислатларни сингдирган маънавият тафаккурлари етишиб чиқдилар. Улар Буюк сиймо руҳида ўз илмларини, илтижоларини, гоёвий эътиқодларини, ақлий билимларини ўз кучларига сиғмай, баҳодир, курашларда тобланиб, курашларда чоғланиб турган йигитларнинг тарбиясига бағишлаб, полвонларга дуолар қилишиб, курашларда уларни тоблантирдилар. Миллий курашларни бошланишида, унинг авж палласига чиққанида, қўнланганида, эл номидан, ватан номидан улуғ дуолар қилишган. Шундай улуғлардан бўлган ҳозирги Сурхондарё вилоятида қадимда Хўжаиканд деган ном бўлиб, уни баъзан Хўжаулкан ҳам деб аталади. Ривоятлар ва асли манбаларда Шерободнинг устиди. Хўжаларнинг улкани бўлган, у кишилар олти оғайни бўлиб, бирлари Хўжа Ал-Ҳаким ат-Термизий, Хўжа Исо ат-Термизий. Хўжаикон туз қони чиқиб турибди, у ерда, тўрттинчилари Хўжаипок ота. Хўжаипок отадан сув чиқиб турибди. У кишининг сувларидан кимки ичса, иймони пок бўлғай, ювинса дарддан фориғ бўлади. Бойсуннинг бундан минг йиллар илгариги номи Хўжаиканд эди. Япроқларидан қанд-шакар ёғиб ётар, халқи нон ўрнига шакарқанд еб, қорин тўйғазар, шунинг учун бу ерлар Хўжаиканд деб аталар эди. Кейинчалик Хўжанд бўлиб кетди”.

“Алпомиш” достонидаги воқеаларга эътибор берилса, келажакда туғиладиган ёш Алпомишнинг авлодига боғлиқ бир ривоят келтирилади: Хўжандда Добонбий деган ўтди. Добонбийнинг Олпинбий деган фарзанди бор эди. Олпинбийдан иккита ўғил қолди: бирини Бойбўри, иккинчисини Бойсаридегич эди. Бойбўри шу ерда бек. Бойсаридеги беш минг қўйли бой бўлди... Уларнинг давлатдан-савлатдан қами йўқ, фақат “тирноқ”қа, улқизга зорлиги алам қиларди, оху зори шул эди. Ака-ука шул дард билан овда ухлаб ётганда, тушларида уч киши келиб, Бойбўрига сен ул-қизли бўласан, Бойсарига сен қизликдай қиз кўрасан, деб, башорат қилиб кетади. Улар шодон қайтишиб, элга тўй беришади...

Ўзбек миллий курашини ўзида акс эттирган асосий ғоя ватанпарварлик халқ дostonларидаги ижобий қаҳрамонларнинг умумий хусусияти бўлиб ҳисобланади. Чунки ватанпарварлик, инсонпарварлик, халқпарварлик, қаҳрамонлик, дўстлик, курашда ҳалоллик каби қатор туйғулар ҳамиша бир-бирига ҳамроҳдир.

Ўзбек миллий кураши тарихини кенг ўрганиш жараёнида Ватан мавзуи қуйидаги йўналишларда таҳлил қилинган.

— ватанга, халққа садоқат ва чет эл босқинчиларига қарши кураш;

— қаҳрамон томонида ўз маҳбубасининг ватанини ҳимоя қилиш;

— ўзга юртлардан она-ватанга қайтиш.

Бу масалалар баҳши дунёқарашининг, ватанга бўлган муносабатининг бадиий инъикоси сифатида халқ дostonларини сингдириб юборилган.

Ўзбек халқининг “Алпомиш”дек буюк дostonида ўзбек миллий курашининг ўзига хос хусусиятлари, яъни миллийлик, миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, оилага, ота-онага, дўст-ёрға садоқат, кураш майдонларида ҳалоллик, мардлик, ўз сўзида туриш, ҳалол-пок курашиш, дўстликка хиёнат қилмаслик мафкураси ёритилиб, дostonда миллий кураш аънаналари тарғиб қилиниб, бу буюк мумтоз асар минг йиллар бурун қандай яратилган бўлса, ҳозир ҳам халқимизнинг сеvimли дostonи бўлиб қолмоқда.

Ўзбек миллий курашини ўзида акс эттирган дostonлар бой маънавий меросни ўзида жамлаб, катта тарихий афсонавий ғояларни ўзида мужжасам этган. Миллий ўзбек кураши таъсирида халқимизнинг маънавий мероси бўлган “Равшан” дostonи ҳам ўзбек халқ оғзаки ижодининг йирик ва кенг тарқалган жанридир, “Дoston” сўзи адабий атама сифатида халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётдаги йирик ҳажмли эпик асарларни англатади. Халқ дostonларини дўмбира жўрлигида ижро этувчи ва куйловчи санъаткор шоир ёки баҳши деб аталган.

Баҳшилар репертуаридаги дostonларнинг катта қисмини қаҳрамонлик ва ишқий-саргузашт дostonлар ташкил этиб, бундай дostonлар мазмунида асосан севги можароларидан келиб чиққан полвонлик, кураш, олиш ҳамда полвонларнинг ор-номус учун кураши ўз аксини топган. Аммо уларда кўплаб можаролар кўрқинчли саргузаштлар, эртақлардагидек хаёлий ҳоди-

салар, айна пайтда ҳаётӣ-реал воқеалар билан аралаш тас-
вирланади. Бундай дostonларда кураш ёки халқ тилида олиш
тимсолидаги воқеалар тизмаси (сюжет) бир-бирига анча ўхшаш-
дир. Дostonларнинг қаҳрамонлари кўпинча афсонавий гўзални
лушида ёхуд унинг суратини кўриб, ғойибона ошиқ бўлиб қола-
ди. Сўнг уни излаб хатарли сафарга отланади, сермашаққат ва
тахликали саргузаштларни, ажойиб-ғаройиб воқеаларни боши-
дан кечиради, полвон турли душман кучлар билан тўқнашади,
қаҳрамонлик намуналарини кўрсатади. Ниҳоят, полвон олишув-
да барча қийинчиликларни енгиб ўтиб, мақсадига эришади.

Ўзбек халқига хос миллий ўзликни ўзида мужассам этган,
миллий кураш усулларини ўзида акс эттирган олиш, яъни мил-
лий курашни ифодалашда халқимиз куйлаб келган дostonлар
орасида “Гўрўғли” туркуми алоҳида ўрин тутади. Бу туркум дос-
тонлар тожик, қозоқ, қорақалпоқ, татар, турк, озарбайжон, ар-
ман, гуржи халқлари орасида ҳам машҳур. Ўзбеклар орасида
тарқалган “Гўрўғли” туркумига оид дostonлар қирқдан ошади.

“Равшан” ғоявий-бадий пишиқ, полвонларнинг олишувига хос
талқинлар, ёр висолига етишига оид ишқий-саргузашт дoston-
дир. Халқ орасида у ўтган асрда ҳам машҳур бўлган. Фақат 1928
йилдагина дostonни биринчи бўлиб Ҳоди Зариф (1905— 1972)
Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868—1937) оғзидан ёзиб олган ва
1941 йилда нашр эттирган. Эргаш шоир “Равшан”ни отаси Жу-
манбулбулдан, у эса устози Кичик Бўрондан ўрганган. Дoston-
нинг сайқал топиб, ғоявий етук, бадий гўзал асар шаклини оли-
шида Эргаш Жуманбулбул ўғлининг алоҳида хизматлари бор.

Равшан полвон пок ва самимий муҳаббатни ардоқловчи,
мақсадга эришиш йўлида мардлик ва ботирликни улуғловчи,
зулм ва адолатсизликни қораловчи қаҳрамондир.

3.2. ЗАМОНАВИЙ ДОСТОНЧИЛИҚДА МИЛЛИЙ КУРАШ ТАЛҚИНИ

Ўзбек миллий дostonчилигида қаҳрамонлик, ватанпарвар-
лик ва полвонлик хислатлари етакчи мавзулар саналади. Сур-
хондарёнинг Шеробод дostonчилиқ мактабига мансуб Абдуна-
зар бахши Поён ўғли ана шу санъатни бадиҳагўй, куйчи - шоир
сифатида маромида давом эттириб келаётир.

Абдуназар бахши довруқли устозлари — Қодир бахши Раҳи-

мов, Чоршанби бахши Раҳматуллаев, Хушвақт бахши Мардонакулов ва бошқа улуғ бахшилардан ўттиздан ортиқ дoston (“Алпомиш”, “Кунтуғмиш”, “Гўрўглининг туғилиши”, “Келиной” ва бошқалар), юзлаб термаларни ўрганган. Бахши уларни ўзига хос ва ўзига мос тарзда ижро қилиш билан бирга, сўнгги пайтларда “Алпомиш авлодлари” замонавий туркум дostonларини ижод этишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Уларни мустақиллик даври дostonлари дегимиз келади. “Давркул полвон” дostonи Абдуназар бахшининг бу йўлдаги иккинчи уриниши. Биринчиси “Турсун мерган ва Рамазон чобагон” 2000 йили “Меҳнат” нашриётида чоп қилинган эди. Агар муаллиф аввалги дostonда, асосан, асар қаҳрамонларининг икки мустабид тузум чор ҳукумати ва совет давлати тузуми давридаги аянчли қисматлари ҳақида ҳикоя қилган бўлса, бунисида кўпроқ, Давркул полвон ва унинг авлод-аждодлари, салафлари сафдошларининг октябрь тўнтарышидан то мамлакатимиз мустақиллигигача бўлган тақдирларини тўлақонли ифодалашга ҳаракат қилган.

Асарни мутолаа қилар эканмиз, аввало, Бойсуннинг тоғли Хомкон қишлоғида вояга етган Давркулнинг бутун Жанубий Ўзбекистонда машҳур полвон сифатида доврўқ солганига, айна чоғда таниқли ўқитувчи бўлганига ўзингиз амин бўласиз. Қолаверса, Давркул полвон Абдуназар бахшига бегона эмас, катта амаки бўлади, буни асар мазмуни ва унинг якунидаги:

Оллоҳимга минг шукр,
Юртимиз озод, мустақил.
Давркул полвон бободан,
Айтиб бердим бир шингил,

каби мисралардан яққол пайқаб оламиз. Бахши дostonда ўз бобоси – полвоннинг отаси Эшқурбонбой ҳақида тўлқинланиб куйлайди. Шунингдек, асарда Давркул полвоннинг укалари Поёнкул (бахшининг отаси), Рўзикул, тоғалари, амакиваччаларининг миллий курашлардаги шижоату жасоратлари ҳақида ҳам завқ-шавқ билан куйланади. Бу марду майдонларни бахши: “Кўрганлар: “Ана, гала зўрлар, гала шерлар, гала бўрилар, гала ботирлар, чобагонлар, полвонлар, Алпомиш авлодлари келяпти”, дейишарди”, дея таърифу тавсиф этади.

Асарда Давркул полвоннинг умр йўлдоши Хонимой қиёфаси

ҳам таъсирчан ёритилган. Полвон ҳаётдан кўз юмгач, тўрт ўғил, икки қизни вояга етказиш унинг зиммасига тушади. Қийинчиликларга қарамай, у фарзандларини эл-юрт хизматига камарбаста кишилар қилиб тарбиялайди. Ушбу китобнинг дунё юзини кўришида уларнинг фарзанди – Абзоир Эшқурбоновнинг саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ, шунингдек, халқ оғзаки ижодининг фидойи мухлиси Олтибой Останақуловнинг ҳам хизматлари диққатга сазовордир. Аини чоғда дostonда ибратомуз воқеа-ҳодисаларга, панд-насихатларга ҳам кенг ўрин берилган. Бахши уларни маҳаллий шевага хос бетакрор ташбиҳлар, бадийий ўхшагишлар, сифатлашлар, яъни сўз сеҳри ила дилларга жо этар экан, бир ўринда ёшларга қарата шундай муурожаат қилади:

Ўз халқига ҳурматли,
Қайга борса иззатли.
Тоғ бардош, сабр-тоқатли,
Қўли очиқ, саховатли,
Ўз юртига садоқатли,
Давркулдай полвон бўл.

Хуллас, Абдуназар бахши Поён ўғлининг “Давркул полвон” достонида ифодаланган миллий курашга оид қадриятлар, урф-одатлар, расм-русмлар, халқона тарбия усуллари, мардлик, жасурлик, адолатпарварлик, юртсеварлик, халқпарварлик, инсонга муҳаббат, садоқат ҳақидаги ғоялар, ахлоқий қарашлар баркамол инсонни жисмонан ва маънан вояга етказишда алоҳида аҳамият касб этади.

Бахши ижодида баён қилинган “Давркул полвон” достонидан куйидаги намуналарни тақдим этамиз: Ўтган замонда, Бойсунтовга томонда, яшаб, жаннатмаконда, ўқиб билганлар бўлсин омонда, олтмиш олти уруғ қўнғиротда, Алпомиш деган зўр авлодда, кўпларга зарбасин ўтказган сиёсатда, боболар меросини сақлаб ёдда, келин-қизлари оқ ўтов тикиб, бўйнига тилла хапамат тақиб, мисоли тўлғон ойдай ўтовда балқиб, ошиғининг юрагига ўт ёқиб, мулла-эшони Қуръондан сура ўқиб, бахшишоири ғазал-достондан тўқиб, чўпон-чўлиқлари қўй боқиб, баҳорда яйловга кетиб, кузда қиш қўтонига қайтиб, момолари эртас, жумбоқлар айтиб, боболари урф-одатларини маҳкам тутиб, неча-неча аждодлари ўтиб, ҳар бири ҳар томонга тарқа-

либ кетиб, охири навбат Гудрай бийга етиб келган эди. Боболари бадавлат бой бўлиб, ҳам юртга бий бўлиб ўтганди. Гудрай бий кўнғирот элининг қорақалпоқ уруғидан эди”.

Шеробод қадимий халқ оғзаки ижодиёти, маънавий маданияти ривожланган воҳа сифатида машҳурдир. Шеробод халқи машҳур афсоналар, ривоятлар, мақоллар, донолар бисоти билан ҳамда бахшичилик санъати билан дунё санъатига ва маданиятига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келган. Ана шундай халқ достонларидан бири “Тошбосар” достонидир. Милий кураш, полвонларга хос хислатлар, олиш сирлари, усуллари, полвонларни севги-садоқатга муносабати, севган ёри висолига етиш йўлидаги сабр-тоқатлари, юрт учун олиб борилган курашларда ўзини бардам, мард, жасур тутиш ҳолатлари қадим вақтлардан буён халқимиз дилида ва тилида куйланиб келинган. Машҳур бахши Чоршанби Раҳматуллаев (Чорша бахши) дўмбирасига хос бўлган “Тошбосар” достони Мардонакул бахши, Нормурод бахши, Худойкул бахши, Қиём бахши ва бошқа бахшилар томонидан айтилиб келинган. Филология фанлари номзоди, доцент Рўзикул Мустафоқулов “Тошбосар” достонини тўлиқ ўрганиб, қайта тиклаб, халқимиз орасида мавжуд бўлган термаларни йиғиб, ушбу достонни мукамал тарзда ниҳоясига етказиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар олиб бориб, Чоршанби бахши Раҳматуллаев билан ҳамкорликда “Тошбосар” достонининг якуний ҳулосасини яратдилар. (Уни таҳрир ва нашр этиш ҳамда сўзбоши ёзишда шоир Болта Ёриев ҳамкорлик қилган). “Тошбосар” достони Шеробод халқининг ватанпарварлик, полвонлик, милий кураш анъаналари каби гоёларини улуғлаган бўлиб, катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, кишиларни яхшиларга ёндашишга, ёмонлардан ҳазар қилишга чорлайди.

Фольклоршунос Рўзикул Мустафоқуловнинг тадқиқотларида достон воқеалари Сурхон-Шеробод худудида бўлиб ўтганлиги, “Ўтган қадим замонда, Кўҳитанг тоғ томонда – Музработ-Оқтошда, Фоздан нари ёндошда, Тошқишлоқ деган қишлоқда, Зиё мерган ўтганлиги” айтилади. Зиё мерган 60 ёшга тўлиб, ўғил кўриб, унга Тошбосар деб исм қўйди. Худди шу даврда Тошқишлоқда яшаган Норкелдибойнинг Бибисора исмли эркактой қизи туғилганлиги, қиз вояга етиб Тошбосарнинг бўйи-бастини кўриб, хуштор бўлиб қолганлиги, Тошбосар эса уни хуш кўрмай, Шоқосим тегирмончининг қизи Зилолани ёқтирганли-

ги дostonда терма сифатида куйланади. Умуман, асарда ижобий ва салбий қиёфалар ўртасида ўзаро рақобатлар билан бир қаторда, давлатни адолатли бошқариш, халқнинг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш масалалари илгари сурилади. Бош қаҳрамон Тошбосар оғир табиатли, мулоҳазали, ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор, меҳнаткаш йигит тимсолида тасвирланади. У оилада яхши тарбия кўради, мерганлик, полвонлик, қаҳрамонлик сифатларига эга бўлиб, у бутун фаолиятини яхшиликка йўналтириб, халқ манфаатларини юксак кўяди. Тошбосарнинг тараф билмас полвонлиги бекнинг тўйида кўпқари чоғи ҳам билинади, у улоқни ҳалол олиб чиқади. Тошбосар куч ва маҳоратда тенгсиз, ўзининг юксак иродаси, меҳрибонлиги, дўстга садоқати, ота-онага ва яқинларига ҳурмати юқори, ана шу хил кўпдан-кўп фазилатларга эга.

Дostonда Норкелдибой қиёфасида камбағалларга нотўғри муносабат кўзга ташланади, унинг алдамчилиги, айёрлиги, ёлғиз қизи Бибисорани эрка-тантиқ қилиб ўстирганлиги ҳикоя қилинади. Бибисорани Тошбосарга нисбатан қилган инжиқликлари дастлаб ёш қалбни ўртаган чинакам муҳаббатдек туюлади. Аммо у рад этилган севгиси учун босиқлик, вазминлик кўрсатма олмайди, ақл-фаросат билан иш тутиш ўрнига шаддодлик, беҳаёлик, жоҳиллик ва душманлик йўлига киради. Дostonдаги асосий ғоя халқни зулмдан қутқариш, давлатни адолат билан бошқариш, тенг ҳуқуқлилик асосида сиёсат юргизиш билан боғлангандир. Тошбосарнинг адолати қуйидаги термада акс эттирилади:

Меҳнаткашни қилмоқ даркор химоя,
Ҳар кишида бўлсин халққа меҳригиё.
Барчадан қолади бир куни дунё,
Қалбда шафқат бўлсин, сўзларда зиё.

Дostonда Тошбосарнинг ватанпарварлиги, халқпарварлиги алоҳида ўз аксини топади:

Юрт соҳиби яхши бўлса халқига,
Дев хиёнат қилолмайди мулкига.

Дostonда қаҳрамонлар қиёфасини кўтаринки муболағали гавирлар воситасида ифода этувчи ўринлар анчагина ва у қуйидагича таъриф-тавсифларда акс этади:

Қахрланса, тоғлар қулар кўлидан,
Арслон-шерлар қочар келган йўлидан.
Дев-парилар қўрқар мерган улидан,
Тошбосардир асли мардлар хилидан.

Достонда бош қахрамоннинг адолатли сиёсатига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ўтмишда қанча хон-султонлар, қанча жаҳонгирлар ўтганлиги, уларнинг амалга оширган ишлари, сиёсати алоҳида таъкидлаб ўтилади. Достонда Бибиғавҳарнинг гўзаллиги, унинг кун сайин куч ва ғайратга тўлиб бораётганлиги, акаси Тошбосар каби мардлиги алоҳида таъкидланади. Зиё мерган фарзандларидан кўнгли чоғ эканлиги, бир ўринда умр йўлдошидан – хотинидан маслаҳат сўраб икки оғиз гап айтаётганида алоҳида қайд этилади:

Вафо қушим, ўзинг умр йўлдошим,
Олтмишни оралаб борганда ёшим,
Тоғлардай залворли яна бардошим,
Фарзанд севинчидан кўкларда бошим.
Энди тўкилмагай ҳасратли ёшим,
Иккисин бири ой, бири қуёшим,
Элу юртга тўй берайлик, Бибижон.

Демак. Зиё мерган ўз ҳаётидан мамнун, фарзандларининг тарбияси, мардлиги, меҳнатсеварлигидан кўнгли тўқдир, шу маънода у хотиржам, зинҳор дили ғам билмайди. Достонда севги-муҳаббат, ёшлар орзусининг ушалиши, янги оиланинг вужудга келиши Тошбосар ва Зилола ўртасидаги муносабатларда алоҳида куйланади:

Ҳамма етсин орзу-умид, мақсадга,
Муяссар бўлсин ҳузур-ҳаловот, роҳатга,
Эга бўлсин кенг хазинали давлатга,
Қизлар тегсин ўзи севган йигитга,
Сирдош дўстим, қўшганинг қутлуғ бўлсин!
Сенинг ёринг йигитларнинг сараси,
Ҳаммадан ортиқ тушгандир гуволаси,
Ўзи лочин, Зиё мерган боласи.
Ёш бўлса ҳам юртимизнинг доноси,
Серфайз бўлиб уйларинг нурга тўлсин!
Бузилмасин ёш кўнгилнинг қалъаси,
Поёни йўқ, бордир ҳар ким ҳавоси,

Турмуш қуриш қадимдандир мероси,
Олтин бўлсин ўтовинг остонаси.

Достонда Шеробод халқининг орзулари, дилкаш, меҳрибон, одамийлиги, оққўнгил, доно фикрли зўр халқ экани, қайғу-кулфатга чидамли, текинхўрликка, ғаламислик, маккорликка қарши доимий тарзда кураш олиб бориши алоҳида жиҳатларга эга. “Тошбосар” достони Шеробод халқининг қадимий ўтмишини акс эттирувчи энг ноёб, бебаҳо асарлардан бири бўлиб, ёшларни ватанпарварлик, инсонпарварлик ғоялари билан тарбиялашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

3.3. СУРХОН ПОЛВОНЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Ўзбек миллий кураши бой тарихий анъаналарга, урф-одатларга, қадриятларга эга. Халқимиз асрлар оша ўзининг севимли полвонлари билан ғурурланиб, улар тўғрисида афсоналар, ривоятлар яратиб, полвонлик одоб-ахлоқига хос ҳикматлар яратганлар. Бу халқ ҳикматлари чуқур фалсафий маънога эга бўлиб, доноликдан иборат ҳикматларни элимиз полвонларига нисбатан ҳам қўллаб, полвонликка мос ўзаро дўстлик, ҳамкорлик, устоз-шоғирдлик ғояларини амалий мукамал сақлаб келганлар.

Воҳамизда полвонларнинг авлодлари туғилиб, ўсиб ва янги полвонлар авлоди билан ўрин алмашиб туради. Полвонлар авлоди ҳар 10—15 йилда янгиланиб, янги етук спортчилар, курашчилар билан ўрин алмашадилар. Курашчилар тезда ўзларидан олдингиларни маълум доирада инкор қилиб, уларданда бақувват, кучли ва чаққон олишиб, кураш санъатини намойиш қиладилар. Гўё бу ўрин алмашиш осмондаги минг-минг юлдузлар сафига ёрқинроқ, каттароқ Зухро юлдузига монанд кўзга ялт этиб ташланадиган янги юлдуз келиб қўшилишига ўхшайди. Воҳанинг кураш тарихи шу боисдан ҳам ёрқин юлдузларга бой. Шу ўринда воҳадаги полвонлар силсиласи ҳақида ҳикоя қиламиз.

Номоз полвон Самандар ҳожи ўғли 1840—1895 йилларда Жарқўрғоннинг Қорабура маҳалласида умргузаронлик қилиб, эл хизматида бўлган, одилона курашган паҳлавонлардан бири.

Дастлабки тарбияни ўз отаси Шоназар махсумдан олган. Шоназар махсум кўп йиллар Бухорода ўқиган, илмли, маъ-

рифатпарвар, халқпарвар инсон бўлган. Ёш Номоз устози Қул муҳаммад полвондан кураш сирларини ўрганган. 16 ёшида 45 ёшли Бойназар полвонни катта тўйда йиқитган. 18 ёшида Шеробод бегининг машҳур полвони Аҳмад полвон устидан ғалаба қозонган. 19 ёшида Денов, Бойсун, Шеробод бекларининг машҳур полвонлари устидан ғалаба қилганлиги учун, бекларнинг йиғилишида Ботир номини олган.

Бухоро амири амир Музаффар Номоз Ботирга хабар юбориб, амирликнинг савдо қарвонини Афғонистон чегарасидан Ҳиндистонга эсон-омон ўтказиб юборишни сўрайди. Бу вази фани Номоз полвон аъло даражада бажаради.

Воҳанинг яна бир чапдаст полвони Лақай полвон Холлиевдир. Лақай полвон Холлиев 1880—1967 йилларда яшаган. Туякашлик билан шуғулланиб, халқнинг узоғини яқин қилган инсонлардан бири. Кураш ва кўпқариларда донг таратган чопагон. 60 ёшда ҳам курашга тушган. У ҳаётда мағлубият ни малигини билмай ўтган.

Воҳа аҳли фахр ва ғурур билан ҳурмат қилиб хотирлайдиган машҳур полвон Давлат Бердиалиев 1890—1962 йилларда яшаб ўтган. Уни халқимиз ардоқлаб Девман полвон номи билан эъзозлаган. Ўзбек кураши тарихий хотирасидан жой олган Давлат паҳлавоннинг кураш усуллари ҳозирги ўзбек миллий кураши учун ниҳоятда намунавий қўлланма бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Ўзбек халқининг кекса авлоди Девман полвонни яхши билади. Девман полвон ўзининг курашга тушиш санъати билан бутун Туркистондагина эмас, кўпгина хорижий юртларга ҳам танилганди. Унинг доврўғини зшитган ҳар қандай кучли полвон ҳам даврага чиқолмай қоларди.

Давлат Бердиалиев Шерободдаги Ғоз қишлоғида таваллуд топган. Касби чорвадор, аниқроғи, чўпон бўлган. У 15—16 ёшга тўлган чоғиданок, шиддатли кураши, ўзининг аниқ ва тезкор ҳаракати билан кишиларни ҳайратга солган. У умри давомида кураги ерга тегмаган полвон сифатида шуҳрат қозонган. Девман тўғрисида жуда кўплаб афсоналар тўқилган. Бу афсоналар аниқ бўлган воқеаларми ёки шунчаки унинг номини янада юксакка кўтариш учун айтилганми, бу аниқ эмас. Аммо, бизнингча, афсоналар бекорга тўқилмайди. Улар замирида ҳақиқатлар ётади.

Айтишларича, кунларнинг бирида яйловни кузатиб юрган бой узоқдан бир кишига кўзи тушади. Қарасаки, у нималар биландир

тўхтовсиз курашиб ётибди. У ердан онда-сонда чанг кўтарилар, гуп-гуп этган овоз эшитиларди. Бой ҳеч нарсага тушунмай етиб келса, ўзининг чўпони Давлат (Девман) катта тошни гоҳ кўкраги, гоҳ бошидан ошириб отиб ўйнар эди. Унинг кўкрагида ўйнатаётган тош эса оз эмас, кўп эмас, икки ботмонча келарди.

Девман полвон 1910 йиллардан бошлаб Бухоро амирлиги худудига кирувчи вилоятлар ва бекликларда машҳур полвон даражасига кўтарилган. У 1911—1914 йилларда Шеробод, Фузор, Шаҳрисабз, Балх беклари томонидан ўтказиладиган сайилларда курашга тушиб, обрў-эътибор қозонган.

Девман полвоннинг устози Бухоро амирлиги ўртасида ном чиқарган Нодир полвон эди. Девман полвон ҳаётда ҳам жуда камтар, художўй, диний илмдан ҳам анча хабардор киши бўлган.

Миллий кураш ўзининг долзарблиги, миллий анъаналарга бойлиги, халқимиз қалбидан алоҳида ижобий ўрин олганлиги билан бошқа спорт турларидан ажралиб туради. Таниқли спорт устаси, миллий кураш соҳиби, кураш усуллари ижодкори Соат Бойназаров 1897—1999 йилларда яшаб узоқ умр курган. Айни кучга тўлган даврида немис-фашист босқинчиларига қарши Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, урушдан I-гурӯх ногирони бўлиб қайтди. Ёшлик йилларида совет мафкурасининг қаттиқ таъйиқига қарамай, ўзбек миллий кураш сирларини мукаммал ўрганиб, эл орасида тоза-пок олушувчи полвон номига сазовор бўлди. Соат полвон 23 йил тўйларда кураш тушиб, кураш усуллари жанг майдонида ҳам кўп марта унга қўл келган. Уруш тугагач, олган жароҳатлари туфайли курашга олмади. Кексайганига қарамай, Соат полвон тинмай меҳнат қилиб, боғлар яратди, ниҳол ўстирди, шогирдлар тайёрлади.

Илҳом жўш урган полвонлардан бири, бамисоли лочиндек тез илғаб олиш кучига эга бўлган Чоршам полвон Устаев 1904 йилда туғилган. Ўзбек миллий тўй-томошаларида олишиб, ўша даврда мард, тез, эпчил ташланиши билан одамларни ҳайратга солган Чоршам полвон XX асрнинг 30 - йилларида вилоятда донг таратган паҳлавон эди. Тўю томошалар, байрамлар ва сайилларда, турли мусобақаларда полвонлар билан куч синашиб, мағлубият нималигини билмади. Шу қадар кучли эдики, 20 йилга яқин унга тенг келадиган полвон топилмади.

Шотўра полвон Холтўраев 1908 йилда Бухоро амирлигининг Бойсун беклигига қарашли қадимий Сайроб қишлоғида

дунёга келган. Полвонлар сарасининг маҳоратига ўзининг қатъий меҳнати, дадил жисмоний машқларни бажариши, рақибини чалғитиш учун кураш усулларини мукаммал билиши асосдир. Халқимизнинг донгдор полвони даражасига етган 18 ёшидан тўйларда курашга тушиб, ўз даврининг паҳлавон ҳисобланган Исмоил полвон, Мусулмон полвон, Алланазар полвонлар билан беллашиб, улар устидан ғалабага эришган “Чил” усулида кураш тушган. Шотўра 23 йил тўй ва сайилларда кураш тушиб, бош табоқларнинг совриндори бўлган.

Сафар полвон Бойматов 1912—1991 йилларда яшаган. Уни ҳозиргача ҳурмат билан эслайдилар. Ўз даврининг полвони, миллий курашимизнинг жонкуярларидан бири эди. Кўплаб давраларда мардона курашиб, бош соврин ва бошқа мукофотларни қўлга киритган.

Халқимиз тўйларида камол топган, устозлар назарида полвонлик сирларини мукаммал ўрганган машҳур Нурқобил полвон ўз ҳаёт йўлида курашда мардлар синалади деган шиорга амал қилиб, ўзбек кураши тарихида маълум из қолдирди. Нурқобил полвон Холиёров (1912—2008) ўз даврининг энг кучли полвонларидан бири бўлиб, дадил кўрқмас, хушёр олишувчи полвон номи билан 45 йил курашга тушган. Нурқобил полвон ўз даврининг курашларда чиниққан полвонлари Шотўра полвон, Карим полвон, Қулмурод, Иброҳим полвонлар билан куч синашиб, курашнинг “елкадан ошириб отиш” усулини кўп қўллаган полвон эди.

Кўзи полвон Тўлаков 1918—1978 йилларда яшаб ўтган. Ангор туман аҳли уни асл фарзанди деб билади. Ҳақиқий меҳнаткаш инсон, доно раҳбар, енгилмас полвон, меҳмондўст ўртоқ, қишлоқ хўжалигининг билимдони, кекса ва ёшларнинг маслаҳатгўйи, миллий курашимизнинг жонкуярларидан бири бўлган.

Қадимги аждодларимиз ор талашиб, кураш майдонлариди ўзлигини ҳимоя қилиб, эл-улус манфаатлари учун давраларга чиқиб, ўзининг кураш усуллари билан халқ ҳурматиغا сазовор бўлганлар. Ўзбек миллий курашида асрларга татийдиган машҳур Лўкча номига эга бўлган шерюрак полвон Бердимурод Шерободнинг Ғоз қишлоғида 1918 йили дунёга келган. Бердимурод полвоннинг отаси ҳам анча девкелбат, бақувват, улоқчоғиб ном чиқарган одам эди. Бердимурод ҳам отасидай полвон бўлиб вояга етди.

— Ўшанда, 1938 йили бўлса керак, — дея эслаган эди Бердимурод полвон, — қишлоғимизда тўй бўлди. Нормурод деган акам Қурбонмурод полвон деган билан олишди. Шунда акам ундан йиқилди. Мен бунга чидолмай, даврага қандай чиқиб кетганимни билолмай қолдим. Бу илк бор “курашаман”, деб даврага чиқишим эди. Мен олишдим ва уни босдим. Шу-шу, тўйларда ўзим кураш тушгим келмаса-да, одамлар қўйишмасди. Ва аста-секин ўзим ҳам олишга ўрганиб кетдим. Курашмасам гуrolмайдиган бўлиб қолдим.

Бердимурод полвонни Иккинчи жаҳон уруши ҳам ўз синовидан ўтказди. Урушдан сўнг у яна кураш туша бошлади. Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги машхур полвонлар билан курашиб, ғолиб бўлди. Тожикистонлик, Афғонистонлик курашчилар устидан ҳам ғалаба қозониб, катта обрў, шухратга эришди. Ҳатто, Туркманистонлик донги кетган Раҳмон ва Маҳам полвонларни ҳам енгди. 1947 йил Тошкентда миллий кураш бўйича Республика биринчилиги ўтказилди. Унда Бердимурод полвон биринчи ўринни эгаллади. У жуда тез ва шиддат билан олишарди, худди устози каби. Унинг устози, ҳамқишлоғи машхур Девман полвон эди. Девман полвон унга курашнинг нозик, ҳеч ким илғамайдиган ғоят зўр усулларини ўргатганди. У курашга тушганда ана шу усулларни қўллаб, жуда машхур полвонларни ҳам доғда қолдирарди.

Бердимурод полвон мол-дунё учун кураш майдонига ҳеч чиқмаган. Аксинча, йигитлик ори, гурури учун курашарди. Шу босидан ҳам тўйларда олишиб, олган бор мукофотларини уйига олиб келмас, қариялар, болаларга, ёрдамга муҳтож кишиларга бўлиб берар, дуо олиб кетаверарди.

Ўзбек миллий курашининг таниқли полвони, устоз-шогирдлик мактабининг кураш соҳасидаги етук вакили, эл олқишига сазовор бўлган Рўзи полвон 1926 йилда Паттакесар қишлоғида туғилиб, ёшлигидан ўзбек миллий курашига жиддий киришиб, устозлар ўғитлари асосида йигирма ёшидан кураш тушган. Унинг ўзига хос томони шундаки, кучли полвон бўлиши билан бирга, яхшигина чавандоз ҳам бўлган.

Рўзи полвон Жўраев 1950—1970 йилларда Сурхон воҳасида таниқли, мард, ҳалол олишадиган полвон сифатида танилиб, ўзининг ёшлар мураббийси сифатида танитган кураш мактабига асос солди ҳамда миллий курашимиз равнақиға

муносиб ҳисса қўшиб келди.

Ўзбек миллий курашини эъозлаган Чўтан полвон Холмирзаев 1926 йилда туғилган. Кураш ва меҳнат фахрийси. 16 йил кураш тушган. Курашда “қўшма” усулини қўллашнинг моҳири устаси. Оллоҳим Чўтан полвонга жисмоний куч ҳамда полвонлик ато қилган эди. Кураш майдонида қулоч очиб айланиши бургутнинг қанот ёзиб учаётганини эслатарди.

Миллий анъаналармиз ўзининг бебаҳо манбалари билан асрлар оша мукамал ривож билан қадрланиб, миллий эътиқодларга хос ва мос кураш усуллари билан бойиб, ёш полвонлар учун устозлик мактабларига асос солиниб келинган. Ўзбек кураши тарихида ўзининг дадил, толмас, шиддатли кураши билан танилган Шеробод туманининг Оқтош қишлоғида таваллуд топган Амирқул йиллар ўтиб, куч-қувватга тўлиб, катта полвон бўлиб етишди. У нафақат Шерободга, балки Сурхонга доғруғ солди. Ёшлигидан ўз тенгқурлари билан кураш тушиб, қўй-қўзилар ортида, ўзи билган-билмаган ҳолда катта кураш майдонига тинимсиз тайёргарлик кўриб борди. Амирқулнинг ёшлиги Кўхитанг тоғ этакларида ўтди. Отаси билан кўпинча ов қилишга, ўтин қирқишга чиқарди. Шаффоф тоғ ҳавосида жисмидаги табиий қудрат кундан-кунга орта борди.

15 ёшларимдан, — дея эслайди Амирқул полвон, — қишлоғимиздаги тўйларда бўладиган кўпқари ва курашларда қатнашдим, бирон бир тўй йўқки, курашга чиқмаган бўлсам. Курашга чиқсам ўзимни ҳар доимгидан-да тетик, кучлироқ сезардим. Кучим ортарди. Шу-шу, курашни севиб қолдим.

Амирқул полвон кураш хотираларида муҳрланиб қолган воқеалардан бири: ...Пошхўрт қишлоғида катта тўй бўлди. Амирқул ҳам қишлоқлари билан тўйга борди. Кураш бошланди. У бир нечта ёш тенгқур полвонлар билан олишиб, шубҳасизки, уларни енгиб, дам олиб ўтирарди. Одатдагидек, кураш охирлаб қолганда энг катта полвонлар учун соврин товоқлари қўйилди. Бош товоққа пошхўртлик Карим полвон эгалик қилиб турарди. Баковул эса “Карим полвонга, бош товоққа талабгор борми?”, дея қайта-қайта полвонларни курашга чорлар эди. Ҳеч ким ўша вақтда Сурхондарёдагина эмас, Қашқадарё, бу ёғи Туркменистоннинг Амударё соҳилида яшовчи полвонларнинг орасида ҳам Карим полвонга тенглашадиганлар йўқ эди. Баковул даврага чорловни охириги марта эълон қилди. Қутилмаганда новчадан келган, жуссаси пи-

шиққина бир йигит даврага чикди. Ва “Баковул бобо, рухсат қилсангиз, Карим полвон билан мен кураш тушсам”, деди. Баковул бу гапдан ўзини йўқотиб қўяёзди. Бир зум нима дейишини билмай, анграйиб қолди. Давра атрофидан, “Юраги урган бўлса, курашсин, йигитнинг шаштини қайтарманг, баковул бобо”, деган овозлар эшитилди. Баковул ҳам ёш полвонга: “Ҳазиллашмаяпсанми?”, дегандай синчков қарар экан, “Бўпти, Карим полвон билан Амиркул полвон куч синашади. Бу ер марднинг майдо-ни”, дея борғини айтди. Шу орада: “Бу бола наҳот Карим полвоннинг кимлигини билмаса, майиб бўлади-ку”, деган овозлар ҳам у ер-бу ердан чиқди, буларга Амиркул полвон эътибор ҳам қилмади. Аксинча, дадил давра айланди. Полвонлар давра айланишиб, қўлларини баланд кўтаришиб, бир-бирларининг елкаларига уришиб, “кўришди”лар. Кураш бошланди, Амиркул полвоннинг желлагидан ушлаб, Карим полвон бир силкиган эди, Амиркул қалтираб кетди, Карим полвон давра айлана туриб, жилмайиб қўйди. Ҳатто, мухлислар орасида енгил-елпи кулгилар ҳам кўтарилди. Бу эса Амиркулнинг орини қўзғади. Бутун вужуди кучга айланди. Бир неча қўл олишдан кейин Карим полвон Амиркулнинг оёғига “ўрама” чил солди. Шу вақт Амиркул Карим полвоннинг белидан маҳкам қучоқлаб, тиззаси устига кўтариб, орқага ташлаб юборди, Карим полвон гурсиллаб келиб чалқанчасига ерга тушди. Ҳамма бир зум қотиб қолди. Сўнг бирдан олқишлар бўлиб кетди. Амиркул полвон эса секин ўз жойига бориб ўтирди, Карим полвон зўрға жойидан туриб, қаёққа боришини, эҳтимол, нима бўлганлигини билмай турганда, баковул уни кўлидан ушлаб давра чеккасига олиб бориб қўйди.

Шу-шу, Амиркул полвоннинг номи машҳур бўлиб кетди. У жуда кўп курашларда ғолиб бўлди. 7 марта республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда қатнашиб, барчасида ғалаба қозонди. У 55 ёшигача кураш тушди. Орада Иккинчи жаҳон урушига ҳам бориб келди Сталинград, Харьков шаҳарларини озод қилишда қатнашди 1944 йили оғир жароҳатланиб, юртимизга қайтди. Бир-икки йил даволангач, соғлигини мустаҳкамлаб олди. Ва яна кураш майдонида пайдо бўлди.

Ўмир полвон Аҳмедов 1927—1984 йилларда яшаган. Ёшлиги Кўҳитанг тоғ ён бағирларида ўтди. Тўйларда кўпқари ва курашларда қатнашди. Ҳайдовчилик қилиб, бир умр эл хизматида бўлди. Айтишларича, у жуда кучли полвон бўлган. Термиз-

дан Бойсунга кўмир олиб кетаётганда, йўлда машина филдириги ишдан чиқади. Одамлар то филдиракни ечиб, янгисини кўйгунларича, у машинани кўтариб турган. Ўмир полвон самимий ишсон ва мард полвонлардан эди.

Кураш йигитларга хос мардлик, камолот, орзу-умидларни амалга оширишда энг асосий омилдир. Бу рухий ниятларни амалга ошириш йўлида тинимсиз меҳнат қилиш, жисмоний машқларни мунтазам бажариш талаб этилади. Шундай ниятларни эришиш учун доимо изланишда бўлган Ўрозали полвон ўн саниккиздан ўтиб, ўн тўққизга етар-етмас элга машҳур полвон бўлиб танилди. Ўрозали полвон асли деҳқонobodлик, 1929 йилнинг 15 майида туғилган. 1950 йили Денов туманига кўчиб келди.

Оддий деҳқон фарзанди Ўрозали Бойкулов кураш тушганда бутун ўй-хаёли рақибида бўларди. Рақиби қандай йўсинда курашишини биринчи навбатда аниқлаб олар, шунга кўра ўта эҳтиёт бўлиб ёндашарди. Курашда қуруқ куч иш бермайди, катта маҳорат эгаси бўлсанг, ҳар қандай кучли полвонни бир “кўлда” йикитишинг мумкин. Сабаби: ҳар бир полвоннинг ўзига хос кураш ва кутилмаган ҳужумлари бўлади.

Ўрозали полвон ўтган асрнинг 50-йилларида жуда машҳур полвонлар — Исмаи Давлатов, шўрчилик Менгзиё полвон, Ҳамза, Эсон, Ўтан полвонлар билан теппа-тенг олишар эди. Ҳатто Тожикистон, Туркменистоннинг энг катта полвонларига ҳам тўйларда қўрқмасдан чиқар, улар билан, ёш бўлишига қарамасдан теппа-тенг олишар эди. Ана шундай курашлар билан ўтган йиллар Ўрозали полвонни чиниқтирди. Беш марта вилоят ва Ўзбекистоннинг ярим оғир ва оғир вазнлардаги курашчилар ўртасида ғолиб бўлди.

1958 йил август ойида республика VIII спартакиадаси дастуридан жой олган миллий курашнинг бухороча усули бўйича мусобақалар Тошкент шаҳрида ўтказилди. Ана шу учрашувда барча рақибларини енгган. Ўрозали полвон финал учрашувида хоразмлик Сатим полвон билан беллашадиган бўлиб қолди. Шунда устози Исмаи полвон: “Менимча, бу қора куч, сендан устунроқ, уни фақат тезлик билан ва кутилмаганда “хунар” ишлатсанг, ютиш мумкин, бўлмаса, бола азобингни беради, деди. Фақат қўрқмай, дадил бор, энг муҳими, қўрқмаслик”, деб далда берди.

— Майдонга чиққандан сўнг, кўрқиш — номардлик, бу курашни Алининг майдони деб кўйибди, — деди Ўрозали полвон

на кураш майдонига отилди. Бироқ, Сатим полвон деганлари шундай забардаст пахлавон эдики, уни осмонга кўтариб уриш бу ҳазилакам иш эмасди. Ахир, у Ўзбекистонгина эмас, балки собиқ Иттифоққа танилган кучли полвонлардан бири эди.

Хуллас, кураш бошланиши билан Урозали полвон югуриб келиб, бир силкиб Сатим полвон елкага тортмоқчи бўлди, у орқа тисарилиб, ҳимояланмоқчи бўлган чоғда, қўлтигидан кириб, ичкаридан чап чил бериб, яъни тўғаноқ билан тақимидан илдириб тортиб, кўкрагидан итариб юборди. Сатим полвон чалқанчасига гурсиллаб ерга тушди. Сатим девдай гавдасини бошқаришни билмай қолгандек, ҳамон ўртада турарди. Ҳакам Урозали полвоннинг ғолиб бўлганлигини эълон қилди. Қарсак на олқишлардан зал ларзага келди.

Кураш саҳнасида ўзига хос санъат соҳиби бўлган, эл олқишини олган Урозали Бойқулов ана шундай зўр полвонларимиздан бири бўлган.

Ўзбек халқида полвонлик боболардан мерос, оталарнинг ўғитларини олиш билан мужассам деган халқ ҳикматларига амал қилиб, ҳалол-пок кураш усулларини амалда бажариб келган Чўтай полвон эпчил, чаққон, вазмин ва камтарин эди. Унинг шиддатли олишлари халқимизни ҳайратга солиб келган. Ўзбек миллий курашидаги устоз-шогирдлик анъаналарига содиқ, тажрибали курашчи Чўтай Бойхонов 1930 йилнинг 3 майида туғилган. Халқ маорифи аълочиси. 1950-1960 йилларда кураш тушган. Халқ уни ориятли полвон сифатида яхши таниган.

Эл назарига тушиш, халқ ҳурмат қиладиган полвон даражасига етиш, кураш сир-асрорларини эгаллаш, устозлар ўғитига амал қилиш, шогирдларга ибратли устоз бўлиш шарафига муносиб бўлган Чўтан Олломурадов 1930 йилнинг 2 май куни туғилган. Ўзбек миллий курашининг фидойисига айланган Чўтан полвон софдил, тоза қалбли, қўрқмас полвон деган номга сазовор бўлиб, таниқли полвонлар Эргаш қора, Турон, Исмаил ва Исмоил полвонлар билан кураш тушиб, миллий курашимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшиб келган.

Куч йигитга бир марта берилади, агар уни ақл билан бошқара олса, ўз орзу-умидига эришади ва камол топади. Курашларда эл назарига тушган забардаст, толмас полвон номи билан машҳур бўлган Йўлдош Абраҳматов 1930 йилда Шўрчи туманида туғилган. Миллий курашга бўлган қизиқишини таърифласак, у туни-

кун демай машқ қилар эди. Дўстлари билан кураш тушгани-тушган эди. Натижада у элнинг хурматли полвони бўлиб етишди.

1957 йилдан бошлаб вилоят ва республикада ўтказиладиган мусобақаларда қатнашиб, биринчи ўринни бир неча бор эгаллади. У, асосан, миллий кураш ва самбо бўйича майдонга тушарди. Йўлдош полвоннинг айна “қайнаган” пайти ўтган асрнинг 60-йилларига тўғри келади. У вилоятимизда танилган Эргаш полвон, Очил полвонларни бир неча бор енгган эди. Тўйларда кўшни тожикистонлик Хўжа полвон, Убай полвон, Абдуманноп, Абдусалим ва ака-ука Вобка полвонлар устидан ҳам ғолиб келган. Бундан ташқари, Йўлдош полвон бир неча бор собиқ Иттифоқ бўйича ўтказилган биринчиликларда ҳам яхши ўринларни эгаллаб, элимиз олқишига сазовор бўлган курашчилардан ҳисобланади.

Эл полвони номини олиш катта жасорат, меҳнатни талаб қиладиган, курашларда метин ирода, қалб қайноқликни талаб қиладиган машаққатли кураш йўлидир. Ўзбек миллий курашини пухта эгаллаб олган, ғайрати ошиб-тошиб кетган полвон номини олган Шодмон полвоннинг номини эшитмаганлар Сурхондарёда кам бўлса керак. У Шерободнинг Оққўрғон қишлоғида 1931 йили туғилган. Буни эҳтимол кўпчилик билмас. Аммо давраларда “зўрман” деган полвонларни гупирдатиб осмондан ташлаганини, маҳоратли кураш тушишларини кўриб, ҳаяжонга тушган халқимиз бу полвонни ҳали-ҳали тилдан қўймайди.

Шодмон полвон учун кураш—бобомерос. Унинг бобоси Жума полвон, отаси Эргаш, тоғаси Алиқул полвонлар ҳам эл орасида ном чиқарган курашчилардан эди. Ана шундай муҳитда ўсиб, тарбия топган Шодмон жуда болалигидан давраларга чиқиб, ўзи қаториларнинг зўри бўлиб етишди. Аммо ҳақиқий полвонга ўзи қаториларнинггина зўри бўлиши кифоя қилмайди. Ана шунинг учун ҳам у тинмай машқ қилар, ўз устида ишлар, курашга тушишдан эринмас, чарчоқ нималигини билмасди.

У эндигина 10 ёшга тўлганда Иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Катта ёшдаги йигитларнинг ҳаммаси жангга кетди. Далаларда эса асосан аёллар ва болалар меҳнат қила бошладилар. Ана шундай оғир кунлар, оилани боқиш ташвишлари Шодмоннинг ҳам бошига тушди. Барча қийинчиликларга бардош берди. Балки, ана шу қийинчиликлар, оғир синовлар Шодмонни бардошли, енгилмас қилиб тарбиялади. У катта полвон бўлиб етишди. Ҳарбий хизматда йигитлик бурчини ўтаб юрган кезларида

ҳам мусобақаларда қатнашди. Биринчи мусобақалардаёк, бир неча ҳарбий округлардан чақирилган полвонлар ўртасида ғолиб бўлиб, округ чемпиони деган номга муяссар бўлди.

Бу ғалабалар тасодифан эмас эди. У ҳарбийга кетгунича, ҳатто юртимизда ном қозониб, катта полвонга айланиб улгурган эди. Ўша 50-йиллар энг машҳур полвонлардан бири — Жўра полвон Раҳмоновни ҳам мағлуб қилиб, олқиш олганди Шодмон полвон.

У ҳарбийдан қайтгач, ўз маҳоратини янада ошириб борди. Вилоятимизда кўзга кўринган полвонлар орасидан жой олди. Касбига кўра, тарихчи бўлишига қарамасдан, ёшларга нафақат ўтмишдан, балки кураш сирларидан сабоқ берди. Шодмон полвоннинг бугунги кунда ўнлаб шогирдлари давраларда эл олқишини олишяпти.

Миллатлараро ҳамдўстлик, ўзаро миллий спорт алоқаларининг ривожига муносиб ҳисса қўшган мард, жуссаси метиндек бақувват, Ўзбекистон полвонлари тажрибасидан унумли фойдаланган Умир полвон 1932 йилнинг 5 мартида туғилган. 1954—1960 йилларда кураш тушган. Тожикистон, Туркменистоннинг ном таратган полвонларига муносиб рақиб бўлиб, ўзбек миллий кураши анъаналарига содиқ тарзда муносиб кураш усуллари билан фойдаланиши билан эл ҳурматига сазовор бўлди.

Қурбон полвон Ибрагимовнинг отаси Шойимов Иброҳим (1898—1953) ўз даврининг машҳур полвони эди. Туркменистон Республикасининг Чоршанги туманида ўтказилган курашда Ашур, Хўшбоқ, Кокабой, Эшбой полвонлар устидан ғалабага эришиб, республика чемпиони бўлди. 1965 йилда Байрамли шаҳрида Берди оғанинг тўйида уч полвонни йиқитиб, бош соврин—туя ва икки қўйни олди. Шунингдек, у жуда кўп мусобақаларда, тўйларда ҳалол кураш тушиб, турли соврин ва мукофотларни қўлга киритди. Албатта, бу ўринда уларнинг ҳаммасини санаш қийин. Қурбон полвон Сурхон полвонларининг нуронийси, Жарқўрғон туманида “Пахтазавод” маҳалласида яшаб, 8 ёшидан бошлаб кураш майдонига тушиб, ёш полвон сифатида устозлар тарбияси руҳида камол топиб, 1966 йилда 22 ёшида Ўрта Осиёда машҳур полвонлар билан беллашиб, халқимизнинг доғруғи баланд, тош, темир полвон деган номини олди. Жуссали, кўкраги кенг, қалби пок полвон 1970 йилда Россиянинг Красноярск шаҳрида ҳарбий хизмат қилган даврида ўзбек миллий кураши усуллари билан фой-

даланиб, ҳарбий аскарлар ўртасида ўтказилган “самбо” курашларида ғолибликка эришди. Ўзбек миллий курашининг фидойиси, кураш бўйича катта тажриба мактабини яратган, эл тўю томошаларида ҳалоллиги, мардлиги, чаққон ва эпчиллиги, энг муҳими, ҳурматли Юртбошимиз И.А.Каримовнинг, халқимизнинг назарига тушган Қурбон полвон ғоясида курашни бахшисиз ўтказиш мумкин эмас, бахши полвонга куч-қувват, илҳом бахшида этиб, унинг жуссасига, билагига, белига мадад берадиган сўзлар билан ғайрат киритади деб изоҳлайди. Қурбон полвон 2005 йил 7—9 апрелда Жиззах шаҳрида ўтказилган республика чемпионатида фахрийлар ўртасида I—ўринни эгаллади. 2005 йил 23—24 апрелда Термиз шаҳрида ўтказилган Ҳаким Термизий хотираси га бағишланган халқаро турнирда фахрийлар ўртасида 76 кг вазн тоифасида фахрли II ўринни эгаллади. Эл ардоқлаган Қурбон полвоннинг тарбияси, ҳалол кураш олиб бориш усуллари ўрганган фарзандлари Шоберди, Рустам, набиралари Хусанжон ва Фотимахонлар томонидан мукаммал давом эттирилиб халқимиз олқишига сазовор бўлмоқдалар.

Ўзбек халқи бой аънаналарга эга, тарихи ҳалолик, меҳнат-севарлик, ўз сўзининг устидан чиқадиган, ор-номусга доир манбалар билан бойиган халқ. Айниқса, қўлга киритилган ғалабаларга, ютуқларга алоҳида эътибор билан қарайдиган элдир. Чунки халқимиз ўзининг аънаналарига содиқ, ҳалолликни, тинчликни қадрлайдиган бўлганлиги учун полвонларга алоҳида ҳурмат билан қарайди. Ўзбек миллий курашининг тажрибали устози, ўз кураш услубига эга Ҳайит Турдиалиев Жарқўрғонда 1935 йилда туғилган. Тумандаги энг зўр ва чаққон полвон номини олган. Турон, Эргаш, Раҳмон полвонлар, шўрчилик Менгзиё, Алибой полвонларни, шерободлик Шодмон, термизлик Чўтан, Поён полвонларни мағлубиятга учратган, ўзининг курашдаги кутилмаган усуллари билан рақибларни лол қолдирган чаққон полвон номи билан машҳур. Ўзбекистон биринчилигида, Қозоғистон республикасида ўтган курашларда қатнашиб, беш марта биринчи ўринни эгаллаган. Туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими раиси вазифасида 30 йилдан ортиқ хизмат қилган фидойий инсон.

Тўйлар—миллий қадриятлар бешиги, тўй бўлса, полвонларнинг мушаги шишиб, жуссалари бақувват бўлиб, танлари терисига сифмайдиган жисмоний куч пайдо бўлади. Шундай қоби-

лиятга эга, миллий кураш соҳасида аждодлардан мерос билим ва тажрибага эга Қўлашар Қулмўминов 1936 йилда туғилган. Отаси Қулмўмин ака 43 ёшида урушда ҳалок бўлди. Тоғаси Хўжа полвон ва амакиси Мудай ҳимоясида тарбия топди. Ота меҳрига тўймай ўсиб-улғайганини эслаб, полвон ёшлик даври ҳақида қуйидагича хотирани эсга олади:

—Фронтга жўнаш олдидан отам мени кучоқлаб ўпиб: “Полвоним” деганлари ҳамон қулоғимда. Полвон бўлиб етишишимга у кишининг бир оғиз сўзи мадад берган. Устозларим самимий, камтарин инсонлар эдилар. Улар менга ҳам устоз, ҳам ота ўрнида эдилар. Мен ҳам уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилдим”. Қўлашар полвон 16 йил кураш тушиб, кўпгина ғалабаларни қўлга киритди.

Ўзбек миллий курашининг янада ривож топишида, устоз-шогирдлик мактабларининг такомиллашиб боришида устозларни ҳалол хизматлари алоҳида таҳсинга сазовордир. Эл назарига тушган таниқли полвон Исмат полвон 1934 йили Денов туманидаги “Шакарқамиш” давлат хўжалигида туғилди. Шу ерда ўсиб, улғайди. Кейинги йиллари хизмат юзасидан турли ерларда яшган бўлса-да, яна туғилиб ўсган ота юртига қайтиб келди.

Миллий курашимизда камол топган Исмат Давлатов 1950 йилларда миллий кураш бўйича катта ғалабаларга эришиб, кўпчиликка маълум-машҳур эди. У киши 14 ёшга тўлганда тўлароқдан келган, паст бўйли йигитча бўлиб, у ўша 14 ёшида Исмат полвон номини олган эди.

Тўю томошалар, байрамлар ва сайилларда, турли мусобақаларда Исмат юзлаб полвонлар билан куч синашиб, мағлубият азиятини камдан-кам чекканлардан бири. 1946 йилдан то 1960 йилгача Сурхондарёда энг зўр полвон сифатида танилди. Бир неча йил Сурхондарёдагина эмас, Ўзбекистоннинг оғир вазнли полвонлари билан беллашган. У мутлоқ ғолиб сифатида шуҳрат қозонди. Исмат она-юртимизнинг фахрига айланди. Унинг тўйларда курашга тушишлари, “Ё пирим-а!” деб рақибларини чирпирак қилиб айлантириб ерга уришлари узоқ-узоқ гурунгларга, баҳсларга асос бўлиб қолди.

Шундай бўлса-да, Исмат полвоннинг ажойиб бир инсоний хислати бор эдики, буни гапирмаслик мумкин эмас. У шу қадар зўр олишса-да, шу қадар кучли бўлса-да, ҳаммани қойил қолдирса-да, ўта камтар эди. Ана шу хислати билан яна барчани

лол қолдирар эди. Исмат полвон ўзи ҳақида сира мақтаниб гапирмайди. Баъзи полвонларнинг кўпи, минг бор узрларким, бироз катта гап бўлади, бироз мақтанишни хуш кўришади. Аммо Исмат полвон мақтанмайди. У қандайдир гап-гапга кўшилганда ўртоқларига шундай деган эди:

— Мен кўп йиллар ўнлаб, юзлаб полвонлар билан ҳалол, пок олишдим. Мен олишиб олган мукофотларимни камдан-кам уйга олиб келганман. Кўпинча давра атрофида ўтирган қарияларга, сағир-суғирларга тарқатиб, дуо олиб қайтардим. Кўп йиллар курашдим. Аммо, лекин одамларга бирон марта “Фалон полвонни енгдим, фалонидан ғолиб келдим, пистонини бундай қилиб йиқитдим, ундай қилиб йиқитдим”, деб мақтанганим йўқ. Сабаби шуки, курашга тушгандан кейин биров йиқилиши керак, биров ғолиб бўлиши шартда. Полвон бир енг са, бир енгилиши ҳам мумкин. Ҳеч ким дунёни ушлаб тургани йўқ. Ҳеч ким “мен зўр”, деб кўкрагига урмаслиги керак. Эсда доимо тутмоқ жоизки, ҳаммадан зўр фақат Оллоҳнинг ўзидир. Қолаверса, мақтанчоқликка берилган полвон узоққа бормайди. Тезда одамлар орасида ҳурматини йўқотади.

Исмат полвон 1956—1958 йилларда бир неча бор вилоят ва республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда миллий кураш бўйича мутлоқ ғолиб бўлган. Сурхондарёнинг номини бошқа республикалар ва давлатларга ҳам танитишда унинг хизматлари катта.

Миллий ўзликни унутмайдиган ватанпарвар, инсонпарвар, она-замин тупроғини муқаддас биладиган мард, шижоатли инсонлар совет мустабид тузуми исканжаларига қарамай миллий урф-одатларини, анъаналарини, қадриятларини йўқотмай сақлаб келдилар. Миллий камситиш сиёсатига қарамай, миллий курашни ўзбек миллий ғурури деб қабул қилган Панжи Абдураҳмонов 1936 йилда туғилган. 1956 йил Жарқўрғон туманидаги мактабни тугатган. 1956 йили Тошкент шаҳрида Ўрта Осиё давлат физкультура институтига кириб, 1960 йили тугатган. 1960 йилдан 1965 йилгача мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлаган. 1965 йилдан 1996 йилгача болалар спорт мактабига директорлик қилди. Спортнинг енгил атлетика тури бўйича туман, вилоят ва республика чемпиони. 1963 йилда Молдовия шаҳрида ўтказилган спартакиадада иштирок этди. Миллий кураш қайта тикланган мустақиллик йилларида кураш усуллари эшларга ўргатиш, янги усулларни жорий этиш, полвон-

ликка хос фазилатларни полвонларга руҳан сингдиришда Панжи полвоннинг хизматлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Хурсанд полвон Рўзиев Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон республикалари чемпиони, спорт устаси. Катта бобоси Абдумўмин полвон 1938—1926 йилларда яшаган, 92 ёшида вафот этган. Бобоси Курбон хожи Абдумўмин ўғли 1870—1942 йилларда яшаган. Курбон хожи 1900 йилларнинг машҳур полвони бўлган. Хурсанд полвоннинг отаси — Рўзи полвон Курбон ўғли 1900—1995 йилларда яшаган (95 ёшида вафот этган), машҳур полвон, ўқитувчи, мактаб директори, халқ оқсоқолларидан бири эди. Унинг тўнғич ўғли Иброҳим полвон 1971 йилда туғилган. Республика чемпиони, тўйларда адолатли баковул, мусобақаларда ҳакам, ширин сўзли инсонлардан бири.

Ҳақберди Ҳожи Норбоев — 1926 йил 17 июлда Жарқўрғонда туғилган. 1958 йилда Самарқанд давлат университетини тугатган, филолог. Меҳнат фаолиятини 1940 йилда колхозчиликдан бошлаган. 1952—1953 йилда Жарқўрғон қишлоқ кенгашининг котиби, 1958—1963 йиллар ўрта таълим мактаб ўқитувчиси ва мактаб директори бўлиб ишлаган. 1963—1965 йилларда ҳам ўрта таълим мактабининг директори, 1965—1972 йилларда собиқ “Коммунизм” колхозни раисининг биринчи ўринбосари, 1972—1977 йиллар Сурхондарё вилоят ўқув-ишлаб чиқариш корхонасининг директори, 1977—1993 йиллар туман ижтимоий таъминот бўлимининг мудирини. 1993 йилдан нафақага чиққан. 1993 йилдан бошлаб Кураш клуби Президенти, Халқаро Кураш Академиясининг ҳақиқий аъзоси, Халқаро Кураш Институтининг илмий ходими, кураш бўйича жаҳон чемпиони. 2001 йилда Венгрияда кураш бўйича ўтказилган III жаҳон чемпионати совриндори. Ҳ. Норбоев катта иш тажрибасига эга бўлган киши, ташкилотчи, тинимсиз изланадиган меҳнатсевар, талабчан инсон сифатида элга танилган. Ҳ.Норбоев Саудия Арабистони, Афғонистон, Туркия, Венгрия, Россия, Болтиқбўйи мамлакатлари, Украина, Грузия, Арманистон, Қирғизистон, Миср Араб Республикаси, Тожикистон, Туркманистон мамлакатларидаги мусобақаларда иштирок этган. Ҳ.Норбоев “Алпомиш авлодлари — Сурхондарё полвонлари” номли китобнинг муаллифи.

Ўзбек миллий курашини жаҳонга танитишда фидойилик кўрсатган полвонлардан яна бири халқимиз ҳурматига сазовор бўлган Алман полвон Валиевнинг хизматлари таҳсинга лойиқ-

дир. Алман полвон ёшлик даври ҳақида мулоҳаза қилиб қуйидаги фикрни келтириб ўтади. “10—12 ёшларимда тўйларда ўзим қатори болалар билан кураш чиқар, ютуклар ҳам, энгилишлар ҳам бўлиб турарди. Аммо кимдандир энгилиб келган куним, кечаси билан кўзларимга уйқу келмас, тинчим бузилиб, туни билан энгилганим сабабини ўйлаб чиқардим. Қандай қилиб бўлса-да, рақибимни энгиш режаларини тузиб чиқардим. Бу режаларим, албатта, қандай курашсам, ундан устун бўламан, деган режалар эди. Қисқаси, мендан устун келган рақибимни энгмагунимча тинчимасдим”.

Мустабид совет тузими даврида умуман ўзбек миллий кураши камситилиб, спорт мусобақаларига киритилиш тўғрисида гап-сўз ҳам бўлмаган даврда ўзбек ғурурини, ор-номусини кураш майдонларида ҳимоя қилган Алимардон Валиев 1941 йил Шўрчи туманида туғилиб, вояга етган. Бу забардаст курашчининг босиб ўтган умр йўли жуда мураккаб бўлган. Отаси фронтга кетиб қайтмади. Оилада эса улар етти фарзанд — жўжабирдай жон эди. Уруш даври ва ундан кейинги йиллар қийинчиликлари, танқислик, қаҳатчилик азобларини кечиб катта бўлган Алман полвон бардошли, сабр-тоқатли ва иродали бўлиб ўсди. Қизиги шундаки, шундай оғир пайтлар бўлишига қарамай, қишлоқларда тез-тез тўйлар бўлиб турар, тўйларда кураш кўпқарилар албатта бериларди.

Ўсмирлик йилларини эслаб Алман полвон шундай дейди:

— Кураш менга жуда кимматга тушган. Кунларнинг бирида кўшни қишлоқда тўй бор эмиш, деб эшитиб қолдим. Қишлоғимиздаги беш-олти ўсмир-бўйинсалар бирга тўйга бордик. Олиш бошланиб, бизнинг болалар ҳам курашга чиқа бошлашди. Қайси бир дўстим рақибини йиқитиб, қай бири йиқилди. Ниҳоят, навбат менга келди. Йиқилган ўртоғимнинг орига чикдим. Аммо мен ҳам йиқилиб, одамлар кулгиси остида даврадан югургилаб чиқиб кетдим. Шу кундан бошлаб ҳар куни болалар билан тўпланишиб, бўш вақтларда, ҳатто кечалари ойнанинг ёруғида ҳам кураш тушиб, машқ қилардик. Орадан 5 ой ўтиб, яна ўша қишлоққа тўйга бордик. Ўша пайтда биз 13—14 яшар болалар эдик. Кураш бошланиб, то тугагунча биронта полвонини қолдирмай энгиб қайтдик.

Ана шундай курашлар, тинимсиз меҳнатлар натижасида Алимардон Валиев — Алман полвон бўлиб етишди. У Самарқанд

давлат университетида ўқиди. Самбо кураши бўйича тўгаракка қатнашди. 1967 йили университетни битказиб қайтгандан кейин Алман полвон вилоятда ва бир неча бор республика мусобақаларида қатнишиб, ғолиб бўлди, миллий кураш тизимида унга юраги дов бериб, чиқиб келадиган полвон йўқ эди.

Алман полвоннинг қизиқ одатлари бор эди. У кураш усуллари сир тутиш билан бирга, исмини ҳам сир тутган. Бу билан у кўпинча рақибини армонда қолдирар — чалгитарди. Унинг номини ҳам ҳар жойда ҳар хил аташарди. Мана, қаранг, самарқандликлар — Холман, қашқадарёликлар — Лоқай, тожикистонликлар — Жолдор, ўзимизда эса Алман полвон дейишар эди.

Шубҳасиз, Сурхондарё халқи Алман — Алимардон Валиев билан доимо фахрланади. Шундай жасур полвонлари бор халқ кўкрак керса, гурурланса ҳақлидир.

Халқимизнинг камтарин, меҳнаткаш инсони, миллий кураш усуллари ривожига муносиб ҳисса қўшиб келган, тажрибали софдил курашчи номи билан машҳур Жўра полвон 1941 йилнинг 15 февralида туғилган. Миллий кураш бўйича спорт устаси, чаққон, эпчил олишлар устаси, кўплаб шогирдлар мураббийси бўлиб, ўз вазни бўйича етти марта Ўзбекистон чемпиони. Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикаси ўйинлари ғолиби.

Ўзбек oilасида фарзанд туғилса, мард полвон бўлсин деб, Яратганга илтижо қилиб, ўғил болани жисмонан соғлом ва бақувват қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор билан қарайдилар. Полвонлик аجدодлардан мерос, чаққонлик, эпчиллик, сабр-тоқатли бўлиш, мағлубиятлардан хулоса чиқариш, танбеҳларни, танқидларни тўғри тушуниб, юракдан қабул қилиш полвонларга хос хусусиятдир. Халқимиз ардоқлаб, ўзимизнинг мард, танги полвон деб ғурур ифтихор билан юксакликка кутарган полвонлардан бири Олтинсой туманига қарашли Миршоди қишлоғида туғилган машҳур полвон Бобоҳон Худойбердиев эл дуосини олган полвондир. Ўзбек миллий курашини чин дилдан ўзига касб қилиб олган Бобоҳон полвон 1943 йил 5 январь куни туғилди. Олти ойлик чақалоқлик пайтида отаси урушга кетиб, қайтмади.

Бобоҳон полвоннинг ҳаётида иккита воқеа борки, қолган барча майда-катта воқеалар, курашлар ана шу икки унутилмас воқеа орасида кечди. Биринчи воқеа. 1961 йилнинг қаҳратон киши эди. Унда Бобоҳон мактабнинг ўнинчи синфида ўқирди. Шўрчининг Миришкор деган қишлоғида элга таниқли бўлган

Тоғай Абсаматов катта тўй берди. Шу тўйга Бобохон ҳам кўп қатори борди. Тўй бўлаётган ердаги жамоа хўжалигининг раисини Намозов дер эдилар. Тўй эгаси катта кураш беради. Узоқ-яқиндан келган зўр бир полвон раис Намозовнинг полвонларини бир-бир “териб” ташлайди. Ори кўзиган раис охири Бобохонга юзланди ва деди:

—Ўғлим, шу охирги полвонга сен чиқмасанг бўлмайди! Ори-миз кетиб қоладиганга ўхшайди.

Майдонни ларзага солган ва ғолиблик байроғини қадаган полвонни эса Менгбой Абдиев дер эдилар. У ўша замонларнинг доврўқли ва катта полвони эди. Майдонга тажрибали полвон билан ўн етти яшар полвон тушдилар. Икки шер юракли, полвон билакли йигит даврани айлана бошлади. Баковуллар уларнинг ҳар бир қадами, ҳатти-ҳаракатини кўздан қочирмасдан кузатиб турардилар. Томоша аҳли эса тик қотган эди. “Қани, энди ким зўр чиқар экан?” Барчанинг хаёлида шу фикр гўжғон ўйнарди. Бобохон полвон одамларни кўп ҳам куттириб ўтирмади. Менгбой полвонни дастлабки кўл олишидаёқ йиқитди. Ана шу ғалаба уни бирданига катта полвонлар сафига кўшди. Жамоа хўжалиги раиси Намозовнинг қувонганини кўрсангиз эди. Ёш полвонни бағрига босди. Сўнгра уни ва шерикларини машинасига ўтиргизиб, Миршодидаги жамоа хўжалиги раиси Хўшбоқ Шерқобилоннинг уйига олиб борди. Вақт тонг паллага етган эди. Уйкуда ётган раисни Намозов уйғотди. Ва унга шундай деди:

—Шу полвонни ё менга бер, ёки бўлмаса, унга бирон улов тайин қилгин.

Хўшбоқ раис Бобохонга бир юк автомашинасини тайин қилди. Шу машинада қишлоқ полвонлари йиғилишиб тўйга борадиган бўлдилар.

Иккинчи воқеа. 2005 йилнинг 23 апрели эди. Термиз шаҳрида улўг ватандошимиз Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб халқаро турнир бошланди. Ана шу турнирда ўзбек кураши тарихида илк бор фахрий полвонлар ўртасида I-Жаҳон чемпионати ўтказилди. Хориждан ва мамлакатимиздан юз нафардан зиёд фахрий курашчи вазн тоифасига қараб майдонга тушди. Ана шулар орасида 63 ёшли Бобохон полвон ҳам бор эди. У мухлисларга анча томоша кўрсатди. Уларнинг ишончини оқлади. Барча рақибларини бирма-бир йиқитиб чиқди. Алалоқибат I Жаҳон чемпионатининг ғолиби бўлди.

I Жаҳон чемпионатида неча зўр полвонларнинг курагини ерга теккизган ва олтмиш уч ёшида ҳам ҳамон бардам келаётган Бобохон полвоннинг курашини кузатиб, қониқиш ҳосил қилган қариялардан бири шундай деди:

— Биродарлар, йўлбарснинг қариси бўлмас экан!..

Қариянинг бу гапига кўплар қўшилди. Бобохон полвон етти ёшида қишлоқ тўйларида кураш тушиб, илк бор совринга келиш, бир сўм пул ёки бир парча мато олганлигини ҳамон эслайди. Унинг умри эллик беш йил қизгин ва шиддатли курашлар билан кечди.

— Одамларни ота-онаси боққан, мени эса халқнинг тўйлари боққан, — дейди полвон, — Сағир эдим, кўнглимни одамлар кўтарди. Нима обрў-иззат топган бўлсам, барисини тўйлардан, курашлардан топганман. То шу кунгача тўй, курашларнинг шавқу завқи билан яшаб келаман.

Сурхон воҳаси полвонларининг сардори, журъатли, қўрқмас, жасур, ҳимоя кураш усуллари бўйича Ўзбекистонда танилган, халқимизнинг ардоқли полвони Суюн полвон Турсунов 1944 йилда Бойсун туманидаги Кофирун қишлоғида туғилди. Ёшлик шижоати, метиндек полвонга хос ирода туфайли 1959 йилдан 1980 йилгача (21 йил) кураш тушди. Энг кучга тўлган ёш полвонлик даври ҳисобланган 1964—1969 йилларда Ўзбекистон биринчилиги учун ўтказилган мусобақаларда қатнашди. У шундай эслайди: “Х синфда ўқиб юрган пайтимда 63 кг вазнда эдим. “Сурхон” жамоа ҳўжалигининг биринчи бўлимида Бектошбойнинг тўйида донгдор 130 кг вазнли Ўта полвонни босиб, бош соврин эгаси бўлдим.

Суюн полвон курашда “қоқма”, “тўғоноқ” усуллари қўллар эди. Ўзбек миллий курашининг устозига айланган Суюн полвон Сурхон воҳаси ори учун кўплаб курашлар даврасида мардлик намунасини кўрсатиб, ҳалол, пок олишувларни намоён этиб, алоҳида устоз-шогирдлар мактабини яратди. Ўзбекистоннинг қайси ҳудудида бўлмасин, Суюн полвон миллий курашга хос анъаналарга содиқ бўлиб, ёш полвонларни мардлик, фидойилик, ватанпарварлик, кураш соҳасида шижоатга чақирди.

Сурхон полвонларининг сараси, кураш амалиётини мукаммал билган полвонлар ўзларининг кураш мактабларини яратиб, Ўзбекистоннинг буюк номини улуғлаш, уни мардлик, жасурлик билан ҳимоя қилишдек шарафни ҳамиша улуғлаб келмоқдалар. Ҳар бир

Ўзбекистонлик полвоннинг юрагида ана шу муқаддас юртнинг номини жаҳонга танитишга тинимсиз меҳнат қилиш туфайли эриш мумкинлиги туйғуси мужассамлашгандир. Сурхон халқи қалбидан жой олган шундай танти, полвонлик усулларини устозларидан ўрганган Чори полвон асрларга тааллуқли ном қолдирди. Чори Бобониёзов кураш усулларидан хотира бўлиб қолган курашлардан бири Эшмат полвон билан бўлган олишувдир. Ўртада Чори полвон билан шўрчилик Эшмат полвон олишарди. Кўп ўтмай Чори полвон Бобониёзов ғолиб эканлигини эълон қилишди. Даврага бирданига икки полвон чиқди. Чори полвон улар билан ҳам курашга тушди. Уларнинг бири Нурмамаат — Эшматнинг укаси, иккинчиси — туркменистонлик Карим полвон эди. Чори “корейс” иккисини ҳам босди. Босганда ҳам яшин тезлигида курагини ерга текизиб, дарров чиқиб кетди. Уни “корейс” деб аташарди. Сабаби, балки, унинг кўзлари қисикроқ бўлгани учундир, ишқилиб, у бундан хафа бўлмас, балки “Чори корейс” деган номни ҳамиша эъзозлаб юарди.

Сурхон воҳаси кураш майдонларида ном қозонган Чори полвон 1949 йилда Термиз туманидаги Янгиариқ қишлоғида дунёга келди. Ёшлигидан курашга тушар, курашни жону дилидан ортиқ кўрарди. У ўсиб-улғайгач, устозлари Жума Тошпўлатов ҳамда Алимардон Валиевлардан миллий кураш ҳамда самбо бўйича сир-асрорларини кунт билан ўрганди. Бир йиллик жиддий машқлардан кейин, вилоят бўйича ўтказилган беллашувларда муносиб ўрин эгаллади. Тўю томошаларда бўладиган курашларда, мусобақаларда кундан-кунга обрўйи орта борди. 1969 йилда вилоятимизда миллий кураш бўйича ғолиб, шу йилнинг охирларида Тошкент шаҳрида талабалар ўртасида ўтказилган самбо курашида чемпион бўлди. 1970 йилга келиб, у қатнашган мусобақаларининг ҳаммасида ғолиб келиб, Ўзбекистон чемпиони, Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари полвонлари ғолиби ва бошқа ютуқларга эришди.

Чори полвон ана шундай машҳур курашчи эди. Унинг чаққонлиги, моҳирлигига ҳамма қойил қоларди. Элимиз ана шундай моҳир Алпомишдек курашчиларини унутмайди ва улар билан қанча ғурурланса арзийди.

Хар бир полвон кураш давралирига чиқар экан, ўзини эл олдида обрўйини сақлаш, майдондан ғалаба билан чиқиш, ҳалол, мард, бир сўзли полвон экан деган дуони олишни орзу қилиб,

голиблик нашидасини сургач, устозларининг хурсандчилигига шерик бўлишдек орзуларни амалга оширишга жиддий киришади. Халқимизнинг кучи филдек, орли, нор, бир сўзли полвон деган дуосини олган Оқбой Омонов 1946 йили Шўрчи туманидаги Қизилтепа қишлоғида туғилди. 3 ёшга етганда отаси вафот этди. Етимликнинг оғир кунларини кўрди. Отасизликда катта бўлиш қанчалик оғир бўлмасин, у чин йигит, ҳақиқий эр киши бўлиб вояга етди. Ўрта мактабда ўқиб юрган чоғларида у билан куч синашадиган бола йўқ эди. Ўрта мактабни тугатгач, оилани тебратиш унинг зиммасига тушди. Тўйларда секин-аста кўзга кўринган полвонлар билан беллашиб, уларни мағлубиятга учрата борди. Тез орада Оқбой машҳур бўлди. У 1964 йили Самарқанд давлат университетининг тил ва адабиёт факультетига сиртдан ўқишга кирди. Университетнинг кундузги бўлимида ўқиш истаги бор эди-ю, бунинг сира иложи йўқ эди. Сабоби, у оилани боқиши керак эди. Аммо у турмуш қийинчиликларини енгиб, спорт билан қаттиқ шуғулланди. 1970—йилларнинг бошида элга таниқли машҳур полвон бўлиб етишди.

1973 йил Оқбой полвон Наманган полвонлари билан курашиш учун Тошкентга—телефестивалга келди. У бу мусобақада ҳам голиб бўлиб, элимиз орини ҳимоя қилди. Шу йили вилоят биринчилигида қатнашиб, энг оғир вазндаги Жаббор полвонни 20 лаҳзада енгиб, ғалаба қозонди. Самбо кураши бўйича биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

Тинимсиз кураш сирларини эгаллаш учун устозлар раҳбарлигида мунтазам кураш олиб боргандагина, гоҳида мағлубият аламларини холисона тушуниб, ундан хулоса чиқариб, ғалаба учун янги кураш усулларидан фойдалангандагина полвон эл полвони деган шон-шуҳратга эга бўлади. Доимо кураш сирларини, ғалаба учун имкониятларни қидирган Шафоат Шомуродов нафақат воҳамизда, балки республикамизда ҳам забардаст, машҳур полвон сифатида танилган эди. Унинг майдонда бир марта кураш тушганини кўрган киши яна қайта кўриш орзусида бўлар эди. Чунки у ниҳоятда чаққон, чиройли ва ҳалол олишар эдики, вазни 70 килограмм атрофида бўлган ҳолда, 100 килограмм вазндаги полвонларни бир пастда “тинчитиб” кўйишини кўриб, ҳар қандай киши тан бермай иложи қолмасди.

Шафоат полвон Шомуродов 1948 йилда Термиз туманида туғилди. Мактабни тугаллагач, бир йил колхозда оддий ишчи

бўлиб ишлади. Кейинчалик Термиз тиббиёт билим юртида, Термиз давлат педагогика институтининг табиат факультетининг жисмоний тарбия бўлимида таҳсил олди.

У ана шу йиллар ичида Сурхондарёнинг зўр полвони сифатида ном чиқарди. Шафоат полвон ўзбек миллий кураши доирасида донг таратиб қолмай, балки курашнинг “Эркин”, “Самбо”, “Дзю-до” ва бошқа турлари бўйича ҳам Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари ўртасида ўтказилган мусобақаларда ва Ўзбекистон биринчиликларида ҳам бир неча бор ғолиб бўлди. Жумладан, у самбо кураши бўйича 3 марта, миллий кураш бўйича 7 марта, дзю-до бўйича 2 марта Ўзбекистон чемпиони ҳамда миллий кураш бўйича 2 марта Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари полвонларининг беллашувларида ғолиб чиқди.

Ҳақиқатан ҳам қадди-қомати унча катта бўлмаган, жуссаси пишиқ Шафоатнинг кураш тушиш санъатини бутун Ўзбекистонда яшовчи таниқли полвонлар ҳам тан олишарди. Унинг ўта камтарин, мўмин йигитлигини ва маданиятлилигини ҳурмат қилишарди. Шафоат миллий кураш ва самбо беллашувларида ортирган ютуқлари, билим ва малакаси учун устозлари Жума Тошпўлатов, Қурбон Эргашевлардан миннатдор эканини тез-тез қайд этарди. У талабалик йилларида ҳам тиним билмай дўстлари билан кураш тушар, “кураш тушганда одам дам олади”, деб қўярди. Уни ана шу чарчашни ва эринишни билмай тўхтовсиз машқ қилишлари — Шафоат полвонга айлантирди. Ана шундай катта полвон, меҳрибон устоз, ҳақиқий дўст Ш.Шомуродов 1989 йили тасодифан вафот этди. У ўзининг қисқа ва жуда мазмунли, курашчан ҳаётида халқимиз қалбида ўчмас из қолдирди.

Ўзбек анъаналари ўзининг моддий-маънавий асослари билан ниҳоятда қадрли, йигитларга кўрк, жасурлик, ғурур бағишлайдиган, йигитнинг бор куч-қудратини намойиш қиладиган ғоялардан иборатдир. Ҳамиша орзулар, ниятлар ўз-ўзидан амалга ошмайди, унинг мазмунида оғир машаққатли синов, тўхтовсиз машқлар, оғир юкларни кўтариш, ўз кучига ишонишдан ташқари, рақибнинг ҳийла, фирром ҳаркатларига баҳо бериш каби ҳолатларни ўзида мужассам этган Жовли полвон Термиз туманидаги “Таллимарон” қишлоғида 1946 йили туғилган. Ёшлигидан тўйларда кураш тушиб, кураш санъатини мукаммал ўрганиб катта обрўга эга бўлган, машҳур курашчилардан бирidir. У дастлаб Термиз жисмоний тарбия техникуми, кейин-

чалик Термиз давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия бўлимида ўқиди. Талабалик пайтида Жовли Сатторов Жовли полвон бўлиб элга танилди, Тошкентда, Душанбеда, Москвада, Киевда ва бошқа ўнлаб шаҳарлардаги турли мусобақаларда қатнашиб, миллий кураш, эркин кураш ва самбо бўйича ғолиб бўлиб, Сурхон воҳасининг орини химоя этди.

Жовли полвон 5—6 марта республика ва собиқ Иттифокда ўтказилган мусобақаларда ғолиб бўлган курашчидир. Жовли полвоннинг жони-дили кураш. Шунинг учун ҳамон кураш тушмаса-да, мусобақаларда ҳакамлик қилади, ташкилотчилик ишларини олиб боради.

Ўзбек оиласида полвон дунёга келишини аждодларимиз азалдан орзу қилиб, бор илтижоларини, ниятларини амалга ошириш учун фарзанд тарбиясига бағишлаб уларни жисмонан бақувват, соғлом, ақл-фаросатли қилиб камолга етказиш учун бор имкониятларини ишга солганлар. Ота-боболаримизнинг айтишича, полвонлик ҳам уч гуруҳга бўлинар экан. Булар туғма, яъни худо берган полвонлар (аслида ҳар бир полвонга ҳам худо берган бўлади), “Суяги полвон” ва “Узоқ машқ ва меҳнат билан бўлаган” полвонлар. Раҳмат Шойимов эса туғма полвонлар тоифасидан. У 1946 йил 3 февралда Шеробод туманидаги Гилямбоб қишлоғида дунёга келди. У жуда ёшлигидан курашга қизиқадиган йигит бўлиб ўсди. 7—10 ёшидан тўйларда курашга туша бошлаган Раҳмат полвон 18 га тўлганда уни бутун шерободликларгина эмас, сурхондарёликлар ҳам таниб, ҳурмат қилишарди.

Гилямбоб қишлоғининг йигитлари қадимдан спортга қизиқувчан, курашни севадиган бўлишган. худди шунингдек, Р. Шойимов ҳам мактаб ўқувчилигидан жуда тетик ва жисмонан бақувват эди. У 7—8-синфда ўқиб юрган чоғларидаёқ, 10-синф ўқувчилари ва ҳатто мактабни битириб кетган катта йигитлар билан баббаравар курашар, кўп ҳолларда ғолиб ҳам келарди. Шунинг учун ҳам уни қишлоқдошлари “Алпомиш” дейишарди. Полвонларнинг кўпи фанларни ўзлаштиришда мактабда, рости, сал... бундайроқ бўлади. Лекин Раҳмат полвон мактабда ҳам барча фанлардан фақат “аъло” баҳоларга ўқирди. Унинг иқтидори борлигини ўқитувчилари такрор-такрор айтишарди, шу сабабдан ҳам ўрта мактабни тугатиб, ҳеч қийналмасдан Тожикистон қишлоқ хўжалиги институтида ўқий бошлади. Ўша пайтлари воҳамиздан етишиб чиққан спорт усталаридан деновлик

Абдулла Ҳакимов, шўрчидан Ҳамза Абдиевлар ҳам шу институтда таҳсил олишарди, Раҳмат полвонни ҳам улар ёнига олишиб, бирга мусобақаларга, курашларга бориб юришарди.

1966 йил, Раҳмат полвон аввал талабалар ўртасида, сўнгра катта спортчилар орасида ҳам Душанбе шаҳар ва Тожикистон Республикасининг оғир вазндаги спортчилар беллашувида голиб бўлди. Бундан ташқари, талабалик давридаёқ, кўплаб республика ва мамлакат (собиқ СССР) миқёсидаги мусобақаларда қатнашиб, кўп бор совриндор бўлди.

Миллий кураш аънаналарининг устози бўлиш ҳар қандай полвонга ҳам насиб қилмайди. Ўзбек спортида жуда катта салмоқли, самарали ишларни амалга оширган, таниқли полвон, миллий курашимизнинг забардаст устозларидан бўлган Қудрат полвон Алимов 1948 йилда туғилган. Ёш, кучга тўла, спортга мойиллиги баланд бўлган Қудрат полвон Жарқўрғон туманидаги 17-ўрта мактабни битиргач, Шаҳрисабздаги қишлоқ хўжалик техникумида ўқиди. Ёшлигидан спортга ихлос қўйиб, эркин ва самбо курашлари бўйича ташкил этилган спорт машғулотларига қатнади. Аввалига Шаҳрисабз, сўнгра Қашқадарё вилояти чемпиони, 1962 йили эса Бухорода ўтказилган марказий “Пахтакор” кўнгилли спорт жамияти республика биринчилигининг голиби бўлди. Бундан ташқари, совет давлати даврида Минск, Иваново-Франконск, Кишинев ва Салават Юлаев каби бир қатор шаҳарларда ўтказилган Бутуниттифок ва халқаро турнирларнинг совриндори, 1978 йилда эса Термизда ўтказилган Ўзбекистон — Афғонистон халқаро турнирининг голиби бўлди.

Полвонлик миллий аънаналар асоси, миллий ўзликнинг таянчи, жисмоний кучни жиловловчи, ўз кучини ақл-одоб билан бошқарувчи йигитнинг хунари. Боболардан мерос полвонлик сирларини мукаммал ўрганиб олган Бобомурод полвон Ёқубов 1948 йилда туғилган. Ёшлик ғурурига тўла кучни жиловлаб олган, ўзбек кураши майдонларида мардлик намуналарини кўрсатган, ўз исмига мос миллий курашда ҳалол курашчи номини олган Бобомуродга полвонлик тоғаси Маҳмудхон полвондан ўтган. Маҳмудхон полвон ва чопағон, халқ баковули сифатида нафақат Шеробод туманида, балки Сурхондарё вилоятида ҳам машҳур эди. У самбо кураши бўйича уч марта, дзюдо кураши бўйича икки марта республикамиз чемпиони бўлди. Хива шаҳрида Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишлаб ўтказилган мусо-

бақада ўз вазни бўйича биринчи ўринни эгаллади. Бобомурод полвон Ёқубов халқаро тоифадаги ҳакам, эл севган баковул, кўпгина истеъдодли полвонлар устози ҳамдир. Эл иродасини, полвонларга бўлган самимий ҳурмат ҳис-туйғуларини ўзда акс эттирган, камтарин, серғайрат, устозларга муносиб шогирд, шогирдларга севимли устоз.

Сурхон воҳаси кураш санъатини жаҳонга ва республикага танитишга муносиб ҳисса қўшган жадал кураш услубига эга Чўтпўлат полвон Тожиев 1949 йилда туғилган. Ўзбек миллий курашининг ҳамма турларини мукаммал эгаллаган Чўтпўлат полвон 1973 йилда Фарғона давлат педагогика институтини битирган. “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси”. Жарқўрғон туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби услубчиси. 15 йил кураш тушиб, доимо ғалабага эришиб келган. Ёш полвонлар тўғараги ташкилотчиларидан бири, Ўзбек курашида ишлатиладиган усуллар бўйича сўз санъатининг мазмун-моҳиятини тўлиқ ўзлаштириб олган, меҳрибон, маслаҳатли кураш даврасининг устозларидан бири. Абдуғани полвон Жўраев самбо кураши бўйича спорт устаси. Кўплаб мусобақалар ғолиби. 1970—1985 йилларда кураш тушди. Дзюдо, эркин кураш ва миллий курашда тенгқурларидан ўзиб кетди. 15 йиллик ғолиблик нашидасини сурди. Жарқўрғон тумани ҳокимлиги, жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ҳар йили унинг хотирасини эъзозлаб, кураш турнирлари ўтказиб келмоқда. Абдуғани ҳаммага баробар дўст, ўртоқ, севимли полвон эди. Абдуғани полвоннинг отаси Абдуназар Жўраев Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Абдуназар бобо 2004 йилда ўғли Абдуғани полвоннинг хотира турнирини ўтказиб берди. Бош совринни икки марта жаҳон чемпиони, спорт устаси Махтумқули Маҳмудов қўлга киритди.

Комил полвон Бўриев спорт устаси. Миллий ва самбо курашлари имкониятларини амалда кўрсата олган паҳлавонлардан бири эди. Ҳаётдан жуда эрта кетди. Вилоятимиз миллий кураш ихлосмандлари одилона курашгани учун унинг номини ҳурмат билан тилга олишади.

Шеробод тумани аҳли Даврон полвон Бўриевнинг номини эъзозлаб тилга олади. Спорт устаси, ор-номусли, ҳаётдан умиди катта, келажакка ишонч билан қарайдиган паҳлавонлардан бири эди.

Худойберди полвон Муҳаммадиев Республика XIX спартакиа-

даси чемпиони, самбо ва миллий кураш бўйича тўрт марта Ўзбекистон чемпиони. Спорт устаси. 1979 йилда ўтказилган вилоят XVII спартакиадаси ғолиби, Қарши ва Китоб шаҳарларида ўтказилган мусобақаларда ўз вазни бўйича биринчи ўринни қўлга киритган полвон. Самимий ва дилкаш инсон эди.

Рустам полвон Арабов спорт устаси, миллий кураш бўйича туман, вилоят мутлоқ ғолиби. Спорт ва миллий кураш бўйича республика чемпиони. 31 ёшида бевақт оламдан ўтди. Сурхонликлар унинг номини ҳурмат билан эсга оладилар. Уч фарзанди бор: Сирожиддин, Ҳумоюддин, Холбека. Шундай ўғил ўстирганимдан фахрланаман! — дейди онаси Ойшаҳар ҳожи она Ғойибова биз билан суҳбатда. 1995 йилнинг апрель ойида унинг ота-онаси ҳаж сафарини амалга ошириб, марҳум полвон фарзандлари руҳини шод этиб қайтдилар.

Турғунбой полвон Рўзиев 1951—1990 йилларда яшаб ўтган. Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари чемпиони, миллий курашимизда ўз ўрнини топган мард йигит эди. “Елкадан ошириб улоқтириш” усулини қўллаб, ғалабага эришар эди. Шунинг учун уни дўстлари “Елка полвон” деб аташар эдилар.

Афсоналар, ривоятлар, ҳикматлар асосида халқимиз ҳаётида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар мисол тариқасида қўлланилиб, полвонларни миллий курашлардаги ютуқлар, беллашувлар, олиш усуллари, ғалабалар, мағлубиятлар тасвир этилиб, янги кураш илҳомларини қўзғаб, ёш авлод полвонларини тарбиялаб етказишга асос бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Ёшлигидан жуссаси кичик бўлса-да, метиндек темир кучга эга бўлган, чаққон, эпчил, тез ҳаракат қиладиган, ўзига хос ҳаёт йўли, таржимаи ҳолига эга бўлган Авлиёкул полвон жуда серғайратлиги билан устозлар назарига тушди. Кимнингдир ҳаёт китоби бир оз зерикарли, қуруқ ва кимнинг бундай китоби мароқли ва мазмунли бўлади. Ўқийсан-у, дилинг ёришади, ҳавасинг ҳам келади. Авлиёкул Қурбонов 1951 йилда туғилган. Кураш сирларини Термиз давлат педагогика институтида ўқиб юрган пайтларида ўрганди. Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларида спортга меҳри тушди. 1967 йилда мактаб ўқувчилари орасида эркин кураш бўйича шаҳар биринчилиги бўлиб ўтди. Бунда таваккал қилиб қатнашган Авлиёкул кутилмаганда биринчи ўринни эгаллади. Шунда унга вилоят “Пахтакор” жамиятининг раиси Шукур Эрматовнинг назари тушди. Уни эркин кураш бўйича секция маш-

гулотларига қатнашишга даъват қилди. Шундай қилиб, ёш Авлиёқулнинг ҳаёти спортга боғланиб қолди. 1968 йилда Бухоро шаҳрида ўқувчиларнинг эркин кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди, Авлиёқул 57 килограмм вазнда майдонга тушиб, Ўзбекистон чемпиони бўлди. Ўша даврлар учун бу катта гап эди. Ўзбекистоннинг ўн етти ёшли чемпиони довруқ билан Термизга қайтиб келди. Шундан кейин Авлиёқул Қурбоновнинг довруқли ҳаёти бошланди. У институт талабаси бўлганидан сўнг ҳар йили Ўзбекистон биринчилигида қатнаша бошлади. Термиз шаҳрида ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги ўтказилган 1971 йил Авлиёқулнинг асло эсидан чиқмайди. Бу мусобақада у бир эмас, икки нафар эмас, балки саккиз нафар рақибнинг устидан соф ғалабага эришди. Ана шу биринчиликда Авлиёқул полвон Ўзбекистон чемпиони деган номга сазовор бўлди. Уни бу катта ғалаба билан устоз-мураббийлар ҳам, кўп сонли мухлислар ҳам қутлашди.

Авлиёқул полвоннинг ҳаёти бошданоқ Термиз шаҳри билан боғлиқдир. Яъни у шу ерда таваллуд топди, шу ердан ўрта мактабни тамомлади. Айни бир пайтда шу ерда жойлашган Термиз давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетида таҳсил олди. Институтни битиргандан сўнг эса шу ерда ишда қолди. 1972 йилда Ўзбекистоннинг донгдор полвони, мутлоқ чемпиони А.Недоризовни енгиб, ғалабани қўлга киритди. Авлиёқул Қурбонов ўзи кураш тушиши билан бирга, Ўзбекистон спорт усталарини ҳам тайёрлади. Агар Авлиёқул полвон Қурбоновнинг кураш майдонларида кечган йилларига назар ташласангиз, бир нарсага иқрор бўласиз. У баъзи бошқа полвонлар каби йигирма-ўттиз йиллаб катта майдонларда кураш тушган эмас. Асосан ўқувчилик ва талабалик йилларида кураш тушган. Лекин шу нарса ҳайратланарлики, у ана шу қисқа муддат ичида ҳам бамисоли бўрондек ҳаракат қилган. Кураш майдонларида ниҳоятда шиддаткорлик билан беллашган. Келинг, шу ўринда яна баъзи бир мисолларга ҳам мурожаат қилайлик. 1972 йили Авлиёқулни Ўзбекистон талабалар терма жамоаси таркибига киритишди. Шу йили Доғистон пойтахти Махачқалъа шаҳрида ўтказилган собиқ Иттифоқ мамлакат биринчилигида иштирок этди. 57 килограмм вазнда арманистонлик ва озарбайжонлик курашчиларни мағлубиятга учратиб, олтинчи ўринни қўлга киритди. 1973 йилда эса Фарғона шаҳрида эркин

кураш бўйича қаҳрамон Мамадали Топиволдиев хотирасига бағишлаб ўтказилган мусобақада иккинчи ўринни эгаллади. Агар бу мусобақада собиқ Иттифоқнинг деярли барча республикаларидан полвонлар келганлиги ва кураш тушганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Авлиёкул полвон эгаллаган ўрин осон бўлмаганлигини англаш қийин эмас. Шу мусобақада эркин кураш бўйича у спорт устаси деган унвонга мушарраф бўлди.

Авлиёкул полвон тўққиз марта вилоят чемпиони бўлди. Хуллас, полвоннинг ҳаётида эсда қоларли лаҳзалар анчагина. Ўтган давр мобайнида эркин кураш бўйича спорт усталари Орзу Хўшбоқов, Норменгли Нормўминов, Ўрол Эргашев каби кўплаб шогирдлар тайёрлаб етиштирди. Устоз-мураббийнинг ўғли Фахриддин самбо кураши бўйича Ўзбекистон чемпионидир. Нуриддин, Лутфиддинлар ҳам отаси ва акаси каби катта спорт мақсадлари йўлида ҳаракат қилмоқдалар.

Нуфузли мусобақаларда ор талашган ва неча марталаб ғолиб чиққан Авлиёкул полвон Курбонов бугун муносиб шогирдлар тайёрлаш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда. Унинг ҳаёт мактаби, тажрибалари ёшларга қўл келаётир.

Миллий спортимизда ҳамиша устозлар ўзларининг тажрибаларини оммалаштириш, ёш полвонларга мураббийлик қилиш, янги кураш усулларини қўллаш билан ёшларга ибрат бўлиб келганлар. Ўзбекистонда миллий курашнинг такомиллашувида, мустақиллик йилларида миллий кураш мактабларининг ташкил топишида, ўзбек полвонларининг ғалаба шохсупаларига чиқишида Холиёр полвон Элмуродовнинг хизматлари катта. Холиёр полвон 1951 йилда туғилган. Совет мустабид тузуми даврида миллий кураш тақиқланишига қарамай, Холиёр полвон миллий ўзбек кураши анъаналарига содиқ қолиб, халқимиз олқишига сазовор бўлди. Чаққон, тез ҳаракат, куч ишлатишдаги кутилмаган усуллари, ҳалол, пок, мардлик ҳолатларини намоён қилиши билан Холиёр полвон бошқалардан ажралиб туради. Холиёр полвон 1976 йилда миллий кураш ва самбо бўйича ўтказилган беллашувларнинг ғолиби, спорт устаси, Ўзбекистон чемпиони. Республикамизнинг машҳур спорт устаси Риза Амирович Фозиловнинг шогирди. 1970—1980 йилларда Сурхон полвонлари орасида энг олдинги сафларда туриб курашди. “Фозилов мактаби” сирларини пухта эгаллаганлиги, меҳнатсеварлиги унга шон-шухрат келтирди. Унинг акаси Чори полвон ҳам Ўзбе-

кистон чемпиони. Ота-боболари халқ ҳурматини қозонган, ўз даврининг энг кучли полвонларидан бўлишган.

Ўзбек халқи жаҳон моддий ва маънавий маданиятида ўзининг бой анъаналари билан алоҳида ҳисса қўшган, полвонлари соғлом, баркамол, жисмоний куч-қудрати билан ажралиб туради. Айниқса, мустақиллик йилларида спорт соҳасида эришилаётган ютуқлар Ўзбекистоннинг жаҳон давлатлари томонидан тан олиниши омилларидан бирига айланди, десак хато қилмаймиз. Ўзбек миллий курашини ҳимоя қилаётган полвонларнинг спорт ареналарига чиқиши эса янги-янги полвонларни тарбиялаб чиқаришга олиб келмоқда. Ўзбек миллий курашини совет давридаги камситилишига қарамай ўзбек ўғлонлари кураш анъаналарини унутмадилар. Шундай эл назарига тушган, халқимиз дуосини олган Ўрол полвон Қурбонов 1952 йилда туғилган. Термиз давлат педагогика институтининг математика факультетини битирган. 1970 йилда Термиз шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган самбо кураши бўйича иккинчи ўринни эгаллаган. 1971—1972 йилларда “Тошкент оқшоми” газетаси соврини учун ўтказилган самбо кураши бўйича халқаро турнирлар ғолиби бўлган. 1974 йилда Урганч шаҳрида самбо кураши бўйича “Спартак” жамоасида қатнашиб, 74 кг вазнда биринчи ўринни эгаллаган. 1976 йилда Наманган шаҳрида ўтказилган курашда қатнашиб ғолиб бўлди. Горький шаҳрида Талалихин хотирасига бағишланган халқаро турнирда фахрли ўринлардан бирини эгаллади. 1978 йил Самарқанд шаҳрида ўтказилган самбо кураши бўйича Ўзбекистон биринчилигида биринчи ўринни олди. Устоз-шогирдлар даврасида чаққон, шерюрак полвон деган номга сазовор бўлди.

Полвонлик гурур, меҳнат, шижоаткорлик намунаси бўлиб, унга фақат машаққатли тинимсиз меҳнат натижасида эришиш мумкинлиги, бунинг учун эринмасдан машқлар ўтказиш, кураш майдонига чиққач, ўзи учун эмас, эл ори учун курашга чиқишни сезгандагина эришиш мумкинлигини фаҳмлаган кишигина мақсадга етади. Ўзбек полвонлари орасида ўзига хос ўринга эга бўлган Нортोजи полвон Бойматов 1953 йилда туғилган. Денов шаҳрида миллий кураш бўйича ўтказилган мусобақа ғолиби. 1979 йил Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган самбо кураши бўйича халқаро турнир ғолиби. 1978—1980 йилларда Ереван, Тольятти, Рига шаҳарларида бўлиб ўтган дзюдо ва самбо курашларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаган. 1992

йил Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темур хотирасига бағишланган миллий кураш фахрийлари беллашувида биринчи ўринни эгаллади. 1993 йилда Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича мусобақада 90 кг вазнда биринчи ўринни олди. Нортожи полвон ҳамиша устозларнинг тарбиясига таяниб, уларнинг кураш соҳасидаги тажрибалардан фойдаланиб, ёш полвонларга сидқидилдан намунавий устоз сифатида халқимиз олқишини олган полвондир.

Полвонлар шажарасидан бўлган Шайдулла полвон Пирназаров ўзбек миллий кураши усулларини яхши ўзлаштириб олган, курашларда бардошли полвон деган полвон номга сазовор бўлган полвондир. Шайдулла полвоннинг тоғалари бўлган Норали, Қоржов, Панжи полвонлар нафақат Ангор туманида, балки вилоятимизда кўзга кўринган, эл севган полвонлардан эди. Шайдулла полвон 17 ёшида Тошбой полвонни босиб, дастлабки ғалабага эришди. 1988 йил Жарқўрғон туманининг марказий ўйингоҳидаги курашда бош тобоқ унга насиб қилди. Тоҳир полвоннинг назарига тушган Шайдулла 20 йил давра айланиб, ғалабага эришиб, у зот учун эмас, ор-номус учун курашди. Зотларини қарияларга, кураш ихлосмандларига улашиб бериб, уларни хурсанд этишни хуш кўрди. Шайдулла полвон ўзбек миллий кураши бўйича ибратли мактабни яратиб, мустақиллик йилларида ўзи раҳнамолигида ўнлаб ёш полвонларни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келди.

Полвонли эл ботир эл деб халқимиз бежиз айтмаган. Полвони бор ботир элга душман бостириб келмаган, чунки полвон доимо ҳушёр, уйғоқ, тинимсиз кураш билан шуғулланиб ғафлатда қолмаган. Ўз элининг ҳурматиغا сазовор бўлган Алишер полвон Норбоев 1959 йилда туғилган. Миллий кураш бўйича спорт устаси, забардаст, жисмонан бақувват, эпчил, рақибга тез ҳамла қиладиган полвон деган ном олганлиги билан ажралиб турган. Ёшлигидан спортга ихлос қўйган Алишер полвон Жарқўрғон тумани марказидаги 2-мактабнинг 7-синфида ўқиб юрган вақтларидаёқ спорт билан шуғуллана бошлади. Миллий курашда “XX асрнинг буюк полвони” деб ном олган Тоҳир полвон Дурдиевни устози деб билди. У билан ўн бир йил давомида турли беллашувларда қатнашиб голибликка эришди. У жуда кўп ёш полвонларга устозлик қиლაётир. Жаҳон бўйича фахрийлар ўртасида ўтказилган кураш мусобақаси совриндори. “Соғлом

авлод учун” ордени соҳиби. Ёшларни полвонликка тайёрлаш, уларни баркамол, чаққон, довюрак, олишувларга йўлбарсдай бўлиб отилиб чиқишга бел ўргатган устоз. Шунинг учун ҳам ёш полвонлар ундан ўрнак олиб, мағрурланиб, менинг устозим деб барала айтади.

Мустақиллик йилларида ўзбек миллий курашини жаҳонга танитган, кураш соҳасида катта тажрибага эга, эл олқишини олган, забардаст, оғир вазнли курашлар устаси даражасига эришган Ўрол полвон 1958 йилнинг 20 май куни туғилган. Тинимсиз изланишлар, ўз кучига ишониш, жисмоний кучни бошқариш қобилиятига эга, устозлар назарига тушганлиги туфайли миллий ва самбо кураши бўйича спорт устаси бўлиб танилди. Паҳлавон Маҳмуд ва Ҳаким Термизий халқаро турнирларининг ғолиби бўлди.

Ўзбек халқининг сеvimли полвони, Сурхон полвонларининг мард-жасур йигити Тоҳир полвонни ҳар бир ўзбек хонадони ҳурмат билан эсга олади. Тоҳир полвон эл орини химоя қилган, бир сўзли, камтарин, қўрқмас полвон эди. Тоҳир полвоннинг шуҳратини бутун Ўзбекистон биларди, ундан фахрланарди. Ахир, ҳар бир халқнинг машҳур полвонлари юртнинг фахри бўлади-да. Тоҳир ҳам ана шундай полвонларимиздан бири эди. Тоҳир полвон XX асрнинг энг буюк полвони номини олган эди.

Ўз ватанига ҳурмат, ўзбекларга хос камтарлик, устозларга, шогирдларга меҳрибон, дилкаш Тоҳир полвон Жарқўрғон шаҳрида туғилиб, вояга етди. Мактабда ўқиб юрган пайтиданок кўзга кўринган полвонлар қаторидан жой олди. Вилоят ва республикада ўтказилиб турган миллий кураш ва самбо мусобақаларига қатнаша бошлади. Ўша йиллар кўп бор ўқувчи ва ишчи-ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда ғолиб бўлиб, вилоят ҳамда республика ғолиби деган номга сазовор бўлди.

Мактабни тугатиб, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга кирди. У ерда эса энг тажрибали самбочи мураббий Александр Истомин раҳбарлигида курашнинг янги-янги сирларини ўргана борди. Қобилиятли полвон тез орада етук спортчилар сафига қўшилди. Кейинчалик Ўзбекистоннинг мутлоқ чемпиони даражасига кўтарилди.

Тоҳир полвон 1978 йили ёшлар ўртасида собиқ Иттифоқ чемпиони, катта ёшли спортчилар орасида эса бир неча бор соvrиндор бўлди. Шу йили ўтказилган VIII собиқ Иттифоқ халқла-

ри спартакиадасининг кумуш медали соҳиби бўлди. Тоҳир миллий кураш, самбо, дзюдо бўйича 1978 йилдан то 1990 йилга қадар ўтказилган республика, халқаро мусобақаларда оғир вазнли гуруҳ полвонлари орасида доимо ғолиб чиққан эди. У ўндан ошиқ халқаро турнирларда қатнашиб, аксариятида ғолиб чиққан довруқли полвонлардан эди.

Айниқса, сурхондарёликлар Тоҳир полвоннинг воҳамиз тўйларида, катта байрамларда кураш тушганлигини кўп кўришган. Шундай курашлардан бирининг тафсилотига тўхталсак: Ўшанда Тоҳир полвон билан бойсунлик Жумақул полвон майдонга чиқишди. Ушбу учрашувни одамлар ҳали-ҳануз эслаб юришади. Қумкўрғон туманидаги Жалойир қишлоғида яшовчи Хушбоқ чўпоннинг тўйи эди. Бойсунтоғ билан Боботоғ оралиғидаги “полвонман”, дегани тўйга етиб келганди.

Кураш шу қадар қизгин бўлдики, даврада бир вақтнинг ўзида 4 — 5 жуфт полвон кураш тушдилар. Давра четида ўтирган оқсоқоллар: “Баччағар, Хушбоқбой тоза йиғинган экан, аямай мукофот беради-я”, дейишарди. Тўйнинг охирларида одатга кўра баковул: “О. полвонлар, мана, бош товоқнинг бир оти бор, иккинчи товоқ — хўкиз, учинчи — қўй, тўртинчисида сарка, бешинчисининг “меҳмон келдиси” бор, талабгор бўлса олаверсин, полвонман деган, ўзига ишонганинг ана энди даврага чиқда” деб бақириб эълон қилди. Бирпасда ҳамма “товоқлар” эғалик бўлди. Фақат бош совриннинг талабгори йўқ эди. Баковул яна бақириб полвон чақирди.

Бир оз ўтгач, бош товоққа Тоҳир полвон талабгор бўлиб чиқди. Унга Жумақул полвон ҳам талабгор бўлди. Тоҳирдек катта полвонни курашда енгиб ном чиқариш, эл оғзида кўп йиллар дoston бўлишни қандай полвон истамайди, дейсиз? Умуман, ҳар бир полвоннинг орзуси — энг машхур курашчи бўлиб етишиш. Энг кучли бўлиш учун эса унинг олдига тушадиган мард бўлмаслиги керак. Бу курашга ана шундай бир-биридан зўр икки паҳлавон даврага чиқишганди.

Хуллас, кураш бошланди. Қиш куни бўлишига қарамасдан, музлаб турган заминдан чанг кўтарилар, кураш борган сари шиддатли ва кескин тус ола борди. Улар ҳақиқий Сурхон полвонларига хос кураш санъатини намойиш қиларди.

Бир пайт осмондан гулдираб момақалдироқ ерга тушиб кетгандек бўлди. Жумақул полвон йиқилди. Одамлар энди Жума-

кул полвон Тоҳирнинг ёқасига ёпишса керак деб ўйлашганди (Тоҳирнинг ёқасига ёпишганлар ҳам бўлганди), лекин Жумакул полвон атрофига қарамасдан, тўғри ёнгинасидан оқиб турган Какайди канали томон тез-тез юрди ва желагини четга отиб тўлиб оқаётган каналга калла ташлади. Қиш чилласининг суви Жумакул танасининг ҳароратиданми, ё унинг кўйиб турган ала-миданми қайнаб кетгандек бўлди. Энди томошабинлар Тоҳир полвоннинг ғалабасига эмас, балки Жумакулнинг шижоатига тан бердилар. Унинг мағлубликни қалбига шунчаки сиғдира олмаслиги, “ўжар” ва “асов” иродасига қойил қолдилар. Дунёда инсоннинг енгилишни сира истамаслигини, мағлубият билан мутлақо келиша олмаслигини кўриб ҳаяжонга тушдилар.

Тоҳир полвон ана шундай курашларда ўзига хос мактаб яратган полвон эди. Афсуски, у 1994 йилда фожиали ҳалок бўлди. Аммо курашда, спортда ўзига ҳайкал қўйиб кетди.

Ўзбек халқи ўзининг миллий қаҳрамонларини ниҳоятда қадрлайди, ушбу қаҳрамонлар қайси соҳада бўлишидан қатъий назар, меҳнатдами, илмдами, жанг ёки кураш майдонидами, улар халқимиз ор-номуси, тинч турмуш тарзи, келажаги, орзу-умидларининг амалга ошиши учун ўз ҳаётларини фидо қилганлар. Ўзбек миллий курашининг бевосита иштирокчиси, миллий курашни ўз ҳаётининг ифтихори деб билган, устозлар даврасида кураш сирларини ўрганиб таниқли полвонга айланган Жума Тошпўлатов ўзбек халқининг камтарин, зукко, фидойи, ўз касбига садоқатли устозига айланди. Ёшлик йилларидан мукамал тарбияли, камтарин инсон сифатида камол топган оилада тарбия топган Жума полвон бобо аждодлари удумларига, кураш соҳасидаги тажрибаларига таяниб, миллий кураш сир-ас-рорларини мукамал ўрганиб, келажак сари дадил қадам ташлади. Устозлар ўғитига амал қилган шогирд оғир, шиддатли давр лаҳзаларига бардош бериб, кураш ва спорт илмини чуқур ўрганиб, Ўзбекистон спортининг жадал ривожига, Сурхон воҳасида кураш мактабларини қайта тиклаб, уни равнақ топтиришга бор куч-ғайратини сарфлади. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки давриданок. Сурхондарё вилояти спорт қўмитасини бошқарган вақтларида ўзбек миллий курашини тиклаш, уни жаҳонга танитиш ташаббускорларидан бирига айланди. Сурхон воҳасидаги машҳур полвонларни йиғиб, ўзларининг мактабларини ташкил этиш, ёш талантли полвонларни тарбиялаб

вояга етказиш, уларни миллий кураш руҳида тарбиялаш ишларига раҳнамолик қилди. Энг муҳими, ўзбек миллий кураши тарихига бағишлаб ўқув қўлланмалар, монографиялар, рисоалар, кураш усулларига бағишлаб ўнлаб назарий-амалий гоёларни яратиб, кураш услубиятига киритди. Курашнинг тарихий илмий илдизларига эътибор қаратиб, фан номзоди, профессор илмий даражаларига, унвонларига сазовор бўлди. Сурхондарё вилояти полвонларининг кўпчилиги Жума полвон Тошпўлатовни ўзларига устоз, миллий курашнинг билимдони деб ҳисоблайди. Вилоятимизда кураш мактабининг ташкил бўлишида катта хизматлари бор. Кўп йиллар давомида вилоят жисмоний тарбия ва спорт бўлимига раислик қилди. Спорт ва унинг Сурхон воҳасига хос миллий кураш соҳасини ривож топтириш, ёш авлодни баркамол, жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш, Ўзбекистон миллий курашини жаҳонга олиб чиқиш, миллий кураш соҳасидаги тушунчаларни, кураш жараёнида қўлланадиган бошқарув, курашчи амал қиладиган сўзларни фан оламига олиб киришда Жума Тошпўлатовнинг хизматлари таҳсинга сазовордир. Энг муҳими, Жума Тошпўлатов Термиз давлат университетининг жисмоний тарбия факультетида кафедра мудир, декан вазифасида ишлаган даврида ўзининг ҳақиқий педагоглиги, спортнинг жонкуяри, устоз, ўз касбининг билимдони, кураш соҳасида шогирдларга талабчан, тажрибали мураббий, ташкилотчи, ташаббускор раҳбарлиги билан ажралиб турди.

1978 йилда Тошкентдаги Низомий номидаги давлат педагогика институтида “Сурхондарё вилояти педагогик жамоалари ва спорт ташкилотларининг ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини такомиллаштириш ва унинг истиқболлари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. 2006 йилда “Шуҳрат” медали билан мукофотланган.

Миллий курашимизнинг жонкуяри Жума Тошпўлатов 1993–2014 йилларда ўтказилган Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича халқаро турнирлар бош ҳақами вазифасини олий даражада бажарди. Республика миллий кураш федерацияси у кишининг узоқ йиллик хизматларини инobatга олиб, 75 ёшга тўлиши муносабати билан миллий кураш бўйича халқаро турнир ташкил этди. Эл учун меҳнат қилган инсон ана шундай эъзозланади.

Халқимиз ўзининг мард, ҳалол, ўз касбига фидойи инсонла-

рини ҳамиша эъозлаб, қадр-қимматини улуғлаб, уларни ҳур-мат билан ўзбек миллий кураши соҳасида эришган ютуқларини оммалаштириб, амалга оширган меҳнатларини, кураш борасида эришган тажрибаларини ёшлар онгига сингдириб, хотираларини абадийлаштириб келмоқда. Ўзбек миллий курашининг етук устозларидан, ёш спортчиларнинг, воҳа полвонларининг сеvimли муррабийси, ташкилотчи ва ташаббускор инсон, Ўзбекистон спортининг жаҳонга танилишига муносиб ҳисса қўшган Уроқ Иброҳимов хотираси ҳамиша халқимиз қалбида. Ўзбек миллий курашининг жонкуяри Уроқ Иброҳимов ўқувчилигидан жуда тетик ва жисмонан бақувват бўлиб, у 8—9- синфларда ўқиб юрган чоғларидаёқ мактабни битириб кетган катта ёшдаги йигитлар билан курашар, кўп ҳолларда голиб келарди. Мактабда аъло баҳоларга ўқиди. Даврага чиқиб кураш санъатини кўрсатар эдики, унга ҳамма раҳмат айтар эди. Унинг жуда кўп илмий ишлари фақат Ўзбекистонда эмас, Москва, Санкт-Петербург, Берлин, Киев шаҳарларида ҳам чоп этилган. Фақат ўқувчилар эмас, дунёнинг кўпчилик олимлари ҳам унинг ижодига юқори баҳо беришган. Ўзбек миллий курашининг фахрийларидан бири самбо, дзюдо, эркин кураш устаси Уроқ Иброҳимов вилоятимизда курашни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшди.

Полвонлик сифатлари халқимизга аждодлардан мерос, асрлар оша полвонлар кураш шоҳсупаларига қадам қўйиш учун тинимсиз кураш олиб борганлар, ўз йигитлик шарафини ҳимоя қилиш учун халқ ва устозларга таъзим қилганлар. Ана шу синовлар, сермашаққат меҳнатлар эвазига полвонлик номини улуғлашга, эл ҳурматиغا сазовор бўлишга интилганлар. Ўзбек халқининг сеvimли полвони Шавкат Иброҳимов 1963 йил 21 ноябрда туғилиб, ёшлигидан меҳрини курашга бахшида этиб, устозлар мададига таяниб, таниқли полвон деган номга сазовор бўлди. 1981—1995 йилларда кураш йўлини босиб ўтиб, машақатли меҳнати эвазига 1989 йил вилоятимизнинг мутлоқ чемпиони бўлди. Ўзбекистон Республикаси спорт устаси унвонини олди. 1984 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилган миллий кураш бўйича мусобақада Ўзбекистон чемпиони бўлди. 1985 йил январь ойида Олмалиқ шаҳрида ўтказилган кураш мусобақасида машҳур полвон Комил Юсупов билан финалда учрашган. Ўзбекистон чемпиони номини иккинчи марта қўлга киритган.

Шавкат полвон 4 марта республикаимиз чемпиони бўлган.

Тожикистонлик Исо полвонни, Митулла полвонни йиқитган. Вилоятимизнинг донгдор полвонлари: Қодир полвон, Шайдулло полвон. Эшбой полвонларни тўйларда, курашларда йиқитиб, улар устидан галаба қозонган.

Халқимиз полвонларни бағри кенг қалъага ўхшатиб, ўзларини химоя қилувчи, кўриқчи, баҳодир жангчи сифатида тасаввур қиладилар. Шунинг учун ҳам ёв бостириб келганда жанг қилиб қон тўкишнинг олдини олиш, халқни душман ҳамласидан сақлаб қолишда ўз полвонларини душманга рўпара қилганлар. Агар халқ полвони душман полвонини курашда мағлубиятга учратса, душман урушмасдан, халққа зиён-заҳмат етказмай орқага қайтиб кетган. Полвонлик шунинг учун ҳам ор-номус белгиси, халқ учун жон фидо қилувчилик сифатида гавдалантирилган. Ўзбек миллий курашининг етук полвонларидан бири Баҳодир полвон Ҳасанов 1970 йилнинг 26 апрелида туғилган. Курашнинг самбо ва миллий кураш турлари бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси. Самбо кураши бўйича беш марта Ўзбекистон чемпиони. 1988 йилда собиқ СССР нинг ўсмирлар ўртасида самбо кураши бўйича чемпиони. Москва шаҳрида ўтказилган самбо кураши асосчиси Хардампиев хотирасига ўтказилган халқаро турнирнинг уч марта ғолиби.

Мустақиллик йилларида ўзбек спорти ҳар томонлама ривож топиб, ёш авлодга жисмоний бақувватликка эришиш учун ҳамма имкониятларни яратиб берди. Ўзбек миллий курашининг Сурхон воҳасида янада ривож топишида устоз-шоғирдларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, бир-бирларига содиқлиги, кураш сирларини эгаллашдаги тинимсиз меҳнатлари ўз самарасини берди. Устозлар илмида тобланган, камтарин, мунтазам кураш усулларини эгаллаб олган, жисмоний машқларда тобланган, кураш соҳасида устозга айланган Илҳом Даминов 1974 йилда туғилган. Ёш тажрибали Илҳом полвон ўзбек миллий курашининг устаси, ёш полвонлар мактабининг мураббийси бўлиб, халқаро тоифадиги спорт устаси, уч марта Ўзбекистон чемпиони, 1993 йил жаҳон биринчилигининг бронза медали соҳиби. Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича I, II, III халқаро турнирларда иккинчи ўринни эгаллаган полвон.

Устози — спорт устаси Рўзи Ўтаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, Сурхондарё вилояти терма жамоаси бош мураббийси.

Халқимизда полвонлик авлод-аждодда, қонда бўлади деган ҳикмат мавжуд. Бу ҳикмат узоқни кўрган, турли воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлган халқимизнинг ҳаёт тажрибасидан олинган. Ана шундай танти, зийрак, зукко, бироқ ўз кучига ишонадиган, кичик жуссали Сафар Қосимов гавдали полвонларни доғда қолдириб, халқимизнинг дуосига сазовор бўлди. Сафар полвон катта вазндаги полвонлардан тап тортмай курашга тушиб, кутилмаганда рақибини мағлубиятга учратар эди. Рақибининг ҳар бир хатосидан усталик билан фойдаланиб, катта ютуқларга эришарди. 1972 йилда спорт устаси бўлди. Икки марта жаҳон чемпиони бўлди. Мустақиллик йилларида ўзбек миллий курашининг ривож топишида, ёш полвонларнинг жисмонан тарбия топиши ҳамда кураш усуллари соҳасида янги қўлланмаларни яратишда фаоллик кўрсатиб келаётган устозлардан бирига айланди.

Халқ ор-номусини, миллий ғурурини, урф-одатларини улуғлаган полвон ҳамиша халқимиз назарида бўлиб, полвоннинг жасоратига, мардлигига тан берган эл ундан маънавий кучқудрат олади. Мустақиллик туфайли миллий курашда халқимиз қаҳрамонига айланган Тоштемир полвон Муҳаммадиев 1968 йил 1 майда Бойсун туманидаги Дуоба қишлоғида туғилган. Полвонлар ва чавоғонлар сулоласига мансуб Тоштемирнинг отаси Тўрабой Маҳаммадиев 1906 йилда туғилиб, қўнғирот уруғига оид хуросони уруғидан бўлиб, онаси Майсара Маҳаммадиева Тошбой қизи 1925 йилда туғилиб, чавандоз оиласида тарбия топиб, қатағон уруғидан. Ёш Тоштемир полвоннинг отаси ҳам, онаси ҳам полвон ва чавандоз оиласидан бўлганлиги туфайли, у ёшлигидан жисмоний бақувват бўлиб, миллий ўзбек кураши сирларни отаси ҳамда устозларидан ўрганиб борди. Аслида Тўрабойнинг оиласида тарбия топган 5 ўғил ва 4 қиз фарзандларнинг ҳаммаси ориятли, эл ору-номуси, ватан бахт-садоати учун курашувчи, келажак авлодларга муносиб устоз-шоғирд бўлиб тарбия топган. Оиланинг катта фарзанди Турдиполвон Тўрабоев 1948 йилда туғилган, Термиз педагогика институтини тугатиб, машҳур полвон бўлиб етишди ҳамда мамлакат миқёсида ўнлаб миллий кураш мусобақаларида иштирок этиб, спорт устаси даражасига қўтарилди. Иккинчи фарзанди Худойберди Маҳаммадиев 1958 йилда туғилган, спорт устаси, собиқ Иттифоқ миқёсидаги курашларда елкаси ерга тегмаган полвон бўлиб, миллий кураш соҳасида устоз-

шогирдлик мактабига асос солган эпчил, чаққон ва камтарин полвон деган номга сазовор бўлди. Мард, камтарин, комилликка эришиб эл дуосини олиб, юксакликка кўтарилаётган Худойберди полвон бевақт келган ўлим туфайли, 28 ёшида оламдан ўтди. Оиланинг учунчи фарзанди Шойимберди полвон Маҳаммадиев 1961 йилда туғилган. Машҳур полвон Шойимберди вазмин, ақл-идрокли, одобли комил инсон деб танилди. Жасур, камтарин, рақиб полвонни ҳурмат қиладиган Шойимберди спорт устаси даражасига эга бўлиб, миллий кураш анъаналарига содиқ бўлиб устозлар тарбиясида камол топди. Бироқ бевақт келган фожиали ўлим уни 40 ёшида ҳаётдан жудо қилди.

Фарзандлардан тўртинчиси Эгамберди хожи Муҳаммадиев 1964 йилда туғилган. Оила тарбиясидаги одоб-ҳикмат ва комиллик фарзандларни келгусида эл орига хизмат қиладиган, ватан келажаги ва равнақига муносиб ҳисса қўшадиган муҳитда тарбиялашга имконият яратди. Тўрабой ака оиласи ўзининг мукаммал ибратларга тўла самимийлиги билан мамлакатимиз мустақиллигига муносиб ҳисса қўшадиган оила сифатида комил, саховатли оилага айланди. Таниқли полвон Эгамберди оила ва ака-укалар даврасида ўткир зеҳнли, босиқ, жисмонан камол топган фарзанд сифатида ўсиб-улғайди. Энг муҳими, мустақиллик туфайли ўзбек миллий курашининг тикланиши, ривож топиши ҳамда жаҳон миқёсида танилишига муносиб ҳисса қўшди. 2000 йилда Ўзбекистон мустақиллиги берган имкониятлар туфайли Эгамберди полвон муҳтарам онаси Майсара момо билан хаж сафарига бориб келди. Ёшлигидан куч-ғайратга тўла, маънавий олами халқимиз донолиги ҳикматлари билан тарбия топган Тоштемир полвон 1975—1985 йилларда 31-сон мактабда таълим-тарбия олиб, ёшлигидан миллий кураш сирларини мукаммал ўрганиб, туман, вилоят спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, устозлар ва таниқли полвонлар назарига тушди. 1987—1988 йилларида Афғонистонда байналмилал жангчи бўлиб хизмат қилиб, тинчликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди. Армия хизматини тугатгач, 1990—1996 йилларда Самарқанд кишлоқхўжалик институтида ўқиб, етук малакали мутахассис бўлиб, талабалик йилларида ўзбек миллий курашининг равнақ топишига, унинг жаҳонга танилишига муносиб ҳисса қўшди. Жисмонан бақувват, етук полвонлик сирларини эгаллаб олган Тоштемир полвон собиқ Иттифоқ миқёсида самбо кураши бўйича Нукус шаҳрида 1991 йилда

Ўтказилган Ўрта Осиё республикалари талабалари ўртасида мусобақада қатнашиб, 90 кг вазн бўйича спорт устаси ва чемпион номига сазовор бўлди. 1991 йилда Қозоғистоннинг Целеноград шаҳрида дзю-до кураши бўйича ўтган спорт мусобақасида 90 кг вазн бўйича мутлоқ халқаро жаҳон чемпиони бўлди. Ўзбек миллий курашини жаҳонга танитишда мустақилликнинг дастлабки йилларидан устозлар тарбиясида камол топган Тоштемир полвон Ҳаким Термизий спорт мусобақасида 90 кг вазнда муносиб 3-ўринни эгаллади. Миллий курашнинг ривож топишида муносиб ҳисса қўшаётган ёш камтарин Тоштемир полвон 1993 йил Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган миллий курашда 90 кг вазнли тоифада 1-ўринни эгаллади. Устозлар тарбиясидаги ўғитлар, тинимсиз машғулотлар, миллий кураш аъналарига содиқлик туфайли 1995 йилда ўтказилган Ҳаким Термизий мусобақасида 100 кг вазн бўйича 1- мутлоқ чемпион унвонига сазовор бўлди. Ҳар икки йилда ўтказилаётган аънавий Ҳаким Термизий спорт мусобақасида 1997 йилда 100 кг вазн бўйича 2- ўринни эгаллаб, “Дамас” автомашинаси билан муносиб тақдирланди. 1999 йил апрелда бўлиб ўтган Ҳаким Термизий жаҳон чемпионатида мутлоқ чемпионлик унвонига эга бўлиб, ғолиб полвон Тоштемир Президент совғаси “Нексия” автомашинаси билан тақдирланди. 1999 йил май ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган 1- жаҳон чемпионатида ҳам мутлоқ ғолибликни қўлга киритиб, Президент соврини 10 минг АҚШ доллари ҳамда “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланди. Жаҳон чемпиони, Ўзбекистон миллий курашининг миллий ифтихори, ўзбек халқининг ор-номуси ва урф-одатлар, аъналарига ва қадриятларига содиқ Тоштемир полвон Муҳаммадиев тинимсиз тайёргарлик, миллий кураш соҳасидаги излашнилар, устозлардан олган сабоқларга таяниб, устозлар тарбияси, ўғитлари ҳамда жисмоний тарбия соҳасидаги усулларига мунтазам амал қилиб, аста-секинлик билан миллий кураш шоҳсупаларига чиқиб, камтаринлик, босиқлик билан ўзбек миллий курашини жаҳонга танитиб, машҳур полвон даражасига эришди.

Ўзбекистон спортининг ташкилотчиси, ўзбек миллий курашининг раҳнамоси, полвонларни ирода, матонатга чорловчи, уларнинг меҳнатини, кадр-қимматини улуғлаган, моддий-маънавий мадад бериб келаётган, ўзбек миллий курашини жаҳон спорт ареналарига олиб чиққан Юртбошимиз И.А.Каримовнинг назарига тушган Тоштемир полвон Муҳаммадиев устозлар ду-

осига сазовор, халқимизнинг одобли, камтарин, шогирдларга мурраббий бўлган, эл суйган полвонига айланди.

Дунёда Ўзбекистон спортини кенг тарғиб этишда, танитишда, тан олдиришда ўз куч-ғайратини сарфлаган жафокаш, камтарин, босиқ, мард, камгапли, миллий курашнинг гурурига айланган Абдулла Тангриев 1981 йил 28 мартда Бойсун туманининг Тиллакамар қишлоғида туғилган. Абдулла Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг фахри-гурури, ор-номусини қатъий ҳимоя қилган, жаҳон тан олган ҳалол олишган ва олишаётган полвон. Ўзбек миллий кураш анъаналарига содиқ, устоз полвонлар дусини олган, сабр-матонатли ўзбек ўғлони. Жаҳон спорт сахналарида Ўзбекистон байроғини баланд кутарган танти, комил инсондир. Полвонларга хос ўктамлик, гурур, рақибнинг кучини муносиб баҳолайдиган, чапдаст, чаққон, кутилмаганда кучли зарба берадиган полвондир. Абдулла полвон Тангриев 1998 — 2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент Ёнғин хавфсизлиги олий мактаби талабаси, 2001 — 2006 йилларда кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, 2002 — 2012 йилларда дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, 2002 — 2013 йилларда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент Ёнғин хавфсизлиги олий мактаби ўқитувчиси, 2013 — 2014 йилларда яккама-якка кураш бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби дзю-до бўлими мураббийси, 2014 йилдан дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган V Халқаро кураш турнири 2001 йилнинг 2—4 апрел кунлари Термиз шаҳрида бўлиб ўтди.

V Халқаро турнирға мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ҳамда Тожикистон, Қозоғистон, Арманистон, Туркманистон Республикаларидан, шунингдек, Бразилиядан ҳам катта полвонлар келишди. Бойсунлик машҳур полвон Абдулла Тангриевга Президент соврини насиб қилди.

Олтинчи турнир 2003 йилнинг 4—5 апрель кунлари Термиз шаҳрида ўтди. Халқаро турнирға жаҳоннинг 21 давлатидан кураш мутахассислари, 19 мамлакатдан полвонларнинг иштирок этиши унинг нуфузи ва муваффақиятини таъминлади. Абдулла Тангриев ушбу турнирда ҳам ғолиб бўлди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини тантанали ра-

вишда топширилди.

Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган анъанавий VII Халқаро кураш турнири 2005 йилнинг 22—24 апрел кунлари Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. Айтиш пайтда кураш ва белбоғли кураш бўйича фахрийлар ўртасида I Жаҳон чемпионати ҳам ўтказилдики, бу нарса турнирнинг яна бир эсда сақланиб қоладиган жиҳати ёки ёрқин қирраси эди. Бу сафарги турнир мусобақаларига ҳам дунёнинг чор тарафидан мутахассислар, сара полвонлар йиғилдилар. Эронлик Муҳаммад Ризо Носирӣ турнирнинг бош ҳаками бўлди. Айтиш лозимки, ҳакамлар таркибида эронлик Ҳасан Рошшаний, ҳиндистонлик Муҳаммад Ризо Минокадеш, жанубий корейлик Ким Эл Жунг, туркиялик Метин Озкан, исроиллик Питр Бен Розен, арманистонлик Сероб Андресянлар бор эди.

Турнир беллашувлари шиддатли ва муросасиз, айтиш пайтда чоғда ҳалоллик билан ўтди. Бу гал ҳам бойсунлик машҳур полвон Абдулла Тангриев турнирнинг мутлоқ ғолиби сифатида довруқ таратди.

Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий VIII халқаро турнир ва қизлар ўртасида Жаҳон чемпионати 2007 йил 13—14 апрель Термиз шаҳрида бўлиб ўтди, ушбу турнирда ҳам таниқли ўзбек полвони Абдулла Тангриев турнирнинг мутлоқ ғолиби бўлди.

Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий IX халқаро турнир Термиз шаҳрида 2009 йил 11—12 апрель кунлари бўлиб ўтди. Ушбу халқаро турнирда 24 та хорижий давлат ҳамда Республикаимизнинг барча вилоятларидан жами 151 нафар курашчилар иштирок этди, шундан 61 нафари хорижлик курашчиларни ташкил этди. Ўзбек миллий кураши анъаналарининг жаҳонга кенг танилишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Абдулла Тангриев турнирнинг мутлоқ ғолиби бўлиб, эл ҳурматига сазовор бўлди.

Катталар ўртасида VIII Жаҳон чемпионати ҳамда Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича анъанавий X халқаро турнир Термиз шаҳрида 2011 йил 21-23 октябр кунлари бўлиб ўтди. Мутлоқ ғолиблик учун курашган Абдулла Тангриев, япониялик пол-

вон Южи Ониши билан курашга тушди. Қизгин кечган баҳсда Абдулла устун келди ва олтинчи марта Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнирнинг мутлоқ ғолиби деб топилди. Мамлакатимизнинг яна бир полвони Бахтиёр Мелиқулов ва эронлик Хожан Рахнома бронза медаллари билан тақдирланди.

Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича аънанавий Х халқаро турнирнинг мутлоқ ғолиблари 1-ўрин Тангриев Абдулла (Ўзбекистон), 2-ўрин Ониши Южи (Япония), 3-ўрин Хожат Рахнома (Эрон), 3-ўрин Менглиқулов Бахтиёр (Ўзбекистон)га насиб этди. Улкан куч ва салоҳиятга эга Абдулла полвон ўзининг ўзбек миллий курашига қўшган муносиб ҳиссаси билан узоқ асрларга хос ҳурматни амалга ошириб халқимизнинг муносиб дуосига сазовор бўлди.

Халқимиз полвонларни эъзозлайди, ўзларининг куч-қудрати, файз-баракаси деб билади. Бойсунлик таниқли полвон, устоз деган улуғ номга сазовор бўлган Турди Тўрабоев 1948 йил 17 апрелда Бойсун тумани, “Бойсун” давлат хўжалигидаги Даштиғоз маҳалласида туғилган. Даштиғоздаги 28-сонли Тельман номли мактабда 1956—1966 йилларда таълим олиб, 1971 йилда Термиз давлат педагогика институтини тамомлаб, меҳнат фаолиятини 1971 йилда Бойсун туманидаги “Пахтакор” кўнгилли спорт жамиятига раис вазифасидан бошлади. Ёшлиқдан полвонлик ҳислатларига хос хусусиятлар билан тарбияланган Турди полвон устозлар тарбиясида вояга етиб, халқимиз назарига тушди. Ғолибликка интилган камтарин, комил, босиқ Турди полвон дастлабки ютуқни 1968 йил икки бора, яъни самбо ва эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлиб, эркин ва миллий кураш бўйича Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини ҳимоя қилиб, халқимиз миллий тўйларида олқиш-ҳурматга сазовор бўлди. 1969 йилда Ўзбекистон бўйича ўтказилган самбо курашида 2-ўрин соҳиби бўлди.

1969 йилда бўлиб ўтган эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпионатида муносиб 1-ўринни эгаллаб республиканинг мутлоқ ғолибига айланди. Собиқ СССР бўйича Минск шаҳрида 1975 йилда Самбо кураши бўйича ўтказилган курашда Турди полвон бронза медали ғолиби бўлиб, Ўзбекистон спортига янги ғалабаларни олиб келди. Халқимизнинг севимли полвони, таниқли миллий кураш устаси, жисмонан бақувват, тинимсиз машқлар

синовидан ўтган Турди полвон 1976 йилда Қарши шаҳрида ўтказилган кураш бўйича республика чемпионатида I-ўрини эгаллаб, мутлоқ голиблик шоҳсупасига кўтарилди. Ўзбек миллий курашини жаҳонга танитган, елкаси ерга тегмаган, доимо миллат ор-номуси учун курашда ҳалолликни ўзига виждон амри деб қабул қилган Турди полвон давлат ва жамоат ишларида ҳам муносиб иштирок қилди. У 1980—1986 йилларда Бойсун туман спорт жамияти раиси лавозимида, 1987—1990 йилларда ДОССАФ да ҳарбий инструктор лавозимида, 2000—2015 йилларда Бойсун туманидаги қурилиш-иқтисодиёт касб-хунар коллежида жисмоний-тарбия раҳбари вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Элимизнинг таниқли полвони, устоз-шоғирд мактабининг етук вакили, Ўзбек курашини ривож топтириш ва келажак ёшларни миллий туйғулар асосида тарбиялаш соҳасида комил устозга айланган Турди полвон Тўрабоев мамлакатимиз мустақиллиги ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келётган инсон сифатида қадрлидир.

Ўзбек миллий курашининг таниқли полвони, ёш полвонлар муррабийси Холмамат Даминов 1955 йил сентябрда Бойсун тумани Даштиғоз маҳалласида туғилган, 31-сонли мактабда 1961—1972 йилларда таълим-тарбия олиб ёшлигидан миллий кураш бўйича устозлар мураббийлигида мактаб ва туман миқёсидаги курашларда тобланди. 1973—1975 йилларда Карелия АССР да ҳарбий хизматда бўлиб, ҳарбий хизмат давомида ҳам ўзбек миллий курашининг шон-шухрати учун мунтазам шуғулланиб, таниқли полвон сифатида ҳурматга сазовор бўлди. 1980—1986 йилларда Бойсун туман спорт жамияти раиси лавозимда, 1987—1990 йилларда ДОССАФ да ҳарбий инструктор лавозимида фаолият кўрсатиб, Бойсунда миллий, самбо, эркин курашларнинг ривожига муносиб ҳисса қўшиб, ёшлардан иборат ибратли полвонлар мактабига асос солди. 2000—2015 йилларда Бойсун туманидаги қурилиш-иқтисодиёт касб-хунар коллежида жисмоний тарбия раҳбари вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Таниқли полвон Холмамат Даминов ўқиш ва ишлаш жараёнида мунтазам равишда спорт билан шуғулланиб, эркин, самбо ва миллий кураш турлари билан собиқ Иттифок, республика, вилоят миқёсидаги мусобақаларда фаол иштирок этиб, голиблик шоҳ супаларидан муносиб ўринларни эгаллади. Ўз касбига ҳурмат, жисмоний тайёргарлик, рақиб кучларини тан

олиш, устозлар кўрсатган кураш усулларидан фойдаланиш натижасида кетма-кет галабаларга эришиб борди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, 1976—1980 йилларда Тошкент давлат жисмоний маданият институтида таълим олган даврларда ўқиш билан биргаликда таълим олиш жараёнида, спорт мусобақаларига иштирок этиб, 1975—1976 йилларда 3 карра дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпиони ғолиблик шохсупасига чиқди. 1977 йил Минск шаҳрида ўтказилган, СССР биринчилигида бронза медали совриндори, 1978—1979 йилларда Курск, Краснодар, Арманистон, Грузия шаҳарларида дзюдо бўйича мусобақа совриндори бўлиб Ўзбекистон спортини ҳимоя қилиб, миллий кураш анъаналарига содиқ қолиб, шогирдлик ғоясига қатъий амал қилди. Собиқ Иттифоқ микёсида бўлиб ўтган мусобақаларда фаол иштирок қилиб, 1979 йил Қарағанда шаҳрида ўтказилган Ўрта Осиё республикаларининг спорт мусобақасида мутлоқ ғолиблика эришиб, 1979—1980 йилларда Олимпиада саралаш ўйинларида иштирок қилиб, Ўзбекистон спорти шухратини ҳимоя қилиб, қатор галабаларга эришди. Эл назарига тушган камтарин, саховатли, мағрур, пок курашларда ҳалолликка қатъий амал қилган Холмамат полвон Даминов ўз шогирдларига муносиб устоз, ўзбек миллий курашининг жонкуяри сифатида эл олдида ҳурматга эга.

Миллий урф-одатларга, қадриятларга хос ўзбек миллий кураши ўзининг жозибадорлиги, жўшқинлиги, мард-жасур йигитларни синовлардан ўтказиши билан асрлар оша ўз обрў-эътиборига эга бўлиб келмоқда. Ўзбек курашининг салоҳиятли полвони Фундаев Шоберди Турдалиевич 1958 йил 3 февралда Бойсун туманидаги Омонхона қишлоғида туғилган. Ёшлик даврида устозлар раҳбарлигида кураш сирларини мукамал ўрганиб олиб, ўқувчилик даврида машҳур полвон номига сазовор бўлди. Жисмоний чиниқиш ва полвонлик санъати сирларини эгаллаш билан бирга 1978—2015 йилларда Сурхон воҳаси спортига муносиб ҳисса қўшиб, от спорти бўйича Сурхондарё вилоятида бош тренер вазифасида фаолият кўрсатиб, юзлаб шогирдларни тайёрлаш ишларига раҳномалик қилиб келмоқда. Изланувчан полвон Шоберди кураш соҳасидаги олган тажрибалари, муррабийларнинг таълим-тарбиясига таянган ҳолда 1974—1984 йилларда 3 карра кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони, 1978 йил кураш бўйича Ўрта Осиё чемпионати мутлоқ ғолиби бўлиб, Ўзбекистонни спорт бўйича шон-шухратининг юксалишига

муносиб ҳисса қўшди. Курашлардаги синовлар, рақиблар кучига етарли баҳо бериш, янги миллий кураш усулларида кенг-роқ фойдаланиш натижасида 1984 йилда Тожикистон Республикасида бўлиб ўтган кураш мусобақасида мутлоқ ғолиб бўлиб, автомашина ва бошқа қимматбаҳо буюмлар билан тақдирланди. Шоберди полвон мард, кўрқмас, камтарин, босиқ, эл назарига тушган, ҳалол инсон сифатида ўзбек тўйларида ҳам кўплаб полвонларни мағлуб этди. 2004 йилда Бойсун баҳори халқаро фестивалида Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон республикалари ўртасида ўтказилган от спорти — қозоқ улоқ кўпкарасида бош совринни қўлга кири-тиб, халқимизнинг муносиб дуосига сазовор бўлди. Ёшларга ибрат, мураббийликка хос мардлик, кечиримлилик, ўғитлар, донолик бисотларига асосланган Шоберди полвоннинг бево-сита тарбияси, раҳбарлик маслаҳатлари туфайли ўғиллари Али-шер, Бахтиёр, шогирдлари Қорақулов Панжи, Ибрагимов Юсуф, Муҳаммадиев Шоди, Бекназаров Абдураим, Жумаев Жамшид, Юлдашев Нурсултон, Холмирзаев Соат кабилар эл полвони, машҳур чавандоз бўлиб етишдилар.

Полвон қадимдан эл даврасига чиқар экан, ўзининг кураш-да эгаллаган санъатини, усуллари намоиш этишга, кураш-ларни мард, ҳалол бажаришга, рақибга ҳурмат туйғуси билан қарашга, фирромлик, номардлик қилмасликка ўзини тоблаб борган. Тўю томошаларда миллий кураш давраларида пок, ҳалол олишувни бажариб, мард, шошқин, шамолдек учкур номи билан танилган Нормат полвон Сафабоев Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт институтини битирган. Дзюдо ва миллий кураш сирларини пухта ўрганган. Биринчи устози А.А.Истомин, Тоҳир полвон Дурдиев ва Қашқадарё вилоятдан Нормамат Йўлдошевлар ҳам унинг устозларидир. Бир неча мусобақалар ғолиби Чори Элбеков, Холиёр Қурбоналиев, Хур-шид полвон, Холиқ полвон Исматовлар каби шогирдлар тайёр-лаган. Республика тоифасидаги ҳакам, спорт устаси. Туман ва вилоятимизда ўтказилган кўпгина курашларда ҳакамлик қилиб келмоқда. Ўзбек миллий курашида орли, бир гапли, рақиб кучини тан олиш, ўз кучига ишониб кураш усуллари бажариш, фирромлик, номардликдан узоқ юрадиган полвон номини ол-ган Жумақул полвон Эшонқулов 1955 йилда туғилган. 1974 йилда Термиз жисмоний тарбия техникумини битирган. Самбо

кураши бўйича устози Қудрат Алимов қўлида тарбия топиб кураш усулларини мукаммал ўрганиб олган. 1979 йилда Қарши ҳамда 1982 йилда Бухоро шаҳарларида ўтказилган мусобақалар ғолиби, спорт устаси, Ўзбекистоннинг мутлоқ чемпиони.

Полвонлар ўз юртининг паҳлавонлари бўлиб, полвонлар элнинг марди-майдонлари, бахшилар сўзи билан айтганда, элнинг орини нордек кўтарадиган, олишда девдай кучга тўлган, юкни туядай кўтарадиган, рақиб полвоннинг кўзига мард бўлиб тик қарайдиганларга насиб айлаган. Ўзбек миллий курашининг таниқли полвони, кураш билмини пухта эгаллаб олган, устозлар дуосини олган Бахтиёр полвон Бегимқулов 1966 йилда туғилган. Миллий кураш бўйича спорт устаси. 1992 йилда Нукусда ўтказилган мусобақада ғолиб бўлиб қайтди. Ҳаким Термизий хотираси учун ўтказилган (1993, 1995, 1997 йилларда) мусобақаларда яхши натижаларга эришди. Амирқул полвон Турдиев, Бердимурод полвон (Лўкча) Маматмуродов, Хўжамберди Эгамбердиев, Шодмон полвон Эргашев, Жўра полвон Кўзиёв, Давлат полвон Бўриёв, Эркин полвон, Файзулла полвон Алимов, Қаҳрамон полвон Эломоновлар каби мард полвонлар давомчиси сифатида миллий курашимиз довуғини оламга ёйишда фидойилик кўрсатди. Ёшларнинг устозига айланган Бахтиёр полвон ҳамisha кураш соҳасида изланишда, кураш усуллари бўйича ёшлар мураббийси, ўз полвонлик мактабига эга, миллий курашимиз тарихини мукаммал биладиган полвон сифатида халқимиз хурматига сазовар.

Эпчил, чаққон, тез, кутилмаганда зарба бериш, рақибининг ҳаракатларини бир сония ҳам назардан четда қолдирмаслик, ғолиблик учун рақиб кутмаган лаҳзаларда зарба бериш, чил бериш жараёнида рақибга имониятлар бермаслик миллий ўзбек курашига хос ҳолатлар ҳисобланади. Зийрак, кутилмаганда зарба бериб, рақибини довдиратиб ташлайдиган полвон деб халқимиздан дуо олган Рўзи полвон Ўтаев 1951 йил Термиз туманидаги Янгиариқ қишлоғида туғилган. Рўзини биринчи бор кураш секциясига устози машҳур полвон Чори Бобониёзов етаклаб келган. Термиз давлат педагогика институтида миллий кураш ва самбо тўғарагининг раҳбари, катта полвон, спорт устаси Жума Тошпўлатов бироз иккиланиб шогирдликка олган: “Рўзидан полвон чиқармикан? Кўринишидан анча заифроқ йигитчага ўхшайди”.

Бироқ, Рўзи албатта катта полвон бўлиб кетади, деган ишонч билан уни шогирдликка олган. Устози янглишмаган экан. Рўзи Ўтаев чиндан элимизнинг энг катта полвонига айланди. Шун дай қилиб, педагогика институтидаги спорт мусобақаларига астойдил қатнашди, тинимсиз ва кунт билан машқ қилди. Натижада икки йил орасида ўзининг соғлигини ҳам, жисмоний жиҳатдан кудратини ҳам ошириб олди. Институтда беш йил ўқиган бўлса, Рўзи шунинг уч йилини узлуксиз мусобақаларда, турли беллашувларда ўзига хос ном чиқариб қатнашди. Вилоят, республика бўйича ўтказилган курашларда ғолиб бўлди, Институтни “Спорт устаси” деган даража сохиби бўлиб тугаллади.

Иқтидорли спортчи Рўзи Ўтаев олий даргоҳни битказгач, дзю-до билан ҳам жиддий шуғуллана бошлади. Унга бу борада спорт устаса Курбон Эргашев устозлик қилди. Ва спортнинг бу турида ҳам Рўзи жуда ёрқин натижаларни, ғалабаларни қўлга киритди.

1975 йили Москва шаҳрида дзю-до бўйича ўтказилган курашда собиқ Иттифоқ бўйича ўтказилган беллашувда Рўзи Ўтаев олтин медал сохиби бўлди. Шундай кейин у уч марта Ўзбекистон чемпиони бўлди.

Рўзи Ўтаев шу вақтгача 30 дан зиёд спорт усталарини тайёрлади. Жумладан, Баҳром Арзиев, Икром Мамадалиев, Махтумқули Махмудов, Улугбек Муқимов каби иқтидорли спортчилар Рўзи Ўтаевнинг шогирдларидир.

Ёшлиқдан бошлаб курашга ихлос, полвонлик сирларини эгаллашга нисбатан дадил қадам ташлаш ўз-ўзидан амалга ошадиган жараён эмас. Устозларнинг кураш соҳасида берган тарбиясига чин юракдан киришиб, уни эгаллаш натижасини тушунган йигитгина бунга эришиш мумкинлиги қадимдан полвонларга хос хусусиятдир. Ўзбек миллий кураши илмини мукаммал эгаллаб олган, халқимиз орасида чиниққан, ўз сўзи устидан чиқадиган, чидамли, босиқ полвон деган номни олган Эргаш полвон ҳам жуда эрта 10—11 ёшларидан бошлаб тўйларда кураш туша бошлаган. Унга Бобохон полвон ва Оқбой полвонлар устозлик қилишди, ўрта мактабни битиргунча анча-мунча номи чиқиб қолди. Эргаш полвон 1951 йилда Олтинсой туманида туғилди. 1971 йили ўрта мактабни тугатиб, 1972 йили ҳарбий хизматга кетди. У хизматда ҳам турли мусобақаларда қатнашиб, округлар бўйича биринчи ўринларни бир неча бор эгал-

лади. Ҳарбийдан “СССР спорт устаси” деган ном билан қайтди. 1973 йилда Эргаш полвон Ўзбекистон чемпиони бўлди ҳамда шу йили дзю-до кураши бўйича республика ғолиби деган номни қўлга киритди. Эргаш полвон курашга тушганда ўйнаб-ўйнаб тушар эди. Тўйларда у даврани қизитиб юборарди. Полвонлар борки, вақтни чўзиб, узоқ бир-бирига “ёпишиб” юради. Эргаш полвонда бундай одат йўқ эди. У мард бўлиб олишар эди, ғолибликни ҳам, мағлубиятни ҳам тан олар эди. Эргаш полвоннинг ғолиб бўлган курашларини айтаверсак, санаб саноғига етиш қийин. У ўтказилган мусобақаларда ғолиб бўлган ўринларни эслайверсак, охирига етолмаймиз. Ўнлаб республика Ўрта Осиё республикалари ва собиқ Иттифоқ мусобақаларида иштирок этган ва аксариятида ғалаба билан қайтганди.

Полвон деган шарафли номни оқлаш, эл олдида ҳалол, зукко, абжир, ўз орига эга деган номни шарафли ҳимоя қилиш, ўзбек миллий кураши усулларига ҳурмат билан қараш ҳар бир полвондан талаб қилинадиган масъулиятдир. Миллий курашда доимо эл олқишига сазовор бўлган, курашларда ор-номус учун курашган, кутилмаган зарбалар билан рақиб полвонларни доғда қолдирган Йўлдош полвон Денов туманида туғилиб-ўсди. Ўзига хос ном олгунча босиб ўтган йўли ҳақида полвон қисқача шундай дейди:

— Энг катта орзуимдан бири эл олдида полвон деган номни оқлаш эди. Уни оқладимми, йўқми, эл биледи. Лекин биз озми-кўпми, спортда эришган ютуқларимизни осонликча қўлга киритган эмасмиз, чунки мен, Тожи, Рашид ва Абдураим каби йигитлар мактабимизда ташкил этилган кураш мактабининг аъзолари бўлиб, тинимсиз машқлар, мағлубиятлар аламини ғалабага боғлаш учун мунтазам машғулотлар ўтказиб ғолибликка эришганмиз. Бизлар бир неча киши—тенгдош полвонлар мен, Тожи, Саидахмад кураш тўғарагига қатнаш эдик. Кураш сирларини ўрганишда ҳамқишлоғимиз машҳур полвон Ғаффоров ҳам бизга ўз маслаҳатларини бериб турарди. Мактабни тугатиб, Термиз давлат педагогика институтига ўқишга кирдик. Тинимсиз машқ ва ўз устимизда ишлашни бир кун ҳам тўхтатган эмасмиз.

Йўлдош полвоннинг камтарона бу гаплари ўн карра ҳақиқат. Тожи ҳам, Саидахмад ҳам, Йўлдош ҳам халқимиз эътиборини қаратган полвонлар бўлиб етишдилар Йўлдош икки марта мам-

лакат (собиқ СССР), уч марта миллий кураш ва самбо бўйича Ўзбекистон ғолиби бўлди. Бундай ютуқни қўлга киритиш ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди.

Миллий кураш усулларини, кураш сирларини полвонлар эл кўз ўнгида давраларда асос солган, қутилмаган кураш усулларини ёш полвонлар кураш жараёнида устозлардан ўрганиб олиш билан бирга, устозларидан сир сақлаб келган усулларни қийин вазиятда рақибга қарши ишлатишидан билиб олган. Бироқ устозлар навбатдаги янги кураш майдонида чиққанларида яна янги, ҳеч хаёлга келмаган усулларни амалга ошириб, доимо шогирдларни огоҳликка чақирганлар. Миллий курашда устозларнинг ана шу хислатларини мунтазам кузатиб, янги-янги кураш усулларини яратган Менглиқул полвон 1957 йил туғилган. Туман ва вилоят биринчиликларида миллий кураш ва самбо бўйича ғолибликни бир неча бор қўлга киритган спортчилардан. У 20 ёшга етганда вилоятда энг кўзга кўринган полвонлардан бирига айланди. 1977 йил Термиз давлат педагогика институтининг табиат факультети жисмоний тарбия бўлимига ўқишга кирди. Менглиқул биринчи босқич талабаси давридаёқ, вилоятда самбо кураши бўйича биринчи ўринни эгаллаб, вилоят терма жамоасига аъзо бўлди. Ва шу йили республика биринчилигига қатнашиб, фахрли ўринлардан бирини олди.

1976 йили Бухорода республика институтлариаро мусобақада биринчи ўринни эгаллаб, спорт устаси, деган номга сазовор бўлди. Ана шу тариқа Менглиқулнинг катта спортга кириб келиши бошланди. У қисқа бир-икки йил ичида машҳур бўлиб кетди. Республика ва собиқ Иттифоқ мусобақаларида иштирок этиб, ғолиблик шохсупасига чиқди.

1981 йили институтни тугаллаб, ўз қишлоғида ёшларга миллий кураш ва самбо бўйича устозлик қила бошлади. Тўйларда, байрамларда бир-биридан қизиқ курашга тушиб, мухлислар олқисини олди. У ўнлаб таниқли полвонларни етиштиришда ўзининг билим, малакасини аямади.

Полвонлик аждодлардан мерос қолган анъана, уни эплаб, кураш даврасига олиб чиқиш эса санъатдир. Кураш санъати эса ўз-ўзидан намоён бўлмайди, устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалайди деган халқ ҳикматига эътибор берилса, уни қўлга киритиб, эл полвони даражасига кўтариш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Шунинг учун ҳам халқимиз полвоннинг ку-

раш жараёнидаги ҳаракатларига баҳо бериб, устоз кўрган шогирд деб кўкларга кўтаради. Устоз кўрган, вазмин, босиқ, лекин ярқираб, кутилмаганда рақиб устидан ғалаба қозониб катта шохсупаларни эгалаган Карим Жўрақулов Шеробод туманида туғилган. Падари бузруквори Номоз ака ҳам курашга қизиқадиган, полвонсифат киши бўлган. Шу боисдан тўйу томошаларга ўғилларини жуда ёшлигидан олиб юрарди. Карим ҳам ўз тенги болалар билан олишар, кўпинча ғолиб бўларди. Одамлар “Шу боланинг полвон бўладиган чўти бор”, дейишарди. Йиллар ўтди. Карим ўрта мактабни тугатиб, Термиз давлат педагогика институтига ўқишга кирди ва самбо бўйича турли мусобақалар ғолиби бўлиб элга танилди.

1971 йил август ойида собиқ Иттифоқ ва бир қанча мамлакатларнинг эркин курашчилари ўртасида жаҳонга машҳур полвон Али Алиев хотирасига бағишлаб, Махачқалъа шаҳрида катта беллашув ўтказилди. Ана шу беллашувда Карим полвон совриндор бўлди ва спорт устаси унвонини олди.

Карим полвон миллий кураш бўйича бир неча бор республика чемпиони унвонини қўлга киритган. Вилоятимиздагина эмас, бошқа республикаларда машҳур полвонларни енгиб, мухлислар олқишини олган.

Полвонлар ҳамиша камтар бўлишади, агар манманликка берилса, кибр ила ўзига катта баҳо берса, мағлубият аламини тортади. Шу сабабли устозлар ўз шогирдларини тарбиялаш жараёнида манманликдан узоқ юриш, ўзига ортиқча баҳо бермаслик, кибр ҳамда мақтанишлардан йироқ бўлиш руҳида тарбиялаганлар. Доимо эл ва устозлар дуосини олиб, танти ва камтарин, содда, жуссаси тўла, самимий полвон деган номни олган Йўлдош полвон Норматов 1951 йилда Жарқўрғон туманидаги Минор қишлоғида туғилиб катта бўлди. Ёшлик чоғлари барча тенгдошлари сингари жонажон қишлоғида ўтди. Болалигиданоқ ўзининг тетиклиги, уддабуронлиги, зеҳни ўткирлиги ва кучлилиги билан ажралиб турарди.

Йўлдош полвоннинг бобоси Нормат бобо табиатан миллий спортимизни, санъат ва адабиётни севадиган одам эди. Шунинг учун бирорта тўйлардаги кураш томошаларини қолдирмас, невараси Йўлдошни ҳам ўзи билан бирга олиб юрарди. Бундан ташқари, Нормат бобо халқ дostonларини, қўшиқларини, ривоят ва эртакларни ниҳоятда кўп билар эдики, улардан

ҳам неварасига айтиб берар эди.

Ёш Йўлдош бобосининг сўйлайдиган ботирлар ҳақидаги афсоналарига ҳаваси ортар, ўзининг-да ботир, чаққон йигит бўлишини шундай хоҳлар эдики...

Йўлдош полвон 1970 йил Тошкент давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. У ерда машҳур спорт устаси Ҳамид Тошҳўжаев раҳбарлигида самбо кураши сирларини кунт билан ўрганди. Шу йилиёқ Чирчиқда самбо кураши бўйича республика биринчилигида иккинчи ўринни эгаллади. Ана шундай катта мусобақаларга Йўлдош полвон қатнаша борди. Ва аксариятида ғолибликни қўлга киритаверди. Айниқса, Йўлдош учун ҳам, халқимиз учун ҳам 1973 йил қувончли бўлди. Шу йили Йўлдош Тошкентда ўтказилган собиқ СССР республикаларидаги тиббиёт институтлари ўртасидаги учрашувда биринчи ўринни эгаллади. Унга “СССР спорт устаси” деган унвон берилди. Ана шундан кейин ҳам у бир неча бор республика ва собиқ Иттифок биринчиликларида ғолиб бўлиб, машҳур бўлиб кетди.

Полвони мард юртнинг нони ҳалол, лабзи пок, ҳурмати улуг, ўзбек кураши анъанларида доимо ана шу ҳақда эъзозланиб келган. Полвони кўп юртнинг пойдевори мустаҳкам бўлади, қўрғонни обод, боғи маҳкам бўлади деган халқ хикматиға амал қилган Йўлдош Сафаров Жарқўрғон туманидаги машҳур полвонлардан бири бўлиб халқ дуосини олди. У 1970—1980 йиллар ичида танилган машҳур полвонларимиздан бўлади. Йўлдош ана шу вақтда вилоятимиздаги эмас, балки Қашқадарё, Тожикистон, Туркменистоннинг қўшни вилоятларида ҳам донг таратди, мағлубият нималигини билмай, полвонларни доғда қолдириб, эл оғзида дoston бўлиб юрди.

Йўлдош полвон нафақат тўю томошаларда, балки вилоятимиз ва республика микёсида ўтказилган миллий кураш ва самбо мусобақаларининг ғолиби бўлиб, вилоятимиз шон-шарафини оширган мард паҳлавонларимиздан биридир. Бир неча марта Ўзбекистон ва собиқ СССР спорт устаси бўлди.

Йўлдош полвон ўрта мактабни тугатган йиллари, очиги, ҳамма тенгдошлари каби курашга тушарди. У ўз устида тинимсиз ишлади, машқ қилишдан эринмади ва бир-икки йил ичида энг машҳур полвон бўлиб етишди. Йўлдош полвон ҳозир спорт соҳасида ишламаса-да, доимо шогирдлар етказиш, ўлкамизда миллий курашни янада кенг ривожлантириш учун меҳр-оқибат

ва мурувватини аямайдиган инсонлардан биридир.

Ўзбек оиласи ўзлари асос солган касбига қараб фарзандларини, авлодларини тарбиялаб, авлод-аждодларнинг ўғитларига эътибор бериб, халқ манфаатлари йўлида хизмат қилишга камарбаста қилиб тарбиялашга эътибор бериб келган. Миллий курашни ўзларига аждодлардан қолган мерос деб билган ўзбеклар полвонлик желаги ва белбоғини йўқотмай, асрлар оша ўз хонадонининг рамзи деб сақлаб келганлар. Шу желак ва белбоғни ризқ-насиба, эл олдигаги ифтихор, оила тимсоли деган аждодларнинг анъаналарига содиқ бўлган Соат полвон Тўхтамишев ёшлигидан бобоси, машхур Абдужаббор (Таша) полвон тарбиясини олиб, полвонликни ўзига ор-номус деб қабул қилди.

Соат полвон ёшликдаги хотираларини шундай эслайди: Мени курашга жалб қилган киши Абдужаббор бобом устозим доимо ўзи билан бирга олиб юрарди. Менга бобом бир-биридан зўр бўлиб ўтган полвонлар, чавандозлар ҳақида ҳикоя қилиб берар, тўйларда кўярда-кўймай даврага чиқариб олиштирарди.

Шеробод туманининг Гиламбоб қишлоғида 1951 йил туғилиб ўсган Соат полвон кўнглига бобосининг ҳикоялари ва ўз кўзи билан кўрган полвонлар беллашувлари бир умр курашга қизиқишни солди. Натижада у мактабни битириш арафасига қадар дурустгина олишадиган полвонга айланди. Юракка тушган чўғ аланга олди. У мактабни битиргач, Термиз тиббиёт билим юртига ўқишга кирди. У ерда устозлари К.Эргашев ва Ш.Эрматовлар қўл остида эркин кураш билан шуғулланиб, бир йил ўтар-ўтмас вилоят бўйича ўтказилган беллашувда ғолиб бўлди, 1968 йили Бухоро шаҳрида ўтказилган Ўзбекистоннинг шахсий жамоа чемпионатида ҳам ғалаба қозонди. У Ўзбекистон терма жамоаси таркибида 1972 йили Красноярск ўлкасида эркин кураш бўйича ўтказилган собиқ СССР чемпионатида иштирок этиб, учинчи ўринни эгаллади.

Соат полвон бир неча марта Ўзбекистон чемпиони. 1969—1973 йилларда Тошкентдаги қишлоқ хўжалиги институтида ўқиб юрган чоғлари самбо ва миллий кураш бўйича ўтказилган беллашувларда кўп бор, ғолиб бўлди.

Сурхон полвонлари шуҳратининг улуғланишида Сухробов Авлиёкулнинг ҳам хизматлари беқиёс бўлиб, у 1930 йил 27 апрелда Бойсун туманидаги Дарбанд қишлоғида туғилган. 1937 йилда Бойсун тумани Дарбанд қишлоғидаги 9-сонли умумий

ўрта таълим мактаби 1-синфига ўқишга бориб, 1948 йилда мактабни тугатди. 1948—1951 йилларда Душанбе шаҳридаги ўқитувчиларни тайёрлаш курсини тамомлади. Тожикистонда ўқиб юрган талабалик йилларида ўзбек миллий курашини мукаммал ўрганиб олди, Душанбе шаҳар ва Тожикистон Республикаси мусобақаларида фаол иштирок этиб, республика чемпиони даражасига кўтарилди. Энг муҳими Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиб, енгилмас полвон деган юксак номга сазовор бўлди. 1951—1954 йилларда Бойсун туманидаги Дуоба қишлоғидаги 19-сонли умумий ўрта таълим мактабида ўқитувчи бўлиб ишлаб, 1954—1959 йилларда 8-сонли умумий ўрта таълим мактабида педагогик фаолиятини давом эттирди. Устозлик қилиш билан биргаликда, ёшларни жисмоний бақувват қилиб тарбиялаш, уларнинг миллий ўзбек курашига бўлган ҳавасларини ҳисобга олиб, ўз ташаббуси билан миллий кураш тўғарагини ташкил этиб, иқтидорли ўқувчиларни жалб этди. Бойсун ва Сурхон воҳасида бўладиган суннат тўйларида миллий кураш санъатини намойиш қилиб, доврикли, елкаси ерга тегмаган, чаққон полвон деган номга сазовор бўлди. Чўлни ўзлаштириш даври 1959—1962 йилларда “Янигобод” марказидаги Макаренко номли умумий ўрта таълим мактабида педагогик ҳамда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифаларида ишлади. Сурхон воҳасида Авлиёкул полвоннинг мард, жасур, пок, ҳалол олиши, рақибга ҳурмат тўғуси билан қараши туфайли унга ҳалол полвон деган ном кўйилди. Тажрибали, ташкилотчи фидойи инсон Сухробов Авлиёкул 1962—1991 йилларда Шеробод туманидаги 41-сонли умумий ўрта мактабда ўқитувчи ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари вазифаларида ишлаб, 1991 йил ўз касбидан ҳурмат-эътибор топиб нафақага чиқди. Сухробов Авлиёкул фарзандлари ва неварлари даврасида халқимиз эътиборидаги фазилатли комил инсон сифатида Музработ туманидаги Орият маҳалласида ибратли турмуш кечириб келмоқда.

Таниқли полвон, устоз-шоғирдлар назарида алоҳида ҳурматга сазовор бўлган Сафарбоев Нормат Бойсуннинг Дарбанд қишлоғида 1954 йил май ойида туғилган. Ёшлигидан полвонлик хислатлари билан эл назарига тушган. Ўқувчилик йилларидан Бойсун туманида ўтказилган мактаб спартакиадаларида фаол иштирок қилиб, ёш полвон сифатида танилиб, ўзбек миллий курашини тарғиб қилишда журъатли ёш иқтидорли полвон

бўлиб, устозлар назарига тушди. Гагарин (ҳозирги Музработ) райониغا кўчиб келгач, мактаб спартакиадаларида фаол иштирок этди, 1972 йилда район ДОСААФ кўмитаси томонидан ташкил қилинган миллий кураш мусобақасида иккинчи ўринни эгаллаб, меҳнати муносиб баҳоланди. Натижада тинимсиз изланишлар, устозлар ўғитига амал қилган Н.Сафарбоев Ўзбекистон Республикаси жисмоний маданият ва спорт кўмитаси томонидан ташкил қилинган самбо курашида 100 кг вазнли ёшлар ўртасидаги курашда 2-ўринни, 1974 йил 24—26 майдаги миллий кураш мусобақасида 93 кг вазн бўйича фаол иштирок этиб 3-ўринни эгаллади. Ёш, чаққон, алп қоматли полвон Н.Сафарбоев устозлар тарбиясига таяниб, полвонлик сирларини мукаммал ўрганиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари кўмитасининг “Буревестник” кўнгилли спорт жамияти томонидан ташкил қилинган дзю-до курашида фаол иштирок этиб, 93 кг вазнда 3-ўринли ғолиб деб топилди. Бу эса полвонлик сирларини янада чуқурроқ англаб етиши учун қўйилган мустаҳкам қадамлардан бири эди. Полвонлик усулларини тўлақонли ўрганиш мақсадида Н. Сафарбоев 1973 йилда Термиз педагогика институтининг жисмоний тарбия факультетига ўқишга кириб, уни 1978 йилда муваффақиятли тамомлади ва етук устозлар тарбиясида ўз полвонлик салоҳиятини мустаҳкамлаш учун тинимсиз изланишлар олиб борди. Талабалик йилларида тажрибали мурабийлар раҳбарлигида собиқ Иттифоқ ва республика мусобақаларида фаол иштирок қилди. 1975 йил 19 мартда собиқ СССР спорт устаси мақомига эга бўлди. Н.Сафарбоев доимо миллий кураш соҳасида изланишлар олиб бориб, халқимиз ор-номуси учун кураш давраларида тобланиб, кўрқмас, чаққон, эпчил полвон бўлиб етишди. Энг муҳими, устоз-шогирд аънаналарига содиқ қолиб ёш полвонлар мактабига асос солиб, юзлаб шогирдларни тарбиялаб вояга етказди ва севимли муррабий деган номга сазовор бўлди.

Ўзбек миллий курашининг ривож топишида алоҳида хизмат кўрсатган полвонлар ичида Жумакул полвон Эшонқуловнинг ҳам муносиб ўрни бор. Жумакул полвон 1955 йил 22 декабрда Бойсун туманидаги Дарбанд кишлоғида туғилган. Миллий кураш соҳасидаги қизиқиши унинг туғма қобилиятга эга эканлигидан билиниб, устозлари ёш полвонга алоҳида эътибор билан қарадилар. Ўқувчилик даврида мактаб спартакиадасига қатнашиб, Бой-

суннинг полвонлари устозлигида катта ғалабаларга эришди. Унинг ютуқлари жисмоний бақувватлик, миллий курашга бўлган ҳавас, устозларнинг ўғит ҳамда маслаҳатлари туфайли эди. 1972 йилда Дарбанд қишлоғидаги 2-сонли мактабни тугатгач, Термиз шаҳридаги жисмоний-тарбия техникумига ўқишга кириб, миллий кураш сирларини мукаммал ўрганишга жиддий киришди. Техникумда олган назарий ва амалий билимларини Тошкент, Бухоро, Москва, Самарқанд, Қашқадарёда бўлиб ўтган собиқ Иттифоқ спорт мусобақаларида намойиш этди. Суннат тўйларидаги олишларда ўз куч ва тажрибасини синаб кўриб эл полвонига айланиб, катта давраларда камтарин, чаққон, эпчил, тезкор олишлари билан халқимиз ҳурматига сазовор бўлди. 1975 йилда техникумни тугатди. Бойсун туманидаги Мунчоқ қишлоғида жисмоний тарбия ва спорт ўқитувчиси бўлиб иш бошлади. Устозлар тажрибасига таяниб ёш полвонларга миллий кураш сирларини ўргатиб, мактабда миллий кураш тўғарагини ташкил қилди. 1976—1977 йилларда армия сафида бўлиб, ҳарбий хизматдан қайтгач, 1977—1978 йилларда Бойсун туманидаги Чилонзор қишлоғида жисмоний тарбия ва спорт ўқитувчиси бўлиб ишлаб, қишлоқ ёшларига миллий кураш ҳамда самбо кураши бўйича устозлик қилди. 1979—1981 йилларда Дарбанд қишлоғида ўзи таълим олган 9-сонли мактабда ишлаб, вилоят ва республика миқёсидаги курашларда фаол иштирок этди ва ғолиблик ўринларини қўлга киритди. 1980-1981 йилларда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган спорт мусобақаларида ғолиблик даражасига эришиб, миллий кураш ғолиби деб топилди. Янги ерларни ўзлаштириш даврида янгидан очилган 44-сонли мактабга 1981 йилда ишга келиб, туманда миллий курашнинг шаклланиши, раванқ топишида раҳномалик қилиб, республикада Жумакул полвон деган номга эга бўлди. 1995 йилда Жумакул полвон маҳалла аҳлининг ташаббуси билан Музработ туманидаги “Халқобод” маҳалласига раис этиб сайланди. Маҳалла раислиги давомида ижтимоий-иқтисодий ва маданий тадбирлар билан бирга маҳаллада спорт ривожига, айниқса, миллий курашга ёшларни жалб қилиш ишларига ғамхўрлик қилиб, ёш полвонлар мактабига асос солди. 1998 йилда маҳалла раиси, маъсул котиби бўлиб ишлади. Таниқли полвон Ж.Эшонқулов ўзбек миллий курашининг таниқли полвони, босиқ, камтарин, рақибни ҳурмат қиладиган, орчун курашган полвон сифатида халқ унга ориятли, номусли пол-

вон деган хурматни муносиб кўрди.

Миллий кураш ҳалолликни, меҳр-оқибатни, тантилик, комиллик, камтарликни, энг муҳими, одоб-ахлоқни талаб қиладиган спорт туридир. Полвон бўламан деб кураш давраларига чиққанлар кўп, бироқ биринчи мағлубият аламини тортгач, бу бизга тўғри келмас экан деб, Аллоҳ берган маҳоратни, қобилиятни ишга солмасдан чекинганлар чексиз. Дастлабки ғалабалардан эсанкирамай, мағлубиятлардан хулоса чиқариб, яна-яна дадил, олдинга қараб интилган, янги усулларни кураш майдонида намоиш қилган Бозор полвон 10—12 яшар чоғиданоқ тилга туша бошлаган полвон йигитча эди. У 18 ёшга тўлганда Олтинсойда унинг олдига тушадиган бирор мард топилмай қолди. 1955 йили таваллуд топган Б. Ҳайитов Олтинсойда 10-синфда ўқиб юрган пайти туман биринчилиги бўйича ўтказилган беллашувда биринчи ўринни эгаллади.

1975 йили эса Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида ўтазилган беллашувда ҳам биринчи ўринни эгаллади. У 1978 йилдан бошлаб, ўзи яшаётган маҳаллада ўрта мактабда жисмоний тарбиядан ёшларга дарс берди. Бозор полвон вилоятимиздаги кўпгина баҳодирлар сингари ўзига хос ўринга эга бўлган курашчилардан бирига айланди.

Сурхон воҳаси полвонлари мактабларининг шаклланиши, ривож топиб, янги кураш авлодлари етишиб чиқишида шўрчилик полвонларнинг алоҳида ўрни бор. Чунки қадимдан бу ҳудуд мард, ҳалол, мағрур, арслондек шиддатли, йўлбарсдек бақувват полвонлари билан шуҳрат қозонган макондир. Аждодлар анъаналарига содиқ, миллий кураш усулларини мукаммал ўрганиб олган, давраларда тик қоматли, жуссали, абжир полвон номини олган Шодмон Валиев Шўрчи туманида туғилиб, вояга етган. Шодмон полвон қарийб умрининг тенг ярмидан кўпроғини кураш майдонида жасоратли олиш билан ўтказди. 10 ёшидан бошлаб уни одамлар полвон деб айтадиган бўлишди. Негаки, у туманда ҳам, вилоятда ҳам ўзи тенгларидан осонликча енгилмас эди. 22 ёшида нафакат вилоятда, балки бутун Ўзбекистонда вазни бўйича мутлоқ ғолибликка эришди.

1971 йили Тошкент шаҳрида ўтказилган республика биринчилигида Шодмон полвон ғолибликни қўлга киритди ва Ўзбекистон терма жамоасига аъзо бўлди. Бир йил ўтгач, Краснодарь шаҳрида ўтказилган собиқ СССР биринчилигида ишти-

рок этди. Ушбу учрашувда у фахрли 3-ўринни эгаллади. У 1973 йили Горький шаҳрида бўлиб ўтган собиқ Иттифоқ мусобақасида иштирок этиб, спорт устаси деган олий унвонни олишга эришди. У катта-катта полвонларни енгиб, обрў-эътибор қозongan. Шубҳасизки, ўзидаги бор малака, иқтидор, билимни вақт келибдики, ёшларга ўргатиш билан шуғулланмоқда, унинг сабоғини олган ўнлаб юртдошларимиз таниқли полвонлар бўлиб етишдилар. Эришган ютуқлари Шодмон полвоннинг номини ҳамиша баланд кўтариб туради.

Полвонлик бу шижоат, маҳорат чўққиси, тинимсиз меҳнат маҳсули, устозлар илми билан суғорилган курашлар усули, рақиб сирларини эгаллашга йўғрилган тажриба ва сабоқлар манбаи, оила, сеvimли ёр олдидаги жавобгарлик ҳис-туйғуларининг манбаидир. Ўзбек ўғлонлари кураш усулларини эгаллаш жараёнида ана шу фидойиликни ўз юракларига жо қилиб, мардлик ва қатъият билан ўз сўзи устидан чиқишга интилганлар. Юртига содиқ бўлиш, халқнинг кураш майдон ларида голиб полвони бўлишдек масъулиятни ўз зиммасига олган Илҳом Чори ўғли 1971 йилнинг 28 апрелида Музработ туманида туғилган. Тумандаги 27-сонли умумий ўрта таълим мактабини 1989 йили тугаллади. У шу йили тумандаги ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақада биринчи ўринни эгаллади.

Илҳом курашда ҳалол курашиб, ўзига яраша мухлислар ортирган умидли курашчилардан бири. У тўй-томошалардаги курашларда албатта даврага чиқади. Мағлуб бўлган кезлари бундан ўкиниб, турли баҳоналар тўқимайди. Йиқилганини тан олади. Аммо шу кундан бошлаб машқ қилишни, курашга тушишни янада оширади.

1988 йили у собиқ СССР спорт усталигига номзод бўлди. Ўзбекистонда ўсмирлар ўртасидаги бир неча мусобақаларда голибликка эришди.

1989 йили у Термиз давлат педагогика институтининг жисмоний тарбия бўлимига ўқишга кирди ва кураш сирларини ўрганиб, элимиз эътиборидаги полвонга айланди.

Ўзбек миллий курашининг яна бир фидойиси таниқли полвон Ўрол Тўраевдир. Тўраев Ўрал Тўхтаевич 1963 йил 10 октябрда Шўрчи туманида туғилган. 1988 йилда Самарқанд давлат университетининг биология бўлимини тугатган. 1995—2008 йилларда Қумқўрғон тумани Кетмон қишлоқ фуқаролари йиғини

раиси, 2008—2014 йилларда Исломобод маҳалласида раис бўлиб фаолият кўрсатган. Урол полвон Ҳаким Термизий хоти-расига бағишлаб ўтказилган I - халқаро турнир ғолибидир.

Ўзбек миллий курашининг умидли ёшларидан яна бири Са-мижон Убайдуллаевдир. Убайдуллаев Самижон Солижонович 1986 йил 1 майда Термиз туманида туғилган. 2007 йилда Тер-миз Олимпия захиралари коллежини тугатиб, устозлар раҳна-молигида миллий кураш сирларини мукамал ўзлаштириб бор-ди. Айниқса, мунтазам машқлар, сабр-матонат билан олиб борилган машғулотлар, миллий ўзбек кураши соҳасидаги та-лаб мезонларига итоат этиш натижасида Самижон полвон де-ган номга сазовор бўлди. Ёш изланувчан полвон Самижон 2007 йилдан Термиз болалар ва ўсмирлар спорт мактаби услубчиси бўлиб фаолият кўрсатиб, ўнлаб ёшларга устоз ва мураббий бўлиб эл олқишига сазовар бўлди.

Миллий курашимизнинг жаҳонга танилишида мустақиллиги-миз олий неъмат, куч-қудрат, ғайрат-шижоат, полвонлар орзу-умидларининг амалга ошишига йўлчи юдуз бўлди. Мустақил-лик йилларида ўзбек миллий кураши тикланди, анъаналарга хос кураш усуллари ҳақида ўзига хос поклик, ҳалоллик, мард-ликка чорловчи спорт анжуманлари, кураш мусобақалари таш-кил этилди. Ушбу амалга оширилган жараёнлар бир олам орзу-умидларга эга ёш талантли полвонларни кураш майдонларига чиқишига имконият яратди. Ўзбек миллий курашини Ҳаким Тер-мизий номи билан жаҳонга танилишида Махтумқули Маҳмудов-нинг хизматлари алоҳида таҳсинга сазовордир. 1969 йил 29 июлда Ангор туманида туғилган, миллати туркман, полвонлар авлодидан бўлган туғма полвонлик қобилиятига эга Махтумқу-ли 1990 йилларнинг энг ёш ва иқтидорли полвонларидан бири ҳисобланади. Махтумқули 1986 йили ўрта мактабни тамомлаб, ўқувчилик чоғидан тўйларда ўзи тенгилар ва ўзидан ёши катта полвонлар билан ҳам куч синашиб ғолиб чиқди. 1994 йил Тер-миз давлат университетининг автомобиль хўжалиги бўлимини тугатиб, 1993—2000 йилларда Сурхондарё вилояти касаба уюш-малари спорт жамияти мураббийси, 2001—2004 йилларда Ўзбе-кистон терма жамоаси бош мураббийси, 2004—2009 йилларда Термиз Олимпия захиралари коллежи мураббийи бўлиб иш-лади. Иш жараёнида ўзбек миллий курашининг ривожига му-носиб ҳисса қўшиб, жаҳонда таниқли ўзбек полвонларини тай-

ёрлаш, устоз-шогирдлик мактабига раҳбарлик қилди. 2014 йилдан Ангор тумани “Гавҳар Миржалол” фермер хўжалиги иш юритувчиси сифатида меҳнат фаолияти билан бирга ёшларни келажакда миллий ўзбек курашида улуғ ниятларни амалга оширишга мураббийлик қилиб келмоқда Махтумқули вилоят ва Ўзбекистон биринчиликларида ғолиб бўлиб, спорт устаси деган номга эришган.

Миллий курашга чин юракдан ихлос қўйган Махтумқули 1991 йил январиди бўлиб ўтган собиқ Иттифоқ талабалараро турнирида ҳам ғолиб бўлиб қайтди. Махтумқули Махмудов самбо бўйича 1993—1995 йилларда Термиз шаҳрида ўтказилган кураш мусобақалари бўйича халқаро турнирлар ғолиби. Ўзбек миллий кураши бўйича Тошкент шаҳрида ўтказилган биринчи жаҳон чемпионатида кумуш медал соҳиби, 2000 йилда Туркиянинг Анталия шаҳрида ўзбек миллий кураши бўйича ўтказилган иккинчи жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритган. Ўзбек миллий кураши камол топиб, жаҳон спорт ареналарида кураш тушунчаси қўлланилаётган бир вақтда, жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларида ўзбек кураши бўйича мусобақалар ташкил этиш, ўзбек полвонларига энди мамлакат ичидаги полвонлар бир-бирига рақиб бўлмай, балки чет эллик полвонларнинг рақиб бўлиши миллий курашимиз полвонларидан катта куч, маҳорат талаб қила бошлади. Шундай кучли эътиборли масъулият Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган курашларда кутилмаганда ўзбек кураши усуллари мукамал эгаллаб олган хорижлик полвонлар ўзбек полвонларини баъзи ҳолатларда жиддий уйлаб кўриб кураш майдонига чиқишга мажбур эта бошлади. Ана шундай масъулиятли даврда ватан, халқ обрў-эътибори, унинг миллий спорт шаънини ҳимоя қилишда Махтумқули мардлик, жасурлик намунасини кўрсатиб, 1999 йилги халқаро турнирда мутлоқ жаҳон чемпиони бўлди. Ўзбек миллий курашини жаҳонга юз тутиши ҳамда уни юксакликка олиб чиқишдаги хизматлари учун Махтумқули Махмудовга 2000 йилда “Ўзбекистон ифтихори” ордени тақдим қилинди. Полвон кураш соҳасида ота-бобоси ўғитларига содиқ қолиб, ўзининг миллий кураш мактабига асос солиб, баркамол авлодни тарбиялашдек шарафли ишга муносиб ҳисса қўшди.

Ўзбек миллий кураши мустақиллик йилларида ҳар томонлама ютуқларга эришиб, мамлакатимизда амалга оширилган дав-

лат дастурлари асосида ривож топиб келмоқда. Миллий кураш борасида баркамол ёш авлодни тарбиялаш, янги-янги полвонлар сулоласини тарбиялаб вояга етказиш учун мамлакатимизда ҳамма имкониятлар яратиб берилмоқда. Ёшлик, билим ва маҳоратни спортга, миллий кураш анъаналарига болаган, келажаги порлоқ, устозлар тарбиясида кураш усуллари ни мукаммал ўрганиб келаётган Икром Мамадалиев Термиз шаҳрида 1971 йилнинг 23 мартида туғилган. Ўрта мактабни шаҳардаги 13-таълим ўчоғида тамомлади. У ўқувчилик чоғидан курашчи бўлишга бел боғлади. Ана шу йўлда майдонга чиқиб, полвон деган номни олди.

У Термиздаги “Алпомиш” ўйингоҳида самбо бўлимига қатнашди. Дастлаб секцияга келиб, ҳар куни машқ қилишдан эрингандай бўлди. Аммо унинг биринчи устози Абдусалим Абдуллаев спортга қизиқишини оширди. Бунинг учун ўзининг билимини, ҳунарини, меҳрини аямади. Икром машқ қилмаса туролмайдиган бўлиб қолди. Шунинг натижаси ўлароқ, 1986 йили у Ўзбекистон спорт усталигига номзод бўлди. У кетма-кет муваффақиятларни қўлга кирита бошлади ва эл таниган полвонга айланди.

Олтинсойлик Тўйчи полвон Ҳасанов ҳақида сўз юритишса, жисмоний тарбия ва спортнинг ҳақиқий жонкуяри деб таърифлашади. Тўйчи полвон 1946 йилда сўлим Олтинсойнинг Қорлик қишлоғида туғилган. 1978 йилда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини тамомлаган. 1968 йилда ва 1973 йилда кураш мусобақаси бўйича ўтказилган вилоят биринчиликларида ғолиб деб топилган.

1971 йилда Тошкент шаҳрида самбо кураши бўйича ўтган Ўзбекистон чемпионатида 1-ўринни эгаллаган. 1972 йилда Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган кураш бўйича Ўзбекистон биринчилигида ғолиб бўлган. Таъбир жоиз бўлса, кураги ерга тегмаган полвонлардан саналади. Тўйчи полвон Ҳасанов вилоятимизда спортнинг ривожига муносиб улуш қўшган мураббийлардан. У 1978 йилдан Олтинсой туман халқ таълимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббий, 1990—2012 йилларда эса ушбу мактабда директор вазифасида ишлади ва шу даврда кўплаб шогирдларни тарбиялаб, вояга етказиб, элимиз олқишига сазовор бўлди.

Бойсунлик Давлат полвон Чориев ҳам Алпомиш келбат пол-

вонлардан саналади. Давлат полвон Чориев 1977 йил 22 майда Бойсун туманида туғилган. Давлат полвон ёшлигидан жуссали, зуваласи пишиқ бўлиб ўсди. Спорт ва миллий курашимизга бўлган чексиз иштиёқ полвонни Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига етаклади. Давлат полвон ҳали талабалигидаёқ, яъни 2005 йилда кураш бўйича жаҳон чемпиони бўлди. 2006 йилда Ўзбекистон жисмоний тарбия институтини тугатиб, 2007 йилда Амир Темур хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнирда Президент совринини қўлга киритди. Давлат Чориев кураш бўйича уч марта жаҳон чемпиони, 2000—2010 йилларда кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси бўлди. Давлат полвон халқаро тоифадаги спорт устаси ҳамдир.

Воҳада Маҳмудовлар хонадони тўғрисида гап кетганда ҳақиқий кураш шинавандалари ва миллий курашимиз фидойилари деб таъриф беришади. Чунки оиланинг етакчиси Худойберди Маҳмудов миллий курашимизнинг чинакам фидойиси, шу боисдан ҳам бу оиладан бир неча чемпионлар етишиб чиққанлиги бежиз эмас. Худойберди Маҳмудовнинг ўғли Равшанбек 1979 йил 15 сентябрда Ангор туманида туғилган, элимиз суйган полвонлардан саналади. Равшанбек ҳам акасининг йўлидан бориб, миллий курашимиз равнақига муносиб ҳисса қўшган полвонларимиздан саналади. 2002 йилда Термиз давлат университетининг иқтисодиёт бўлимини тугатган, ёш иқтидорли полвонлар сафидан муносиб ўрин олиб, мураббийлар таълим-тарбиясида ғолиблик шоҳсупаларига кўтарилиб борди. 2003—2004 йилларда йигитлик бурчини бажариб ҳарбий хизматни тугатиб, 2004—2007 йилларда Сурхондарё вилояти қасаба уюшмалари спорт жамияти мураббийси бўлиб ишлади. Ўзбек миллий кураши ривожига муносиб ҳисса қўшиш билан биргаликда, 2007 йилдан Ангор тумани “Гавҳар Миржалол” фермер хўжалигида иш бошқарувчи бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда. Равшанбек Маҳмудов 2007 йилда Мўғулистоннинг Улан-Батор шаҳрида кураш бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлди. 2006 йилда Доҳа шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида совриндорлар қаторига кирди. 2007 йилда халқаро тоифадаги спорт устаси унвонини олди. 2008 йилда эса Туркиянинг Истамбул шаҳрида кураш бўйича ўтказилган халқаро турнирда ғолиб бўлди.

Воҳамизнинг кучли, жасур, таниқли, камтарин полвони Эра-

ли Маҳмарасулов 1971 йил 5 январда Денов туманда туғилган, ёшлигидан спортга, хусусан, миллий курашга алоҳида бир меҳр билан устозлар ва отаси тарбиясида ўсди.

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талаба давридан Эрали полвон самбо кураши бўйича бир неча бор Ўзбекистон чемпионатларида ғолиб бўлди. 1992 йилда Белоруссиянинг Минск шаҳрида самбо кураши бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида катталар ўртасида 2-ўринни эгаллади. 1997 йилда Ҳаким Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнирда ғолиб бўлиб, 1999 йилда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган. Жисмоний тарбия соҳасида 1998—2004 йилларда касаба уюшмалари спорт жамиятида мураббийлик қилди. 2005 йилдан Денов туманида яқка тартибдаги тадбиркор сифатида мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Эрали полвон мард, қўркмас, рақибнинг кучини тўғри баҳолайдиган, орлиномусли, ўз кучига ишонадиган полвон сифатида эл ҳурматиغا сазовор бўлди.

Ўзбек миллий курашининг жаҳонда танилишига муносиб ҳисса қўшган, Сурхон воҳаси шуҳратини юксакликка олиб чиққан паҳлавонлардан жарқўргонлик Рустам Иргашевдир. Рустам полвон 1970 йил 1 январда Сурхондарё вилояти Жарқўргон туманида туғилган. 1987 йилдан бошлаб халқаро мусобақаларга қатнаша бошлаган.

Кучли полвонга айланган Рустам Иргашев машҳур ўзбек полвонининг ўғлидир. Рустам 8-синфни битиргач, Тошкентдаги махсус кураш мактабида таҳсил олиб, кейин Ўзбекистон давлат физкультура ва спорт институтида ўқиди. Талабалик давридан Рустам ўзбек миллий кураш турлари — миллий кураш, дзю-до ва самбо билан шуғулланиб, ҳаммасида баббаравар мусобақаларда қатнашиб, ўзбек миллий курашида Сурхон воҳаси йўналишини танлади.

Рустам полвон Иргашев 1987 йилда Боку шаҳрида ҳамда Украинанинг Харьков шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақаларда қатнашган. 1988 йилда собиқ Иттифоқнинг Молдава Республикасида биринчи ўринни олган ва собиқ СССР спорт устаси бўлган. 1990 йил самбо бўйича Термиз шаҳрида ўтказилган мусобақада 100 кг вазн бўйича Ўзбекистон биринчилигини олган. 1991 йилда Тошкент давлат жисмоний тарбия институти

тига ўқишга кириб, шу институтни 1994 йилда битирган. 1991 йил Финландиянинг Хельсинки шаҳрида ўтказилган мусобақада дзюдо бўйича фахрли учинчи ўринни олган. Шу йили Эрон давлатининг Машҳад шаҳрида дзю-до бўйича ўтказилган халқаро мусобақада фахрли 1-ўринни эгаллаган. 1992 йилда Италия давлатининг Милан шаҳрида дзю-до бўйича халқаро мусобақада фахрли 1-ўринни ҳамда узоқ мамлакатдан келгани сабабли Ката кубогини беришган. 1993 йил юртимизнинг Бухоро шаҳрида ўтказилган Баҳоуддин Нақшбанд хотира турнирида фахрли 2-ўринни, Ҳаким Термизий хотира турнирида 2-ўринни, Амир Темур хотира турнирида эса фахрли 2-ўринни эгаллаган. 1993 йил Канада давлатининг Хамелтон шаҳрида дзюдо бўйича жаҳон чемпионатига қатнашиб, яхши натижаларга эришган. 1994 йилда Малайзияда ўтказилган халқаро турнирда фахрли 3-ўринни, Рига шаҳрида ўтказилган жаҳон универсиада мусобақасида фахрли 1-ўринни эгаллаган. 1994 йилнинг октябрь ойида Япония давлатининг Хиросима шаҳрида Осиё ўйинларининг очилиш маросимида юртимиз байроғини юқори кўтариб ўтган. 1993 йил Ҳаким Термизий бобомизнинг хотира турнирида юртбошимизнинг олий соврини бўлган “ГАЗ-31” автомашинаси совриндори бўлган. Шу йили Ҳиндистонда ўтказилган Осиё биринчилиги мусобақаларида қатнашиб, фахрли ўринни эгаллаган. 1996 йилда Республика Кураш федерацияси аъзолари таркибида Америка давлатида бўлиб ўтган Олимпиада мусобақаларида иштирок этган.

Рустам Ўзбек миллий курашини ёшлигидан бошлаб, унинг катта кураш майдониغا чиқиб, тез орада қатор спартакиадаларнинг совриндори, ёшлар ўртасида собиқ Иттифоқ чемпиони, миллий кураш, дзюдо, самбо бўйича 7 марта Ўзбекистон Республикаси чемпиони унвонларига сазовор бўлди. Рустам 5 та халқаро учрашувларда ҳам қатнашиб, учтасида ғолиб чиқди, жумладан, Эронда 1991 йил куз ойларида ўтказилган японча дзюдо кураш турнирининг мутлоқ ғолиби бўлиб қайтди. Аввал оғир вазнлар бўйича полвонлар беллашиб, Рустам унда ўз вазни бўйича биринчи бўлди. Эртаси мутлоқ ғолиблик учун беллашув бошланди. Бу мусобақаларда ҳам икки рақибдан устун келган Рустам эронлик Нодиршо исмли полвон билан финал беллашувига чиқди. Рустамнинг оғирлиги 100 килограмм бўлса, рақиб Нодиршонинг вазни 134 килограмм эканлиги

ҳақида ҳакам ахборот берди.

15 минг томошабин сиғадиган спорт майдони одамлар билан зич эди. Ҳакамлар полвонларни гиламга таклиф қилди. Кураш бошланди. Уч марта ушлашиб, кураш тушишгач, ҳакам гиламдан чиқиб кетгани учун Рустам полвонга танбех берди. Шунда Рустамнинг устози Юрий Самсонович Ким: “Хужум қил, бўлма-са, битта танбех билан мағлуб бўлиб чиқиб кетаверасан, ҳар қандай ҳолатда уни енгишга ҳаракат қил”, дея қаттиқроқ “буйрук” бериб қўйди. Шу гапдан кейин Рустам устозига ялт этиб қаради-ю, девкелбат эрон полвонини елкасидан ошириб юборди. Бирдан ҳакам ҳуштак чалди. Лекин эронлик полвон ўрнидан сира турмасди. Фақат ҳакам унинг чаккаларига ургандан кейингина кўзини очиб, бироздан сўнг ўрнидан турди. Шундай қилиб, Рустам халқаро турнирнинг мутлоқ ғолиби бўлиб уйга қайтди.

Кураш йўли — оғир йўл. Уни ярим йўлда ташлаб кетадиганлар кўп. Машаққатлардан кўркмайдиган, чўчимайдиган полвонларгина ҳақиқий курашчилар бўлиб, эл оғзига тушадилар. Рустам полвон ҳам ҳаётнинг майда-чуйда ташвишларидан кўркмай, қийинчиликларга бардоши етадиган мард йигитлардан. Чунки Жарқўрғон азал-азалдан номдор полвонлар юрти бўлган. Рустам полвон эса ўша ўзани узун дарёнинг шиддатбахш ирмоғидир. Қувончлиси шундаки, у эгарлаган дулдул дунё бўйлаб кезмоқда. Рустам кучлилар сафида Финляндия, Италия, Ироқ мамлакатларида бўлди.

Рустам 1991 йил декабрида Машҳад шаҳрида кураш мусобақасида иштирок этди. Спорт майдонидаги гиламнинг чор-атрофи мухлислар билан тўла. Улар ғолибни билиш ниятида келишган. Кураш майдонига биринчи бўлиб Рустам полвон чақирилди. У шахдам қадам ташлаб келар экан, мухлислар олқишидан хайратга тушди. Буни қаранг, етти ёт бегона кишилар: “Рустам пахлавон”, “Рустам замон” дея ҳайқиришарди. Чақириқлар, олқишлар Рустамнинг эронлик Ҳасан полвон забтини енгишида дадиллантириб турди. У ўзга майдонни ўз уйидай ҳис эта бошлади. Бу эса омад келтирди. Радио карнайдан форс тилида: “Ўзбекистонлик Рустам Эргашев халқаро мусобақа ғолиби”, деб эълон қилинган, ҳакам совриндор қўлини баланд кўтарди.

Рустам полвон Шахрисабзда буюк соҳибқирон Амир Темур, Термизда бобокалонимиз Ҳаким Термизий, Бухоройи шарифда эса ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд хотирасига бағишланган Респуб-

лика ва ҳалқаро беллашувлар иштирокчиси бўлди. Айниқса, Термиздаги учрашув унинг хотирасида унутилмас из қолдирди.

“Алпомиш” ўйингоҳи мухлислар билан лиқ тўла. Баҳор кўешининг тафти анча юқори. Рустам полвон кучли ўнликка кирган қумқўргонлик Ўрол Тўраев билан беллашди. Бу баҳсда Рустам полвон умумий устунликка эришиб, мусобақанинг ғолиби бўлди. Мутлоқ чемпионлик учун бор-йўғи ўн дақиқа вақт берилди. Ҳамманинг нигоҳи майдонда. Ғолиб кўрсатилди. Икки полвоннинг бири Республика Президенти ажратган миллион сўмлик соврин билан тақдирланди.

Турдалиев Ҳайит Жарқўргон тумани А.Навоий жамоа хўжалигидаги Намуна қишлоғида 1935 йилда туғилган. Ёшлигидан миллий курашга қизиқиб, етук полвон бўлиш орзусида тинимсиз спорт билан шуғулланди. Мактабда 10-синфда ўқиётганда таниқли полвон сифатида миллий кураш сирларини ўрганиб, етук полвонлар билан кураш майдонида беллашди. 1960 йилларда таниқли полвон сифатида эл назарига тушиб, машҳур полвонлар Турон, Эргаш, Раҳмон каби полвонлар билан курашиб, кетма-кет ғалабага эришди. 30 йил давомида туман спорт қўмитасига раис бўлган. Юнон-рум ва кураш бўйича Москвада ўтган мусобақада совриндор бўлган, тўйларда довруқ тартган полвон.

Холиёр полвон Элмуродов миллий кураш ва самбо бўйича 6 марта Ўзбекистон чемпиони бўлган. Жарқўргон туманидаги “Сурхон” давлат хўжалигида 1951 йили туғилиб, вояга етди. Ўрта мактабни битиргач, Самарқанд давлат қишлоқ хўжалиги олийгоҳида ўқиди. У ерда республикамизда машҳур спорт устаси Риза Амирович Фозиловдан кураш сирларини ўрганди. Холиёр ёшлигидан яхши полвон бўлишни орзу қилар эди.

1976 йили миллий кураш ва самбо бўйича ўтказилган беллашувларда ғолиб бўлди ва СССР спорт устаси, деган ном олди. Қисқаси, 1970—1980 йиллар орасида сурхондарёлик полвонларнинг олдинги сафида юрган полвонлардан биридир. Унинг эришган ютуқларини атайлаб санаб ўтирмадик. Чунки Холиёр полвон қандай курашчи бўлганлигини ҳалиям халқимиз фахрланиб, эслаб юришади.

Ўрол Қурбонов, 1952 йил Соқчи қишлоғида туғилган, миллий кураш ва самбо устаси, 1972 йилда республика чемпиони бўлган.

Ҳасан полвон Рўзиев 1938 йил 2 июлда Оққўрғон қишлоғида туғилган, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркменистон чемпиони бўлган, тўйларда бош товоқ олиб юрган полвонлардан бўлган. Ўзбек кураши фахрийси.

Ўткир полвон Қурбонов 1983 йил 3 февралда Жарқўрғон туманидаги Соқчи маҳалласида туғилди. Ў. Қурбонов жисмоний тарбия фани ўқитувчиси устози Йўлдош Бекмирзаевдан самбо, эркин ва миллий кураш, дзюдо машғулотларининг сир-асрорларини ўрганиб, устози туфайли элга танилди. 1997 йил 15 сентябрда Ў.Қурбонов Самарқанд вилоятида ўтказилган республика мусобақасида биринчи ўринни қўлга киритиб, 1997 йилнинг ноябр ойида Бухоро вилояти Қоракўл туманида бўлиб ўтган республика биринчилигида 66 килограмми вазнлар ўртасида Республика чемпиони бўлди. 1998 йил Ҳиндистонда Бутунжаҳон ёшлар ўртасида ўтказилган дзюдо мусобақасида “Қирол кубоги” соҳиби ҳамда шу йили Новосибирск (Россия) да ўтказилган Иван Поддубний хотира турнирида бош совринни қўлга киритди. 1999 йил Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган “А” классик халқаро мусобақасида икки марта иштирок этиб, олтин медалга сазовор бўлди. 2000 йил Вьетнам Республикасининг Ханой шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада 3-ўринни, 2001 йил Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида халқаро ёшлар ўртасида 2-ўринни, 2002 йил Япониядаги халқаро дзюдо курашида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, олтин медал соҳиби бўлди. Қозоғистоннинг Остона шаҳрида Президент Н.Назарбоев соврини учун бўлган мусобақада икки марта голибликни қўлга киритди. Ёш таниқли полвон, кучли курашда чиқиққан Ҳ.Қурбонов ўзбек миллий курашида Самарқандда ўтказилган “Али полвон” хотира турнирида ҳамда 2005 йил Термиз шаҳрида ўтказилган Ҳаким Термизий хотира турнирида голиб бўлди. Таниқли полвон Жарқўрғоннинг фахри сифатида фидоийлик кўрсатиб, Ўзбекистоннинг спорт соҳасида дунёга танилишида муносиб хизмат қилмоқда.

Миллий курашимиз равнақига муносиб улуш қўшиб келаётган полвонларимиздан яна бири Илҳом полвон Даминов бўлади. Илҳом 1974 йил 14 июнь Термиз шаҳрида туғилган. 1995 йил Термиз давлат университетини тамомлаган. Ҳозирги вақтда Термиз давлат университети “Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси” кафедраси мудири бўлиб фаолият кўрсат-

моқда. 1995 йилда самбо кураши бўйича унга Ўзбекистон спорт қўмитаси томонидан халқаро тоифасидаги спорт устаси унвони берилди. Илҳом полвон 1990 йилда самбо бўйича Андижон шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионатида 2-ўринни эгаллади. 1991 йили эса Термиз шаҳрида бўлиб ўтган самбо кураши бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди. 1992 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган самбо бўйича Ўзбекистон биринчилигида 2-ўринни эгаллади. 1993 йил Россиянинг Омск шаҳрида самбо кураши бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида катталар ўртасида 3-ўринни эгаллади. 1993 йилда Термиз шаҳрида бўлиб ўтган кураш бўйича Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнирда 2-ўринни эгаллади. 1994 йил Жиззах шаҳрида Самбо бўйича ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида 2-ўринни эгаллади. 1997 йилда Термиз шаҳрида бўлиб ўтган кураш бўйича Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнирда 2-ўринни эгаллади. 1998 йил Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган самбо бўйича Ўзбекистон чемпионатида 2-ўринни эгаллади. 2001 йилда Термиз шаҳрида бўлиб ўтган кураш бўйича Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган халқаро турнирда 3-ўринни эгаллади. 1996 йил Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган дзюдо бўйича Ўзбекистон кубоги биринчилигида 2-ўринни эгаллади. 1998 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпионатида 3-ўринни эгаллади. 2014 йил “Дзюдо” ўқув қўлланмасини нашрдан чиқарди.

Абдураззоқ полвон Устаев Сурхондарё вилояти, Бойсун тумани Сайроб қишлоғида 1957 йилда туғилган. 2010 йил 2 сентябрдан Термиз давлат университети “Жисмоний тарбия ва спорт” кафедрасининг катта ўқитувчиси бўлиб фаолият кўрсатиб келмоқда. Самбо, дзюдо бўйича собиқ СССР спорт устаси. Кураш бўйича Ўзбекистон спорт устаси. 1975 йил Фарғона шаҳрида самбо бўйича Ўзбекистон чемпионатида ёшлар ўртасида 1-ўрин эгаллади. 1976 йил Тошкент шаҳрида талабалар ўртасида самбо кураши бўйича 82 кг вазнда 1-ўрин эгаллади. 1976 йил Бухоро шаҳрида радио ва телевидение соврини учун Ўзбекистон чемпионатида кураш бўйича 1-ўринни эгаллади.

1977 йилда Бухоро шаҳрида талабалар ўртасида самбо кураши бўйича 82 кг вазинда 1-ўринни, Хоразмда кураш бўйича Ўзбекистон чемпионатида 1-ўрин, мутлоқ вазинда 2-ўрин, самбо бўйича Ўзбекистон Кубогида 1-ўрин, Тошкент шаҳрида

Ўрта Осиё ва Қозоғистонда кураш бўйича 1-ўрин, Тожикистон очиқ халқаро турнирида самбо бўйича 2-ўрин, дзюдо бўйича Наманган шаҳрида халқаро турнирда 2-ўрин, Термиз шаҳрида дзюдо бўйича 3-ўринларни эгаллади.

1978 йилда эса Тошкент шаҳрида талабалар ўртасида самбо кураши бўйича 90 кг вазнда 1-ўрин, Тошкент шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони ҳам мутлок чемпиони, Қарши шаҳрида кураш бўйича XIII Ўзбекистон спартакиадасида 1-ўрин, Калининград шаҳрида самбо бўйича 2-ўрин, Тбилиси шаҳрида дзюдо бўйича 3-ўринларни эгаллади. 1979 йилда Хоразм вилоятининг Хонқа туманида талабалар ўртасида самбо кураши бўйича ўтказилган мусобақада 90 кг вазнда 1-ўринни, Хоразмда самбо бўйича Ўзбекистон чемпионатида 2-ўринни, Ўзбекистон “Буривесник” жамияти мусобақаларида самбо бўйича 1-ўринларни эгаллади.

1980 йилда Эстонияда ўтказилган мусобақада самбо бўйича 3-ўрин, Хива шаҳрида Ўзбекистон чемпионатида кураш бўйича 1-ўрин, мутлок вазнда 2-ўрин, “Буривесник” жамияти мусобақасида самбо бўйича 1-ўринни эгаллади. 1981 йил “Спартак” жамияти мусобақасида Наманган шаҳрида дзюдо бўйича 1-ўрин, “Пахтакор” жамияти собиқ СССР чемпионатининг Россиянинг Чайковский шаҳрида дзюдо бўйича мусобақасида мутлок чемпион, Қарши шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлди.

1993 йилдан Кураш бўйича Ўзбекистонда халқаро турнирларда миллий тоифадаги ҳакам, 2003 йил фахрийлар бўйича Термиз шаҳрида кураш бўйича жаҳон чемпионатида 2-ўринни эгаллади.

Элимизга ўзининг ҳалол кураши билан манзур бўлган полвонлардан бири Баҳром полвон Тошмурадовдир. У 1967 йил 9 ноябрда Термиз туманида туғилган. 1985 йилдан 2000 йилгача самбо кураши билан шуғулланган. Самбо кураши бўйича спорт усталигига номзод. 2000 йилдан миллий кураш билан шуғуллана бошлади. 2004 йилда Республика тоифасидаги ҳакам даражасини олди. 2005 йилдан 2015 йилгача Сузиш спорти бўйича Сурхондарё вилоятида бош мураббий, 2014 йилдан Термиз Давлат университети доценти унвонини олган номдор полвонлардан саналади.

Айтиш жоизки, Термиз давлат университети жисмоний маданият факультетининг ҳам миллий курашимиз равнақиға қўшаётган улуши анчагина самарали ва қувонарли бўлмоқда. Кейинги йилларда мазкур олий даргоҳда таълим олаётган кўплаб спортчи йигит ва қизлар нафақат республикамизда, балки халқаро мусобақаларда ҳам фаол қатнашиб, ғолибликни қўлга киритиб, юртимиз байроғининг баланд кўтарилишига эришмоқда. Ана шундай умидли полвонларимиздан бири Қандиев Файзулло саналади. 2011 йил дзюдо кураши бўйича Республика чемпиони, Қозоғистонда халқаро турнирда 1-ўрин, 2011 йил Тошкентда халқаро турнирда 1-ўрин, 2011 йил Тошкентда халқаро турнирда 3-ўрин, Қозоғистонда халқаро турнирда 1-ўрин, 2013 йил Қозоғистонда халқаро турнирда 1-ўрин, 2013 йил Ўзбекистон чемпионатида ёшлар ўртасида 1-ўрин, 2013 йил Қозоғистонда хотира турнирида 2-ўринларнинг совриндори бўлди.

Яна бир умидли полвонимиз Чориев Ниёзбекдир. Ниёзбек кураш ва дзюдо бўйича вилоят, республика ва халқаро турнирлар ғолиби, Қашқадарё вилоятида Ёшлар ўртасида республика биринчилигида олтин медал соҳиби (2008 йил), Навоий вилоятидаги ёшлар ўртасида кумуш медал соҳиби (2008 йил), Тошкент вилоятида ёшлар ўртасида олтин медал (2009 йил), Англия давлатида Президент кубоги учун турнирда олтин медал соҳиби (2010), Термиз шаҳрида бўлиб ўтган “Баркамол авлод” спорт ўйини олтин медал соҳиби (2011 йил), “Универсиада” 2013 спорт мусобақасида бронза медал соҳиби. Термиз шаҳрида бўлиб ўтган Республика чемпионатида бронза медал соҳиби (2014 йил), спорт устаси.

Термиз давлат университетининг фахрига айланган ёш полвонлардан яна бири Тўхташев Санжар саналади. Тўхташев Санжар 1988 йил 10 сентябрда Жарқўрғон туманида туғилиб, 1995—2004 йилларда Жарқўрғон туман 29-умумий ўрта таълим мактабида ўқувчи, 2004-2007 йилларда Андижон Олимпия захиралари спорт коллежи талабаси, 2011 йилда Термиз давлат уни верситети жисмоний маданият факультети талабаси. Талабалик давридан оқ устозлар назарига тушиб, шаҳар, вилоят, республика миқёсидаги миллий кураш мусобақаларида танилди ва спорт соҳасида камол топди. Миллий ўзбек кураши бўйича бир неча бор вилоят, республика ва халқаро турнирлар ғолиби ва совриндори, Осиё ўйинларининг ғоли-

би, (2012 йил Ўзбекистон кубогида 1-ўрин), (2013 йил Ўзбекистон чемпионатида 1-ўрин), (2013 йил “Универсиада”да 2-ўрин), (2013 йил Жанубий Кореяда Осиё ўйинларида 1-ўрин), (2014 йил Ўзбекистон чемпионатида 1-ўрин). Халқаро тоифадаги спорт устаси.

Элимизнинг назарига тушган полвонларимиздан яна бири Холмахматов Шароф полвон саналади. У спортнинг вилоят, республика ва халқаро турнилари ғолиби ва совриндори, Жаҳон чемпионатининг ғолиби ва совриндори. Осиё биринчилигининг ғолиби, “Универсиада” спорт ўйинларининг совриндори. Халқаро тоифадаги спорт устаси.

Давлатимиз раҳбарияти ва халқимиз эътибори ва ғамхўрликларини чуқур ҳис қилган ёшларимизнинг келажакка ишонч билан қараб, мамлакатимизнинг буюк келажagini кўзлаб билим олаётганларини, меҳнат қилаётганларини кўриб, қувонасан киши. Ҳамма соҳаларда бўлгани каби, Сурхон ёшлари ҳам миллий курашимиз ривожига ўз ҳиссаларини кўшмоқдалар. Қуйида биз сизни ана шундай ёш полвонлар билан таништирамиз.

Нодир Полвон Эгамбердиев 1994 йилда туғилган. Вазни — 44 кг. Иқтидорли ёш полвон. 2006 йил “Умид ниҳоллари” спорт мусобақасида I даражали диплом билан мукофотланган. 2006 йил 22—23 август кунлари “Ёз—2006” спорт мусобақасида I ўринни олди. “Ёз—2007” мусобақасида I даражали диплом билан тақдирланди. 2007 йили “Умид ниҳоллари” мусобақасида II ўринни эгаллади. Бир қанча кураш мусобақаларининг диплом ҳамда фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган. 2008 йил Фарғона шаҳрида ўтказилган Мўмин ҳожи Фозилов халқаро кураш хотира турнири ғолиби.

Жасур Полвон Суюнов 1994 йилда туғилган. Вазни—40 кг. 2007 йил “Умид ниҳоллари” мусобақасида ўрта мактаб ўқувчилари орасида 800 метрга югуриш бўйича III даражали диплом билан мукофотланди. 2007 йил “Умид ниҳоллари” спорт мусобақасида кураш бўйича I ўринни олган. “Маҳалламиз паҳлавонлари” кураш турнири ғолиби, “Алпомиш” соврини учун ўтказилган мусобақа совриндори Тўра полвон Худоёров 1989 йилда туғилган. Республика чемпионатининг 2003 йилда ўтказилган мусобақа қатнашчиси. 2005 йил Ҳаким Термизий III саралаш турнирида II ўринни олди. “Алпомиш” соврини учун ўтган

мусобақа совриндори.

Соатмурод полвон Бердиалиев 1984 йилда туғилган. Вазни — 81 кг, спорт усталигига номзод. 2002 йил кураш бўйича мусобақа ғолиби. 2002 йил Жиззах шаҳрида ўтказилган кураш бўйича республика чемпионатининг қатнашчиси. Мусобақаларда диплом ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотланган. Ҳаким Термизий хотира турнири совриндори.

Азиз полвон Худойназаров 1990 йилда туғилган. Вазни — 55 кг. 2005 йил Термиз шаҳрида ўтказилган кураш турнирининг совриндори. Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган туман мусобақасида I ўринни олган. 2005 йил Жиззах шаҳрида ўтказилган республика чемпионатида биринчиликни қўлга киритди. 2005 йил Термиз шаҳрида ўтказилган мусобақада вилоят биринчилигини олган. 2006 йил самарқандлик машҳур полвон Алибек Пиримов хотира турнирининг қатнашчиси. 2006 йил Қарши шаҳрида ўтказилган “Умид ниҳоллари” республика мусобақасининг иштирокчиси.

Нуриддин полвон Ортиқов 1983 йилда туғилган. Вазни — 73 кг. “Умид ниҳоллари” спорт ўйинлари туман босқичида II ўринни, 1983—1985 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси биринчилигида I ўринни, 2005 йил Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган III саралаш турнирида I ўринни олди. Тўй ва сайилларда ташкил этилаётган курашларда ғолибликни қўлга киритиб келмоқда. Республика чемпиони, спорт устаси.

Холбек полвон Норбоев 1984 йилда туғилган. Вазни — 66 кг. 2003 йил Ҳаким Термизий халқаро турнири туман босқичида I ўрин, вилоят босқичида I ўринни эгаллади.

Вилоят коллежлари ўртасида “Баркамол авлод” спорт ўйинлари дастурида кураш бўйича II ўринни одди. 2004 йил “Меҳрмурувват йили”га бағишланган турнирда III ўринни, 2004 йил коллежлар ўртасидаги мусобақада I ўринни эгаллади. “Маҳалламиз пахлавонлари” миллий кураш мусобақаси ғолиби, спорт усталигига номзод.

Ўктам полвон Камолов 1985 йилда туғилган. Вазни - 100 кг. “Умид ниҳоллари” спорт ўйинлари ғолиби. 2005 йил Ал-Ҳаким ат-Термизий VII саралаш турнирида туманда биринчи ўринни олди. Туман ва вилоятда ўтказилаётган мусобақа ва тўйларда бош тобоқ совриндори бўлиб келмоқда.

Ўрол полвон Ортиқов 1979 йилда туғилган. Вазни — 81 кг. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни муносабати билан ўтказилган курашда бош соврин соҳиби. Ўзбекистон Республикаси чемпионатида III-ўринни эгаллаган. Термиз шаҳрида ўтказилган республика чемпионатининг мутлоқ ғолиби, Ҳаким Термизий VII саралаш турнирида туман бўйича I ўринни олди. Спорт устаси. Кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони. Кўплаб турнирлар ғолиби.

Маҳмуд полвон Раимқулов 1991 йилда туғилган. Вазни — 66 кг. 2005 йил 9—11 сентябрь кунлари Термиз шаҳрида ўтказилган кураш бўйича мусобақа совриндори. Кўплаб мусобақаларда кураш тушиб, ғолиб бўлган, фахрли ўринни эгаллаган, диплом ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган. “Алпомиш” соврини учун кураш бўйича ўтказилган мусобақа ғолиби.

Дилмурод полвон Хўжаназаров 1991 йилда туғилган. Мактабда ўқиш билан бир қаторда етти мартаба республика миқёсидаги беллашувларда куч синашиб 1-, 2-, 3-даражали диплом ва медалларни қўлга киритди. У кураш ва каратэ бўйича республика чемпиони.

Ангор туманининг келажаги порлоқ ёш полвонлари: Баҳодир Умбаров, Холмурод ва Йўлдош полвонлар, Мухтор Алимардонов, Қаҳрамон Ашуров, Бойсун туманидан Ботир Бозоров, Бўрибой Тўйчиев, Алишер Қодиров, Музработ туманидан Нурмуҳаммад Ўтаганов, Олтинсой туманидан Нурулло Баҳриддинов, Суюн Худойқулов, Сариосиё туманидан Мўмин Саидов, Абдулла Тошев, Термиз туманидан Тўра Ўтаев, Акабой полвон, Жарқўрғон туманидан Ўрол Ортиқов, Жонибек Маматқулов, Хумоюддин Эшонқулов, Отабек Ҳақбердиев, Фахриддин Худоёров, А.Болтаев, Нуриддин Мусурмонқулов, Термиз шаҳридан Икром Мамадалиев, Баҳодир Ҳасанов, Баҳром Арзиев, Илҳом Даминов, Узун туманидан Эсон Аллабердиев, Хўжаназар Жумаев, Ҳазратқул Қурбонов, Шеробод туманидан Очил Қўзиёв, Қаҳрамон Эломонов, Даврон Бўриёв, Шўрчи туманидан Қаҳрамон Сафаров, Бахтиёр Шерхонов, Бахтиёр Қўзибоев, Менгликул Лолаев, Қизириқ туманидан Карим Жўрақулов, Қумқўрғон туманидан Санжар Тўхташев, Жўра Тўраев, Аваз Абдуллаев, Акбар Рустамовлар ўзларининг ҳалол кураши билан эл-юрт ҳурматиغا сазовор бўлмоқдалар.

ХУЛОСА

Мустақиллик халқимизга улуг имкониятлар, битмас-туганмас бахт ва иқбол ато қилди. Муҳтарам Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, “Бир сўз билан айтганда, истиқлол биз учун тараққиётнинг бутунлай янги, кенг уфқларини очди. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан яратадиган бўлдик.

Ҳаётимиз ва умумий хонадонимизни миллий манфаат ва қадриятларимизга умум эътироф этилган демократик мезонларга монанд қилиб қуришдек ноёб тарихий имкониятга эга бўлдик.. Бу жуда катта бойлик” ҳақиқатан ҳам халқимиз истиқлолдан кейингина бахт нималигини, озодлик қандай мўътабар туйғу эканлигини, ўз меҳнатининг самарасидан бахраманд бўлишдек имконият нима эканлигини англади. Истиқлол ёшларимизни жисмонан соғлом, ақлан теран, маънан етук қилиб ўстиришдек улкан бахтни берди бизга.

Айнан ўзбек миллий кураши ҳам мустақиллик туфайли яна қаддини тиклади, нафақат қаддини тиклади, балки жаҳон бўйлаб кенг тарқалди. Миллий курашимизга асос қилиб олинган “чала”, “ёнбош”, “ҳалол”, “дакки” каби ўзбекона сўзлар жаҳон спорт ареналарида янграй бошлади. Албатта, ана шу сўзларнинг бутун дунё бўйлаб тарқалиши ҳар биримизнинг қалбимизга олам-олам қувонч ва ифтихор туйғуларини солиши табиийдир.

Муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, “мамлакатни ҳеч нарса спорт каби дунёга тезда танита олмайди”.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди, кўплаб ютуқлар қўлга киритилди. Ана шу улуг ишлар самараси сифатида минглаб спорт иншоотлари, стадионлар, спорт мактаблари, тринажёрлар, сузиш ҳавзалари бунёд этилди. Мамлакатимиз бўйлаб минглаб спорт мусобақалари ўтказила бошлади. Ёш авлодни ҳар томонлама чиниққан, соғлом ва жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш мақсадида “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт мусобақалари ўтказила бошлади. Мамлакатимиз спортчилари кўплаб халқаро мусобақаларда, жумладан, Параосиё, Осиё, Олимпия ўйинларида нуфузли ўринларни эгаллай бошлади. Бу ютуқларнинг замирида энг аввало юртимизнинг озодалиги, тинчлиги ва барқарорлиги муҳим ўрин тутади.

Мамлакатимизнинг жанубий вилояти саналган Сурхондарё вилоятида ҳам мустақиллик шарофати туфайли спорт соҳасида улкан ютуқларга эришилди. Жумладан, 1991 йилда вилоят бўйича 132 минг нафардан ошиқ киши спортнинг 23 тури бўйича ташкил этилган спорт секция ва бўлимларида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланган бўлса, ҳозирги кунда вилоят бўйича спортнинг 37 тури бўйича жами 484 минг 785 нафар (шундан 23 минг 576 нафари хотин-қизлар) киши жисмоний тарбия билан шуғулланиб келмоқда.

Вилоятда спортнинг 37 тури бўйича ташкил этилган 9 минг 902 та спорт секция ва бўлимларида дарсдан кейин жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сони 251 минг 466 нафарни ташкил этди.

Бугунги кунда аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда вилоятда жами 4124 та спорт иншоотлари аҳолига беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда. Жумладан, вилоят бўйича жами 29 та стадион 648 та спорт заллари, 6 та сузиш ҳавзаси, 1 та ёпиқ отиш тири, 1 та отчопар, 1 та ўқ отиш ва стендага отиш жойи, 582 та баскетбол, 1038 та волейбол, 437 та гандбол, 37 та теннис корти, 696 та футбол майдони, 299 та мини-футбол майдони, 276 та енгил атлетика ядро майдони, 73 та бошқа спорт майдончалари аҳолига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ал-Ҳаким ат-Термизий" хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича халқаро турнирни ташкил этиш тўғрисида"ги 112-сонли қарори асосида ҳар икки йилда бир маротаба Ҳаким Термизий хотирасига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун миллий кураш бўйича халқаро турнир 1993 йилдан бошлаб Термиз шаҳрида анъанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. Жумладан, 2013 йилда ўтказилган XI халқаро турнирга дунёнинг 40 га яқин давлатларидан меҳмонлар ва курашчилар иштирок этишди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу турнир иштиёқмандлари дунёнинг барча қитъаларида кўплаб топилади. Бу эса барчамизни чексиз даражада қувонтиради.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РҲЙХАТИ

1. **Каримов И.А.** Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т.1.-Т.: "Ўзбекистон", 1996. -36—86 б.
2. **Каримов И.А.** Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.3.–Т.: "Ўзбекистон", 1996. -175—366 б.
3. **Каримов И.А.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ.Т.7. -Т.: "Ўзбекистон", 1998.- 132—154 б.
4. **Каримов И.А.** Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8- жилд.Т., "Ўзбекистон",2000.79 бет.(Алпомиш достони"нинг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. Т.8. -Тошкент.: "Ўзбекистон", 2000. -78—82 б.)
5. **Каримов И.А.** Жайхун соҳилидаги боқий шаҳар. Т.10.-Т.: "Ўзбекистон", 2002. -.307-315 б.
6. **Каримов И.А.** Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. -Т.: "Ўзбекистон", 2006. -274 б.
7. **Каримов И.А.** Юксак маънавият - энгилмас куч. -Т.: "Маънавият", 2010.-173 б.
8. **Каримов И.А.** Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари.Т.17. -Т.: "Ўзбекистон", 2009. -227—233 б.
9. **Каримов И.А.** Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида, Тошкент.: "Ўзбекистон", 2011. -439 б.
10. **Каримов.И.А.** "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" - Тошкент: "Ўзбекистон", 2015. 302 бет.
11. **Абдуллаев В.А.** Ўзбек адабиёти тарихи. Учинчи нашри. Махсус муҳаррир А.Қаюмов.-Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – 348 б.
12. **Аширов А.** Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари.-Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007.
13. Алпомиш: Рустамхон. Сўзбоши муаллифи М.Муродов. -Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. -448 б.
14. "Алпомиш" – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси". – Тошкент: 1999.
15. "Алпомиш" достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти" мавзуйидаги халқаро конференция материаллари. Тошкент.: "Фан".1991.164б.
16. **Асомиддинов М.** Кийим-кечак номлари. – Тошкент: Фан, 1981.
17. **Алишер Навоий.** Асарлар. 15 томлик. 14-том. –Тошкент: Ғофур Ғулум номидаги бадиий адабиёт нашриёти,1967. – 272 б.
18. **Амир Темур.** Амир Темур ўғитлари. Тузувчилар: Б.Аҳмедов, А.Аминов. – Тошкент: Наврўз, 1992.
19. **Аширов А.** "Авесто"дан мерос маросимлар. Т.: 2001.
20. **Абу Али Ибн Сино.** Ҳикматлар Т.: "Ўзбекистон" 1980.
21. **Абулғозий Баходирхон.** Шажарайи Турк. Т. 1992.
22. **Ахмедов Б.** Ўзбек улуси Т. 1999.
23. Баҳор байрамлари. Наврўз хикматлари. Наврўз дастурхони. Тузувчилар: А.С.Мадраҳимов, И.Э.Увайтов. –Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1994.

24. Бахши. ЎзМЭ. 1-ТОМ. – Б. 653.
25. **Беруний Абу Райҳон.** Уйлар, ҳикматлар, нақллар, шеърлар. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Абдусодиқ Ирисов. –Тошкент: Ёш гвардия, 1973.
26. **Бўриев О, Очилов А.** Қашқадарё воҳаси этномаданий қадриятлари. Тошкент: “Yangi nashr”.2014 йил.
27. **Бўриев О** ва бқ. Ўзбек оиласи тарихидан Т., 1995.
28. **Бўриев О.** Ўзбек халқи бой қадриятлари. Қарши, 2005.
29. **Гумилев Л.Н.** Қадимги турклар Т., 2007.
30. **Давлатова Ш, Давлатова М.** Шержон қишлоғи тарихи. Т.; “Санъат” журнали нашриёти 2007.
31. **Дониёров А.Х.** Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. Т.: 2003.
32. **Жўраев М.** Ўзбек халқ эртақларида “Сехрли рақамлар”. –Тошкент: Фан, 1991. –153 б.
33. **Жўраев М.** “Алпомиш” достонининг Сурхондарё талқинлари // Moziydan sado. – 2013.–№ 3. (59). –Б.14–18.
34. **Жабборов И.** Ўзбеклар. Т, 2007.
35. **Жабборов И.М.** Ўзбек халқи этнографияси. Т. 1995.
36. **Жўраев Н.** Ўзбек мавсумий байрамлари ҳақида.Т, 2008.
37. **Зуннун Н, Зуннунов Н.** Донишмандлар одоб-ахлоқ тўғрисида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986.
38. Замонавий бадиий маданиятда фольклор ва халқ ижодиёти. Бойсун баҳори очиқ фольклор ва фестивали халқаро илмий конференция материаллари, 2002.
39. **Заки Валидий Тўғон.** Ўзбек уруғлари. Т. 1992.
40. **Иброҳимов А.** Бизким ўзбеклар. –Тошкент: Шарқ, 1999.
41. **Иброҳимов Ўроқ.** Спорт ва қадрият. Тошкент.: “Янги аср авлоди”. 2009 й.99 б.
42. **Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О.** Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. –Тошкент: Ўқитувчи, 1990. –304 б.
43. История всемирной литературы. В девяти томах. Том Третий. –Москва: Наука, 1985. – 816 с.
44. **Ирисов А.** Ҳаким Ибн Сино. Т., Ўзбекистон 1992.
45. **Исмоилов Х.** Ўзбек тўйлари Т., 1994.
46. **Ким Ю.С. Югай Л. П.** Основы дзюдо 2005.
47. **Керимов Ф.А.** Спорт кураши. Тошкент, 2005.
48. **Карабаев У.** Этнокультура. Т.: 2006.
49. **Кайковус.** Қобуснома Т. : Мерос 1992.
50. **Маманазаров Чори.** Қумқўрғон. Қарши. “Насаф”. 2006. 111 бет.
51. Минг бир ҳадис. –Тошкент: Ўзбек маскани, 1991.
52. **Мирзаев Т., Саримсоқов Б.** Ўзбек халқ мақоллари. А-О. I-том. . –Тошкент: Фан, 1987.
53. **Мирзаев Т., Саримсоқов Б.** Ўзбек халқ мақоллари. П-ҳ. II-том. –Тошкент: Фан, 1988.
54. **Муродов М. ,Эргашев А.** Алпомишнома. 1–2- китоблар. –Тошкент: Меҳнат, 1999. – 485 б.
55. **Муртазов Б.** Ҳикматлар оламида // Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳаёти ва ижо-

дий фаолияти. Ёш авлодни тарбиялашда курашнинг ўрни ва аҳамияти. Халқаро илмий анжуман материаллари. –Термиз:Университет, 2011.– Б.105 –108.

56. **Мустафоқулов Р.** Халқ педагогикаси сарчашмаси. –Термиз:
57. **М. Рахимов.** Шарқ алломалари халқ ўйинлари ҳақида. Т.: Мерос 2002.
58. Муаллифлар жамоаси. Сурхондарё тарихидан лавҳалар. Тошкент. “Нур” 1991.
59. **Маҳмуд Саттор.** Ўзбек удумлари. Т.: 1993.
60. **Маҳмуд Қошғарий.** Девону луғотит турк. Тошкент 3-жилд. 1963 й.
61. **Наджиб Э.Н.** Исследования по истории тюркских языков XI – XIV веков. –Москва: Наука, 1989. –284 с.
62. **Низомов А.** Ҳисор булоқлари. Тошкент.: “Меҳнат”. 1989.84 бет.
63. **Норбоев Ҳақберди Ҳожи.** “Сурхон полвонлари.” “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Т. 2010. 95-бет
64. **Норалиев Ж.** Алпомиш юртга қайтди. – Тошкент: Ёзувчи, 1998. – 96 б.
65. **Норқобилов Н.** Жўшқин дарё.–Тошкент: Фан. 2005. – Б.31.
66. **Назаров Н.** Лақайлар. Т., 2007.
67. **Омонтурдиев, Жаббор.** Маърифатнома. –Тошкент: Mumtoz so'z, 2013. –232.
68. **Омонтурдиев Ж.** Ал-Ҳаким ат-Термизий таълимоти. Т.: Университет 2000.
69. **Паҳлавон Маҳмуд.** Ким агар озоддур Т.: Ф. Фулом номидани нашриёт матбаа бирлашмаси 1992 й.
70. **Ражабов Озод.** Белида белбоғи бор. Тошкент.: “Янги аср авлоди”, 2005. 90 б.
71. **Рўзи Мустафо, Болта Ёриев.** Алпомиш талқинлари Термиз 2000.
72. **Сагдуллаев А** Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда.– Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 112 б.
73. **Тўрабоев Б.С. Даминов И.А.** Дзю-до Тошкент “Тафаккур нашриёти” 2014.
74. “Темурнома: Амир Темур Курагон жангномаси. Нашрга тайёрловчи П.Равшанов. –Тошкент: Адабий-бадиий нашр, 1991. –352 б.
75. **Тошпўлатов Ж, Мустафоқулов Р.** “Алпомишлар афсона эмас”. “Янги аср авлоди”. НММ, 2007.Т.122-бет.
76. **Турсунов С., Қобилов Э., Пардаев Т., Муртазоев Б.** Сурхондарё тарих кўзгусида. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 384 б.
77. **Турсунов С., Қобилов Э., Муртазоев Б., Пардаев Т.** Сурхондарё тарихи. –Тошкент: Шарқ, 2004. – 608 б.
78. **Турсунов С, Т. Пардаев ва бошқ.** Сурхондарё – этнографик макон. –Тошкент: “Akademnashr”, 2012.
79. **Турсунов.С.Н.** Шеробод тарихидан лавҳалар. Тошкент. “Yangi nashr” 2014 й.
80. **Турсунов. С.Н.** Шўрчи тарихидан лавҳалар. Тошкент. “Fan va texnologiya” 2014 й.
81. **Турсунов С.Н. Пардаев Т.Р. Турсунова Н.М. Муртазоев Б.** Ўзбекистонда бахшичилик санъатининг шаклланиши ва тараққиёти тарихи. Тошкент: “TAFAKKUR”, 2015 йил.
82. **Турсунов С.Н, Пардаев Т.Р, Бегимқулов О.** Ўзбек миллий кураши тарихи ва анъаналари. Рангли китоб.Тошкент: “Yangi nashr” 2015 йил.
83. **Турсунов Н.** Бухоро удумлари. Т., 1994.
84. **Турсунов Н.Н.** Жанубий Сурхон воҳаси этнографияси.Тошкент: “Yangi nashr”, 2015 йил.
85. **Тошпўлатов Ж.** Ўзбек кураши. Т, 2005.

86. **Тошпўлатов Ж, Абдурасул Жумакул**, Сурхон полвонлари, Т. Жайхун 1995 й.
87. "Тошбосар" дoston тўплаб нашрга тайёрловчи Р. Мустафоқулов. Т., Жайхун 1998 й.
88. **Турсунов С. Пардаев Т ва б.** Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Сурхондарё этнографияси Т. 2005.
89. **Турсунов С, Пардаев Т ва бошқалар.** Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи. Т., 2014.
90. **Умаров И ва б.** Сурхон воҳасида этник тарих ва этномаданий жараёнлар. Т. "Миллий кутубхона" 2014.
91. **Хўжамбердиев Ё.У.** Сурхондарё вилояти Кўхитангтоғ ва тоғ олди микро-топонимлари луғати. –Термиз: Университет нашриёти, 2012.– 108 б.
92. "Хурсуна" дoston. Тўплаб нашрга тайёрловчи Р. Мустафоқулов. Т.: Жайхун 1999.
93. **Чориев З.** Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. –Тошкент: Академия, 2002.
94. **Чориев З ва бошқалар.** Ал-Ҳаким ат-Термизий. Т., Янги аср авлоди 2001.
95. **Шомаҳсудов Ш, Шораҳмедов Ш.** Ҳикматнома. –Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси, 1989.
96. **Шораҳмедов Д, Аминов М.** Маънолар махзани. –Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, Давлат илмий нашриёти, 2001.
97. **Шониёзов К.** Қанғ давлати ва қанғлилар. Т., 1990.
98. **Шониёзов К.** Қарлуқ давлати ва қарлуқлар. Т. 1999.
99. **Элов А.Н. Арслонов Ш.** Дзю-до Тошкент 2005.
100. **Эргаш Жуманбулбул ўғли.** Булбул тароналари. 1-5- жилдлар. –Тошкент: 1971–1973.
101. **Эргашева Ч.** Ижрочилик пайравлари // MOZIYDAN CADO. – 2013.– № 3. (59.– Б. 34 – 35.
102. **Эргашев А, Халилов Д.** "Ёзи ва Зебо" – ишқ дostonи. – Қарши: Насаф, 2000.
103. **Эшбоев Т.** Шўрчи шухрати — инсон қудрати. Т.: "Янги аср авлоди" 2007.
104. Ўзбек халқ қаҳрамонлик дostonи. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 400 б.
105. УзМЭ.2005. 10. том. 46, 76, 112, 240, 346, 639 бетлар.Тура Мирзаев. "Ширин билан Шакар". "Шохнома". "Юсуф ва Зулайҳо".
106. Ўзбек тилининг изоҳи луғати Т., 2008 й.
107. Қанотли сўзлар: мақоллар, маталлар, ҳикматли сўзлар. / Тўплаб. нашрга тайёрловчи Э.Сиддиқов. –Тошкент: Ёш гвардия,1986.
108. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2006.
109. **Қорабоев У.** Ўзбекистон байрамлари Т.. 1999.
110. **Қодиров Б.** Чинор япроғи. Т., 2008.
111. Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. Тақдирлар, ҳикматлар. афоризмлар. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2002.
112. **Ҳаққулов Иброҳим.** "Қамол эт қасбким...". – Тошкент: Чўлпон, 1990.
113. Ҳикматлар хазинаси. –Тошкент: Ёш гвардия, 1977.
114. Ҳикоят ва ривоятлар. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983.
115. **Хусайн Воиз Кошифий** "Футувватномаи султоний ёхуд жузвонмардлик тариқати" Т. Мерос - 1990.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Сурхондарё вилоятининг қисқача тарихий таснифи	10
Сурхон воҳасининг меъморий ёдгорликлари	13
Сурхондарё йилномасидан лавҳалар	15

I боб. Ўзбек миллий курашининг тарихий илдизлари

1.1. Ўзбек миллий кураши тарихи	24
1.2. Сурхон воҳасида миллий кураш тарихи	34
1.3. Барчиной авлодлари	57

II боб. Мустақиллик ва ўзбек миллий кураши анъаналарининг раванқи

2.1. Мустақиллик йилларида ўзбек миллий кураши тараққиёти	61
2.2. Ўзбек миллий кураши билан боғлиқ турнирлар	71
2.3. Мустақиллик йилларида миллий курашнинг жаҳон спорт турига айланиши	81

III боб. Ўзбек миллий курашини мадҳ этган дostonлар

3.1. “Алпомиш” дostonида акс этган полвонлик хислатлари	113
3.2. Замонавий дostonчиликда миллий кураш талқини	119
3.3. Сурхон полвонлари ҳақида ҳикоялар	125
Хулоса.....	197
Фойдаланилган манба ва адабиётлар руйхати	199

ИЛМИЙ-ОММАБОП НАШР

С. ТУРСУНОВ
Т. ПАРДАЕВ
О. БЕГИМҚУЛОВ

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУРАШИ ТАРИХИ ВА АНЪАНАЛАРИ

Монография

Муҳаррир:	Менгнор ОЛЛОМУРОД
Масъул муҳаррир:	Болта ЁРИЕВ
Техник муҳаррир:	Жума ШАЙМАТОВ
Мусахҳих:	Гулчехра РАҲМАТОВА
Саҳифаловчи:	Гулнора МЎМИНОВА

Нашриёт лицензияси АИ № 257, 31 декабрь 2014 йил.
Теришга 21.IX.2015 йилда берилди. Босишга 15.XII.2015 йил-
да рухсат этилди. Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. Офсет қоғози. Pragmatik
TAD гарнитураси. Шартли босма табоғи 11.85. Нашр босма
табоғи 10.51. 515 - сонли шартнома. 1824- сонли буюртма.
Адади 1000 нусхада. Эркин нархда

НАШРИЁТ МАНЗИЛИ:

Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 30-уй.
Тел: (+99876)223-24-74.

БОСМАХОНА МАНЗИЛИ:

«Сурхон-Нашр» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, 30-уй.



ISBN: 978-9943-4580-0-0

